

84(54)4
В Н 57

МУРАТБАЙ НИЗАНОВ

ОХИРАТ

уйқуси



УЎК 821.512.133-31


КБК 84(5Ў)-44

Н 57

Қорақалпоқ тилидан
Ғафур Шермуҳаммад таржимаси

Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Муратбай Низановнинг «Охират уйкуси» деб номланувчи ушбу романида ўтган давр воқеаларини ёритишга ҳаракат қилинган. Муаллиф ўз қахрамонлари бошидан кечирган мураккаб вазиятларни ортиқча бўяб-бежамасдан, ниҳоятда ишонарли тарзда гавдалантиришга ҳаракат қилган. У инсон табиатидаги чигалликларни, ҳаётнинг турфа зиддиятларини ҳаққоний ёритишдан чўчимаган. Роман қахрамони Ўтамурот охират уйкусига кетиш олдидан ўз ҳаётини кинолента каби кўз олдидан ўтказади. У одамларга қилган яхшиликларини, билиб-билмай йўл қўйган хатоларини, яқинларига нисбатан қилган хиёнатларини сарҳисоб қилади.

Ушбу китоб ҳам муаллифнинг бошқа китоблари катори Сиз азиз ўқувчиларга манзур бўлади деган умиддамиз.



7.19

ISBN 978-9943-25-507-4

© М. Низанов, 2018
© Ғ. Шермуҳаммад (тарж.), 2018
© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2018

***Тўқсон – яшайин деган ёшиммиди,
Арпа толқон – ошайин деган ошиммиди...***

Ўтамурот бу икки қатор шеърни олти-етти яшар гўдаклик пайтларида эшитган эди. Одам болалигида хотирасида мухрланиб қолган гапни бир умр унутмас экан. Бўлмаса, у ўшандан кейин бу байт-ни китобларда ҳам ўқигани йўқ, бошқа бировдан ҳам эшитгани йўқ. Мурғаклигида эшитганича шуурига чуқур сингиб қолди.

Бу қўшиқни уларнинг уйида яшайдиган Бозор кампир вақти-вақти билан минғирлаб такрорлаб турарди. Бозор кампир – Ўтамуротнинг алақачонлар раҳматли бўлиб кетган бувасининг опаси эмиш. Унинг бу уйда яшашининг сабаби Ўтамуротга қоронғи эди. Билгани – ҳамма тенгдошларининг биттадан бувиси бор, лекин уларнинг уйида иккита кампир яшайди.

Ўтамурот эсини танигач, Бозор кампирнинг ўша нақлни такрорлашга ақли етганига хайрон бўла бошлади. Чунки шарти кетиб, парти қолган кампирнинг эси ҳам кирарли-чиқарли эди. Овқат маҳали Кенжагул бувиси Бозор кампирни ёш боладай елкасига опичлаб дастурхон бошига олиб келарди-да, емак-ичмагини олдиға қўярди. Бувиси уни бошқаларнинг қўзи тушмасин деб сал қиялатиб ўтқазарди. Биратўла тесқари ўтқазиб қўйишға худодан қўрқарди.

– Эй, тавба!.. Сен бояқишнинг худога нима ёзганинг бор экан-а? Бундай хор-зор қилгандан кўра, тезроқ омонатини олиб кўя қолмайдими? – дея ёзғирарди бувиси тўлиб кетган вақтларида. Бироқ шу заҳоти хушёр тортиб, кўксига туфларди. – Тилим қурсин менинг. Ўзимча нималар деб вайсаяпман-а!

Бир кампир бошқасини опичлаб юрган вақтларда Ўтамурутнинг онаси Эпжим ўнғайсиз аҳволга тушарди. Қайнонасининг неча бор «сен аралашма» дея дашном берганига қарамай, югуриб бориб унинг елкасидан Бозор кампирни олишга уринарди. Бироқ Кенжагул кампир барибир ўз билганидан қолмасди.

– Кўявер, болам, сен ёш жонсан, тагин кўрқиб-петиб ўтирма, – дерди уни қўли билан итариб.

Эпжим ноилож бир-икки одим ортга чекинарди-да, қайнонаси кекса кампирни саришталаб бўлмагунча дастурхон бошига ўтирмасди.

Бозор кампирни дастурхон бошида қиялатиб ўтқазишлари бежиз эмасди. Унинг овқат ейишига кўзи тушган одамнинг томоғидан лукма ўтиши даргумон эди. Бозор кампир чапиллатиб овқат еяётганда оғзидаги лукмасининг ярми тишсиз милклари орасидан сизиб чиқиб, лабларининг четидан оқиб кетаверарди. Аммо унинг парвойи фалак. Афтидан, бу ҳолатни ҳис қилишга кампирнинг хиралашиб қолган ақли ожизлик қилса керак. Кенжагул бувиси унга чойни ҳам пиёлада чайқаб-чайқаб, совитиб ичирарди. Унинг ўзи буни удалолмасди. Мабодо кимдир билмасдан қайноқ чой бериб қўйса, Бозор кампир оғзини куйдириб олиб, ёш боладай хўнграб йиғлашга тушарди. Юпатганга кўнмасди. Ўзининг узоқ яшаб хор бўлганидан полигандай ўксиб-ўксиб йиғларди. Бошқалар бирин-кетин дастурхон тепасидан туриб кетишар, дамланган чой дамланга-

нича колаверарди. Шуни яхши билган Кенжагул бувиси Бозор кампирнинг ёнидан бир қадам ҳам жилмасди. Кейинги вақтларда у тўй-маъракаларга ҳам чикмай қўйганди. Эртадан-кечгача ожиз-нотавон кампирни ёш боладай парваришлаб ўтирарди. Ёш бола-ку вақт ўтиши билан ақлини йиғиб олади, лекин Бозор кампир тобора путурдан кетиб бормоқда эди.

Овулда эшикка кулф осиш одат бўлмаса-да, Ўтамуротларнинг дарвозаси доим занжирланган бўларди. Чунки Бозор кампир хожатга чиқишни истаса, уйда одам бор-йўқлигига қараб ўтирмасди. Бундай пайтларда ҳамма уйга ёки ташқарига чиқиб кетишарди. Ёлғиз бувисигина енгини шимариб, шоша-пиша унинг бошига етиб борарди.

– Вой, шўрманглай! «Чиш қиламан» дейдиган нораства ҳам сендан беҳроқ, – деб Бозор кампирни тақимидан кутарганча хожатхона томонга олиб кетарди.

Ўтамурот икки дунё оралигида саргардон яшаётган кампирнинг бояги икки сатр шеърни такрорлашга ақли етганига ҳайрон эди. Афтидан, кекса кампирнинг шуури бўроили оқшомда ўчиб-ёниб турадиган кўча чироғи каби гоҳ чакнаб, гоҳ сўниб турарди.

Ақлини таниб, мактабга қатнай бошлаган кезларида тўқсон ёш Ўтамурот учун жудаям қисқа вақт бўлиб туюларди. Вақти келиб тўқсон ёшга кирса, у ҳам Бозор кампирнинг аҳволига тушиб қоладими? Унда тўқсон йил яшашнинг нима кераги бор?

Йўқ, Ўтамурот ақлдан озмайди! У ўзининг ақлини асраб-авайлайди. Ўшандаям унга тўқсон ёш камлик қилади! Нега биратўла барҳаёт яшайвермайди? Одамзоднинг ўлиши шарт эканми? Ёки ҳеч ким ўлмаса, ер юзига инсон зоти сифмай ке-

тадими? Йўғ-ей, сифади! Ундан кўра, минг йил яшашнинг чорасини топиш керак. Қандай қилиб бўлсаям ўлмасликнинг иложини топиш керак. Уни ким топади? Ўтамурот ҳали ёш. Катта одамларнинг эса парвойи фалак. Хўш, ким ўйлайди буни! Муаллимми, ёки мактаб директорими?

Ўтамурот ўйлай-ўйлай, охири саволига жавоб топгандай бўлди. Фақатгина ҳукумат ўлимга бас келиши мумкин! Лекин ўша ҳукуматнинг ўзи қаерда ўтиради, уни қандай топиш мумкин, у қорақалпоқ тилини тушунадими-йўқми, буёғига Ўтамуротнинг ақли етмасди. Унинг мурғак тасавурида ҳукумат деганлари еру кўкка сифмайдиган, эртақлардаги баҳайбат девлардан ҳам улкан афсонавий бир жонзот сифатида гавдаланар эди. Катта одамлар доим худога сифинади, гап орасида ҳукуматни ҳам бот-бот тилга олишади. Шунга қараганда, ҳукумат деганлари куч-қудратда худодан кейинги ўринда турадиганга ўхшайди. Демак, одамларнинг ўлмай яшаши чорасини топиш ҳукуматнинг қўлидан келса керак.

Ўтамурот ҳар куни кечқурун кўзи илингунча шулар ҳақида хаёл суриб ётади. Ўша ҳукумат деганлари ҳамманинг ўлмаслиги йўлини ўйлаб топармикин? Балки у ўзига керакли одамларнигина сақлаб қолишям мумкин. Хўш, унда ҳукуматга керакли одамлар кимлар? У ўзи биладиган бирикки касбни кўз олдига келтиради-ю, лекин улардан кўнгли тўлмайди. Ҳукумат уларсиз ҳам яшайвериши мумкин. Балки ҳукуматга оддий мактаблар етиштириб бера олмайдиган, алоҳида қобилиятга эга одамлар керакдир. Ким бўлиши мумкин, ўша айрича қобилиятли кишилар?

Ўтамурот анча вақтгача бу саволига ҳам жўяли жавоб топа олмай юрди. Фақатгина бешинчи синфга ўтганида калаванинг учини топгандек бўлди.

Ёзувчи ва олимлар – ҳукуматга керакли одамлар экан! Демак, у қандай қилиб бўлсаям ёзувчи, ёки олим бўлиши керак! Ўшанда ҳукумат Ўтамуротнинг қариган чоғида Бозор кампир сингари эсдан оғиб қолишига йўл қўймайди. Уни ўзи асраб-авайлаб, парваришлайди, касал бўлса даволайди, ажалнинг чангалига бериб қўймайди. Сабаби, у ҳукумат учун керакли одам бўлади. Ҳукумат усиз яшай олмайди. Балки яшаши мумкинدير, лекин Ўтамурот бўлмаса, ҳар куни радиода айтилаётганидек, Американи қувиб ўтолмайди. Қувиб ўтиши учун ёзувчи ва олимларини эҳтиёт қилиши керак.

Ўтамурот бу ўйларнинг бари хомхаёл эканини мактабни битираётган пайтларида тушуниб етди. Лекин барибир олим ёки ёзувчи бўлиш ниятидан қайтмади.

Мана, энди ўзи ҳам тўқсонга қадам қўйди. Элга таниқли олим бўлиб етишди. Бироқ ҳукумат боқий умр чорасини топа олмади. Қайтанга йил сайин илгари ҳеч ким номини ҳам эшитмаган янги-янги хасталиклар пайдо бўлаяпти. Худога шукр, Ўтамурот унақа дардлардан йироқ. Бироқ кексалик тобора унга ҳам ўз ҳукмини ўтказаяпти. Илгариги куч-қувватидан асар ҳам қолмаган. Одам қариганида меҳрнинг гадоси бўлиб қолади, деганлари рост экан. Кейинги вақтларда ҳеч ким уйига келиб, ёки ҳеч бўлмаганда телефонда бўлсаям бир оғизгина ҳолини сўрамай қўйганлиги унга қаттиқ таъсир қиларди. Ўтамурот жамиятдан ажралиб қолмаслик илинжида тўқсон ёшга қадар ишдан кетмади. Таниқли олим бўлгани учунми, ёки ёшини ҳурмат қилишдими, ҳеч ким уни нафақага чиқишга қистамади. Охири виждони чидамай, ўзи кетди. Лекин қурғур ўша виждон ҳам сал кечроқ безовта қилганга ўхшайди. Етмишга етмасданоқ ҳаммасига қўл силтаганида яхши бўлармиди...

Кейинги йилларда Утамурот ишга бориб-келиш-
гайм қийналиб қолганди. Машинадан тушиб, хона-
сига кўтарилгунча нақ ярим соат овора бўларди.
Йўлида дуч келиб қолган ёшлар қўлтиғидан олиб,
қўмаклашишга урингани билан унинг қадами ун-
масди. Зиналарни бирма-бир сапаб, имиллаб қадам
ташлар, тўрт-беш одимдан сўнг бир муддат тўхтаб
тин оларди. Кейинроқ ҳожатбарор ёшлар ҳам унинг
тошбақа юришидан безор бўлишди. Утамурот ма-
шинадан тушиши билан улар ҳам ўзларини панага
уриб кетадиган бўлишди. У ҳаммасини сезиб, ҳис
килиб турар, лекин бировдан домангир бўлишга
ҳаққи йўқлигини ҳам яхши биларди. Охири ишини
йиғиштиришга мажбур бўлди. Шундан сўнг болала-
ри, келинлари, набиралари бирдан-бир овунчоғига
айланиб қолди.

Утамуротнинг уйдагилар билан бир дастурхон
атрофида ўтириб овқатлангиси келади. Бирок
кейинги вақтларда унинг қошиқ тутган қўллари
қалтираб, тез-тез шўрвани тўкиб юборадиган бўлди.
Шундан сўнг ўзининг хонасига мўъжазгина стол
қўйдириб, ўша ерда ёлғиз овқатланишга одатланди.
Сокин бўлмада ҳеч кимдан тортиниб ўтирмайди,
кексалик инжиқликларига ён бериб, бир амаллаб
қорин тўйғазади. Хуллас, Утамуротнинг ҳаётида
руҳий ёлғизлик даври бошланган эди. У қаригани
сайин ёш боладек ожиз ва нотавон бўлиб бормоқда
эди. Бу давр қанчага чўзилиши ёлғиз худога аён.

Утамурот ишдан бўшаган бўлса-да, ҳамон но-
мига катта-кичик маъракаларга таклифномалар ке-
либ турарди. Қолаверса, одамлар шунчаки таклиф
қоғози юбориш билан чекланмай, азда-базда ма-
шинада олиб кетишади, йиғин тугагач, яна уйига
келтириб қўйишади. Мажлисларда унга минбардан
жой беришади, тўй-тантаналарда эса елкасига қўша-

кўша чопон ёпиб, давранинг тўрига ўтқазишади-да, дуосини олишади.

– Ўтамурот оға, фотиҳа беринг, ҳаммамиз ҳам сизнинг ёшингизга етиб юрайлик!

– Оға, илойим, болаларимга ҳам сизнинг йўлингизни берсин!

– Сиз каби мартабамиз улуғ бўлсин!

Бояқишлар чин кўнгилдан сўраб туришгач, дуо қилмасликнинг иложи йўқ. Бошига тушмаган одам қариликнинг азобини қаёқдан билсин.

Маъракаларда ҳам унинг иззатини жойига кўйишади. Ёнида ўтирган чоллар гарангнинг қулоғига бақиргандай шанғиллаб ундан хол-аҳвол сўраган бўлишади:

– Ўтамурот оға, қалайсиз?! Бардаммисиз?!

– Тани-сиҳатлик жойидами, оқсоқол! Баракалла, оға, илойим, ҳаммамизга бош бўлиб юринг! Сиз соғ юрсангиз, биз қартаймаймиз!

Шундан сўнг улар «энди бундан ган қарзимиз қолмади» дегандай, ўзаро гурунгда тушиб кетишади. Ўтамурот эса шунча одамнинг орасида ўзини ёлғиз сезади. Тезроқ уйга қайтишни истаб қолади. Ахир, тенг-тенги билан, деб бекорга айтишмаган. Кекса деб уни қаторига қўшиб қўйган чолларнинг ёши етмишнинг нари-берисида. Қарийб боласи тенги одамлар билан гаплашиб нима барака топади. Ундан кўра, сокин бўлмасида оромкурсига ястаниб, китоб ўқигани маъқул. Китобнинг ёшу қариси бўлмайди. Ҳамма билан қурдош улар. Худога шукр, ҳозирча Ўтамуротнинг кўз билан қулоқдан шикоят йўқ. Ақл-хуши ҳам жойида. Тўксондан ошган одам учун шунинг ўзиям катта давлат, аслида.

Бугун ҳам у таниқли олим Наврўзбой Қуленовнинг етмиш беш йиллик юбилейига бориб келди. Уйининг олдида машинадан тушиб қолди.

Бироқ дарвоза ёпиқ экан. Ичкарига кира олмади. Нарироқда ўйнаб юрган бола кўзига иссиқ кўринди, чамаси набираси Асқар бўлса керак.

– Асқармисан, болам? – дея овоз берди, ўша томонга диққат билан тикилиб. Аммо болакай шу заҳоти томнинг панасига ўтиб ғойиб бўлди.

Кўзларим равшан, дегани билан тўксон яшар чолнинг етти-саккиз уй нарида ўйнаб юрган болани таниб олиши қийин. Аммо сахти-сумбатига қараганда, шу гўдак Асқар бўлса керак.

Асқар бошқа невараларига қараганда сал шадлодрок. Кўз очиб-юмгунча алдаб кетади. Бир иш буюрмоқчи бўлса, ҳозир келамаи ота, деб кўчага шаталоқ отиб чиқиб кетади-да, шу билан кечгача қорасини кўрсатмайди.

Балки набираси ҳам унинг инжиқликларидан безор бўлгандир. Ахир, ерга урса кўкка сапчийдиган ўйинқароқ гўдак учун шарти кетиб, парти қолган чолнинг теварагида ўралашиб юриши осон эканми? У бир муддат телевизор кўрса, бироздан сўнг кўчага чиқиб тенгқурлари билан копток тепишни хоҳлаб қолади. Ўтамурот унга халақит беради. Унга телевизорнинг ҳам, коптокнинг ҳам қизиги йўқ. У ўзининг тўпини тепиб бўлган. Бу дунёнинг нашъу намоларидан аллақачон этак қоққани етмагандай, энди Асқарни ҳам ипсиз боғлаб ўтирибди. Шулар ҳақида ўйлаб, набирасининг қилиғидан ранжимайди.

Ўтамурот бир муддат ҳовли деворига суяниб турди-да, қўлидаги хассани дарвозанинг қапталига суяб, ўриндикка кўл чўзди. Шу ерда бир муддат ўтириб, нафас ростлашни чамалаган эди. Кутилмаганда кўчанинг кунботар томони қиялаб осмонга кўтарилиб кетди. У ерга кулаб тушишдан ҳавотирланган эди. Йўқ, ундай бўлмади. Қайтанга шу заҳоти ўзи ҳам юқорилай бошлади. Ногаҳоний

парвоздан қўриқиб кетган Ўтамурот нажот ахтариб қўлларини икки тарафга ёзиб юборди. Бироқ уни ерда тутиб қоладиган ҳеч нарса тополмади. Кенг очилиб кетган чопонининг барлари самолётнинг қанотлари каби ҳавони ёриб, уни аста-секин осмонга олиб чиқа бошлади.

Ўтамуротнинг юрагида қандайдир энгиллик пайдо бўлди. Бармоқларини сиқимлаб кўрган эди, қоксуяк терисининг орасига ҳам эт битгандай, юмшоқ туюлди. У гўё сувда сузмоқчидек икки қўлини ёнига сермаб кўрди. Шу заҳоти ўқдек осмонга учиб кетди. У кўз очиб-юмгунча ер бағирлаб сузиб юрган булутларни ёриб ўтди. Шу чокқача унга булутлар пахтадек юмшоқ туюларди. Аслида унақа эмас экан. Булутлар энгилгина хаво каби унинг оғзидан кириб, қуловидан чиқиб кетди.

Ўтамурот осмонга қаради. Юксакларда яна оппоқ булутларга кўзи тушди. У жон-жаҳди билан юқорига интилди. Тезлиги тобора ошиб, бояги булутлар шитоб билан ортда қола бошлади.

— Бўлди! Энди ерга қайтиб тушмайман! Бозор момо! Қаёқдасиз? Сиз ҳам тўқсонга киргач, осмонга учиб кетганмидингиз? Мен ҳам ёнингизга бораяпман.

Бозор кампир чинданам самода юрган экан. Шу заҳоти унинг олдига тушиб, йўл бошлади. У осмонда ҳам ердагидек ночор ахволда яшаётганга ўхшайди. Боши икки тиззасининг орасида, тақимлари букилган. Лекин шу ҳолидаям бемалол учиб юрибди.

Демак, Бозор кампир ўлмаган экан-да! Ўлганида одамлар унинг суякларини синдириб бўлсаям тўғирлаб, сўнг қабрга қўйган бўлишарди. Қаранг, ақлли кампир экан! Осмонга учиб кетиб, ажалдан қутулиб қолибди.

Шу пайт аллақаерлардан онаси Энжимнинг овози эшитилди.

– Ўташ! Қайт орқанга, Ўташ!

Разм солса, онаси чап тарафдан у томон учиб келаяпти.

– Ўташ, қўлингни бер, болам! Мен ерга бораяпман! Қўлингни бер! – деди онаси унга қўлларини чузиб.

Ўтамуротнинг онасига қўл бергиси келмади. Чунки у янаям баландроққа кўтарилишни истарди. Онаси эса уни ерга олиб тушмоқчи. Ахир, ерда нима бор! У ердаги ишларини қилиб бўлди. Шунинг учун онасига қўл бермагани маъқул. Бирок фарзанд онанинг чорловига бефарқ қарай олмас экан. Ўтамурот ҳам оёқларини ҳавога тираб чап томонга бурилди. «Ҳавогаям оёқ тираса бўларканда, – деб ўйлади ўзича. – Бу дунёнинг биз билмаган тилсимлари кўп экан.»

Ўтамурот онасининг қўлларидан тутди. Аттанг... Аттанг, шу чоғ ҳавода бир қуюн қўпти-ю, уни турган жойида чирпирак қилиб айлантириб, янаям баландроққа учуриб кетди. Пастда онасининг: «Қудуним-ей, орқанга қайт! Мен онангман-ку! Қайт, болам!», деган овози элас-элас эшитилиб турарди.

Бу ерда булутлар йўқ экан. Булутларнинг ҳаммаси пастда қолибди. Шунчалик пастдаки, кўз илғмайди. Булутларга қайтиб боргунича қуйига томон яна шунча йўл босиши керак. Лекин пастга қараб учиб бўлмайди. Пастга фақат қулаш мумкин.

Ўтамурот ўзида йўқ шод эди. Боқий ҳаёт деганлари бор экан-ку! Ҳукумат ўйлаб топа олмани билан Яратганнинг хазинасида бор экан-ку бу ванимат! Дунёда неча миллиард одам яшайди. Лекин ана шу неъматнинг айнан Ўтамуротга насиб

этганини қаранг. Яхши одамларга худонинг нури ёғилади дейишарди. Демак, у яхши одам экан-да?

Бир пайт кунботиш тарафдан улкан қорақуш у томонга учиб кела бошлади. Қизик, Ўтамурот аллақачон қуш учадиган баландликни ўтиб кетган эди-ку? Бундан чиқди, қорақуш деганлари жудаям юксакда учар экан-да.

Қорақуш аста-секин унга яқинлаша бошлади. Тузукрок разм солса, қорақуш деб гумон қилгани ёшлигида улар билан девор-дармиён қўшни яшаган Емберган қўтир бўлиб чиқди.

«Емберген қўтир ўлган эди-ку, — деган ўй кечди Ўтамуротнинг хаёлидан. — Жанозасида ўзим қатнашгандим-ку. Тангабой авлиё кабристонига қўйган эдик. Демак, одамлар кетиши билан мазордан чиқиб қочган экан-да! Вой, ноинсоф!»

Емберген қўтир унинг тепасига келиб, кутилмаганда яғринига қўш оёқлаб чунонам тепдики, Ўтамурот зил-замбил тошдай паста зувиллаб кулади. Булутлар ҳам уни тутиб қололмади. Охири ерга гурсиллаб урилди. Зарбанинг кучидан вужуди титраб кетди.

Шу пайт ёш боланинг, «Бобом, қимирлади! Қаранг, ота, қимирлади!» деган хайқириғи қулоғига чалинди. Бу — набираси Аскарнинг овози эди.

— Дўхтир, замбилингизни олиб келинг, отамни уйга олиб қирамиз, — деди ўғли Ажимурот.

Улар Ўтамуротни замбилга солиб, дарвозадан ичкарига олиб киришди. Худ-бехуд бўлиб ётган Ўтамурот буларни гоҳ сезиб, гоҳ сезмай борарди. Бир оғиз гапирай деса, лаблари ўзига бўйсунмайди. Қовоқлари ҳам занглаб қолгандек, кўзларини очишига имкон бермайди. Боягина қушдай самода учиб юрган чолнинг танаси бир лаҳзада зил-замбилдай оғирлашиб қолганди.

Дафъатан Ўтамурот вужудида аллақандай сн-гиллик ҳис килди.

Кўнглида яна кўкка парвоз қилиш истаги уйғонди. Дўхтирларнинг қўлига тушмасдан тезроқ учиб кетиши керак. Эшиқдан чиқадими ёки деразадан чиқадими фарқи йўқ, нима бўлсаям тезроқ бу ердан кетиши керак... Лекин бунга улгурмади. Қоп-қора ридога бурканган Емберген қўтир балоқазодай бостириб кирди-да, унинг икки елкасидан боса бошлади.

Мархумларнинг кафани оқ бўларди, буники нега қора?..

Ўтамурот Емберген қўтирга ёнидан жой берди.

– Ўтир! Энди сенга ҳаммасини айтаман. Шунча пайт ичимда сақлаб келганим етар.

Емберген қўтир унинг елкасидан қўлларини олиб, бош тарафида чўнқайиб ўтирди. Негадир бу пайтда хонада ҳеч ким йўқ эди. Аслида, у ётган жойни хона деб ҳам бўлмайди. Чор атрофи бийдай дала. Осмонда шитоб билан у ёқдан-бу ёққа кўчиб юрган оппоқ булутлар эса Ўтамуротни ўзига чорлаётганга ўхшарди. У албатта булутларнинг бағрига қайтади. Фақат аввал Емберген қўтир билан орани очиқ қилиб олиши керак. Сўнг яна осмонга учади. Бу гал Емберген қўтирни орқасидан эргаштирмайди, уни шу ерда ташлаб кетади.

2

Ажалнинг вақти-соати етса, ҳеч кимдан сўраб ўтирмас экан. Ҳаммани безор қилиб юборган Бозор кампир ҳам ниҳоят, баҳорнинг илк кунларида омонатини топширди. Қуруқ бўянларнинг остида майсалар кўзга ташланиб қолган бўлса-да, ҳали қишнинг тафти қайтиб улгурмаган эди. Эрталабки-кечки қора совуқ баданни жунжиктирарди. Соя-

салқин жойларда лахта-лахта қорлар ҳалигача эриб улгурмаган эди.

Ана шундай аёзли кунлардан бирида Ўтамуротларнинг уйининг эшик-деразалари ланг очиб қўйилди. Одамлар удумга биноан кўчадан овоз чиқариб уларникига кириб кела бошлашди. Бозор кампирнинг жасади қўйилган кичкина хужрага дока пашшахона тугилган. Марҳум кампирнинг бир тарафида Ўтамуротнинг бувиси Кенжагул момо, онаси Энжим, яқинда турмушга чиққан опаси Хурлиха билан кичик опаси Зулейҳа ўтиришибди. Улардан қуйроқда овул аёллари жой олишган. Пашшахонанинг бир тарафида отасининг қариндоши Шохсанам ўтириб олиб, тўқсондан ошган кампирнинг доғида аламли фарёд чекапти:

Кўрар кўзим, қароғим,
Энди қайдан топарман?!

Ташқаридан кириб келган аёллар дастлаб у билан йиғлаб-сиқтаб кўришади-да, сўнг Кенжагул момо ва Энжим томонга ўтишади. Опалари ҳам ўрnidан туришиб, аёллар билан йиғлаб-сиқтаб кўришишади. Ўтамурод илгари сира бундай эзгин манзарага дуч келмаган эди. Шу боис нима қилишни билмай лолу ҳайрон эди. Нега аёллар Бозор кампирнинг ўлганидан бунчалик хафа бўлишади? Ахир, у шунча азоблардан қутулдику. Бироқ катта опаси Шохсанамдан ҳайикқани учун номигагина йиғлаётганга ўхшайди. У тез-тез йиғидан тийилиб, таъзияга келган аёлларга нималарнидир шивирлайди.

Ўтамурот хужра атрофида бемақсад ўралашиб юрарди. Бир-икки бор ичкарига кирмокчи бўлганида овул муллasi Мембеткарим унга танбех бериб, ташқарига чиқариб юборди.

Шу топда Ўтамуротнинг бувиси билан онасига жудаям раҳми келар, уларни юпатишнинг чорасини тополмай ҳалак эди. Бироқ улар ҳали-бери юпанадиганга ўхшамайди. «Худойим бу бечорани бунчалик хор қилгандан кўра, тезроқ омонатини олақолса эди», деб зорланадиган Кенжагул момо ҳалигача айтиб-айтиб йиғлаяпти. Балки бувиси ўшанда бу гапларни шунчаки йўлигагина айтганмикин?

Хартугул ташқарида ҳеч ким йиғлаётгани йўқ. Ховлида тўпланган одамлар ўзаро гангир-гунгур суҳбатлашиб, кулишиб ўтиришибди. Улкан оқтолнинг тагидаги қамиш шийпоннинг ичида аёллар бўғирсоқ пиширишяпти. Ҳозиргина қозондан чиққан қип-кизил бўғирсоқларнинг хиди димоқни ёради. Овулнинг болалари ҳам шу ерда тўпланишган. Улар бот-бот қушлар галаси каби чуғурлашиб ўчоқбошига ёпирилишади, аммо капгир сермаб қаршисидан чиққан Турдиш кербоздан ҳайиқиб, тирақайлаб қочиб қолишади. Овулда қанақа маърака бўлса, бўғирсоқ қозонининг бошида шу аёл туради. Уни нега «кербоз» деб аташлари Ўтамуротга қоронғи. Кербоз – уришқоқ дегани бўлса керак, чунки ҳамма болалар ундан кўрқади. Ўтамурот ҳам ундан ҳайиқади. Шунинг учун бўғирсоқ егиси келиб турса-да, юрак ютиб ўчоқбоши томонга боролмади. Лекин кутилмаганда Турдиш кербознинг ўзи уни чақириб қолди:

– Бери кел, қароғим, бўғирсоқ бераман.

Турдиш кербоз чўпга тизилган иссиққина бўғирсоқларни Ўтамуротнинг қўлига тутқазди. У бўғирсоқларни бир ўзи емоқчи эди. Лекин ўчоқбошидан узоқлашиши билан бир чеккада пойлаб турган болалар югуриб келиб, қўлидаги бўғирсоққа чанг солишди. Ўтамуротнинг ўзига икки донагина бўғирсоқ тегди. У ноилож яна

ўчоқбоши томон юрди. Қизиғи, Турдиш кербоз бу гал ҳам унинг раъйини қайтармади. Бошқа аёллар ҳам унга нисбатан жуда меҳрибон эди. Бундан Ўтамуротнинг кўнгли тоғдай кўтарилди. У чўпга тизилган бўғирсоқларни кўз-кўз қилганча, гердаиб ташқарига чиқди. Бу гал унинг сахийлиги тутди. Ўзига ҳавас билан қараб турган тенгқурларига сайлаб-сайлаб бўғирсоқ улашди. Қолганини ўзи еди.

Бозор кампирнинг майитини уйдан чиқаришганида ҳовлига одам сифмай кетди. Тобутни кўтариб йўлга тушишганида эса ҳамма бараварига унинг ортидан ёпирилиб эргашди. Одамлар табаррук кампирнинг тобутига бир боргина қўл текизиб қолишга уринар, оломонни ёриб ўтолмаганлар эса тобутнинг дастагига боғлаб қўйилган узун арқонни тутамлашарди.

Ҳар қалай, Бозор кампирни чиқаришаётганда бувиси билан онаси йиғидан тийилишди. Иккаласи бахмал ёпилган тобутнинг устидан қанд-курс, ширинликлар соча бошлашди. Одамлар уларни ҳаводаёқ илиб олишар, ерга тушганларини эса азза-базза энгашиб териб олишарди.

Марҳумни қабристонга қўйиб келишгач, овул мулласи узоқ вақт Қуръон ўқиди. Одамлар жимгина бошларини эгиб ўтириб, унинг қироатига қулоқ солишди. Мулланинг тиловати одатда, бувиси дастурхон бошида ўқийдиган Қуръондан жудаям узун эди. Чамаси, овул мулласи Ўтамуротнинг бувисидан кўра кўпроқ билса керак. Бунинг устига, Кенжагул момо оятларни бунақа оҳангдор қилиб ўқиёлмайди. Шунчаки лабларини қимирлатиб, минғирлабгина ўқийди-да, сўнг қўлларини дуога очади. Бошқалар ҳам унинг ҳаракатини такрорлашади. Фақатгина бир бурчакда мунғайиб ўтирган Бозор кампиргина уларга қўшилмас эди.

Ўтамурот бундай катта таъзияни биринчи марта кўриши эди. Шунинг учун бу маросим унга жуда

қизиқ туюларди. Уйдагилар зор қақшаб йиғлагани билан у кўзига бир томчи ҳам ёш олгани йўқ. Отаси ҳам айтарли йиғламади. У ховлида одамлар билан алланималар ҳақида гаплашиб юрди. Вақти-вақти билан Ўтамуротнинг бошпани силаб, «ўғлим, сен ўртоқларинг билан ўйнайвер, ичкарига кириб юрма», деб тайинлаб кетарди. Ўтамуротнинг эса ичкарига киргиси келарди. Охири сабри чидмай Бозор кампир ётган уйга мўралади. Бу пайтда мархуманинг теварагида ўтириб олган аёллар бири-бирини бағрига босиб, марсиягўйлик қилишарди. Афтидан, отаси унинг шу манзарани кўришини истамаган бўлса керак.

Кенжагул момо ўшандан кейин уч йилча ўз суягини ўзи кўтариб юрди. У дарёнинг икки тарафидаги овулларда бўладиган маърака-йиғинларни қолдирмасди. Ўтамурот учинчи синфга ўтган йили пахта терими пайтида бувиси узоқроқдаги бир маъракадан оғриб қайтди. Туни билан қалтироқ тутиб чикди.

– «Қора ош»дан учиндим¹, – деди у эрталаб ўғли билан келинини ёнига чақириб олиб. – Отабоболардан қолган гап бу, «қора ош»дан учинган одам қайтиб оёққа туролмайди. Ғофил бўлманглар, тайёргарлигингизни кўраверинглар.

Мирзамурот билан Энжим кампирга далда беришга чоғланишди.

– Бу гапларни кўйинг, оша! – деб уни юпатмоқчи бўлди Ўтамуротнинг отаси. Лекин унинг ҳам кўнгли бузилиб, ўзини зўрға тутиб турарди.

Бу пайтга келиб Ўтамурот ҳам анча эсини таниб қолганди. У бувисининг тақдирга тан берганини сезиб турса-да, «қора ош» нима эканлигини тушунолмади. Лекин бу яхши сўз эмаслигига амин бўлди.

¹ «Қора ош»дан учиндим – жаноза ошидан заҳарланиш.

Орадан уч кун ўтгач, азон пайти Ўтамурот эркак кишининг ўксиниб йиғлаган овозидан чўчиб уйғониб кетди. Уйқу ариб улгурмаган кўзларини уқалаганча бувиси ётган томонга қаради. Бу пайтда Кенжагул момонинг юзига оқ мато ёпиб қўйилган, Мембеткарим мулла унинг бошида чўккалаб утирарди. Отаси билан онаси эса бир-бирининг пинжиги тикилганча эзилиб йиғлашарди.

Ўтамурот ўрнидан тура солиб, кампирнинг жонсиз танасига ўзини ташлади.

– Буви!

Мембеткарим мулла шу заҳоти уни кучоклаб кўтариб олди. Шундан сўнг отаси билан онаси Ўтамуротни галма-гал бағрига босиб, ўксиб-ўксиб йиғлашга тушишди...

«Одам зоти уч кундан кейин дўзахга ҳам кўникади» дейишган ота-боболар. Ўтамуротлар ҳам аста-секин Кенжагул момонинг ўлимига кўника бошлашди. Лекин отаси билан онаси анча ўзгариб қолишди. Ўтамурот ҳам улардан ҳар нарсани сўрашга ботинолмайди. Дастурхоннинг бошида ган-сўзсиз овқатланишади. Бувиси қазо қилгач, бу хонадон анча хувиллаб қолган эди.

Онаси Ўтамуротгачаям олти фарзанд кўрган. Ўтамурот – еттинчиси. Катта онаси Хурлиха аллақачон уйли-жойли бўлиб кетди. Зулейха билан Ўтамуротнинг орасида икки ўғил, икки қиз туғилган. Бироқ уларнинг ҳаммаси икки-уч ойлик чақалоқлигидаёқ нобуд бўлаверган. Энг охирида туғилган Ўтамуротга бсвақт нобуд бўлган гўдакларнинг ҳам ўрнини босиб юрсин деган ниятда Ўтасин дея исм қўйишган. У уч ёшга тулганида отаси унинг исмини ўзиникига уйқаш қилиб Ўтамурот деб ўзгартирган. Кейинчалик туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасига ҳам шу исмни ёздириб келган экан.

Мана, энди дастурхон бошида тўртовигина ўтиришибди. Шунисига ҳам шукр. Сирасини айтганда, бувиси унчалик ҳам ёш кетгани йўқ, етмишни тўлдириб қазо қилди. Бироқ отаси жуда эрта кетди. Ўшанда отаси эндигина элликдан ошган бўлса-да, ҳали у қирчиллама йигитлардай чаккон, кувноқ киши эди.

Кепжагул момонинг йил ошини беришгач, отаси «энди азадорликни йиғиштирак ҳам бўлаверади» деб радионинг кулоғини буради. Шундан сўнг отаси берилиб концерт тинглади. Аммо ўша куни кечқурун ётганича қайтиб уйғонмади. Ҳеч нарсадан беҳабар Ўтамурот одатдагидек эрталаб шошиб мактабга отланди. Тенгқурлари билан сабоқ тинглаб ўтирганида овулдоши Жумабой табелчи синфга кириб, муаллимнинг кулоғига алланарсаларни шивирлади. Сўнг, «сени отанг қақрияпти» деб Ўтамуротни синфдан етаклаб чиқди. Нима учундир муаллим ҳам уни ачиниш билан кузатиб қолди.

Жумабой табелчи уйга етгунча чурқ этиб овиз очмади. Ўтамурот ҳам ботиниб ундан ҳеч нарса сўролмаган бўлса-да, улар билан боғлиқ қандайдир ёмон воқеа юз берганини ич-ичидан сезиб турарди. Уйга келгач, Бозор кампир билан бувисининг таъзиясида эшитавериб шуурига чуқур сингиб қолган аламли дод-фарёднинг устидан чиқди.

Жумабой табелчидан «бу одамлар нега йиғлаяпти?» деб сўрашга Ўтамуротнинг мадори етмади. Томоғига нимадир тикилиб, беихтиёр кўзларидан ёш қуйилди.

— Йиғлама, Ўтамурот, ахир, сен қап-катта йигит бўлиб қолдинг-ку, — деди Жумабой табелчи уни юпатишга уришиб. — Отангни армияга олиб кетишаяпти. У ҳали қайтиб келади...

Лекин кетма-кет икки марта уйдан ўлик чиққанига гувоҳ бўлган, қолаверса, анча эсини та-

ниб қолган болани бундай беўхшов ёлғон билан юпатиш мушкул эди. Ўтамурот отасининг ўлганини сезган бўлса-да, бунга ишонгиси келмади. Аммо тақдирга чора йўқ, ҳеч ким пешонасига ёзилганидан қочиб қутулолмайди.

Ўтамурот ўн уч ёшида етим қолган эди. Аммо отасининг ўлганига ҳечам ишонгиси келмасди. Ишонмаслигига сабаб ҳам топилди.

– Болам, отанг ўлгани йўқ, унга «жаза қуриқ» тушди, – деди бир куни онаси унинг бошини тиззасига қўйиб эркалаб ўтириб.

Уйда Хурлиха билан Зулейха опалари ҳам бор эди. Улар ҳам онасига «ялт» этиб умидвор кўз тикишди.

– У нима дегани? – деди Ўтамурот сапчиб ўрнидан туриб.

– «Жаза қуриқ» дегани шуки, ажали етган одамнинг ўрнига адашиб бошқа бир одамнинг жонини олиб қўйишади. Лекин баъзида худо «жаза қуриқ» тушган одамнинг жонини ўзига қайтариб бериб, уни яна тирилтиради.

– Худо адашганми?

– Йўқ, болам, худо ҳеч қачон адашмайди.

– Унда ким адашган?

– Азройил адашган.

– Азройил адашган бўлса, нега худо унинг жонини бермайди?

– Қўй, болам, унақа гапларни гапирма. Ундан кўра, отангнинг қайтишини кут.

Ўтамурот отасининг тирилиб келишига унчалик ҳам ишонмасди. Лекин ишонгиси келарди. Баъдан онасининг йўлга узок вақт тикилиб қолганини кўрганида унинг ҳам кўнглида қандайдир умид пайдо бўла бошларди. «Шунақа бўлиши мумкинми? – деб хаёл сурарди ўзича. – Ўлган одам ҳам тириладимми?» Ақалли бир мартагина шу гап

рост чиқса қанийди! Отаси қайтиб келса бас, кейин бошка ҳеч ким тирилмасаям Ўтамурот хафа бўлмайди.

Энжим дастлаб ўғлини юпатиш учун «жаза курик»ни ўйлаб топган бўлса-да, кейинчалик унинг ўзи ҳам бунга ишониб қолганга ўхшарди. Вақти-вақти билан эшик тақилласа, «ялт» этиб қараб, «Ўташжоннинг отаси келдимикин деб ўйлабман», деб юборганини ўзи ҳам сезмай қоларди.

Хурлиха отасининг дастлабки маъракаси ўтгунча болалари билан шу ерда турди. Қўпчилик бўлгани учун отасининг йўқлиги унчалик билинмади. Аммо Хурлиха кетгач, уй буткул хувиллаб қолди. Ўша куни кечкурун онаси узоқ вақт эзилиб йиғлади. Ўтамурот билан Зулейха ҳам чидаб туришолмади. Учаласи йиғлай-йиғлай толиқиб, дастурхоннинг бошида ухлаб қолишди.

3

Одам ёлғизликка ҳам, етишмовчиликка ҳам кўникиши мумкин, лекин камситилишу хўрликларга ўрганиши қийин бўлар экан.

Кенжагул момо ҳаётлигида Ўтамуротларнинг уйи «катта уй» деб аталар, овулда ҳеч ким бу оила бошлигининг олдини кесиб ўтолмас эди. Ўтамуротнинг отаси ҳам анча обрўли одам эди. Уларнинг иккаласи ҳам оламдан ўтгач, бу уйнинг аввалги салобатидан асар ҳам қолмади. Рўзфорнинг фариштаси қочди.

Тез орада Зулейхани ҳам узатишди. Унинг тўйи одмигина ўтди. Қуда тараф икки от, битта қўқон арава билан келини олиб кетди. Яқин-яқингача одам гавжум бўлган хонадонда Ўтамурот билан онаси иккаласи сўппайиб қолишди.

Шундан сўнг улар учун оғир кунлар бошланди. Бир қарасанг, бригадир от ўйнатиб келиб дағдаға

қилар, бир қарасанг, овул шўросининг раиси таёқ билан томорқасини ўлчашга тушар, кейинги куни эса солиқчи сўраб-нетиб ўтирмай кўрадаги молларга ёпишарди. Энжим бояқишнинг уларга ялиниб-ёлвориб эси кетарди. Охири у эридан мерос қолган жонлиқлар орасидан тўртта эчкини сотишга мажбур бўлди. Ҳозирча ўзлари пулга муҳтож эмасди. Томорқадан чиққан бир-икки қоп жўхори, тарик, мош, кунжут келаси пишиқчиликкача она-боланинг кунига яраши тайин. Энжим ҳар куни эшикни тепиб кирадиган солиқчиларнинг зуғумидан қутулиш учун эчкиларни сотишга мажбур бўлган эди. Ўзиям солиқчи деганларининг дамига атала пишади.

– Солиқни тўлайсанми-йўқми?! – деб остонамизга довури от ўйнатиб келганида ҳар гал «тўлайман» деб қутулишга ҳаракат қиларди ойим. Мабодо гап қайтарса, солиқчи баттар қутуриб, ё бузоқли сигирнинг арқонига ёпишади, ёки кўрадаги ушоқ молларни олдига солиб ҳайдашга тушади. Шуни яхши билган Энжим «сеники маъқул» дегандек, унинг даидағаларини жимгина эшитиб туради. Бақириб-бақириб биров ҳовуридан тушган солиқчи яна бир неча кун муддат бериб ортига қайтади. Энжим шунисига ҳам шукр қилади. Имкон топса, эрта-индин, жуда бўлмаса янаги ойда тўлар шу солиқларини. Ишқилиб, худонинг ўзи йўл кўрсатар, деган ўй кечади хаёлидан.

Аксига олиб солиқларнинг тури ҳам кўп эди – ер солиғи, мулк солиғи, мой солиғи, жун солиғи, тухум солиғи, тутун пули... Хуллас, биридан қутуясанг, бошқаси тайин. Бундай зуғумлардан вада бўлиб қолган она-бола эшик «тиқ» этса, юрак ҳовучлаб ўтиришарди.

Бугун эрталаб ҳам Ўтамурот Хўжамурот бринданнинг бақирган товушидан уйғониб кетди.

– Хой, лаънати хотин! – дея дағдаға киларди отнинг устида ғудайиб ўтирган Хўжамурот бригад. – Кеча нега далага чикмадинг?!

– Боламнинг мактабга олиб кетадиган зоғорасини...

– Э, болангнинг бақайига... Сенинг шу боланг ўкиб одам бўлса, бурнимни кесиб қўлингга бераман! Хозирок ўғлингни ҳам олиб пахтага чик! Кечкурун икки кунлик нормани тарозига олиб бориб топширмасанг, мендан кўрасан кўрадиганингни!..

Ичкаридан иштончан чикиб келган Ўтамуротга раҳми келдими, ёки айтадиганини айтиб бўлдим, Хўжамурот бригад шу заҳоти отининг жilовини орқага буриб, сағрисига қамчи туширди. Энжим паришон қиёфада деворга суянган кўйи унинг орқасидан қараб қолди.

– Ойи!

Энжим ўғлининг овозидан ўзига келиб, унга юзланди.

– Ха, чирогим, турдингми?

– Ойи, бригад нега бақиряпти?

– Бригад бўлгандан кейин бақириб-чақирадида... Бор, юз-қўлингни ювиб кел. Сутга нон иви-тиб қўйганман. Тезроқ еб олиб, мактабингга югур. Кеч қолишинг мумкин!

– Бригад сизга меням пахтага олиб боришни тайинлади-ку?

– Гашираверади. Аччиқланганидан шундай дейпти. Кеча ҳам мактабга боролмадинг. Ҳар куни дарсдан қолаверсанг, билимсиз бўлиб қоласан. Отангга нима деб ваъда берганинг эсингдами?

– Катта одам бўламан деб ваъда берувдим.

– Ана! Яхши ўқимасанг, катта одам бўлолмайсан.

Ўтамурот «катта одам» қанақа бўлишини билмасди. Мактабга борган йили отаси уни тиззаси-

га ўтказиб олиб, «Ўқиб ким бўлмоқчисан?», деб сўраган эди.

– Билмайман, – дея жавоб берди Ўтамурот елкасини қисиб.

– Менинг ўғлим ўқиб катта одам бўлади! Тўғрими, ўғлим?

– Ха.

Шундан кейин Ўтамурот «Ким бўлмоқчисан?» деб сўраган одамларга «катта одам бўламан» деб жавоб беришга одатланди.

Ўтамурот сутга ивигилган яримта нонни иштаҳа билан еб олди. Сўнг Пирназар чармдўз тикиб берган қизил этигини оёғига илиб, ташқарига чиқди. Бу пайтда онаси бузукларни арқонлаб келиб, этагини белига боғлаётган эди.

– Ўташ, дарсга бормайсанми? – деб сўради у ўғлининг жомакор кийимларини кийиб олганини кўриб.

– Йўқ, пахта тераман.

– Ўқишинг нима бўлади?

– Касал бўлиб қолдим дейман.

– Қўй, болам, унақа ёлғон гапирма.

– Бир марта гапирсам нима қипти? Кейин ёлғон гапирмайман. Кечгача икки кунлик нормани бажармасангиз, бригад яна сизга бақиради.

Онаси бошқа ҳеч нарса демади. Уйнинг эшигини ёпиб, зулфинига чўп қистиргач, иккаласи «Айланма партов»га қараб йўл олишди. Кеча теримчилар ўша ердаги пахтазорга тушиши керак эди. У ердаги пахтани уч кунсиз териб удалашолмайди. Катта майдон.

Кеча Энжим тушдан кейин теримга чиқишни чамалаган эди. Тушгача тариқ янчиб, кечқурун ойнинг ёруғида зоғора ёпиб олмоқчи бўлди. Шунинг учун ўғлини ҳам мактабдан олиб қолди.

Тарик янчиш, минг чакқон бўлсаям бир кишининг кўлидан келмайди. Бу ишда жуда хушёр бўлишинг керак. Сал эҳтиётсизлик қилсанг, ё куйиб кетади, ё тирик бўлиб қолади. Ҳар иккаласида ҳам тарифингдан ажраласан. Шунинг учун бола бўлсаям Ўтамуротнинг ёрдами асқатади. Энжим қозон кўзгаб турганида ўгли ўчоққа ўтин ёқади. «Бошга тушганини кўз кўрар» деганларидек, Ўтамурот онасига ёрдамлашиш баҳонасида зоғора ёпишни ҳам ўрганиб олди. Ҳозирча сал бўйи пастлик қилиб турибди. Бўлмаса кели туйишни ҳам онасининг бир ўзига ташлаб қўймасди.

Қозондаги тарик билқиллаб қайнай бошлаган маҳалда «катта томорқа» тарафдан болтанинг бир маромдаги тақиллаши эшитила бошлади. Дастлаб улар бу шовқинга ушчалик эътибор беришмаган эди. Овоз аста-секин кучая бошлагач, Энжим бошини кўтариб ўша томонга қулоқ тутди.

— Ўташ, — деди у ўғлига қараб. — Болтанинг овози «катта томорқа» томондан келаяптими?

Ўтамурот ҳам тасдиқ маъносида бош ирғади. Онаси ажабланган кўйи елка қисиб кўйиб, таги ола бошлаган тарикни тез-тез кўзгашга тушди.

— Ўчоқнинг оловини торт, ўғлим.

Ўтамурот боя ўзи судраб келган жинғилни ўчоқдан тортиб олди.

— Ўтиннинг устига кул сеп, учқуни уйга тушмасин, — деб онаси латтадан тикилган тутқич билан қозоннинг қулоғидан ушлаб ўчоқдан олди. Сўнг охиригача нишмаган тарикни ерда ёзиб қўйилган қанорнинг устига ағдариб, яхшилаб ўради. Унинг устидан шийки тарик солинган қопни бостирди. Қанорнинг орасидан сизиб чиқаётган тарик сувидан ховур кўтариларди.

– Юр болам, кўрайлик-чи, нима гап экан, – деб онаси шоша-пиша «катта томорқа» томонга йўл олди.

Ўтамурот эсини таниганидан бери у ерда ҳеч қанақа катта томорқани ҳам, кичик томорқани ҳам кўргани йўқ. Лекин уйдагиларнинг ҳаммаси ховлининг кунботиш тарафидаги кенг-мўл майдонни «катта томорқа» деб аташарди. Раҳматли бувисининг ҳикоя қилишича, бир вақтлар у ер чиндан ҳам экинзор бўлган экан. Бироқ ўша пайтларда Ўтамурот бу гапга унчалик эътибор бермаган эди. Ёдида қолгани, унинг бобоси бошқаларга нисбатан бадавлатроқ яшаган. У ҳозир «катта томорқа» деб аталадиган отизга кузда буғдой экиб, келаси йилги ёзнинг дастлабки ойларида ҳосилни ўриб оларкан.

Ўша пайтларда бобоси отизнинг чор тарафидан ариқ қазиб, атрофига оқтол билан қараман² эккан. Дарахтларни мол-ҳол пайҳон қилмасин деб экинзорни четан девор билан ўраб чиққан. Бу томорқа овулдаги бошқа одамларнинг экинзоридан анчагина йирик бўлгани учун «катта томорқа» деб ном олган экан.

Кейинчалик замона алғов-далғов бўлиб, ҳукумат бойларни қирғин қилишга тушгач, Ўтамуротнинг бобоси шўроларнинг қора рўйхатига тушиб қолишдан ҳадиксираб, «катта томорқа»нинг четан деворини бузиб ташлаган. Шундан сўнг у ерга буғдой экишни ҳам йиғиштирган.

Қаровсиз қолган ер кўз очиб-юмгунча ишдан чиқаркан. Тўрт тарафи тол билан қуршалган майдон тез орада куюқ тўқайзорга айланди. Эртдан-кечгача у ердан чумчуқларнинг чиркиллаши-ю, тўрғайларнинг патирлаб қанот коқиши, теракларнинг шоҳига қўниб олган қирғовулларнинг қичқириви шигтилиб турарди.

² Қараман – маҳаллий дарахт тури.

Бобоси экиб кетган дарахтлар уларнинг қорига яраб турган эди. Ўтамуротнинг отаси ҳар йили эрта баҳорда қуриган октоллари қирқиб-бўлаклаб, сотишга тайёрлаб қўярди. Шундан сўнг шаҳарлик уста Айтимбет аравада келиб, уларни олиб кетарди. Опаларининг айтишича, уста Айтимбет октолнинг ёғочидан кели-келисоп, товоқ, челақ, шохларидан қошиқ, чўмич, бешиқ, сумак каби буюмлар ясаб сотар экан. Уларнинг уйдаги кели-келисоп билан тол товоқларни ҳам ўша киши ясаб берган экан.

Қараманни эса нуқуслик Бектурганми, Матқурбонми, ишқилиб, шунга ўхшаш исми бир одам олиб кетарди. Бироқ отаси қараманларни олдиндан тахлаб қўймайди. Устанинг ўзи дарахтзор оралаб юриб, танлаб чопиб олади.

Бувиси ўлган йили уста Айтимбет келди-ю, бироқ дутор ясайдиган устадан дарак бўлмади. Қараман деганлари томир суриб қўқараркан. Бир йилдаёқ ювлаб кетди.

— Келаси баҳорда қараманни сийраклаштиришим керак, — деган эди кунлардан бирида «катта томорқа»ни айланиб келган отаси. Лекин унинг ўзи баҳорга етолмади. Отаси қайтиш қилгач, биратула иккала устанинг ҳам оёғи тортилиб қолди. Улар келишганида жилла курса сут солиғи билан ёғ солиғидан қутулган бўларди...

«Катта томорқа» томондан болтанинг тақиллаши эшитилгач, Энжимнинг кўнглида умид учкунлари пайдо бўлган эди. Шунинг учун ҳам у шопа-пиша қозонни ўчоқдан олиб, «катта томорқа» тарафга йўл олганди. «Усталар нариги тарафдан келиб дарахтларни чопаетган бўлса керак, биратула кетаетганда пулини бериб кетмоқчига ўхшайди» деб ўйлаганди ўзича. Лекин ундай бўлиб чикмади. Ўтамуротларнинг ён қўшниси ва ота томондан қариндоши бўлмиш Рамберген кўса терлаб-пишиб

драхт чоппокда эди. Она-бола бир муддат унга анграйиб караб қолишди.

Ниҳоят, Рамберген кўса чарчади. Қўлидаги болтани ўзи чопаетган оқтолнинг танасига қадади-да, шу ердаги тўнкага чўнқайиб ўтирди.

– Эй, замонаси курсин! – дея минғирлади ўзича кўйлагининг енги билан пешонасидаги терни артиб. – Давр кимники – есир хошиники бўлиб қолди! Шунча тол билан қараман келиб-келиб Энжимга насиб киларкан-да! Ҳим... Шаҳар бердим-ей!

Энжимнинг лаблари пир-пир учар, ўзи сезмаган ҳолда кўлларини мушт қилиб тугиб олган эди.

– Қайноға! – деди у ниҳоят сабри тугаб. Қўрқиб кетган Рамберген кўса дафъатан ўрнидан сапчиб турди.

– Ха, бадбахт! Сенмидинг? – деди у Энжимга кўзларини олайтириб. Сўнг ҳеч нарса бўлмагандек болтасини кўлига олиб, яна ишга киришди. У Энжимга аччиқ қилгандек жон-жаҳди билан драхт чопа бошлади. Она-бола ҳамон унга сўзсиз караб туришарди. Бироздан сўнг танаси кучоққа сиғмайдиган оқтол ариқнинг нариги тарафига кулади. Чакалакзорнинг орасидан гуриллаб учиб чикқан тўрғай галаси узоқроққа бориб кўнди. Оқтол пастдаги буталарни синдириб-майиштириб ерга кулади.

– Ха, нимага бақрайиб турибсан? – деди Рамберген ҳамон қилт этмай турган Энжимга караб.

– Қайноға-а...

– Қайноға тугул, бошқа нарса десанг ҳам хўв анави ёнбошлаб ётган тераккача чопиб оламан. Колхознинг хўкизлари бу йил тўқайдан ўгин ташишга ярамайди, ҳаммаси қариб колган.

Кўсанинг колхоз хўкизларни тилга олиши бежиз эмас. У кўшни овулдаги беш от билан етти хўкиз

бокиладиган фермада қоровул. Отларни парвариш-
лаб, хўкизларнинг емишини беради. Яна саксон
гектар йўнғичқазорни қурийдди. Бир сўз билан айт-
ганда, колхознинг эркатойи. Оғзиботирлик қилиб,
бемалол она-болани «есир»дан олиб, «стим»га со-
лишининг боиси ҳам шунда эди.

Энжим бироз ўзини босиб, Рамберген кўсага
яқинлашди. Ўтамурот ҳам онасига эргашди.

– Бир оғиз сўраганингизда биз ҳам йўқ демас-
дик...

– Нима?! Кимдан сўрашим керак? – деди Рам-
берген кўса Энжимга кўзларини чакчайтириб. –
Сенданми? Оббо, овсар хотин-ей! Бу толларнинг
нихоли ерга қадалганида сен онангнинг қорнида
ҳам йўқ эдинг, билдингми? Бу толларнинг эгаси
Мирзамурот эмас, Кенжагул камшир эди, тушун-
дингми? Эй... Жуда бўлмаса кечқурун иккаласи-
нинг руҳига бағишлаб икки оғиз Курьон ўқиб юбо-
рарман... Кейин уларнинг менда ҳақи қолмайди.

– Улар йўқ бўлса, биз тирикмиз-ку, қайноға!
Мана, уйнинг эркаги бор!

– Қўрқма, сенинг бу тирранчанг одам бўламан
дегунча бу толлар уч-тўрт марта ўрнидан кўкариб
чиқади!

Йўл тарафдан арава филдирагининг фикрлаши
эшитилди. Рамберген кўсанинг ўғли Эмберген ке-
силган толларни олиб кетиш учун эшакка арава
кўшиб келмоқда эди.

– Онанг қаёқда? Аррани олиб келдингми? –
сўради Рамберген кўса ўғлидан.

– Олиб келдим. Ана, онам ҳам келаяпти.

– Аравани анави ерга қантаргин-да, онанг икко-
винг манави толни кесаверинглар. Одам кўтарадиган
қилиб кесинглар, хўлми?

– Хўп.

Рамберген кўсанинг бу гапи «гап тамом» деган маънони англатар эди.

— Юр, болам, кетамиз, — деди Энжим Утаму-ротнинг кўлидан тутиб. — «Худодан кўркмагандан кўрк», дейишган.

— Худонинг ёқасидан олма, лаънати! — деди Рамберген кўса болтанинг сопини янаям қаттиқрок сиқимлаб. — Худо сени ёрлақганида бувингни олармиди, эрингни олармиди! Тўқайдаги толни қизғангунча, олдиндаги етимчангнинг тилагини тила!

Энжим тушгача тариқни бир ёқли қилди-да, ўғлини эргаштириб Мембетирзанинг уйига йўл олди. Овул оқсоқолларидан бири бўлган бу одам йиғлаганини юпатадиган, уришганини яраштирадиган, кўнгли дарё инсон эди.

У ерга тикилиб ўтирган кўйи Энжимнинг гапларини жимгина тинглади.

— Келин, дастурхондан битта нон ол, боланг билан бирга ерсан, — деди Мембетирза оқсоқол ниҳоят тилга кириб. Сўнг Энжим боя Рамберген кўсага айтган гапни такрорлади. — «Худодан кўркмагандан кўрк» дейишган, болам. Мен бу овулда учта одамга гап уқтиришни бас қилдим. Буларнинг иккиси «Фармол» ҳайдайдиган Умар билан унинг аёли Чиннигул бўлса, учинчиси ўша Рамберген. Мен олдинга тушиб уникага борарман, лекин борганим билан сўзим ерда қолади. У ноинсоф соқолимга осилишдан ҳам тоймайди. Сабр қил, чироғим, ойнанинг ҳам ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ бўлади.

Она-бола гарчи муродлари ҳосил бўлмаган бўлса-да, оқсоқолнинг гапларидан анча енгил тортиб уйга қайтишди.

Энжим тушдан сўнг қозонга сўк солди. Кечқурун молларни саранжомлагач, зоғора нон ёпди. Ёрма

ёвфон пиширишга улгурмагани учун ўғли иккаласи зоғора билан чой ичиб, уйкуга кетишди...

Эрталаб онаси Ўтамуротга кеча Мембетирза берган нонни сутга бўктириб берган эди. Аслида, уларнинг бугдой нон таъмини унутганларига ҳам анча вақт бўлди.

Ўтамурот пахтани жуда чаққон тера олмаса-да, ҳар қалай онасига ёрдами тегарди. Унинг бахтига мактаб директори ҳам бугун юқори синф ўқувчиларини пахтага олиб чиққан экан. Энцим унинг олдига бориб, ўғли икки кундан бери мактабга бора олмаётгани учун узр сўраб келди. Ўтамурот елкасидан тоғ ағдарилгандай хурсанд бўлди. Энди эртага мактабга борса, муаллими уни уришмайди. Директорнинг ўзи тайинлаб қўяди.

Рамберген кўса шу йили қора совуқ тушгунча «қатта томорқа»даги Ўтамуротнинг буваси эккан дарахтларни чошиб, уйига ташиб олди. Қишнинг қорли-қировли кунларида чакалакзордан чиққан шох-шабба ҳам, оқтол ҳам, қараман ҳам унинг ўчоғида ёнди. Ўтамуротнинг хаёлида гўё Рамберген кўсанинг ўчоғида гоҳ дутор, гоҳ тол товоғу қошиқлар лангиллаб ёнаётгандай туюларди.

4

Шу йили куз анча узокқа чўзилди. Беш қўноқ³ ҳам бемалол ўтиб кетди. «Ақрабда урмаса, охи-ратгача урмайди» дейишарди, лекин ақрабда ҳам қиров тушгани йўқ. Бир ҳисобда шуниси ҳам яхши бўлди. Кунлар илиқ бўлгани боис одамларнинг кечки эккан жўхорилари ҳам пишиб улгурди. Овулда тариқ, кунжут хирмонларининг саранжомлаб олинганига анча бўлган. Лекин одамлар қиров ейишиши кутиб, сабзи билан жийда ҳосилини йиғиштириб

³ Беш қўноқ – сентябрь ойининг сўнги беш кuni маҳаллий халқ тилида шундай номланади.

олишга шошилишмас эди. Тупроқнинг орасидаги сабзига қор ёққунча бало ҳам урмайди. Лекин жийданинг кушандаси кун экан. Қарғалар қиров тушишини кутиб ўтирмади. Улар жийдага мазахўрак бўлиб, кўз очиб-юмгунча дарахтларни ғорат қилиб ташлади. Одамлар жийдани қарғалардан асрашнинг чорасини топишолмади. Чунки кундузи ҳеч ким даладан бери келмайди. Райондан юборилган вакил эртадан-кечгача уларнинг тепазида ғўдайиб туради. Бошлиқлар эса уйма-уй кириб, дуч келган кишини далага ҳайдашади. Шундай бир пайтда колхознинг юмушини қўйиб, томорқасига айланган одамни нақ жиноятчига чиқариб қўйишлари ҳеч гап эмас. Буни одамлар яхши билишади. Шунинг учун жийданинг сархилини қарға-каптарларга садақа қилиб, улардан ортганига қаноат қилишдан бошқа чоралари йўқ. Қишда қозон қайнатадиган жўхори билан кунжутни куннинг очигида саранжомлаб олишганининг ўзиям бир давлат...

Ниҳоят, ноябрнинг бошларида қуюқ қиров тушди. Теварак-атроф қор ёққандай ошпоқ тусга кирди. Бу кунни интиқ кутган одамлар енгил нафас олишди. Энди узоғи билан ўн-ўн беш кундан сўнг ғўзани чопиб олаверса ҳам бўлади. Чунки қиров тушгандан сўнг кечки кўсакларни совуқ уриб, тезда очилиб қолади. Уларни териб олиб тарозига топширишгач, машаққатлар ортда қолади. Хуллас, пахта теримининг тезроқ якунланишида қировнинг ҳиссаси катта.

Бироқ бу йилги куз аввалгиларга ўхшамади. Қўрақлар эндигина тумшуқ ёра бошлаган кунлардан бирида осмонни бир текис оппоқ булут қоплаб, кечга яқин бирдан кун исиб кетди.

— Бузоқни уйга киритиб қўяйлик, — деди кечқурун сигирни соғиб бўлган Энжим Ўтамуротга. — Кунга ишониб бўлмайди. Қўрада қолса, оқшом

совқотиб қолиши мумкин. Димоғимга қорнинг иси келаётгандай.

Онаси бу гапни айтишга айтди-ю, бошқа биров эшитиб қолмадимикин, деган хавотирда атофига ўғринча қараб олди. Чунки пахта терими тугамасдан туриб қор ҳақида гап очишининг ўзи жиноят саналарди. Ҳартугул ховлида иккаласидан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Энжим адашмаган экан. Эртаси куни азонда тизза бўйи қор ёғиб чиқди. Ковлаб олинмаган сабзи ҳам, очкўз қарғалардан ортган жийда ҳам қорнинг тагида қолиб кетди. Лекин одамларни улардан ҳам кўра далада қолган кўраклар кўпроқ ташвишга соларди.

Колхозчилар икки кунгача ҳаво очилиб, қорнинг эришини кутишди. Вакиллар ҳам уйларига қайтишди. Уч-тўрт отлиқ «катта томорқа» томондан қочган қуённи қувлашганча, уларнинг молхонаси олдидан қийқириб ўтиб кетишди. Илгарилари Ўтамуротнинг отаси ора-сира у ердан тузоққа илинган ёввойи қуён, қирғовулларни олиб келарди. Лекин отаси қазо қилгандан сўнг улар ана шу ғаниматдан ҳам бенасиб қолишди. Тузоққа тушган жониворларни ҳам Рамберген кўса уйига олиб кетса керак. Чунки ўша воқеадан сўнг у ўзининг мулкида юргандек, гердайдан кўйи «катта томорқа» айланиб юришни одат қилган эди.

Уч кундан сўнг вакиллар яна қайтиб келишди. Хўжамурот бригад яна уйма-уй оралаб, ҳаммани далага ҳайдади. Колхозчилар пайкалдаги ғўзаларни хипчин билан савалаб, қордан тозаланган кўракларни териб ола бошлашди. Ҳар ким ўзи терган кўракни уйига олиб бориб, туни билан печканинг атрофига ёйиб қуритади. Сўнг уларни чанокдан ажратиб олиб, эрталаб тарозидан торгтириб, омборга топширади.

Овул мактаби бутунлай ёпилиб, болалар ҳам гўза калтаклашга сафарбар қилинди. Кун бўйи далада қор аралаш лой кечиб, совукда дийдираб юргани етмагандек, улар кечкурун чироқ ёруғида ота-оналари билан кўрак чувишади. Ҳар окшом хўроз чақиргунга қадар гоҳ Хўжамурот бригад, гоҳ раис, гоҳ вакил одамларнинг деразасидан пойлаб юради. Мабодо кимдир чироқ ёруғида кўрак тозалаб ўтириб кўзи илиниб қолса, улардан эшитмаган ҳақорати қолмайди.

Барибир пахта режаси тўлмаган бўлса керак. Далада гўзадан бўлак ҳеч вақо қолмагач, вакиллар уйма-уй кириб пахта ахтаришди. Баъзи хонадонларда 'янги қопланган кўрпа-тўшакларнинг пахтасини ҳам ситиб олишди. Бироқ улар Ўтамуротларнинг уйдан ҳеч нарса тополмай, ноумид қайтишди. Шу тариқа қиш ҳам кириб келди. Тез орада вакил билан раиснинг ҳам қадами узилди.

Кунлардан бирида мактабдан қайтган Ўтамурот ҳовлида бир от билан икки эшак боғлоғлиқ турганига кўзи тушди. Лекин уларнинг кимга тегишли эканлигини билолмади. Овулдаги баъзи болалар от-эшак тугул, ҳар бир уйнинг мушугигача танийди. Лекин Ўтамурот бу масалада нўноқроқ эди.

Ўтамурот қуроқ папкасини орқалаган кўйи олов ёниб турган хужрага тортиниб кириб борди.

– Ўғлим, меҳмонлар билан саломлаш, – деди ичкарида чой дамлаётган онаси.

Ўтамурот дастлаб тўрда ўтирган мулла Мембеткарим билан, сўнг Мембетирза бува билан саломланди.

– Баракалла, чироғим, катта йигит бўлгин, – дея Ўтамуротни алқаб қўйишди улар.

Қуйроқда ўтирган Хўжамурот бригад Ўтамуротнинг қўлини бир муддат қўйиб юбормади.

– Қалайсан, полвон? Мактабни тезроқ тугатмайсанми? Менга чаққон табелчи керак.

Доим ковоғидан қор ёғиб юрадиган Хўжамурот бригад бугун жуда бошқача кўринарди. Афтидан, илгарилари далада иш кўплигидан у одамларга кулиб қарашга имкон тополмаган бўлса керак.

Бу орада Энжим ташқаридан бир этак сабзи олиб келиб ўчоқбошига тўкди.

– Нима қилаяпсан, келин? – деди Мембетирза бува унга юзланиб.

– Шовла-повла пишириб юборсам дегандим...

– Ҳожати йўқ. Яхшиси, ўтириб, гапларимизга кулоқ сол. Болам, сен ҳам онангнинг ёнига ўтир...

Ўтамурот чопонини ечиб, онасининг қаватига чўкди.

– Келин, – дея салмоқлаб гап бошлади Мембетирза оқсоқол. – Бир гал уйимга борганинда сенга, мен бу овулда уч кишига гап уқтиришни бас қилдим, деб айтган эдим. Ана шулардан бири бўлган «Фармол» ҳайдайдиган Умарнинг элга қарагудек бети қолмади. Унинг афт-ангори хамирдек кўпчиб чиқиб, териси арчилиб тушибди. Бунинг учун сени маломат қилмоқчи эмасмиз. Қариндошнинг, элнинг юзига оёқ кўйган бетавфиқнинг жазоси шу. Бугун бу ерга келмасдан бурун Чиннигул келинни туғилиб ўсган овулига жўнатдик. Ўшаёқдан ўзларига биронта бошпана топиб келади. Хуллас, эр-хотин келар жумага қолмай бу овулдан кўчади. Кўчмаганларига кўймаймиз.

– Шу чаток бўлди-да, оға, – деди Хўжамурот Мембетирза оқсоқолга юзланиб. – Униси қурғур овулдаги битта-ю битта тракторчи эди. Бир гал уришиб-сўкиб кўйсак ҳам бўларди...

Оқсоқол Хўжамурот бригадни қайтариб ташлади.

– Уришиб-сўкиш билан битадиган савдо эмас бу! Мана шундай каслар элни бузади. – У Ўтамуротнинг онасига юзланди. – Келин, менинг нима демоқчилигимни ўзинг ҳам тушуниб турган бўлсанг керак?

Энжим унсиз бош ирғади. Боядан бери сукут сақлаб ўтирган мулла Мембеткарим ҳам ниҳоят, тилга кирди.

– Ота-боболардан айтилмаган гап қолмаган, қароғим. «Беникоҳ аёлнинг қадами теккан ер ларзага тушиб, элга офат келади», дейишган. Биз ҳам Мирзамуратжоннинг тўшагига бегона эркак оёқ босишини истамаймиз... Лекин ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандамиз, худонинг буюрганига кўнишимиз керак. Сени қаноти остига оладиган на қайнинг, на қайноғанг бор. Шунинг учун ўзинг бу овулда мана шу етимнинг бошини силайди деб гумон қилган одамнинг бўлса, айт, аҳли оиласини рози қилиб, сени никоҳига ўтказиб берайлик.

Энжим мулла Мембеткаримнинг сўзларини жимгина тинглаб ўтиргани билан ичида қон йиғларди. У кўзларидан тиркираб оқаётган ёшни бошқаларга сездирмасдан рўмолининг учи билан артди-да, оташкурак билан ўчоқнинг оловини тортиб, қумфони ичкарироққа суриб қўйди.

Хонада бир муддат жимлик ҳукм сурди.

– Айтавер, қароғим, – деди Мембетирза оқсоқол. – Яхши эл есирини ётга бермайди. Бунинг устига, бу уй илгаридан овулнинг катта рўзғорларидан эди, нима бўлганда ҳам мўрисидан тутун чиқиб туриши керак.

– Мен ҳеч қаёққа кетмоқчи эмасман, – деди Энжим. – Ўташим эрта бир кун катта бўлса, бу уйнинг ўчоғини ўзи ёқади.

Энжим рўмолининг учи билан бурнини чимчи-
лаб, ташқарига чиқиб кетди. Ўтамурот ҳам онаси
билан бирга чиқмоқчи эди, лекин Хўжамурот бри-
гад унинг қўлидан ушлаб қолди.

– Сен елкангдаги фарзингни биласанми, бола, –
деди унга жиддий тикилиб. – Ташқарига чиқиб,
«Менинг онамга уйланадиган одам борми?» деб уч
марта бақирининг керак. Агар талабгор чиқмаса,
онанг шу уйда қолади.

– Онами ҳеч қаяққа юбормайман! – деб
Ўтамурот дафъатан йиғлаб юборди.

– Қўй, болам, йиғлама, – деди Мембетирза
оқсоқол. – Онанг ҳеч қаяққа кетмайди.

Ўғлининг йиғлаганини эшитиб, Энжим дарров
уйга қайтиб кирди.

– Қайноғалар, – деди у боя ўтирган жойи-
га қайтадан тиззасини букиб ўтириб. – Харом-
ҳалолни ўртага солиб келганингиз айб эмас. Худо
қилди, биз қўндик. Бироқ қизларим уйли-жойли
бўлиб, неварали бўлганимда тагин бировнинг эта-
гига осилсам уят бўлар. Ҳадемай Ўташим вояга
етади. Уни ўгай отанинг қош-қовоғига қаратиб
қўйишни истамайман. «Фармол»чи қайнимиз эшик
бузиб келгани билан мен уни имлаб чақирганим
йўқ эди. Виждоним тоза, худога ҳақман. Буни
мана шу гўдакнинг қайноқ сувда куйган юзи ҳам
айтиб турибди. Агар менинг беникоҳ юришимдан
ер ларзага тушадиган бўлса, никоҳимни ўчоқдаги
қора кумфонга қийиб бериб кетаверинглар.

Ўтирганлар онг-тонг бўлиб қолишди. Ўтамурот
ҳам онасининг ҳеч қаяққа кетмаслигини англаб, шу
заҳоти йиғлашни бас қилди.

– Болам, сен ташқарига чиқиб, бироз ўйнаб
кел, – деди бир пайт мулла Мембеткарим Ўтаму-
ротга. Сўнг Энжимга юзланди, – келин, сен бир
сиқим туз билан қора кумфонни буёққа олиб кел.

Ўтамуротнинг кўнглига ўйин сиғмади. Уйни ай- ланиб юриб, гоҳ деразадан, гоҳ эшикдан ичкарига мўраларди. Уйдагилар ҳам тез орада кавушларини оёғига илиб ташқарига чиқишди.

– Энжим! – деди Хўжамурот бригад чоллар эшак миниб йўлга тушган пайтда отининг жило- вини буриб. – Қўрангдаги қийларни чўп-хашакдан тозалаб, бир жойга уйиб қўй, тушундингми? Эр- тага арава жўнатаман. Қидирнияз партовга гўнг чиқарасан!

У бир зумда аввалгидек баджаҳл, вазоҳатли Хўжамурот бригадга айланган эди. Ичкарида ювош- гина бўлиб ўтириши унга сира ярашмаётган эди. Ана энди у ўзига ўхшади.

Шундай қилиб, Ўтамурот кутилмаганда «ўғай отали» бўлди. Ўчокдаги қора қумфон унинг ўғай отасига айланган эди.

5

Ўтамуротнинг қулоғига қандайдир гувуллаган товуш эшитилди. Бу товуш гоҳ поезднинг гудо- гига, гоҳ юксак осмонда учиб бораётган реактив самолёт моторининг шовқинига ўхшаб кетарди. Ле- кин у овознинг айнан нимага тегишли эканлигини аниқ фаҳмлай олмади.

Овоз аста-секин узоқлаша бошлади. Бу орада аллакимларнинг гангир-гунгур суҳбати ҳам элас- элас қулоғига чалингандай бўлди. Бояги сас аста- секин олислаб, биратўла тингандан сўнг гап-сўзлар аниқ эшитила бошлади.

Ўвли Ажимурот телефонда гаплашмоқда эди.

– Сағийда! Опамга айт, тезда етиб келсин! Отам йиқилиб қолди... Билмадим. Дўхтирлар ўрнидан қўзғатиш мумкин эмас деб касалхонага олиб кетишмади.

Сағийда – Ұтамуротнинг тўнғич қизи эди. Яқинда болалари унинг пайғамбар ёшини нишонлаб, қариган чоғида кўнглини чоғ қилишди. Уни ҳам чақираётган бўлса, демак, Ұтамуротнинг ахволи оғир экан-да!

Чол бир амаллаб кўзларини очишга ҳаракат қилди. Бироқ кўрғошиндек қотиб қолган қовоқлари ўзига бўйсунмади. У вужудидаги бор кучини тўплаб, яна бир бор уриниб кўрди. Дафъатан кўзлари ярқ этиб очилгандай бўлди. Тепасида кимлардир тик оёқда тургандай туюлди-ю, аммо бу манзара ҳам шу заҳоти сув юзидаги кўланка сингари чайқалиб кўздан ғойиб бўлди.

Йўк, бу сув эмас, муз экан. Учи-қуйруғи йўк музлик. Узоқда чўққиси қор билан қопланган музтоғ кўринди. Ұтамурот ўша томонга шитоб билан силжиб бораётган улкан музёрар кеманинг саҳнида ўтирарди. Юқоридаги ўриндиқларнинг тўрт тарафидан бармоқ сикқудай тешик очилган. Шунинг учун улар тракторнинг омочига ўхшаб кетади.

Кема бир ярим-икки мерт қалинликдаги музни аёвсиз эзиб-янчиб, олдинга сузиб борарди. Ұлмаган банда кўраверар экан-да, деган ўй кечди Ұтамуротнинг хаёлидан. У бундай музёрар кемалар ҳақида болалигида китобларда ўқиган, кейинчалик телевизорда ҳам кўп марта кўрган эди. Мана, энди ўзи ҳам шу кемада миниб юрибди. Бунинг устига, унча-мунча ерда эмас, нақ Шимолий муз океанида! Бу ерларга ҳар қандай сайёҳнинг ҳам қадами етавермайди. Омади бор экан унинг.

Палуба анча совуқ эди. Ұтамурот бир зумда музлаб қолаёзди. Ахир, муз билан қопланган уммонга юпунгина чопон билан сафар қилиб бўларканми? Бундоқ қараса, кема аллақачон уммонни ортда қолдириб, Арктикага етиб келибди. Ана, оқ айиқлар музнинг устида болаларини эргаш-

тириб юрибди. Жониворлар бу ерлардан ризкини қандай топишаркин...

Ўтамурот зинадан аста пастга туша бошлади. Қуйироқда икки юзтача одам сивадиган улкан айвон бор экан. Лекин қатор териб қўйилган ўриндикларнинг ҳаммаси бўм-бўш. Қизиги, шу чокқача у баҳайбат кемада биронта инсон зотига дуч келмади. Уни ким бошқариб бораётганига ҳам ақли етмасди.

– Ўтамурот, – дея овоз берди шу пайт кимдир орқа тарафдан.

Ўтамурот ялт этиб овоз келган тарафга қаради-ю, эллик ёшлар атрофидаги, тўладан келган, сарғиштоб кишига кўзи тушди.

– Қартайиб қолибсан-ку, – деди бояги киши жилмайиб.

Ўтамурот индамади.

– Танимадингми?

– Унчалик эмас.

– Бекниёз дўхтир деган одамни эслайсанми?

– Эслагандайман.

– Эслайсан! Тўртинчи синфда ўқиётган пайтингда сени мактабдан олиб, Чимбойдаги тазлар касалхонасига олиб борганим ёдингдами?

Ўтамурот уни таниди.

– Ахир... ўшандан бери орадан қанча йиллар ўтиб кетди. Лекин сиз ҳалиям ёш кўринасиз-ку? – деди у ажабланиб.

– Мен ёшлигимда ўлиб кетдим. Ўлган одам ҳеч қачон қаримайди. Кел, мана бу ерга ўтирайлик.

Иккаласи бир чеккадаги ўриндикка ёнма-ён ўтиришди...

Ўша вақтларда Ўтамурот овулдаги бошланғич мактабда ўқирди. Бекниёз дўхтир мактабга келишидан бир ҳафта бурун онаси уни шаҳарга олиб бориб, тумшугига чарм қопланган латга туфли

олиб берди. Пойабзал оёғига анча катта келди. Кичикроғини олишга онаси унамади.

– Кун сайин бўйинг чўзиляпти, – деди у. – Бир-икки ойдан сўнг оёғингга лойиқ келиб қолади.

Уйга келгач, онаси Ўтамуротнинг оёғига мослаб, туфлининг учига қоғоз тиқиб берди. Эртаси куни у янги туфлини кийиб синфга виқор билан кириб борди. Оёғимдагига болаларнинг жудаям ҳаваси келса керак, деб ўйлаганди. Лекин ундай бўлиб чиқмади. Қайтанга Сирвагул исмли синфдоши унинг оёғига қўлини бигиз қилиб, заҳарханда илжайди.

– Қаранглар, Ўтамурот отасининг туфлисини кийиб келибди!

Синфда гур кулги кўтарилди. Ўтамурот уялганидан ерга кириб кетгудек бўлди. Шу куни у дарслар тугагунча ўрнидан қўзғолмай, оёқларини партанинг тагига яшириб ўтирди. Танаффусга ҳам чиқмади.

Эртаси куни мактабга эски этигини кийиб бораётганида онаси уни тўхтади.

– Нега янги туфлигингни киймадинг?

– Оёғимга катталиқ қияпти, – дея баҳона қилди Ўтамурот.

– Катта бўлса нима қипти? Айтдим-ку, бир-икки ой кийсанг лойиқ келиб қолади. Ёки қоғозни кўпроқ солиб берайми?

– Йўқ.

Онаси ўз қўли билан унинг оёғидан эски этикни ечиб олиб, янги оёқ кийимини кийдириб жўнатди. Ўтамурот Сулаймон партовнинг четидаги сўкмоққа етгач туфлисини ечиб, отиз бўйидаги бўянинг орасига яширди. Сўнгра ялангоёқ диконглаганча мактабга жўнади. Чунки баҳор келиб, аллақачон кунлар исиб қолган. Бундан бўёғига ялангоёқ юрсаям

бўлаверади. Бошқа болалар ҳам дарсга ялангоёқ боришарди. Мактабга «отасининг туфлисини» кийиб боргандан кўра шуниси тузукроқ. Қайтишда яна туфлисини кийиб олади. Онаси ҳеч нарсани сезмайди.

Лекин латтадан тикилган туфли бўяннинг⁴ орасига яширилганича қолиб кетди. Ўша куни Ўтамурот мактабдан уйга қайтмади. Катта танаффус пайтида тенгдошлари билан қочарман тўп ўйнаётганида биқинига алвон тусли хоч белгиси туширилган фойтун арава мактаб ёнига келиб тўхтади. Аравадан тўладан келган, ўрта ёшли одам билан бир аёл тушишди. Болалар орасида шивир-шивир бошланди.

– Дўхтир келди.

– Укол қилармикин?

– Бўлмаса нима қилади!

– Укол қилмайди, яланғочлаб текширади.

Бу орада дарсга кўнғироқ чалинди. Қочарман тўп ўйнаётган болаларнинг кўпчилиги мактаб ёнидан ўтган эски ариқнинг ичидан паналаб уйларига қочиб қолишди. Бирок Ўтамурот қочмади. Синфга кирди.

Дарс бошлангач, бояги дўхтирлар синфга кириб келишди-да, бирин-кетин ўқувчиларнинг бошини текширишга тушиб кетишди. Эркак дўхтир Ўтамуротнинг сочига бармоқ оралатиб, бошини қайта-қайта кўздан кечирди. Сўнг муаллим ўтирадиган столга бориб, сумкасидаги дафтарига унинг исми-шарифини ёзиб олди. Ҳамма болаларни текшириб бўлгач, дўхтирлар синфдан чиқиб кетишди. Ўтамурот улардан кутулиб қолганига хурсанд эди. Бошқа синфдаги болаларга укол қилишадими, яланғочлаб текширишадими, унга қизиги йўқ. Хайтовур, у билан синфдошлари осонгина кутулишди.

⁴ Бўян – маҳаллий бутасимон ўсимлик

Бироздан сўнг дўхтирлар яна синфга қайтиб киришди. Лекин бу гал улар парта ораламадилар.

– Мирзамуротов китоб-дафтарини йиғиштириб, биз билан юрсин, – деди эркак дўхтир муаллимга. – Чимбойдаги касалхонага олиб кетамиз.

Муаллим Ўтамуротга рухсат берди. Синфдошлари уни жимгина кузатиб қолишди. Улар шу чокқача ўзлари қатори ўйнаб-кулиб юрган Ўтамуротнинг қанақа касал эканлигини билолмай ҳайрон эдилар.

Дўхтирлар Ўтамуротни фойтун аравада шаҳарга олиб кетишди.

Ўтамуротнинг отга қўшиладиган бунақа аравага биринчи бор миниши эди. Шунинг учун бир тарафдан шаҳарга олиб кетишаётганидан хурсанд бўлди. Бироқ онаси бундан беҳабар қолганини ўйлаб кўнгли хижил эди. Бечора онаси энди кечгача хавотир билан унинг йўлига кўз тикиб ўтиради. Балки муаллим уйимизга бориб, мени касалхонага олиб кетишганини онамга айтиб қўяр, деб ўзини овутишга ҳаракат қилди Ўтамурот.

Чимбойга етиб боришгач, дўхтирлар уни бошқа шифокорларнинг ихтиёрига топшириб, қайтиб кетишди. Эгнига унниқиб қолган халат кийган бир аёл Ўтамуротни етти-саккиз нафар бола ётган палатага бошлаб кирди-да, у ётадиган каравотни, нарсаларини соладиган тумбочкани кўрсатди. Анчадан бери шу ерда яшаб, шифохонанинг ҳаётига кўниқиб қолган болалар аёл кетиши билан уни сўроққа тутишди.

– Қачон келдинг?

– Нечанчи синфда ўқийсан?

– Мактабдан олиб келишдимиз?

– Қачон кал бўлдинг?

Ўтамурот болаларнинг аввалги саволларига бажонидил жавоб берди-ю, лекин кейингисига нима деб жавоб қилишни билмай ўйланиб қолди. Чунки

у качон кал бўлгани тугул, умуман «кал» деган сўзнинг маъносини ҳам унчалик тушунмас эди. Онаси унинг бошини тиззасига қўйиб, сочларини бармоқлари билан тараб ўтирган кезларида бир гапни кўп такрорларди:

– Менинг боламнинг бошида ўчта ўрами бор экан-ку. Учта ўтов тикармикин, ё уч қиз олиб келармикин?

Гарчи Ўтамурот «уч ўтов»нинг маъносини тушунмаса-да, лекин «уч қиз» ҳақидаги гапни эшитганида мийғида қулиб қўярди. Ўша ўрамлар энди калга айландимикин?

У гоҳ онасини ўйлаб, гоҳ бўяннинг орасида қолиб кетган яп-янги туфлисига ачишиб, тупи билан тузукроқ ухлолмади.

Эртаси куни нонуштадан сўнг бир ҳамшира палатага кириб, Ўтамуротни эргаштириб чиқиб кетди. Ҳамшира уни деразаси анча баландда ўрнатилган мўъжазгина хонага бошлаб кирди. Бу ерда эллик ёшлардан ошган шифокор ва ёшгина йигит ўтиришарди.

– Ўтир, болам, – деди катта ёшли шифокор ёнидаги деворга тақаб қўйилган ўриндикқа ишора қилиб. Ўтамурот унинг ўрис эканлигини шундагина билди. Унинг баъзи сўзларига тушунса, бошқаларига тушунмасди.

Ўтамурот у кўрсатган жойга омонатгина чўкди. Шифокор унинг сочларини синчиклаб текширди.

– Тушунарли, – деб у ёнидаги шеригига юзланди. – Бошлайверинг.

Йигит узунчоқ тоғорадаги қатикқа ўхшаш суюқликни Ўтамуротнинг бошига суркашга тушди. Суюқлик иссиқ бўлса-да, бошни куйдирадиган даражада эмасди. Бироқ ачимсиқ ҳиди димоқни ёриб юборай дерди.

Ўтамурот хонадан чиқиб, ўзини дахлиздаги кўзгуга солди. Унинг бошига оппоқ, мўъжазгина тоғора тўнкариб қўйилганга ўхшарди. Кеча уни палатада ётган болаларнинг бошида кўрган эди. У кўрқа-писа қўлини бошига текизиб кўрди. Бадбўй суюклик аллақачон қотиб қолган экан. Бир-икки чертиб кўрган эди, «тиқ-тиқ» этган садо берди. Бўйинини қимирлатса боши пастга оғиб кетадигандай хавотирланиб, қаддини роз тутганча таниш палатага кирди. Унга кўзи тушган болалар бараварига гуриллаб кулиб юборишди. Ўтамурот ҳам ўзини кулгидан тиёлмади. Чунки уларнинг орасида бошига «тоғора тўнкарилмаган» боланинг ўзи йўқ эди.

Орадан уч кун ўтгач, онаси зўрға Ўтамуротни топиб келди. Ўзининг айтишича, райондаги шифохоналарга бирма-бир кириб чиқибди. Сўнг Ўтамуротни мактабдан олиб кетган дўхтирни топиб, ўшандан ўғлининг қаерда эканини билиб олибди.

Онаси келганида Ўтамурот палатада йўқ эди. Шифохона ҳовлисида айланиб юрганида шериклари уни излаб топишди. Ўтамурот имконини топса, бу ердан қочиб қолишни мўлжаллаган эди. Қочгани билан уйини топиб боролмаслигини ҳам сезиб турарди. Лекин нима бўлгандаям бу ердан тезроқ чиқиб кетишни истарди.

Энжим Ўтамуротни бағрига босиб, бир муддат йиғлаб олди. Бошидаги оппоқ гипс қошламани у ёқ-буёққа тортқилаб кўрди.

– Олинмаяпти-ку, чироғим, энди нима қиламиз?

– Уни дўхтирларнинг ўзи олиб ташлайди, – дейишди тажрибали «каллар».

Лекин Энжимнинг бу гапдан кўнгли тўлмади. Ўғлини шифокорнинг олдига етаклаб борди.

– Менинг болам таз эмас, – дея қуйиб-пишиб тушунтиришга тушди у. – Туғилганидаёқ бошида

учта ўрами бор эди. Кал билан ўрамнинг фарқига борсангиз керак, дўхтирсиз-ку, ахир?

Ўрис дўхтир Энжимнинг гапларига тушунмади. Унинг ўрнига ёнидаги аёл жавоб берди.

– Фарқига борамиз. Лекин ўғлингизнинг бошидаги парсаларни бошланиб кслаётган тазмикин деб гумон қилдик. Бир-икки кундан кейин бошидаги дорини олиб ташлаймиз. Шундан кейин ҳаммаси равшан бўлади.

– Йўқ, қизим, бир-икки кунгача ўғлимни бу ерда қолдирмайман, – деди Энжим. – Уни бугуноқ олиб кетаман.

Дўхтирлар рози бўлишмади.

– Жавоб бера олмаймиз.

– Кал эмаслигини кўриб турибсиз-ку?

– Кал бўлмаса ҳам рухсат бера олмаймиз.

– Нега?

– Биз анигини билишимиз керак. Кал бўлса, даволаймиз, кал бўлмаса, уни олиб келган дўхтирларни чақиртирамиз. Ўзлари болангизни уйингизга олиб бориб қўйишади. Тартиб шунақа.

Энжимнинг ялиниб-ёлворишлари беҳуда кетди.

– Хеч бўлмаса ташқаридаги ошхонадан ўғлимга балиқ едириб келишимга рухсат берарсиз, – деди у ниҳоят, тақдирга тан бериб.

– Майли, бунисига рухсат берамиз. Лекин беморни олиб кетиб қолманг!

Ошхона шифохонадан анча нарида жойлашган эди. Дарвозадан узоқлашгани сари Ўтамурот худди уйига кетаётгандай қувона бошлади. Балиқ еб ўтирганида ҳам фикри-ёди уйга кетишда бўлди. Онаси ковурилган балиқнинг қилтаноқларини тозалаб бериб, унинг овқат ейишини жилмайиб кузатиб ўтирди. Ора-сира ўзи ҳам балиқнинг калла-палласидан тотинган бўлди. Лаҳм жойидан еса, ўғли тўймай қоладигандай туюлди.

Она-бола овқатланиб бўлишгач, ўша ердаги қопқоксиз кумғондан қўл ювишди. Онаси белбогини ечиб, Ўтамуротнинг қўлларини, балиқ ёғидан йилтираб турган оғзини артди. Сўнг иккиланган кўйи касалхона дарвозасига бир муддат тикилиб қолди.

– Ўташ, уйга кетаверсакмикин? – деди у ўғлига юзланиб.

– Кетамиз, она! – деди ўзи зўрға турган Ўтамурот ҳам жонланиб.

– Кетдик, ўғлим. Панарокдан юрайлик, тагин дўхтирларинг кўриб қолишмасин.

Улар эҳтиёткорлик билан тез-тез юриб катга йўлга етиб келишди. У ерда тери ташийдиган бир ширкатчи фойтун аравасида Нукусга жунамоқчи бўлиб турган экан.

– Оға, бизларни Халқободгача олиб кетолмай-сизми? – деб сўради Энжим аравакашдан.

– Касалхонадан кочиб келаяпсизларми? – деди йўлга шайланиб турган аравакаш.

– Йўғ-ей, нега ундай дейсиз? – деди Энжим безовталаниб. – Боламнинг бу ерда ётганига бир ой бўлди... Уйни кўриб келсин деб дўхтирларидан жавоб олдим.

Энжим бу гапни айтишга айтди-ю, рўмолининг учини тишлаб, «ёлғонни худонинг ўзи кечирсин» дея ўзича тавба қилган бўлди.

Аравакашнинг уларга раҳми келди.

– Майли, чиқақолинг. Бироқ дўхтирлар ортимиздан етиб олишса, мендан ўпкаламанг!

– Хўп... Барака топинг, оға!

Ўтамурот Халқободга етгунча хавотирини босолмай, орқадан кўз узмади. Қараб-қараб келди. Лекин худо ёрлақаб, ҳеч ким уларни қувиб келмади.

Уйга етиб келишгач, онаси Ўтамуротнинг бошидаги оппоқ қобикни қайчи билан бир амаллаб қирқиб олиб ташлади. Кейин уни Рамберген

кўсанинг уйига етаклаб бориб, устара билан сочи-
ни тақир қилиб олдирди.

Эртаси куни Ўтамурот Сулаймон партов то-
монга югурди. Лекин унинг туфлиси яширилган
бўянзорни аллқачон трактор текислаб кетган экан...

Хуллас, ўшанда мана шу Бекниёз дўхтир ту-
файли Ўтамурот билан онасининг бир неча кун
овораи сарсон бўлишган эди.

– Нахотки, сиз ўшанда кал билан ўрамнинг
фаркига бормаган бўлсангиз? – дея сўради Ўта-
мурот ундан.

– Мен шундай қилишга мажбур бўлган эдим, –
деди Бекниёз. – Чимбойдаги янги очилган касал-
хонанинг ёпилиб кетмаслиги учун ҳар бир районга
бсмор олиб келиш режаси белгилаб берилган эди.

– Барибир тўғри гапни айтиш шунчалик қийин-
миди?

Ўтамуротнинг саволи жавобсиз қолди, чунки
бу пайтда Бекниёз изсиз ғойиб бўлган эди. У
ўрнидан туриб, қўлини кўзига соябонлаб теваракка
аланглади. Узоқда Бекниёз дўхтирнинг оқ айиқни
миниб кетаётганини кўрди. Демак, у шунча пайт-
дан бери музликлар бағрида юравериб, оқ айиқлар
билан ҳам апоқ-чапоқ бўлиб кетган экан-да!

Ўтамурот бир муддат дам олиш ниятида қатор
тизилган ўриндиқлардан бирига чўкди.

– Ўтамурот, ёрдам бер, Ўтамурот!..

У кулоғига чалинган ҳаяжонли овоздан хушёр
тортиб, шоша-пиша ўрнидан турди.

Қизиқ, атрофда ҳеч ким йўқ. У овоз қайси то-
мондан келаётганини аниқлаш ниятида кема туйну-
гидан ташқарига қаради. Шундагина кўрди. Қип-
яланғоч Емберген қўтир кеманинг пўлат тумшуғи
парчалаб ташлаган улкан муз бўлаклари орасида
гоҳ сувга шўнғиб, гоҳ юзага чиқиб, омонатгина
қалқиб турарди.

– Ўтамурот! Ёрдам бер, Ўтамурот!

Ўтамурот Емберген қўтирни унчалик жини суймаса-да, лекин шу тонда унга раҳми келди. Шу заҳоти туйнук ойнасини синдириб, пастга сакради ва муз парчаларидан бирининг устига бориб тушди. Ўтамуротнинг залворига дош беролмай сув юзасидан қалқиб кетган муз парчаси шитоб билан Емберген қўтир томон силжиди. Ўтамурот унга қўлини чўзди, бироқ ўртадаги масофа узоқлик қилди. Емберген қўтир жон ҳолатда бир муз парчасидан бошқасига ёпишиб, бир амаллаб Ўтамуротга яқинлашди.

Ўтамурот Емберген қўтир билан овора бўлиб кемадан анча орқада қолиб кетди. Лекин уни бир амаллаб ўзи турган музнинг устига чиқариб олди.

– Эгнингдаги кафанинг қани? – деб сўради Ўтамурот Емберген қўтирдан.

– Китлар еб қўйди.

Ўтамурот устидаги чопонини ечиб унга узатди.

– Манавини кийиб ол.

Ҳойнаҳой бу ерларда ҳам кунлар исиб кетган бўлса керак. Ҳар қалай, Ўтамурот совқотганини сезмасди. У қалин музнинг устига қўр тўкиб ўтирганида ҳам вужуди аёздан сесканмади. Афтидан, бу ерларнинг музи курук, иссиқ бўлса керак.

Емберген қўтир у узатган чопонни кийиб, узола тушиб ётиб олди. Бундоқ қараса, у пишиллаб ухлаяпти. Бироқ Ўтамурот ухлашни хаёлига ҳам келтиргани йўқ. Узоқда болаларини ахтариб юрган оқ айиқлар Емберген қўтирни еб қўйишидан хавотирланиб, уни қўриқлаб ўтирди. Шу аснода Ембергеннинг қўтир бўлиб қолмасдан бурунги аҳмоқона қилиқлари ёдига тушди.

Емберген қўтир ичиқораликда отаси Рамберген кўсани ҳам ортда қолдирарди. Отаси-ку, қилган ёмонлигини ҳеч кимдан яшириб ўтирмасди.

Қўлингдан ҳеч нарса келмаслигини билса, оғзига келган гапни юзингга айтаверарди. Тупроққа ўт қўйсанг ҳам унга барибир эди. Аммо Емберген ҳар қандай ишни зимдан амалга оширарди. Унинг сиртига қараб, ичида нима борлигини билиб бўлмасди...

Рамберген кўса «катта томорқа»даги теракларни чопиб олиш билан чеклангани йўқ. Тез орада у ўртадаги чакалакзорни тозалаб, хўкиз билан қўш хайдаб бугдой экди. Бугдойнинг ҳосили жуда мул бўлди. Шунинг касрига Ўтамуротларнинг мўъжазгина томорқасидаги экинлар вақтида сув ичолмай, бир четдан қовжирай бошлади. Чунки орқа тарафдаги ариқдан тармоқланган икки ариқнинг бири «катта томорқа»га борса, иккинчиси Ўтамуротларнинг ҳовлисига келарди.

Шу йили эрта баҳордаёқ кунлар исиб кетди. Қовунлар палак ёзиб улгурмай чанқаб қолди. Бунинг устига, сабзи пайкалларини ҳам кунора сугориш керак. Энжим билан Ўтамурот сувнинг йўлида ҳалак. Иккаласи бориб ариқ кулоғини очиб келишади, сувнинг олди эндигина қовун пайкалига етганида орқаси тортилиб, ариқ куриб қолади. Қулоқ бошига боришса, кимдир ариқни яхшилаб боғлаб, лой билан суваб кетган бўлади. Лекин бултурдан бошлаб Рамберген кўсанинг томорқасига айланган «катта томорқа»га очилган ариқ тўлиб-тошиб оқиб ётган бўлади. Атрофда ҳеч зор кўринмайди.

Она-бола уч кун бўзчининг моксидек ариқнинг у бошидан-бу бошига бориб келишди. Қоронғи тунда чироқ кўтариб, юрак ховучлаганча сув ёқалаб юришди. Бироқ барибир отизга сув бошлаб келишолмади. Ўн беш-йигирма кун шу тариқа сарсон-саргардонлик билан ўтди. Бу орада ёгин-сочин ҳам бўлавермади. Оқибатда аввал томорқадаги хан-

далак, сўнг қовун пайкали, охирида эрта-индин пишаман деб турган тариқ ва кунжут қовжиради. Ёзнинг қоқ чилласида томорқа буткул хувиллаб қолди.

Энжим ер муштлаб йиғлади.

– Юрт қовун еб ўтирганида менинг болам нима ейди? – деб йиғлади.

– Юрт тариқ қайнатиб, қозонига сўк солиб ўтирганида мен нима соламан?! – деб йиғлади.

Унинг аламли фарёдини худодап бошқа ҳеч ким эшитмади...

Ўша йили Ўтамуротлар колхоз берган озгина пахта пулидан бошқа ҳеч қандай даромад олишолмади. Пахта теримининг охирида Емберген чечак билан оғриди. Рамберген кўса билан Рабийби кампир табибма-табиб зир югуришди. Ҳар бир табиб Ембергенни ўз билганича даволаган бўлди. Бирови бўлмаса, бировининг дори-дармони эм бўлган бўлса керак, ҳар қалай Емберген ўлмай омон қолди. Лекин юз-кўзини сидирғасига қўтир босиб кетди.

– Қораманглайга қарғиш тегди, – дейишди овул аёллари. – Етим-есирнинг қарғиши ёмон бўлади.

Ембергеннинг қўтир бўлиб қолишига онасининг қарғиши сабаб бўлдими, ёки бунинг бошқа бир сабаби бормиди, буёғи Ўтамуротга қоронғи. Билгани шуки, Емберген бир умр бировга яхшилик қилмай ўтди.

Лекин увол-савобнинг фаркига борадиган одам ҳеч қачон ёмонликка ёмонлик билан жавоб бера олмас экан. Боя Ўтамурот ҳам Емберген қўтирни ўйлаб-негиб ўтирмасдан муз парчаларининг орасидан қутқариб олди. Буям етмагандек, уни оқ айиқлардан қўриқлаб ўтирибди.

Ўтамурот Емберген қўтирни уйғотиш ниятида унга қўл чўзди. Не кўз билан кўрсинки, у чопоннинг ичида йўқ эди.

Ўша воқсадан кейин Емберген ўзига лақаб орттирди. Овулда катта-ю кичик унинг исмига «кўтир» сўзини тиркаб гапиришга одатланди. Лекин бошидан тегирмон тошини айлантирсанг ҳам бадфеъл одамнинг табиати ўзгармас экан. Емберген бир ўлиб тирилганидан кейин ҳам ўша Ембергенлигича қолаверди. Ўтамурот эсини танигунича кўп бор унинг кирдикорлари жабрини тортишга мажбур бўлди. Онаси, «худонинг кўзи ўнг бўлсин» деган гаини кўп такрорларди. Чинданам, Емберген кўтирнинг майда-чуйда қитмирликлари туфайли улар кучдан қолиб, очдан ўлишгани йўқ. Она-бола аста-секин ўзларини ўнглаб олишди.

... Бир зумда музлик қуюқ тўқайзорга айланди. Қалин Тайга тўқайлари. Ўтамурот чопонини олиш ниятида ерга эгилди-ю, унинг ҳам изсиз ғойиб бўлганини кўрди. Афтидан, чопони ҳам бояги музликлар бағрида қолиб кетганга ўхшайди.

Узоқроқдан тракторнинг гуриллаган товуши эшитилди. Ўзиям жуда баҳайбат трактор бўлса керак, унинг шовқинидан Ўтамуротнинг оёқлари остидаги ер ҳам зириллаб кетди. Кучли шовқин аралаш дарахтларнинг қарсиллаб сингани эшитилди. Аслида, у трактор эмас, танк экан. Фашистларнинг танки! Ўтамурот ўзи томон бало-қазодай бостириб келаётган танк рўпарасида чорасиз қиёфада қотиб турди. Аксига олиб, қўлида қуроли ҳам йўқ. Шу топда гранатаси бўлганида, танкнинг занжирли ғилдираклари остига улоқтириб, суробини тўғирлаб қўя қоларди. У ноилож орқага чекинди. Орадаги масофа аста-секин қисқара бошлади. Ўтамурот танкнинг ҳамласига чап берин учун ўзини ўнгу сўлга урганча, қалин дарахтзор оралаб қочишга мажбур бўлди. Стволи орқа тарафга буриб қўйилган танк

эса кепкасини тескари кийиб олган одамдай унинг орқасидан қолмасди.

– Ўтамурот, тўхта! Қочиб қаёққаям борардинг! Ҳозир сени янчиб ташлайман! Ҳа-ха-ха!

Жон-жахди билан югуриб бораётган Ўтамурот таниш овоздан ажабланиб орқасига қаради. Емберген қўтир танкнинг люкидан бошини чиқарган кўйи унга автомат ўқталиб турарди. У Ўтамуротнинг ортига бурилишини кутиб ўтиргандай, шу заҳоти автоматдан тариллатиб ўт очди. Лекин нишонни тўғри ололмаганлиги боис ўқлар бирин-кетин қарағайнинг танасига санчилди.

Югуравериб Ўтамуротнинг ўпкаси бўғзига тикилиб қолди. Агар илдизидан қўпорилиб тушган қарағайга дуч келмаганида, ҳоли нима кечилиши номаълум эди. У дарахт илдизи ўрнида ҳосил бўлган ўрага чалқанча қулади. Танк чуқурнинг устидан гуриллаб ўтиб кетди.

Қизик, Емберген қандай қилиб танкка мишиб олдийкин? Яна денг, душманнинг танкига... Буни-си ҳам майли, у танк бошқаришни қачон ўргана қолди?

Умарни овулдан кўчириб юборишгач, унинг ўрнига трактор ҳайдайдиган одам топилмади. Колхоз бўйича биттагина темир тишли трактор бор эди. Уни ҳайдаган одамнинг обрўси раис билан бригадирниқидан кам бўлмайди. Лекин бу иш қўлидан келадиган одамнинг ўзи йўқ. Баъзилар тракторчилик обрўли касб эканлигини билса-да, лекин фарзандининг «кофирнинг матоҳи»ни бошқаришини истамайди. Ниҳоят, колхоз раиси билан Хўжамурот бригад Рамберген кўсани кўндириб, Ембергенни Тўртқўлга уч ойлик тракторчилик курсига ўқишга юборишди. Кўсанинг тирикчилиги колхоз отхонаси билан боғлиқ бўлгани учун уларга йўқ дея олмади.

Емберген ўқишга кетаётганида Хўжамурот бригад ҳар бир хонадондан унга атаб озиқ-овқат йиғиб берди. Кимдир тарик, кимдир ёғ, яна бировлар кунжут билан сўк келтириб берди. Хўжамурот бригад, «ҳаммасига сен сабабчисан» дегандай Ўтамуротнинг онасига иддао қилиб, ундан товуклари орасидаги энг катта хўрозни сўради. Энжим нима қилишни билмай бироз иккиланиб қолди.

– Унда ўзингнинг болангни юбор, тракторчиликка ўқиб келсин! – дея ўдағайлади Хўжамурот бригад ҳам бўш келмай.

– Боламнинг ёши тўғри келмайди-да, бўлмаса...

– Бўлмаса нима қил, дейсан?! Умар эшигимни тирнади, деб элга жар солган ўзинг... Аслида, Умарни эмас, сени овулдан кўчириш керак эди. Фунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узмайди!

Энжим шундан сўнг бир сўз демай, катакнинг ичига бир сиқим дон сочди-да, Хўжамурот бригадга қари хўрозни ушлаб берди. Хўжамурот отдан тушиб, Ўтамурот уйдан олиб чиққан пичоқ билан хўрозни бўғизлади. Сўнг аzza-баzza Энжимга унинг патини юлдириди. Катакдаги беш-олтита товук хўрозсиз қолаверди.

Ўтамурот, «аввал трактор ҳайдаган одамларга урушда танк берибди» деган гапни эшитган эди. Лекин колхоз катталари Емберген кўтирни урушга юборишмади. Уларнинг зарурият юзасидан бирикки кишини олиб қолишга кучи етаркан. Ўтамурот овулда биринчилардан бўлиб урушга кетди. Кейинроқ даладаги тракторларни ҳам йиғиштириб олиб, фронтга жўнатишди. Бироқ уларнинг овулидаги «Фармол»га тегишмади. Хўжамурот бригад айёрлик қилганми, ёки ростдан ҳам бузилганмиди, ҳар қалай «Фармол»нинг «ичак-чавоғи» ағдариб ташланган эди. Тез орада Емберген кўтир ҳам ноилож

урушга кетибди. Ўтамурот опаси ёзган хат орқали булардан хабар топди.

– Ўт ичида пахтани сақлаган Худойим, ёлғиз ўғлимни ҳам омон сақласин! – деб Яратгандан илтижо қилиб қолди онаси у тенгқурлари билан кемага чиқаётганида.

– Онамни ўйлама, – дейишди опалари Хурлиха билан Зелийха. – Эртагаёқ иккаламиздан биримиз унинг ёнига кўчиб келамиз.

Орадан бир ой ўтиб, Ўтамурот ёзган хатига жавоб олди. Катта опаси Хурлиха ота уйига кўчиб келибди. Энди уйдан хавотир олмасаям бўлади. Хурлиханинг болалари мол-ҳолга қарайдиган ёшга етиб қолишган. Поччаси ҳам Ўтамуротдан икки ҳафта аввал урушга кетган эди. Ўшаёқларда уни учратарман деб ўйлаган эди. Лекин жангоҳларда поччасига дуч келмади. Кейинроқ маълум бўлишича, уни батальонга олишган экан.

Ўтамурот уч йилгача қирғинбарот урушларда қатнашди. Худо ёрлақаб, бу вақт ичида бирон марга яраланмади. Аммо бир гал баланд тепаликни қўлга киритиш чоғида қутилмаганда ёнгинасида граната портлади. Шундан сўнг нима бўлганини эслолмайди.

Икки кундан сўнг госпиталда ҳушига келди.

– Қалай, тузукмисан? – деди қаватидаги қаравотда ётган татар йигит жилмайиб.

– Яхшиман.

– Исминг нима?

– Ўтамурот.

– Менинг исмим Рашид. Татаристонданман. Сен қорақалпоқсан-а, тўғрими?

– Буни қаёқдан билдинг?

– Биринчидан, ҳамшира касаллик тарихингни ёзаётганида хужжатларингга кўзим тушган эди. Иккинчидан, бу ерда бир овулдошинг бор экан,

кечадан бери қайта-қайта келиб, сендан хабар олиб турибди.

Бу гапдан сўнг Ўтамуротнинг тинчи йўқолди. У тезроқ овулдоши билан дийдорлашишни истар, гўё у билан бирга бутун эли кўчиб келадигандай, ўзини кўярга жой тополмасди. Аксига олиб, шу куни кечгача уни ҳеч ким сўраб келмади. Ўзи бориб излашга ҳоли келмади. Ёнидаги татар жуда сўзамол йигит экан. Сира жағи тинмайди. Икки гапнинг бирида Аниса исмли қизни мактайди. Кейин билса, қиз унинг хотини экан. Уйланганига бир ой тўлмасдан урушга жўнабди.

– Сен ҳам уйланганмисан? – сўради у Ўтамуротдан.

– Йўқ, ҳали улгурмадим.

– Унда омадинг бор экан. Ортингга қарамай урушавер. Агар Гитлер кўлимга тушганида, асал ойимни харом қилгани учун уни тилка-пора қилиб ташлаган бўлардим. Эҳ, сеними, сволоч!..

Рашид жаҳл устида шитоб билан ўрнидан туришга уринади-ю, шу заҳоти вой-войлаб қолади. Унинг ўнг оёғида осколка борми, ёки синганми, ишқилиб, жароҳати оғирроқ эди. Асабийлашган чоғида жароҳатиши ҳам унутиб, соғ оёғи билан каравотни қарсиллатиб тепиб қолади-да, кейин оғриққа чидолмай, кўзларидан ёш чиқиб кетади.

– Ана, ҳамюртинг келди, – деди эртаси куни чошгоҳ пайтида Рашид эшикка имо қилиб.

Ўтамурот бўйинини хиёл кўтариб ўша томонга қаради-ю, палатага илжайиб кириб келадиган Емберген кўтирга кўзи тушди. Шу топда Емберген кўзига жуда иссиқ кўриниб кетди. Унинг бир пайтлар сув бермай ариқни боғлаб ташлаганини ҳам, сигирларини хилватдаги бўянзорда уч кунгача оғзини боғлаб яшириб қўйганини ҳам, онаси иккови чопган янтоқ уюмига тунда ўт қўйиб

юборганини, ҳамма-ҳаммасини бир зумда кечириб юборди. Чинданам, Ембергенга кўшилиб бутун овули унинг олдига кўчиб келгандай бўлди. Иккаласи бир-бирини бағрига босган кўйи бир муддат туриб қолишди. Сўнг хол-аҳвол сўрашди. Маълум бўлишича, Емберген Ўтамурот урушга кетгандан кейин ҳам бир йилча овулда қолибди. Тракторни сочиб ташлагани билан бу шумлиги наф бермабди. Ҳарбий комиссариатдагилар бузуқ тракторни қолдириб, унинг ўзини урушга жўнатибди. Шундан кейин раис овулдаги Равшан ва Олтиной исмли қизларни тракторчиликка ўқитганмиш...

Шундан сўнг Емберген тез-тез Ўтамуротнинг олдига кириб турди. Аммо бир куни тушдан сўнг у келмади. Ҳамширадан сўраганида у: «Юртдошинг касал бўлиб қолди», деб жавоб берди.

Эртаси куни Ўтамуротга ўрnidан туриб юришга рухсат беришди. У оёққа туриши билан тўғри Ембергеннинг палатасига йўл олди. Емберген ташқарига чикиб кетган экан. Уни госпиталь ҳовлисидан топди.

– Менинг жароҳатим унчалик оғир эмас, – деди у. – Лекин мен бу ерда узокроқ қолиш учун ҳар хил чораларни ўйлаб топаяпман. Мисол учун, градусникнинг тагини ишқалаб, ёлфондакам ҳароратимни кўтараман. Кеча бир отим нос ютган эдим, лекин ўзим қаттиқ қийналдим. Еган-ичганимни қайт қилиб ташладим. Қайт қилмаганимда яхши бўларди. Ошқозоним яра бўлса, овулга қайтариб юборишарди.

– Бундан нима фойда топасан? – деди Ўтамурот ажабланиб. – Бир умр касалга чалинасан-ку?

– Ҳар қалай, тирик қоламан-ку. Урушда душман сенинг бировнинг ёлғиз боласи эканлигинга қараб ўтирармиди?

Емберген ҳам Рамберген кўсанинг ёлғиз ўғли эди.

— Ҳеч кимга айтмасанг, икковимиз бир иш қиламиз, -- деди Емберган уни холироққа етаклаб чиқиб.

— Қанақа иш?

— Рози бўлавер, кейин хурсанд бўласан.

— Аввал эшитайлик-чи.

— Шу ишни амалга оширсак, икковимиздан биримиз овулга қайтамиз. Бироқ бу сир орамизда қолиши керак. Билиб қолишса, трибуналга жунатишади.

— Йўқ. Мен биратўла ёвни енгиб, сўнг уйга қайтаман.

— Ҳой, овсар, ҳали сен ёвни енгасанми, ёки у сени енгадими, буни қаёқдан биласан?..

Ўтамурот ортиқ унинг гапларига қулоқ солишни истамади. Гап-сўзсиз ўрнидан турди-да, палата-сига қараб юрди. Шундан сўнг Емберген кўтирни бошқа учратмади. Унинг кечирим сўраб келишини кутган эди. Аммо ундай бўлмади. Икки кундан сўнг унинг госпиталдан чиқиб, ўзининг ҳарбий бўлинмасига кетганидан хабар топди.

Ўшандан кейин уруш тамом бўлгунча Емберген кўтир ҳақида ҳеч қандай гап-сўз эшитмади. Овулга қайтгач, унинг урушда трибуналга тортилиб, отилиб кетишига бир баҳя қолганини билиб олди. Емберген кўтир эсон-осмон уйига қайтган бўлса-да, лекин урушдаги қилмиши учун элда бош кўтариб юролмабди. Охири у оиласи билан «Естек кўприк» томонларга кўчиб кетишга мажбур бўлибди. Пул синган йили Рамберген кўсанинг ўша ерда қазо қилгани ҳақида хабар келди. Овулдан икки-уч кипи кишибилмас унинг жанозасига бориб келди. Бошқалар бундан пинак ҳам бузишмади.

— Ҳай, бечора кўса! «Бу дунёда қандай яшаётганингни билсанг ҳам, қандай ўлишингни билмай-

сан», деганлари шу-да! Тиригинг кадрсиз бўлган элда ўлигингнинг кадри бўлармиди? – дея афсус билан бош чайқаб қўйишди баъзилар...

Шўрлик Ёмберген қўтир бир пайтлар трибуналга тушгани камлик килгандек, энди душманнинг тапкени хайдаб юрибди.

Тўқайзорга жимлик чўкди. Бояги танк ҳам қаёққадир ғойиб бўлган, қушларнинг чуғури ҳам эшитилмайди. Аста-секин тўқай ҳам кўздан йўқолиб, Ўтамуротнинг кўз ўнгида сутдай оппоқ парда намоен бўлди. Қулоқлари шанвиллашга тушди. Сўнг одамларнинг овози эшитила бошлади.

– Мияга қон қўйилган, – деди кимдир. – Оқ-сокол ухлаётгани йўқ, ҳолдан тойган. Орқа мияга кислород юборганимиз билан фойдаси йўқ.

– Жуда бўлмаса, бир оғиз сўз айтармиди, – деди Ажимурот.

– Қўй, қийнама! – деди катта қизи Сағийда. – Такдирга тан беришдан бошқа чорамиз йўқ. Ундан кўра, Каримулла махсумни чақиртириб, отамга иймон ўгиртириб қўяйлик. Жон дегани омонат, бир нафасда чиқиб кетиши мумкин.

Ўтамурот Каримулла махсумнинг келган-келмаганини эслолмайди. Чунки у ўша заҳоти ўзини қушдай енгил ҳис қилиб, шу чоққача ўзи кўрмаган, эшитмаган ғалати бир туйнукка учиб кириб кетганди. У филдиракли чанғида ўша туйнукдан пастга – ер тубига шўнғиб борарди.

7

Ўтамурот ёш боладай сирпаниб бораётган сирли маъво бир қарашда метро бекатларини ўзаро туташтирувчи туннелга ўхшаб кетарди. У кимсасиз йўлак бўйлаб аста-секин тубсиз чуқурликка тушиб борапти. Атрофда биронта чироқ ёки қуёш нури тушадиган дераза ҳам кўринмайди. Бирок

туннелнинг ичи ойдин кечадай ёп-ёруф. Аслида, Ўтамуротнинг оёқларидаги гилдиракли чанғи ҳам унинг ихтиёридан ташқари, ўз-ўзидан юриб борарди. У бир-икки марта тўхташга уриниб кўрди-ю, лекин иложини қилолмади.

Ўтамурот анча йўл босгач, ниҳоят туннелнинг оғзидаги қизил дарвоза қаршисида тўхтади. Тўғрироғи, оёғидаги чанғининг ўзи ҳаракатдан тинди. Тузукроқ разм солиб қараса, дарвоза у ўйлагандай қизил эмас, балки кучли олов таъсирида алвопранг тусда чўғланиб турган экан. Шу пайт унинг тавақалари аста очилиб, икки тарафдаги деворнинг орасига сингиб кетди. Дарвозанинг нариги тарафида бир маромда ёниб турган сапсарик ёлқин кўринди.

Дарвоза тавақалари кириб кетган ёриқларидан шу заҳоти сув фаввора бўлиб отилиб чиқиб, тўппатўғри оловнинг устига қуйилди. Аланга шу заҳоти сўниб, ўртасида одам сиёкли қоп-қора қўлашқа кўзга ташланди. Унинг қаршисида қуйиб кўмирга айланиб кетган нотаниш бир кимса қўллари билан авратини тўсиб турарди. Ўтамурот синчиклаб разм солиб, бу одам боя Арктикада оқ айиқ миниб юрган Бекниёз дўхтир экаплигига ишонч ҳосил қилди. Беихтиёр унга ёрдам бериш учун олдинга интилди, лекин тош боғлаб қўйилгандек вазмин тортиб қолган оёқларини ердан узолмади. Шу пайт дарвоза тавақалари аста девор орасидан чиқиб кела бошлади, сўнг ҳозиргина сўнган олов лоп этиб қайтадан аланга олди. Бекниёз дўхтир яна ўт ичида қолди. Бир зумда қоп-қора тусга кирган дарвоза сассиз ёпилди. Бироқ ичкаридан урилаётган олов таъсирида у бот қип-қизил чўққа айланди.

Бу ҳолат уч-тўрт марта такрорланди. Лекин Бекниёз дўхтир ҳар гал даҳшатли ўтнинг ичидан омон чиқарди.

– Нега келдинг? – дея сўради у Ўтамуротга юзланиб.

– Билмайман, ўз эрким билан келганим йўқ.

Қизиғи, бу гал у рисоладагидек кийиниб олибди.

– Нимага оловнинг ичига тушиб қолдингиз? Ким сизни бу кўйга солди? – деб сўради Ўтамурот ундан.

– Виждоним мени шу кўйга солди, – деб жавоб берди Бекниёз дўхтир. – Ўзим келиб тушдим бу ўтга.

– Қанақасига?

– Мен ўғлимнинг қилмиши учун жавоб берайман. Ҳозир мен куйсам, эрта бир кун у бундай жазодан қутулиб қолиши мумкин. Бир кун келиб унинг ҳам жазганак бўлишини истамайман.

– Ўғлингиз нима айб қилган эди?

– Юр, йўлда ҳаммасини айтиб бераман.

Бекниёз унинг биллагидан ушлаб, юқорига қараб юрди. Ўтамурот у билан ёнма-ён кета бошлади. Бу пайтда оёғидаги филдирикли чанғилар қаёққадир гойиб бўлган эди.

– Мен ўғлимини ўзимнинг касбимга мойил қилиб тарбияладим, – дея ҳикоясини бошлади Бекниёз дўхтир. – Мактабни битиргач, уни тиббиёт институтига ўқишга юбордим. Ўғлим яхши ўқиб, институтни қизил диплом билан битирди. Аввалига бир йилгача тажрибали дўхтирларнинг ёнида юриб, улардан иш ўрганди. Кейинроқ ўзи ҳам беморларни операция қила бошлади. Ўғлим қўли енгил жарроҳ бўлгани учун тез орада элнинг назарига тушди. Ҳар қандай кўричакни ўн-ўн беш дақиқага қолмай олиб ташлар, беморларнинг майдаланиб кетган суякларини терисининг остидан жой-жойига териб қўярди. Мен унинг бармоқлари кўзга айланганидан ёш боладай қувонардим...

Хуллас, моҳир жарроҳ сифатида обрӯ қозонган Нурниёзнинг ҳаёти бир маромда кечарди. Кетма-кет қилинадиган машаққатли операциялар ҳаётининг мазмунига айланиб қолган, нақ ўлим чангалдан олиб қолинган беморларнинг қувончи унга завқ берарди. Шу тариқа орадан беш-олти йил вақт ўтди. Аммо кунлардан бирида унинг ҳаётида кутилмаган воқеа юз берди. Ўша куни Ерғабил Мавлонов деган обрӯли амалдор кўричакка чалиниб, касалхонага тушди. Нурниёз ёрдамчиларига беморни операцияга тайёрлашни буюриб, ўзининг хонасига юрди.

Бироздан сўнг навбатчи ҳамшира уни ташқарида кимдир чакираётганини айтди. Нурниёз беморнинг яқинлари бўлса керак, деган ҳаёлда ташқарига чиқди. Эшик олдида ойналари қорайтирилган енгил машина турарди. Нурниёз зинадан пастга тушиши билан машинанинг орқа эшиги шитоб билан очилди.

– Ўтиринг! – деди унга орқа ўриндиқда ўтирган мўйловдор, қорачадан келган, давангирдай бир киши.

Нурниёз ихтиёрсиз равишда унинг амрига бўйсуниб, мапинага ўтирди. Шу заҳоти эшик шарақлаб ёпилди. Машина қушдай елиб бир зумда шаҳарни ортда қолдирди-да, йўлдан чеккароққа чикиб тўхтади. Хайдовчи машинадан тушиб, парироққа кетди.

– Нурниёз деган жарроҳ сизмисиз? – деди шу чоққача сукут саклаб ўтирган Қора давангир.

– Ҳа, менман.

– Ерғабил Мавлоновични сиз операция қиласиз, тўғрими?

– Шундай.

Қора давангир киссасидан уч-тўрт дона юз долларликни чиқариб, Нурниёзнинг кўкрак чўнтагига тикди.

– Қўйинг, нима қилаяпсиз? Менга ҳеч нарса керак эмас!

– Жим! – дея Қора давангир Нурниёзнинг кўкрак чўнтагига чўзилган қўлини билагидан ушлаб пастга босди.

– Сизга шундай топшириқ бор – Мавлонов операциядан чиқмаслиги керак!

– Нима?!

– Бу хизматингиз эвазига яхшигина сийлов оласиз, ҳам келажагингизга йўл очилади.

– Мен бу ишни қилолмайман, – деб жавоб қилди Нурниёз ҳаяжондан титраб-қақшаб.

– Оқибатини ўйла! – деди Қора давангир дабудурустан сенсирашга ўтиб. – Бу ишнинг орқасида чакана одамлар тургани йўқ. Ҳаётдан умидинг бўлса, топшириқни бажар!

Қора давангир ўзи ўтирган тарафдаги эшикни шахт билан очиб-ёпди. Ҳайдовчи югуриб келиб, рулга ўтирди.

Шу куни кундузги соат учга белгиланган операция қолдирилди. Нурниёз пешиндан сўнг мазаси қочиб қолганини баҳона қилиб, уйига кетди. Аксига олиб, Ерғабил Мавлонович ҳам ўзини бошқа шифокорларнинг операция қилишига рози бўлмади. Шифохонадагилар эртасигача дори-дармон билан ундаги кўричак хуружини тўхтатиб туришга мажбур бўлишди.

Эрталаб Нурниёз ишга келиши билан ассистентни ҳовлиқиб олдидан чиқди.

– Тезроқ операцияни бошлашимиз керак, Нурниёз оға!

Бу галги операция аввалгиларга нисбатан узоқроқ чўзилди. Бемор анча семириб кетганлиги учун Нурниёз унинг кўричагини топиш ва қорнининг тиф теккан жойини қайта тикиш чоғида бироз кийналди. Ҳартугул оперция муваффақиятли ўтди.

Йўлакда Ерғабил Мавлоновичнинг яқинлари, хизматдош дўстлари ёпирилиб келиб, уни олқишу мақтовларга кўмиб ташлашди. Аммо Нурниёз уларнинг гап-сўзларига эътибор бермай хонасига кириб кетди-да, ҳеч кимни қабул қилмади.

Нурниёз кечқурун ишдан қайтаётганида таниш машина унинг ёнига келиб тўхтади. Қора кўзойнак таққан йигит машинадан тушиб, орқа эшикни очди.

– Чиқинг! – деди у ўктам овозда.

Нурниёзнинг машинага чиқишдан ўзга чораси йўқ эди. Орқа ўриндикда кечаги Қора давангир ўтирган экан.

– Берган пулим камлик қилдими? – деди у Нурниёзга тешиб юборгудай тикилиб.

– Йўқ... Мен пулингизни қайтариб бермоқчи эдим.

Нурниёз кўкрак чўнтагини ковлашга тутинди, лекин Қора давангир бу гал ҳам унинг қўлидан ушлади.

– Нега топшириқни бажармадинг?

– Мен Гиппократ қасамини ичганман.

– Гиппократинг аллақачон оламдан ўтиб кетган.

У сендан қасамингнинг ҳисобини сўрамайди. Лекин биз сўраймиз!

– Мен сизларга сўз бермадим.

– Сўз бермаган бўлсанг, энди берасан! – деб Қора давангир ҳайдовчига юзланди. – Ҳайда!

Шундан кейин ҳеч ким лом-мим-демади. Машина кўз очиб-юмгунча шаҳардан ташқарига чиқиб кетди. Кимсасиз кумликлар оралаб юриб, атрофида ахлат тоғдай уюлиб ётган бадбўй кўл ёқасига келиб тўхтади. Ҳамма машинадан тушди.

– Юкхонани оч! – деб буюрди Қора давангир ҳайдовчига.

Ҳайдовчи унинг амрини адо этди.

– Ичидагиларни ол!

Хайдовчи билан машинанинг олдинги ўриндиғида ўтирган йигит юкхонадан тўртта ўн олти килолик балдоқли тошни олиб ерга қўйишди.

– Сизлар бораверинг!

Улар Нурниёз билан Қора давангирни холи қолдириб, нарироққа кетишди.

– Вазнинг неча кило? – деб сўради у Нурниёзга қараб.

– Етмиш уч кило...

– Сал оғирроқ экансан! Лекин зиёни йўқ. Манави тошлар нақ олтмиш тўрт кило. Булар етмиш уч килолик юкни узоқ вақт сувнинг остида ушлаб тура олади. Унгача сенинг лошинг ириб-чириб тамом бўлади. Ўлигингни ҳеч ким кўрмайди.

Нурниёз гўнгу лол бўлиб қолганди.

– Олдинда икки йўл бор, – деди Қора давангир. – Ёки Мавлоновнинг умри, ёки ўзингнинг ҳаётинг. Иккисидан бирини танла!

Нурниёз жавоб бера олмади.

– Жавобингга махтал бўлиб қолдим! – деди Қора давангир унинг елакисига туртиб. – Мен ҳам, мени сенга вакил қилиб юборган одамлар ҳам кўп куттирган одамни ёқтирмаймиз!

– Операция қилиб бўлинди, – дея гўлдиради Нурниёз.

– Лекин у ҳалиям сенинг қўлингда! Дўхтирсанку, яхшилаб ўйла, чорасини топ! Билиб қўй, эртага кеч бўлади. Бу масалада узр-маъзур кетмайди.

Бироздан сўнг балдоқли тошлар юкхонага қайта жойланиб, машина шаҳарга қайтди. Нурниёз омон қолди. Бунинг бадалига икки кундан кейин Ербағил Мавлоновнинг оиласи қон қақшаб қолди.

– Ербағил Мавлоновнинг ўлимига менинг ўғлим сабабчи бўлди, – деди Бекниёз дўхтир. – Анесте-

зиолог врач билан ҳамшира келиним бу ишда унга ёрдам беришди.

– Улар Мавлоновни қандай қилиб ўлдиришди? – деб сўради Ўтамурот.

– Система орқали унинг томирига қувватдори ўрнига наркоз юборишди.

– Уларнинг бу қилмиши ҳеч кимда шубҳа уйғотмадими?

– Йўқ. Тиббий хулосада бечоранинг ўлими сабабларини ўзлари қотириб ёзиб қўйишди. Орадан ярим йил ўтар-ўтмас ўғлим бошқа шифохонага бош врач этиб тайинланди.

– Нега ўзингиз кўра-била туриб, жим турдингиз?

– Бу пайтда мен аллақачон оламдан ўтган эдим!

– Аллақачон оламдан ўтган бўлсангиз, бу воқеадан қандай қилиб хабар топдингиз?

– Ота қаерда бўлсаям, фарзандининг ҳолатидан беҳабар қолиши мумкин эмас. Мен ўғлимнинг қилмишидан каттиқ изтироб чекдим. Қолаверса, унинг касрига бу ерда оташда кабоб бўлиб ётибман. Зора, мен торгаётган азоблар гуноҳига кафорат бўлиб, эрта бир кун ўғлим бундай жазодан қутулиб қолса...

– Сизнингча, ўғлингиз қандай йўл тутиши керак эди?

– У биринчи йўлни танлаши керак эди.

Шундан сўнг иккаласи юқорига қараб яна бироз йўл босишди. Бироқ Ўтамурот бу ерда қанчалик юксакликка қўтарилгани билан заррача энтиккани йўқ. Афтидан, туннелда ҳаво йўқ бўлса керак, шунинг учун ҳам одамнинг тана оғирлиги ўзига сезилмайдиганга ўхшайди.

Ўтамурот энди ўзи ҳақида ўйлай бошлади. У ҳаёти давомида Бекниёз дўхтирнинг ўғлига ўхшаб бировларга хиёнат қилмадимикин?

— Хиёнат қилдингиз-ку! — деди дабдурустан кенжа қизи Моҳийда қаршисидан чиқиб.

— Қачон? — деди Ўтамурот Моҳийданинг бу ерга қаердан келиб қолганига ажабланиб.

— Менинг турмушимни бузганингиз хиёнат эмас-ми?

— Сенинг турмушингни?..

Ўтамурот дафъатан бошини чангаллаганча ерга ўтириб қолди. Ёнидаги Бекниёз дўхтирнинг бор-йўқлигига ҳам эътибор бермади. Моҳийда ҳам кўзига кўринмай қолди.

Ўтамурот қачон қизининг турмушини бузди? Ҳа-ҳа, ёдига тушди. Чинданам, у қизининг бахтсизлигига сабабчи бўлган экан.

Ўша кезларда Ўтамурот Адабиёт институтида ишларди. Бир пайтнинг ўзиде Педагогика институтида ҳам дарс берарди. Кафедрада Кенжабой муаллимдан кейинги обрўли одам эди.

Бир куни кафедрага янги илмий иш келиб тушди. Бу — кенжа куёви Меденбой Пирназаровнинг номзодлик иши эди.

Меденбой уддабурон, сўзга чечан, ҳар қандай одамнинг кўнглига йўл топа оладиган киришимли йигит эди. У ўтган йили қайнотасининг туғилган кунига қуюқ совға-салом билан келди. Шу чокқача чопон кийдириб, белбоғ боғлаш билан чекланадиган куёв, негадир бу гал кутилмаганда Ўтамуротнинг елкасига қимматбаҳо пальто ёпди. Кўярда-қўймай унга пальтони кийдириб қўйиб, азда-базда кўзгуга ҳам солиб кўрди. Куёвининг бундай меҳрибончилигидан Ўтамурот кўнгли ийиб кетди.

Бир ҳафтадан сўнг унинг илмий ишини муҳокама қилишди. Ўтамурот ўшандаёқ Меданбайнинг бояги ҳиммати замирида тама яширинганини сезгандай бўлди, бироқ нима учундир бунга ортикча эътибор

бермади. Унга нисбатан кенгфеъллик қилгиси келди. Қизи Моҳийда билан норасида неваралари кўз олдига келди.

Мажлис бўлишидан икки кун бурун кафедрага – Межитга қўнғироқ қилди. Очикдан-очик илтимос қилмади-ю, бироқ гап орасида Меденбойнинг ишини ҳам тилга олиб ўтди. Межит ҳам унинг шама-сини тушунди.

Мажлисида Меденбойнинг шаънига куракда турмай диган мақтовлар ёғилди. Уятдан юзлари қизариб кетган Ўтамурут тишини тишига қўйиб зўрага чидаб ўтирди. Чунки куёви бундай таърифларнинг бир мисқолига ҳам лойиқ эмасди. Меденбойнинг илмий ишини у ҳам ўқиб кўрган, ўқиб бўлиши биланок жаҳл устида уни ўчоққа отиб юборгиси келган эди. Бугун ана шу алмойи-алжойи битикларни кўкларга кўтариб мақташаяпти. Нега? Бунга ким сабабчи? Ўтамурутнинг ўзи! Виждонинг қайда қолди, Ўтамурут? Таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик деб илмга хиёнат қилаяпсанми? Кўзингни оч! Куёвингнинг зиғирча ақли бўлса, сени тўғри тушунар! Қизинг ҳам ўзингнинг пушти камарингдан бино бўлган, у ҳам сенинг виждонинг қийналишига бефарқ қараб турмас, ахир?!

Ўтамурут ортиқ чидолмади.

– Гапингиз тугадими? – деди у. – Рухсат берсангиз, мен ҳам бир-икки сўз айтмоқчийдим.

– Гапиринг, ога, гапиринг! – дейишди мажлис иштирокчилари.

– Агар бу қораламалар талабаларнинг курс иши бўлганида, мен ўйлаб ўтирмасдан унга «икки» баҳо қўйган бўлардим, – деди у вазмин оҳангда. – Сизларнинг бу мақтовларингизга қараганда, ёки илмнинг кадри йўқолган, ёки сизларнинг билимингизга дарз кетган.

Хонага оғир сукунат чўкди. Боядан бери хурсандчиликдан терисига сигмай ўтирган Меденбой бехосдан биров бошига гурзи билан ургандек, карахт аҳволга тушиб қолган эди. У ғайритабиий тарзда тинимсиз бош чайқар, баъзан гап билан Ўтамурутнинг оғзига уришга чоғланарди-ю, лекин шу заҳоти фикридап қайтиб, тишлари орасидан полга тупуриш билан чекланарди.

Ўтамурут қисқагина, лекин узиб-узиб гапирди. Мажлис аҳли ердан кўз узолмай қолди.

– Мана, битикларингизни олиб қўйинг! – деб у илмий ишни куёвининг олдига отиб юборди. – Бу даргоҳ дуч келган одам кириб-чиқиб кетаверадиган олибсотарларнинг бозори эмас. Илмнинг тангутор сўқмоқларидан юришга сизнинг кучингиз етмайди.

Мажлис кўнгилсизлик билан тугади.

– Межит ишим, биздан бир хатолик ўтди, – дея Ўтамурут мажлис раисининг елкасига қоқиб қўйиб ўрнидан турди-да, ҳаммадан бурун хонани тарк этди.

Шундан сўнг Меденбой илмий ишидан бутунлай воз кечди. Тез орада Моҳийда икки боласи билан ота уйига қайтиб келди.

– Шу хиёнатми?! – деди Ўтамурут бошини кўтариб. – Йўқ, бу ҳеч қандай хиёнат эмас.

Лекин қаршисида Моҳийда ҳам, Бекниёз дўхтир ҳам йўқ эди. У яна хиёнат излаб, ҳаётини тафтиш қилишга тушди. Ниҳоят, топди!..

Ўтамурут олтмиш ёшдан ошгач қушуйку бўлиб қолган эди. Соат тўрт ярим-бешларда уйғониб кетади-да, қайтиб ухлолмайди. Ноилож ташқарига чиқиб, ҳовлини айланади. Ўзича бадантарбия қилади. Сўнгра юз-қўлини ювиб, тунда ёзган қораламаларини бир сидра кўздан кечиради. Аниқроғи, у ер-бу ерига тузатиш киритади.

Шунда ҳам иш вақти бўлавермайди. Уйда бекор ўтираверишни хуш кўрмай, барвақт ишга отланади.

Ана шундай кунлардан бирида у ишхонада илмий ходим Жумабой Ержоновга дуч келди.

– Ҳа, Жумабой, тинчликми? – деди остонада у билан саломлашгач. – Кўзларингиз киртайиб қолибди, туни билан ухламаганга ўхшайсиз?

– Ҳа, окшом уйқум қочди...

– Зиёни йўқ. Илм деганлари ўзи шунақа. У аввал кўзингдан уйқуни ўғирлайди. Кейинроқ ўрнини тўлдириб ухлаб олмасанг, бора-бора соғлигингни ҳам ўғирлашга тушади. Таътилга чиқсангиз, курорт-пурортга бориб дам олиб келинг.

Жумабой лом-мим демади. Ўтамурот хонасига кириб устки кийимларини ечди-да, иш столига бориб ўтирди. Бироздан сўнг Жумабой рухсат сўраб ҳузурига кириб келди. Ўтамурот унинг кўнглида бир дарди борлигини сезди.

– Ҳа, биродар? – деди Ўтамурот синчиклаб назар солиб. – Бир гап бўлдими дейман?

– Йўқ, ўзим шунчаки... – дея Жумабой бироз иккиланиб қолди.

– Ўтиринг.

– Сиздан бир нарсани сўрасамми деб тургандим...

– Тортинмай сўрайверинг.

– Сизнинг бир қўшингиз бор эди-ку, отувга ҳукм қилинган... Исми нима эди?

– Ўроқбойни айтаяпсизми?

– Ҳа, ўшани.

– Ҳўш?

– Ўша одам... бепуштлик туфайли жиноятга қўл урган эди, шекилли?

– Судда шунга ўхшаш гап бўлувди. Бу гапни нега сўраяпсиз?

Жумабой кўлидаги бир варақ оқ қоғозни қат-қат қилиб буклади-да, кейин қайта ёзиб, яна буклади. У муддаосини очиқ айта олмай қийналарди. Ўтамурот ҳам уни кистамади.

– Сизга бир гапни айтиб, юрагимни бўшатгим келди, – деди Жумабой ниҳоят, ўзини кўлга олиб. – Дўст-биродарларимнинг орасида ҳам, идорада ҳам сизчалик бошқаларнинг дардини тушуниб, сирини сақлай оладиган одамни билмайман.

– Ишончингиз учун раҳмат.

Жумабой яна иккиланиб қолди.

– Ўтамурот оға, сиз умрингизда одам ўлдирган жинойтчига дуч келганмисиз? – деди у дабдурустан.

– Йўқ.

– Унда ҳозир ана шундай одамга дуч келиб турибсиз... Мен бугун одам ўлдириб келдим!

Ўтамуротнинг аъзойи бадани жимирлаб кетди. Анча вақт тили калимага келмади. Жумабой ҳам сукутга чўмиб ўтирарди. Хонага сув қуйгандек жимлик чўкди.

– Ки... ки... кимни ўлдирдингиз?! – дея савол берди ниҳоят, Ўтамурот эс-хушини йиғиб олиб.

– Сиз уни танимайсиз.

– Бу гапни нега менга айтаёпсиз? – деди Ўтамурот бироз ўзини кўлга олиб.

– Кимгадир айтмасам бўлмасди. Милицияга хабар беришга кўрқдим. Йўқ, жазолашларидан кўрққаним йўқ. Қамалиб кетсам, вақти келиб озодликка чиқарман. Лекин унда бир умр исноддан кутулолмайман. Мени суд қилишади. Бегона одамларнинг олдида бор ҳақиқатни айтишга мажбур бўламан. Ана ундан кейин менинг бу дунёда бош кўтариб юришим қийин бўлиб қолади. Шунинг учун бу воқеани сизга айтиб, юрагимни бўшатгим келди. Биламан, сир сақлаш сизнинг кўлингиздан келади.

Иккаласи анча вақт жим қолишди.

— Роза билан турмуш қурганимизга яқинда ўн етти йил бўлади, — деди Жумабой гапани давом эттириб. — Бир-биримизни ёқтириб оила қургандик. Асал ойини Сочида ўтказдик. У вақтларда овулда бунақа одат йўқ эди. Биз одамлар орасида маломатга қолишимизни билсак ҳам бунга эътибор бермадик.

Уч йилгача беташвиш ҳаёт кечирдик. Тўртинчи йили онам мени бир чеккага чақириб, қистовга ола бошлади.

— Болам, келин курсоқ кўтармади-ку, — деди бир куни у киши. — Тўшагингни янгилаб кўрсанг қандай бўларкин?

Мен дафъатан гангиб қолдим. Шу чокқача Роза билан ажрашиш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди. Турган гапки, онамнинг гапига кўнмадим.

— Эчкининг ҳам туққанини асрайди, болам, — деди онам ҳам бўш келмай. — Ўқчаси қонамаган аёл уйга бахтсизлик келтиради, дейишади.

Мен ҳеч нарса демай ишга кетдим. Бу воқеани Розадан яширдим. Лекин шундан сўнг онамнинг ўзи унга шама қила бошлади. Охири Роза дўхтирга кўринди. Дўхтирлар унга «соппа-соғсан» дейишибди.

— Сиз ҳам ўзингизни бир текширтириб кўрмайсизми? — деб қолди у бир куни менга.

Бу гап менга жуда оғир ботди. Уч ойгача Роза билан гаплашмай юрдим. Шу уч ой ичида у кўнглимга йўл тополмай роса азоб чекди. Мен хотинимга зарда қилиб юрганим билан кўнглим қандайдир бир ҳақиқатни сезгандай, безовта бўла бошлади.

Ёзда онамга «дам олишга кетаянимиз», деб баҳона қилиб Роза иккаламиз Ленинграддаги илмий текшириш институтларидан бирига йўл олдик.

Бир зумда масала равшан бўлди. Мен бепушт эканман.

Шундан кейин ҳамма нарсадан кўнглим совиб кетди. Хотиним ҳар хил йўллар билан кўнглимни кўтаришга уринади. Баъзи манихур одамлар ҳам бу дунёда бефарзанд ўтишганини мисол келтириб, мени юпатмоқчи бўлади. «Сиз ҳеч нарса ҳақида ўйламай, илм билан шуғулланишингиз керак» деб маслаҳат беради. Лекин бу гапларнинг ҳеч бири мени юпатолмасди. Ҳеч гапдан беҳабар онам бизнинг бефарзандлигимиз учун нуқул хотинимдан нолийди.

– Бу аёл сен бечорани ўзига иситиб олганга ўхшайди, – дея жаврайди у эрта-ю кеч дастурхон бошида. – Қариган чоғимда невара кўрмай ўтиб кетадиганга ўхшайман.

Кейинчалик онам бу гапни Розадан ҳам яширмайдиган бўлди.

– Менда нима айб? Ҳаммасига ўғлингизнинг ўзи сабабчи! – деб хотиним бор ҳақиқатни онамнинг юзига айтиб қолмасмикин, деган хавотирда юрак ховучлаб ўтираман. Аммо Роза ундай қилмайди. Ҳар гал онам дийдиёларини бошлаши билан ломим демай ташқарига чиқиб кетади. Ўзим ҳам юрак ютиб, бор ҳақиқатни онамга айта олмадим.

Ана шундай манимашалар билан орадан ўн бир йил ўтди. Бечора онам чиндан ҳам невара кўрмай дунёдан ўтиб кетди. Розанинг «бола асраб олайлик» деган гапига мен кўнмадим.

Бир куни республика поликлиникасига бордим. У ерда «оилани мувофиқлаштириш» деган лавҳа осилган хонага кириб, дўхтирга бор ҳақиқатни гапириб бердим.

– Буёғига нима қилмоқчисиз? – дея сўради у.

– Хотиним билан ажрашишни истамайман.

– Бироқ фарзанд кўришни истайсиз-ку, тўғрими?

– Тўғри... Лекин бола менинг уйимда туғилиши керак.

Дўхтир анча вақт ўйланиб қолди.

– Бунга аёлингиз кўнармикин?

– Ўзим кўндираман.

– Кўндиролсангиз, буниг бир йўли бор, – деди дўхтир менга синовчан тикилиб. – Аёлингизни эркаклик уруғи соғлом бўлган бегона одам билан икки-уч марта учраштирамиз. Бироқ сиз уни кўрмаслигингиз керак. Кейинчалик хотинингизга ҳам азоб бермасликка ваъда берасиз.

– Розиман. Лекин сиз ҳам бу сирни ҳеч кимга айтмасликка сўз беринг!

– Мен бу масалада сизлардан ҳам кўра кўпроқ жавобгарман. Шунинг учун бу томонидан хотиржам бўлаверинг.

Дўхтир билан гапни бир жойга қўйдик. Аммо Роза бу гапни эшитиб осмон баравар сапчиди.

– Роза! Мен тақдирга тан бердим, – дедим мен. – Хотиржам бўл, боланинг ўғайлигини билдирмайман. Ахир, уни сен туғасан-ку!

– Менга бунақа боланинг кераги йўқ! Туғмайман!.. Ахир, кейин сизнинг юзингизга қандай қарайман?! Бормайман!

Мен Розага роса ялиниб-ёлвордим. Муҳаббатимизни ўртага қўйиб қасам ичдим. Онамнинг оқ сутини ўртага қўйиб илтижо қилдим. Хуллас, бир амаллаб кўндирдим. Ўзим уни шифокор қабулида қолдириб кетдим. Келишганимиздек, ўша одамни кўрмасликка тиришдим. Лекин ҳеч ким пешонасига ёзилганидан қочиб қутулолмас экан...

Ўша воқеадан сўнг хотиним буткул одамови бўлиб қолди. Бурунгидек эркаланиб-нозланишлар ҳам йўқ. Оқшомлари у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб, анча вақтгача бедор ётади. Ора-сира хасратли ух

тортиб, оғир хўрсиниб қўяди. Буларнинг ҳаммасига тишимни тишимга босиб чидашимга тўғри келади. Бундан бошқа иложим ҳам йўқ эди.

Тез орада хотинимнинг ҳомиласи билиниб қолди. Кейинги йил баҳорда у ўғил туғди. Қавмқариндошлар қувониб қолишди. Мен ич-ичимдан қон йиғласам-да, ҳеч кимга сир бой бермадим. Ҳамма хурсанд, бироқ Роза иккаламизнинг қўнғимиз алғов-далғов эди.

— Худо бераман деса, фарзанд билан давлатнинг эрта-кечи йўқ!

— Йўлбарснинг чилласи тушганга ўхшайди. Худо хоҳласа, энди изидан улашиб кетаверади, — деб чуғурлашди оналарим билан янгаларим.

Бироқ изидан улашмаслигини биз билардик.

Ўғлимизни уч ёшида боғчага бердик. Исмини Дармонбой қўйгандик. Қайси биримиз аввал ишга кетсак, уни боғчага олиб кетаверардик. Кечқурун ҳам шу тариқа уни боғчадан олардик.

Шу тариқа орадан бир йил ўтди. Бир куни кутилмаган воқеанинг устидан чиқдим. Дармонбойнинг боғчаси ёнидан ўтаётиб, ҳовлида ўйнаб юрган болаларнинг бирини имлаб чакираётган йигитга дуч келдим. Аввалига эътибор бермадим. Бир пайт қарасам, менинг ўғлим бояги йигитнинг олдига югуриб келаяпти. Йигит унга чўнтагидан шоколад чиқариб берди. Сўнг гўдакни гапга солиб, пешонасидан ўлиб қўйди.

— Хайр, хайр, — деб йигит анча жойга боргунча Дармонбай билан қўл силтаб хайрлашиб кетди.

Бу воқеа тўрт-беш марта такрорланганига ўзим гувоҳ бўлдим. Дармонбойнинг ҳақиқий отаси бизнинг уйимизни ҳам, ўғлимизни ҳам билиб олган экан. Унинг юрагида уйғонган оталик туйғуси менга тинчлик бермасди. Ўғлимнинг иккита отаси бўлишини ҳечам ҳазм қилолмадим. Йигитни

сиртдан пойлаб юриб, унинг шаҳар газлаштириш идорасида муҳандис бўлиб ишлашини аниқладим, исми шарифини ҳам билиб олдим.

Ўша пайтларда биз янги уй солаётган эдик. Иморатга буғ билан иситадиган ускуна ўрнатдик. Энди уни газга улашимиз керак эди. Бу нарса «ўгай божамиз» билан учрашишим учун яхши баҳона бўлди. Бир куни ёрдам сўраб унинг хузурига кирдим. Йигит мени очиқ чехра билан кутиб олди. Чунки у ҳам аллақачон зимдан мени таниб олгани кундай равшан эди. Шу боис йигит менинг олдимда ўзини айбдордек сезиб, кўзларимга тик қаролмасди. Лекин бояқиш мен ҳам бу сирдан хабар топганимдан беҳабар эди. У янги иморатимизга газ тортишни тажрибали ходимларига топширди. Пулини ойлик маошимдан бўлиб-бўлиб тўлашим масаласини ҳам ҳал қилиб берди.

– Илм одами экансиз, бу бизнинг илм ривожини йўлида қўшган камтаргина ҳиссамиз бўлсин, – деб газ горелкасини трест ҳисобидан текинга олиб берди.

Тез орада янги уйга газ тортилди. Энди йигитга миннатдорчилик изҳор қилишим учун яхшигина баҳона топилган эди. Мен бу баҳонани атайин ўйлаб топган эдим. Шунинг учун айнан уларга учраган эдим. Бўлмаса, ўз билганича газҳисоблагич қурдириб олаётган одамлар озми?..

Хуллас, куни кеча машинамга егулик-ичкиликлар солиб, «божамиз»нинг идорасига кириб бордим.

– Сизга раҳмат айтиш учун келдим, дўстим, – дедим унга.

– Йўғ-ей, раҳмат айтишингиз шарт эмас, бу бизнинг вазифамиз-ку, – деди у кулумсираб.

– Шундай бўлса ҳам иккаламиз сув бўйига бориб, бир дам олсак дегандим.

– Шарт эмас, ёшулли.

– Ёшулли деманг, нари борса орамизда бир-икки ёш фарқ бор. Лекин бормасангиз, хафа бўламан.

Йигит юзимдан ўтолмади. Икковимиз Қизкетген канали бўйидаги кимсасиз жойга бориб дастурхон тузадик.

– Оқидан ичасизми, кизилидан? – дедим унга, сўнг изидан қўшиб қўйдим. – Ўзим вино ичаман, шунинг учун унисидан ҳам олиб келган эдим.

– Ошасанг сў оша дейишган, – деди у жилмайиб. – Бир хўплам бўлсаям, оқидан ичайлик.

Унга ароқ, ўзимга вино қўйдим. Иккинчи қадахдан сўнг унинг кўзлари сузилиб, кетма-кет эснашга тушди.

– Уйқусираманг, биродар, тун билан мижжа қоқмай чиққанмисиз? – дея ҳазиллашиб, тагин унинг қадахини тўлдирдим. Йигит бу гал ҳам охиригача сипқорди. Кейин иккаламиз бир муддат гурунглашиб ўтирган бўлдик. Бироқ шеригим бир шишани бўшатиб улгурмасдан «шилқ» этиб ерга қулади. Чунки мен ароқнинг ичига нақ ўн дона уйқу дорисини эзиб солиб юборган эдим...

– Нега ундай қилдишгиз? – деди Ўтамурот оғир тин олиб.

– Мен ўғлимни иккинчи отасидан қизғондим.

– Кейин нима бўлди?

– Кейин йигитнинг ухлаб қолганига ишонч ҳосил қилгач, уни судраб бориб каналга ташлаб юбордим.

– Эрта бир куп жасади сув юзига қалқиб чиқса нима қиласиз?

– Йўқ, чиқмайди. Белига ҳар бири ўн беш-йигирма кило чиқадиган иккита тошни қўшиб боғладим. Улардан халос бўлгунча танаси сувнинг тагида ириб-чириб кетади.

Ўтамурот нима дейишни билмай бир муддат жимиб қолди.

– Бир бегуноҳ одамнинг уволидан кўркмадин-гизми? – деди ниҳоят.

– Кўркқаним билан бундан бошқа чорам йўқ эди. Менинг ҳолатимга тушган одамнинг кўзига бегуноҳ одамнинг уволи ҳам кўринмас экан... Ахир, унинг ўзи биринчи бўлиб шартни бузди-ку.

– Қанақа шарт?

– У ҳам болани танимаслиги керак эди. Вақтида шунга рози бўлган эди. Нима учун лафзида турмади?!

– Бу ишда хотинингизнинг қўли йўқмикин, ишқилиб?

– Йўқ! Мен Розага ўзимдан ҳам кўра кўпроқ ишонаман. Ўша йигит хотиним ҳомиладор бўлгач, зимдан уйимизни пойлаган. Ўзининг наслидан бунёд бўлган болани кўргиси келган. Мана, оқи-бати! Ўзининг бошига ўзи етди!

– Энди нима қилмоқчисиз?

– Билмайман. Бу гапларни сизга айтгач, бироз бўлса-да, кўнглим хотиржам тортди.

– Барибир сиз одам ўлдиргансиз-ку!

– Сиз... – Жумабой тугилиб қолди. – Сиз милицияга хабар бермоқчимисиз?

– Шундай қилмасам, мен ҳам сизнинг жиноятингизга шерик бўлган бўламан.

Жумабой индамай қолди. Орага яна сукунат чўкди. Ниҳоят, Жумабой ўрnidан туриб, эшик томонга юрди.

– Қаёққа? – деб сўради Ўтамурот хавотирланиб.

Жумабой ҳеч нарса демай ташқарига чиқиб кетди.

Ўтамуротнинг қўли ишга бормади. У кеча каттагина мақолани бошлаб, қош қорайгунча анча-мунчасини ёзиб қўйган эди. Туни билан уни қандай

давом эттириш ҳақида ўйлаб, фикрини бир жойга жамлаган эди. Мақоланинг давоми миясида пишиб колган эди. Ҳатто, хулосаловчи мулоҳазалари ҳам деярли тайёр эди. Лекин Жумабойнинг ҳикоясидан сўнг ҳаммаси тумандай тарқаб кетди. Энди ўша фикрларни бугун тугул, яқин орада жамлаб олиши даргумон. Унинг кўз ўнгида шунча йил ўзи билан ёнма-ён ишлаб келган камсуқум Жумабой ва белига тош боғланиб, Қизкетген каналининг тубида чўкиб ётган йигитнинг қиёфаси намоён бўлди. Ўтамурот бу манзарани яқин орада хаёлидан чиқариб ташлаши қийин эди.

Жумабой бироздан сўнг яна қайтиб кирди.

– Искандар ўзининг сирини қудуққа айтган экан, – деди у Ўтамуротга юзланиб шикаста овозда. – Лекин кўп ўтмай қудуқда ўсган қамиш туфайли бу сири элга овоза бўлибди. Чамаси, менинг сирим ундан ҳам тезроқ фош бўладиганга ўхшайди.

Ўтамурот унга нима деб жавоб беришни билмади.

– Билиб қўйинг, оға, – деди Жумабой, – мен сизни жуда ҳурмат қиламан. Лекин Искандар роз айтган қудуқнинг қамишига ўхшасангиз, сиз билан ҳам сувнинг бўйида бир отамлашишимизга тўғри келади!

Жумабой шитоб билан ташқарига чиқиб кетдида, шу куни қайтиб қорасини кўрсатмади.

Ўтамурот пешонасига қўлини тираганча узок вақт хаёл суриб қолди. У эртақларда тасвирланган уч хил ҳайкални эслади. Бирининг бу қулоғидан тиқилган чўп нарига қулоғидан чиқиб кетса, иккинчисининг қулоғига тиқилган чўп оғзидан чиқарди, учинчисининг эса қулоғига сўқилган чўп ичида қоларди. Энди буёғига Ўтамурот ҳам ана шу учинчи ҳайкалга ўхшаб яшаши керак. Бу иши қонунга

хиёнат бўладими, ёки жиноятни яшириш бўладими, бунисидан қатъи назар, бировнинг ишониб айтган сирига хиёнат қилмаслиги шарт! Ўтамурот бу сирни ошкор қилса, ўзининг ҳам сув бўйида уйқу дори ичишига тўғри келишини ўйлаб кўрққани йўқ. У виждони олдида ўзини жавобгар ҳис қилди. Зотан, дабдурустдан бир инсоннинг қотилига айланган, лекин узоқ йиллар давомида дардларини ичига ютиб яшаб келган бепушт йигитга унинг ич-ичидан раҳми келарди.

Эртаси куни шаҳар газлаштириш идорасида ишлайдиган бир йигитнинг бедарак йўқолгани ҳақида дув-дув гап тарқалди. Ўтамурот ҳам, Жумабой ҳам шарпадек ишга келиб-кетиб юришди. Ўтамурот ҳеч кимнинг гапини дурустроқ уқмас, ўзи ҳам тузук-қуруқ гапга аралаша олмас эди.

Орадан ойлар, йиллар ўтди. Йигитнинг ўлиги ҳеч қаердан топилмади. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғича қолди.

— Ана сенга хиёнат! — деди Ўтамурот ўзига-ўзи таъна қилиб. — Нега ўша воқеани яширдинг? Бу билан сен ҳам Жумабойнинг қотиллигига шерик бўлиб қолмадингми?..

Ўтамурот бошқа гал ҳам бир марта хиёнатга қўл урган эди. Лекин негадир шу топда унисини аниқ-ганиқ эслолмади. Қизкетген каналининг тубида чўкиб ўлган нотаниш йигитга нисбатан қилган хиёнати кўз ўнгидан кетмай қолди.

Бекниёз дўхтир куйган алангада мен ҳам жизгинак бўлишим керак! Ёнишим керак!..

Ўтамуротнинг аъзойи бадани қалтирай бошлади.

— Буёққа келинг, она! Отам қимирлади! — деб бақириб юборди Ажимурот туйқусдан.

Кўшни хонада чой ичиб ўтирган Сағийда билан Моҳийда шошиб ичкарига киришди. Бироқ Ўтамурот уларни кўролмади, фақат қизларини

овозидан таниди. Тепасида Каримулла махсумнинг «Ёсин» қироат қилаётганини ҳам сезиб турарди. Лекин гапирай деса лаблари ўзига бўйсунмас, кўзларини очишга ҳарчад уринмасин, ковокларини жойидан кимирилтолмас эди. Ҳартугул у хали ўзининг тирик эканлигини англади.

8

Ўтамурут ўзининг қачон йиқилганини, неча кундан бери тўшакда ётганини эслолмади. Ҳатто, икки дунё оралиғига тушиб қолганидан бери шу урида жонланаётган узук-юлуқ манзараларни ҳам тузукроқ англолмас, хаёлидан кечган воқеаларни шу заҳоти унутиб юборарди. Бироқ ҳозирги кўрганларини дарров унутолмади. Қаердан ҳам кип-қизил чўғланиб турган ўша дарвозанинг олдига бориб қолди. Дарвозанинг нариги томонида ланғиллаб ёнаётган олов нимадан далолат? Ёки дўзах деганлари шумикин? У ҳам омонатини топширгач, дўзахга тушадими? Қайси гуноҳлари учун? Ўтамурут вақтлироқ «қиблага қараб йиқилмаган» бўлса-да, лекин кейинроқ беш вақт намозини қанда қилмайдиган бўлди. Мусулмончиликда ўн икки ёшдан намоз ўқиш керак, дейишади. Бу ёшда уларнинг нон топиб ейиши ҳам душвор эди. Йигит бўлиб етилгач, урушда қон кечди. Сўнгра овулда машаққатли меҳнат гирдобига тушиб қолди. Кейинроқ умри илмнинг ортида кечди. Ўша пайтларда илм билан Ислом дини ўт билан сувдай гап эди. Шу боис ҳам у ёши етмишдан ошгунча жойнамозга бош қўёлмади. Балки мана шу гуноҳи эвазига дўзах ўти кўзига кўрингандир.

Ўтамурут болалигида атиги бир мартагина дуч келган Бекниёз дўхтир нима учун унга кўриниш берганига сира тушунолмади. Нега бувиси кўринмади? Нима учун отаси дуч келмади?

Ёки отаси билан учрашсаям, уни танимадимикин? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, юзма-юз келганида, уни албатта таниган бўларди. Чунки отасининг қиёфаси Ўтамуротнинг болалик хотирасида бир умрга муҳрланиб қолган эди.

Кўпинча ўлим тўшагида ётган одамлар сўнгги нафасида, «ана, онам келди, онам мени чақиряпти», дея алаҳсирашга тушар эди. Лекин Ўтамуротнинг эс-хуши ўзида эди. Теварагида юз бераётган воқеаларни сезиб-билиб ётарди.

Одатда, кундузи жажжи невараларитина қоладиган уй бугун одам билан гавжум эди. Қизлари, ўғиллари ҳам ёнида. Хатто, қўшнилари ҳам келиб-келиб турганга ўхшайди. Лекин уларга қарашга, улар билан гаплашишга мажоли йўқ. Ўтамуротнинг кўзлари уйқуда бўлгани билан қалби уйғоқ эди.

Ўтамурот опасини эслашга уринди. Шу топда урушда қон кечиб юрган кезларида онасидан олган сўнгги хати ёдига тушди. Институтда талабаларга сабоқ берган кезларида неча йиллардан бери такрорланавериб миясига чуқур ўрнашиб қолган таниш мавзулар каби, онасининг ўша мактуби ҳам нуқта-вергулларигача унга ёд бўлиб кетган эди.

Онаси саводсиз аёл эди. Ўша хатни ҳам кизига айтиб туриб ёздирган эди.

«Нуридийдам Ўташжон, — деб бошланарди мактуб. — Эсон-омон юрибсанми? Ҳар куни беш вақт намоздан кейин худодан сенинг омонлигингни сўрайман. Ўзинг ҳам Яратгандан элга соғ-омон қайтишни тилагин. Қўлинг қуролда, кўнглинг худода бўлсин. Ана шунда аввали худо, ўтнинг ичидан омон чиқгайсан!

Сен урушга кетиб, Қўса қайноғанинг ўғли овулда қолганида «нега боламини тракторчиликка ўқитмадим?» деб ўкинган эдим. Яқинда унияма аскарликка олишди. Бир ҳисобда шуниси ҳам яхши

бўлди. Овулда аскарликка одам юбормаган хонадон қолмади. Кимдирнинг ё акаси ё укаси, кимнингдир боласи, яна бировларнинг кўёви урушга кетган. Хуллас, Қўса қайноғанинг ўғли одамларнинг кўзига балодек кўриниб қолувди. Ўзиям буни сезган бўлса керак, урушга кетиб элнинг маломатидан қутулди.

Аввалига овулдаги тракторларни ҳам йиғиштириб урушга олиб кетишармиш, деган гап чиққанди. Лекин нимагадир кўтир боланикига тегишмади. Айтишларича, унинг трактору «Универсал» экан. Бунақа тракторлар уриша олмас эмиш. Шундан кейин у «Ўзим уришаман» деб урушга кетди. Кеча радиодан «ёвнинг шашти синди, бизнинг жангчилар элни улардан тозалаяпти» деган хушxabарни эшитиб, қувониб кетдик. Қўса қайноға ҳам хурсандчиликдан ўзини қўярга жой тополмай қолди. Кўтир боланинг ҳам аскарларга ёрдами теккан бўлса керак. У ўзи ёшлигидан жуда жанжалкаш эди-ку.

Кўтир бола урушга кетаётганида одамлар топганини унинг қўлига тутқазди. Кимдир боласига, кимдир акасига олиб бориб беришини илтимос қилди. Мен ҳам сенга атаб бешта зоғора ёпиб бердим. Қаватингдаги жўраларингга бирини берарсан, лекин қолганини ўзинг егин. Жўхорисини майдалаб тортдим. Жуда мазали чиқди. Савабдан қўли бўшаса, сенинг олдингга ҳам бориб қолар. Бораман, деб лафз қилиб кетди-ку.

Кўтир бола ўзига унча кўп сгулик олмади.

– У ёқда нон топилади, лекин манави топилмайди, – деб оламжаҳон носвой олиб кетди. Мабодо сенга ҳам берса, чекмагин, юзи курсин носвойнинг. Раҳматли отанг носвой чеккан одамни хушламасди. Сен бу зормандага ўрганиб қолсанг, бояқишнинг руҳи безовта бўлиши мумкин.

Кўтир боланинг «Универсал»ини ҳайдаш учун Акжавбай қайноғанинг қизи Равшан билан Ўтебика чечамнинг кенжаси Олтинойни ўқишга юборишди.

Равшанни ўзим келин қилсаммикин деб юрибман, болам. Бир рўзгорни обод қилади. Чеваргина қиз. Мен ҳам қарияпман. Кўзим очиклигида қозоннинг қулоғини келинимга қўш кўллаб топширсам дейман. Кейинги вақтларда тез-тез оғриб қоляпман. Ўзимдан кўрқаман. Отанг яшамаган пайғамбар ёшини яшаб қўйдим. Поччанг эрта бир кун батальондан қайтиб келса, опанг ҳам уйига кетади. Қайнонаси бир-икки марта келиб, невараларини кўриб кетди. Унгаям осон эмас! Шу чокқача опанг қушига яраб турган эди. Ёвнинг шашти синган бўлса, ўзинг ҳам овулга қайтишнинг чорасини кўр. «Онам тез-тез оғриб қолади» деб айтсанг, бошлиқларнинг сенга жавоб беришар. Ўзинг тишлаб кетган иккита нонни сандиқда авайлаб сақлаб юрибман. Суви қочиб, тарашадай қотиб кетган. Кўкариб қолмасин деб тез-тез шамоллатиб, яна жойига солиб қўяман...

Ўташжой болам, мен бир ҳафтадан бери тўшакка миҳланиб қолдим. Опанг, «шу гапни ёзмайлик, укам хавотир олади» деган эди. Лекин мен буни сендан яширишни истамадим. Мабодо менга бир гап бўлса, қўнглимдаги гаплар ўзим билан кетмасин дедим. Сен қайтиб келгунингча ўлмайд юрсам, ҳаммасини ўзингга бафуржа гапириб бераман. Жон – омонат, дейишади болам, бошқа юз кўришолмасак, мушфиқ онангдан рози бўл. Мен сенга берган оқ сутимга мингдан-миг розиман. Ёвни снгиб келганингдан сўнг отанг икковимизнинг қабримизга белги қўй. Ўшанда қабримизни адашмасдан топиб, руҳимизга атаб Қуръон ўқишинг осон бўлади. Бувингнинг ҳам қабрини биласан. Қурбинг етса, учаламизнинг ҳам қабримизни пахса билан ўраб

қўйгин. Яқинда қабристонга борган эдим, раҳматли бувингни қабридаги ёғочлар чириб, томи ўйилиб тушибди. Иймони бутун одамларнинг қўйиндиси устидан ўйилади, дейишарди. Энам бечора асли Биби Фотиманинг чин қизи эди. Унинг бошида ўтириб, бирма-бир дардларимни тўкиб солдим. Бувинг билан отангга сенинг соғ-саломат юрганингни, урушда ҳеч қаеринг жароҳатланмаганлигини айтиб суюнчиладим.

Болам, мен ҳам бу дунёдан хотиржам кўз юмишни истайман. Илоҳим, ёвни енгиб, эсон-омон элга қўшилгайсан! Майли, етар, опангнинг ҳам дийдаси бўш экан, боядан бери кўзининг шўрвасини оқизиб ўтирибди. Сенга айтадиганимни айтиб бўлдим. Бошинг тошдан бўлсин, ўғлим...»

Хат айнан шу тарика ёзилган эди. Опаси унга ўзидан бир сўз ҳам қўшмаган. Қоғозга унинг кўз ёшлари томиб, доғ бўлиб қолган. Соддадил онасининг мактубини ўқиб ўтириб, Ўтамуротнинг ҳам кўнгли бузилиб кетди. Опасининг кўз ёшлари устига унинг ҳам ёшлари оқди. «Онам ҳозир омонмикин? Уни яна тирик кўрармикинман?», дея ўзига-ўзи савол берганди ўшанда.

Шундан сўнг бир ойгача овулдан хат-хабар бўлмади. Кечикиброқ келган мактубни ўқиб, кўнгли таскин топди.

«Онам тузалиб кетди, — деб ёзган эди опаси. — Энди «ўша хатни юбормаслигимиз керак экан», деб ўқиниб юрибди. Айтмоқчи, сен келганингдан кейин «катта томорқа» тарафда янги уй солайлик, деяпти. Ахир, сен ҳам эр етилиб қолдинг, Рамберген отам аввалгидай зуғум қилишга ботинолмаса керак».

Лекин опаси ундан ҳақиқатни яширган эди. Ўтамурот кейинроқ онаси ўша хатни ёздиргач, уч кундан сўнг оламдан ўтганлигидан хабар топди.

Ўтамурот етти йил деганда уйига қайтди. Уруш тугагандан кейин ҳам баъзи ҳарбий бўлинмалар бир-икки йил муддатга ўша ёқларда қолдирилган эди.

Овулдан урушга жўнаган эркакларнинг кўпчилигидан «қора хат» келган, омон қайтганларининг ҳам бири оёғидан, бири қўлидан айрилган эди. Овул жуда файзсиз эди. Ҳамон айрилиқ доғини унутолмаган одамларнинг кўнглига қил сиғмасди. Батальонга кетган поччаси ҳақида ҳам «шахтада ҳалок бўлди» деган машъум хабар келган экан. Ўғли трибуналга тушгач, Рамберген кўсани ҳам районга чақириб, сўроққа тутишибди. Шундан сўнг у оиласи билан овулдан кўчиб кетибди. Емберген кўтир ҳам жазони ўтаб бўлиб, тўғри отасининг олдига борибди. Бироқ одамларнинг айтишича, тез орада уни қайтадан сўроқ қилиб, қамаб юборишибди.

Бир куни кечки овқатдан сўнг опаси Хурлиха болаларини нариги хонага чиқариб юборди-да, Ўтамуротни ёнига чақирди.

— Ота ҳовлиси қиз болага юрт бўлмайди, — деди у. — Энди мен ҳам уйимга қайтишим керак. Жезданг ўлгани билан ортида болалари қолди. Жиянларингни киндик қони томган уйига олиб боришим керак. Сен ҳам энди тезроқ уйлан, бунақа юраверма!

Ўтамурот ҳеч нарса деёлмай ерга қаради. Опаси болаларини олиб кетса, уй бутунлай хувиллаб қолади. У ҳали қачон ва кимга уйланади, уларнинг болалари қачон туғилади-ю, қачон тили чиқиб, бу хонадонни қайтадан бозорга айлантиришади? Бу ҳақда ўйлаган сайин Ўтамуротнинг хаёллари чувалашиб кетар, буларнинг бари қўл етмас орзудай туюларди.

— Онамнинг хатда ёзган гаплари эсингдами? — деди опаси уйдан садо чиқавермагач.

— Эсимда.

— Эсингда бўлса, Равшан билан гаплаш. Онамнинг васияти ерда қолмасин.

— Ким билсин, у нима деб жавоб бераркин?

— Сендай йигитга тегса, дўпписини осмонга отади, — деди опаси ишонч билан. — Кечаги ҳафта Палсанамнинг қизини Эйгеке овулдан эллик ёшли бир одамга сўраб келишибди. Бунинг устига, урушда бир қўлидан ҳам ажралган экан. Худога шукр, сен ўн икки мучанг бут қайтдинг. Равшан иккинги тенгдошсиз! Ўзингдан беш-олти ёш кичик бўлганида яхши бўларди-ку, лекин орада онамнинг васияти бор. Бу киз муштдайлигидан ҳам уйнинг, ҳам даланинг ишида юравериб, пишиб кетган. Ўзиям сулувгина қиз.

Ўтамурот опасига бир оғиз эътироз билдира олмади. Қолаверса, ўзининг кўзлаб юрган қизи йўқ эди.

Хурлиха Равшаннинг уйда ёлғиз қолишини пойлади. Равшан билан Олтиной тракторни галма-галдан алмашиб ҳайдашарди. Гоҳо улар бир кунда навбат алмашишади. Хуллас, Равшаннинг уйда бўладиган вақти кўп, бироқ у билан холи қолиб гаплашиш осон эмас. Овулда йигит кишининг бўй қизникига кириб бориши уят саналади.

Бир куни Ўтамурот молнинг тагини тозалаётганида опаси ҳовлига шошиб кириб келди.

— Тезроқ бориб, уст-бошингни алмаштир. Равшаннинг онаси ҳозиргина Чуйит овулга маъракага кетди. У сингиллари билан уйда қолди.

Анчадан бери бундай қулай пайтни кутиб юрган бўлса-да, дабдурустдан Ўтамуротни ваҳима босди. Қизнинг олдига нима деб боради? Йўлда битта-

яримтаси дуч келиб қолиб, «қаёққа кетаяпсан?» деб сўраса, нима деб жавоб беради?

Ўтамурот минг бир ҳадик билан кўчага чиқди. Равшанларнинг уйига яқинлашган сари юраги кинига сиғмай ура бошлади. Таваккал дея ошиқмошиғи майишиб ётган эски эпикни гижирлатиб очиб ичкарига кирди. Тўрдаги уйнинг эшиги очик экан. У ерда Равшан учала синглиси билан гаплашиб ўтирарди. Ўтамуротга кўзи тушган кизлар уятдан қизарганча ўрнидан учиб туриб, ўзларини ташқарига уришди. Равшан эса гап-сўзсиз ўртадаги ёпиғелиқ дастурхон теграсига кўрпача солди.

Ўтамурот ўзига атаб тўшалган кўрпачага омонатгина ўтирди. «Эсон-омон юрибсизми?» дея киздан ҳол сўрамоққа чоғланди-ю, «кексалар шунақа омонлашишарди» деган фикрда ниятидан қайтди.

Равшан ҳам унинг гап бошлашини кутмай ташқарига чиқиб кетди. Бироздан сўнг ҳовлидаги ўчоқда оловнинг чарсиллаб ёнгани, қора қумғоннинг жизиллаб қайнагани эшитилди. Бу орада Равшан уйга икки марта кириб-чиқди. Аввалига дастурхондаги синиқ зоғораларни йиғиштириб олиб, бутунига алмаштирди. Сўнг патнисда қурут, жийда, ўрик олиб келиб дастурхонга сочди. Қиз ҳар гал ичкарига кирганида Ўтамурот унга сўз қотишга ўқталарди-ю, лекин маънилироқ гап тополмай ютиниб қўя қоларди. Равшан сиртдан хотиржам кўрингани билан у ҳам қаттиқ ҳаяжонланаётганлиги сезилиб турарди.

Бир пайт киз чой кўтариб кирди.

– Ўзинг ҳам ўтир, – деди Ўтамурот юрак ютиб.

Равшан орқароққа чекиниб, кўрпачанинг бир бурчига тиз чўқди. Иккаласи чурқ этмай бир-икки ниёладан чой ичишди.

– Менинг нима мақсадда келганимдан хабаринг бўлса керак? – дея гап бошлади Ўтамурот.

Хурлиха Равшан билан онасига гапнинг учини чиқариб қўйганини айтган эди.

Равшан дала-даштда юравериб анча ўзини босиб олган, уйга бегона эркак келса, овулнинг бошқа қизлари каби том паналаб қочиб юрадиган даражада уягчан эмасди. У Ўтамуротга қараб мийиғида жилмайди.

– Айрон сўраб келган бўлсангиз керак-да?

– Тўғри, – деб кулди Ўтамурот ҳам бу гапдан завқланиб.

– Идишингизни ташлаб кетаверинг-чи, онам келгандан сўнг оларсиз.

– Идишимиз бўш қайтмайдами, ишқилиб?

Шу пайт кичик синглиси ташқаридан Равшанни чақириб қолди.

– Бунисини насибангиздан кўрасиз, – деди Равшан ўрнидан тураётиб.

Қиз опасини меҳмонга қанақа овқат пишириш ҳақида маслаҳатлашиш учун чақирганди. Овулда қиз сўраб келган йигитни қуруқ оғиз билан қайтариш айб саналади. Ўтамурот ҳам бу хонадонга Равшаннинг қўлини сўраб келганди.

Равшан унга тўроқ⁵ қотилган ёрма пишириб берди. Бироқ бояги масалада бошқа гап очилмади.

Шундан сўнг орадан икки ҳафта ўтгач, улар «Қидирнийаз ер»да учрашишди. Ўтамурот дала бошида ариқ қазийтган эди. Равшан пайкалнинг нариги тарафидан трактор ҳайдаб келди-да, кабинадан тушиб келиб у билан саломлашди.

– Мабодо бизнинг айрон ачиб кетгани йўқми? – деди Ўтамурот пайтдан фойдаланиб.

– Хабар олмасангиз, айронингиз тўроқдек қотиб кетишям ҳеч гап эмас, – деди Равшан ҳам ҳозир-жавоблик билан.

⁵ Тўроқ – қуритилган сузма.

– Боришга уялиб юрибман.

– Ўзингиз уялсангиз, опангиз бор-ку?

Шу билан гап тамом бўлди. Равшан яна тракторига минди-да, газни қаттиқроқ босиб, бир зумда пайкал оралаб кетди.

Ўзага биринчи сув қуйилган пайтда Ўтамурот уйланди. Уруш тамом бўлгандан сўнг овулда биринчи марта тўй бўлди. Одамлар бундай қувончли дамларни соғиниб қолишган экан. Тўйга бутун овул кўчиб келди. Айниқса, беточар маросими ўтказилаётган вақтда ҳовлига одам сифмай кетди.

Қўшни Жамагча овулидан келган Кенесбай исмли йигит ҳазил-ҳузул шеърлар билан «келин салом»ни роса қизитди. Унинг беозор ҳазилларидан озорланган кишиларни Хўжамурот бригад жеркиб берди.

– Ўпка-гина қиладиган бўлсанг, беточарга келиб нима қиласан! Бу қанақа аҳмоқгарчилик?! Шундоғам одамларнинг беш-олти йил йиғлаб-сиқтагани этади. Эндиям ўйнаб-кулмасинми!

Хўжамурот аллақачон бригадликдан бўшаган эди, шунинг учунми, кейинги вақтларда элга қайишадиган бўлиб қолибди. Одамлар оқсоқол қилиб сайлаган Мембетирза бува билан мулла Мембеткарим Ўтамуротнинг онаси билан олдинма-кейин вафот этишган экан. Шундан бери овул оқсоқолсиз қолган. Шундан бери қўшни эшқили уруғидан бўлмиш Мулла Сарибой маърака-маросимларда бош-қош бўлиб келмоқда эди. Кенесбой уни ҳам бошлаб ҳажв қилди:

Чийнинг тубини қайиған⁶,

Ҳисоб билан бойиған,

Сарибой мулла қайноған,

Унга беринг бир салом!

⁶ Қайиған – қовлаган.

Оломон дув этиб кулади.

– Оббо, болади-ку!

– Топиб айтди! Сарибой мулла бўлганидан бери садакаи фитрнинг миқдори ошиб кетди.

– Жим бўлинглар, давомини эшитайлик...

– Оқтерак билан бойлашган,

Хотини билан ўйлашган,

Чалабай деган қайноғанг...

Орқалаб ўтин ташиган,

Эгнидан тери сасиган...

Отга минса қиличдай,

Ерга тушса қаричдай...

Келин келди деб довдираган,

Этаклари шалвираган,

Овсинларига бир салом.

Ўтамурот билан қариндош бўлмаса-да, овул хотинлари янги тушган келинга овсин бўлишган эди. Хуллас, «келин салом»да исми тилга олинмаган эркак-аёл қолмади ҳисоб. Бўйи етиб қолган қизлар билан бўз йиғитлар ҳам беточарга илинди.

– Кубай қозоқ қолиб кетди-ку, – деди бир чеккада турган Қарлибой кулиб. – Келинимиз унга ҳам бир салом бериб юборсин.

Кубай қозоқ деганлари ёши элликлардан ошган, чорвадор қозоқ овулининг кунботиш тарафидаги «Максим уй»да⁷ ўтов тикиб ўтирган киши эди. Кўкламда қўйларини олдига солиб яйловга кўчиб кетади-да, шу билан қорнинг ҳиди келиб қолган пайтларда ортига қайтади. Қишда ҳам қора уйда яшайди. Ўтовни кигиз билан қоплаб, ўртага олов ёққач, уйининг ичи иссиққина бўлади. Қизиғи, Кубай қозоқ қаерда юрсаям, бу овулнинг тўй-

⁷ «Максим уй» – жой номи.

маъракасини сира канда қилмайди. Бугун ҳам худо билади, қайси яйловдан етиб келганин.

Қарлибой тез-тез унинг отарига бориб, меҳмон бўлиб келарди.

— Қўйнинг қатигини ичмабсан, дунёга келмабсан, — дея мақташарди у одамларнинг оғзидан сувини оқизиб.

Кубай билан Қарлибой тенгдош бўлишса керак. Иккаласининг ҳазили ярашади. Лекин Кенесбой унинг қитиқ патига тегишга ботинмади шекилли, Қарлибойнинг гапини эшитмагандай, бошқаларни ҳажв қилишда давом этди. Қарлибой даврани кесиб ўтиб, Кенесбойнинг қўлидан рўмолга боғланган хипчинни олди.

— Сен бола ўзи беточарни билмас экансан. Хипчинни буёққа бер! Хой, Кубай, қаердасан? Ҳозир ўзим сенга салом бердираман.

— Майли-майли, — деди Кубай кулиб.

— Кўчма десанг кўчади,
Лойқа сувдан ичади,
Кубай қозоқ қайноғанг,
Жуфт салом бер, келинчак.

Равшан Кубай қозоққа икки марта таъзим қилиб салом берди.

— Ана, кўрдингми, келинбола юртга бир салом бераётганида сенга икки марта салом бердирдим. Бири ёзги салом, бири қишки салом!

Кенесбой хипчинни қўлига олиб, яна давом этмоқчи эди, Кубай қозоқ келиб унинг қўлига ёпишди.

— Калтагингни менга бериб тур, иним. — деб калтакни қўлига олди-да, келинсаломни давом эттирди:

Туғрама десанг туғрайди⁸,
Уйининг ичи қуврайди,

⁸ Бу ўринда пишган жўхори поясини майдалаб бўлаклаш назарда тутиляпти.

Қарлибой қалпоқ қайноғанг,
Унга беринг бир салом.

– Нега менга бир марта салом бердирдинг? – деди Қарлибой кулиб.

– Чунки сен менга ўхшаб яйловма-яйлов кўчиб юрмайсан, бир жойда муқим ўтирасан. Шунинг учун сенга битта салом етади, – деб Кубай хипчинни эгасига қайтариб берди.

Одамлар қаҳ-қаҳ уриб кулишди. Уларнинг ҳангомаси Кенесбайникидан ҳам ошиб тушган эди.

Шу куни овул аҳли қоп қорайгунча хурсандчилик қилди. Бир пайтлар элда «катта уй» дея ном қозонган хонадонга қайтадан файз кирди. Келин кўпроқ қолхознинг юмушлари билан банд бўлгани учун Хурлиха ҳам тўйдан сўнг дарров уйига кўчиб кетолмади. Бир-икки ой уларга ёрдам бериб турди. Бу орада Равшан ҳомиладор бўлди. Одам қилган ишни одам қилади, дейишади. Гарчи Ўтамурот Чимбойдаги курсда ўқиб келмаган бўлса-да, кузнинг охирларида тракторнинг рулига ўтирди. Уни ҳайдашни ўрганиши қийин бўлмади.

Эрта баҳорда Ўтамурот қизли бўлди. Хурлиха чақалоқнинг чилласи чиққунича Равшанга қарашиб турди. Жўхори экиш мавсуми бошланганда қайнилари келиб, уни кўчириб кетишди.

9

Ўтамуротнинг болаликда қўнглига туккан ёзувчи ёки олим бўлиш орзуси пучга чиқадиганга ўхшайди. Ҳозирча бу овулга ёзувчининг ҳам, олимнинг ҳам кераги йўқ. Яқиндагина урушдан чиққан халқнинг турмуши жуда оғир эди. Ёшу қарига бирдай тиним йўқ. Қишда қалин қор ёғса, одамлар бир ойгина дам олади. Қор бироз эриб, ернинг юзаси олақарға тусига кириши билан аравада далага

гўнг ташиш ишлари бошланади. Сўнг хўкизда кўш хайдаш, от қўшилган «Акошка»⁹ билан ариқ олиш каби юмушлар бирин-кетин ўрин алмашаверади. Равшан билан Олтинойнинг тракторига кўз тикиб ўтираверган билан иш битмайди.

Қиши билан қор-ёғиннинг сувидан тўйиб ичган йўнғичқа кузги буғдой билан барабар бўй кўтаради. Жўхори билан мош эндигина экилаётганда йўнғичқа биринчи ўроққа келади. Уни саранжомлаб улгурмасдан чигит экиш бошланиб қолади. Ўтамурот бунча ишни ташлаб қаёққа боради? Бунинг устига, овулда ёлғиз у урушдан ўн икки мучаси бут қайтган. Шунинг учун колхознинг оғир юмуши унинг зиммасида.

Ёзнинг жазирама иссиғида буғдой ўрими бошланади. Буғдойни йўнғичқа ўрган каби қаддингни фоз тутиб чалғи билан шариллатиб ўриб ташлолмайсан. Ўтириб ўришинг керак. Бундай пайтларда қуёшнинг тафтидан димикиб кетган буғдойзорнинг ҳовури оловдек ловуллаб юзингга урилади. «Эй, худойим-ей, бир оғриқ бергайсан ўлимдан йирок, уни ҳам бергайсан буғдой ўримидан бурунроқ», деган ҳазилнамо гап ҳам ўша пайтларда тўқилган. Қатор тизилишиб буғдой ўраётган одамлар орасира қаддини ростлаганида бир-бирига бу гапни айтиб, кулиб олишади. Шу билан бироз чарчоғини ёзган бўлишади.

Кузда пахта ташишнинг машаққати ҳаммасидан ошиб тушади. Теримнинг дастлабки пайтларида бу унчалик сезилмайди. Эндигина пахта тўкилаётган майдончага аравангдаги қанорларни бўшатиб, ортингга қайтаверасан. Жудаям осон иш. Лекин бу ҳол бир ҳафтадан ортиқ давом этмайди. Пахта уюми аста-секин катталашиб, том бўйи баланд-

⁹ «Акошка» — ўтган аср ўрталарида қишлоқ хўжалиғида фойдаланилган, отлар ёрдамида ишлатилган техника.

ликка юксалади. Ана шунда қанорларни битталаб юқорига олиб чиқишинг машаққатга айланади. Қун узоғи тарозининг бошида қаққайиб турганинг етмагандек, ҳориб-толиб тепага қанор ташишга мажбур бўласан. Бошқа колхозларнинг пахтасини икки филдиракли, ихчамгина араваларда олиб келишади. Ўтамуротнинг баҳайбат фойтун аравасига эса уларникидан икки-уч баравар кўпроқ пахта сиғади...

Ана шундай ишнинг қизигида ўқиш ҳақида гапиргудек бўлсанг, Қарлибой бригаддан эшитадиган сўкишинг қолган умрингга татийди. Чунки колхознинг юмуши йил-ўн икки ой тугамайди, бир зум тиним пималигини билмайман.

Қарлибой бригад бақироқликда Хўжамуротдан минг чандон ошиб тушади. Ҳар қалай, Хўжамурот одамларга минг бақириб-чақиргани билан тезда ховуридан тушиб, ҳаммасини эсидан чиқариб юборади. Қарлибой эса қадалган жойидан қон олмасдан қўймайди. Бир жинига тегсанг, қирқ йилгача изингдан қолмайди. Ким билсин, балки замоннинг ўзи уни шунақа сержаҳл қилиб қўйгандир. Чунки бригадир бўлмасидан аввал Қарлибой унчалик ёмон одам эмас эди. Аслида унинг қаттиққўл бўлгани ҳам дуруст, бўлмаса иш юритиши қийин.

Овулга НАТИ русумли янги трактор келганида Қарлибой уни Ўтамуротнинг бўйнига илиб қўймоқчи бўлди. Лекин Ўтамурот кўнмади.

– Ҳайдайсан! – деб оёқ тираб туриб олди Қарлибой.

– Йўқ, оға, ҳайдамайман!

– Шу овулда яшашдан умидинг бўлса, ҳайдайсан!

– Овулда қўймасангиз, кўчиб кетаман.

Қарлибой ундап бунақа жавобни қутмаган эди. От устида бир муддат унга бақрайиб қараб қолди.

— Дизертир! — дея соғ қўли билан отнинг жиловини орқага буриб, тақимига камчи босди. Қарлибой бу сўзни фронтдан ўрганиб келган эди. Биронтасидан ғазабланса бас, «Сенга ўхшаган дизертирларни деб ўнг қўлимни ёвга бериб келдим!» деб замзама қилишга тушади. Лекин «дизертир» сўзининг маъносини ўзиям аниқ-таниқ билмайди.

Ўша можаронинг эртаси куни Қарлибой анча ювош тортиб, қайтиб келди.

— Ўтамурот, сен кунига икки норма йўнғичқа ўрасан, «НАТИ»ни келин хайдайди, — деди у.

— «Универсал» нима бўлади? — дея сўради Ўтамурот.

— Уни Олтиной хайдайди.

Қарлибой шу тарика бир ўқ билан икки куённи урган эди. НАТИни Равшанга берди нима-ю, Ўтамуротга берди нима. Чунки Равшан боласидан ортмагани боис Ўтамуротнинг ўзи янги трактор рулига ўтиради. Энди у бугдой ҳам ўради, йўнғичкагаям боради, тракторниям хайдайди. Бошқа чораси йўқ. Сағийдадан сўнг Моҳийда туғилди-ю, Равшаннинг илгариги «ударник»лигидан асар ҳам қолмади. Унинг ўрнига Ўтамурот илғор бўлиб қолди.

Занжир изли НАТИнинг хўжайини кўп эди. Унинг қайси ерни шудгор қилиб, қайси жойга мола босаётганини фақатгина Қарлибой бригад эмас, колхоз раисидан тортиб, овул шўросигача кузатиб, назорат қилиб юарди.

Баҳорда якка шудгор унмайди. Шунинг учун беш-олти колхознинг НАТИсини бир жойга йиғиб, қатор қилиб далага солишади. Овулга тегишли ерлар шудгор қилинаётганда тракторни Равшан хайдайди, бошқа ерга кўчишса, Ўтамурот боришга мажбур.

Бир гал Ўтамурут билан шериклари етгинчи овул далаларини шудгор қилишди. Беш нафар тракторчи битта бригадага бириктирилган эди. Бешаласининг ҳам ётоғи бир ерда. Кечки овқатни бир дастурхондан ейишса, тушликни уларга даланинг бошига олиб бориб беришади. Тракторларга ёнилғиниям ўшаёқда қуйишади.

Равшан Ўтамурутнинг ўрнига йўнғичқа ўримига чиқди. Болаларига қараб туриш учун синглиси Ойхонни уйига олиб келди.

Ўтамурут бешинчи овулдан келган Қудайназар билан бир даланинг ўнгу сўлидан шудгор қилишга тушди. Иккаласи отизнинг ўртасида учрашиши керак. Икки омонинг ўзаро туташган жойи ариқ каби чуқур бўлиб қолади. Уни текислаш учун қайта-қайта мола босиш керак. Лекин шу билан ҳам бутунлай текисланиб кетмайди.

Иккита тракторга тўрт киши сув етказиб бериш билан овора. Улар даланинг икки тарафида сувни тайёр қилиб туришади. Чунки трактор челга етиб келгунича радиаторининг суви биқирлаб қайнаб кетади. Устидан бир челак сув солингач, бироз тафти пасаяди.

Аслида, сув ташишнинг захмати трактор хайдашдан ҳам оғирроқ эди. Ҳамма даланинг бошида ҳам ариқ бўлавермайди. Борларининг ҳам кўпида сув йўқ. Шунинг учун обкаш аёллар елкасининг яғри чиқиб, сувни анча узоқдан ташиб келишади. Бечоралар бир зум тиним билишмасди. Чунки трактор даланинг нариги бошидан қайтиб келгунича сув тайёр туриши керак эди.

Баъзи тракторчилар кабинадан ҳам тушиб ўтиришмайди. Сув ташиётган аёлларга радиаторни очиб ёпишни ўргатиб қўяди-да, сўнг тракторнинг бошини эгатта буриб, безрайиб тураверади. Аёллар эса қўлидаги челакларни тракторнинг занжирли

гилдираги устига қўйишади-да, сўнг ўзлари тепага ўрмалашади.

Бундай йўл тутишга Ўтамуротнинг юзи чидамайди. Ҳар гал кабинадан сакраб тушади-да, радиаторга ўзи сув қуяди.

Еттинчи овулда давом этаётган ер шудгорлаш чоғида юз берган бир воқеа Ўтамуротнинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Кун пешинга оққан маҳал эди. Ўтамурот билан Қудайназарнинг орасидаги масофа анча яқинлашиб қолган. Эртага чошгоҳгача бу майдонни тугатиш мумкин.

Челга яқинлашганда Ўтамурот сувчи аёлларнинг алмашганига эътибор берди. Эғнидаги узун беқасам камзули хипча қоматига ярашган, бежирим чехрали, қорачадан келган жувон унга жилмайиб қараб турарди. Унинг камзули тагидан бир ярим қаричча пастга тушиб турган қизил сатин қўйлаги енгил шамолда қирғовулнинг патидай ҳилпираб ўйнарди.

Ўтамурот дала чеккасига келиб тўхтади-да, аёлга тикилганча бироз иккиланиб қолди.

– Туш, – деди у Ўтамуротни қўли билан имлаб.

Ўтамурот кабинадан пастга сакради.

– Қайним, сувингни ўзини қуймасанг, мен анави занжирингга чиқолмайман.

Эрталабдан буён сув ташиб турган келинчак миқ этиб оғиз очгани йўқ эди. Бу аёл эса гўё минг йиллик қадрдонига дуч келгандек, йигитнинг олдида ўзини жуда эмин-эркин тутарди. Ўтамурот аёллар билан муомала қилишга жуда нўноқ эди. Ҳозир ҳам индамай челақларни бўшатиб, аёлга узатди.

– Қалай, чанқоғинг қондими? – деди у жилмайиб.

– Чўллаган мен эмас, трактор-ку, – деди Ўтамурот уялиб.

– Ўзинг чўлламадингми, ишқилиб?

У аёлнинг бу саволини жавобсиз қолдириб, радиаторнинг қопқоғини ёпишга тутинди.

– Қайним, бир гап айтайми? – деди келинчак бироздан сўнг.

– Айтинг.

– Аввал ерга туш. Баландаги одам пастдагининг гапини эшитармиди?

Ўтамурот трактордан сакраб тушиб, унга яқинлашди.

– Айрон сўраган одам товоғини яширмайди дейишади, қайним. Бироқ чироқ мойи сўраганлар идишини яширар экан.

– Чироқ мойи сўраб келдингизми?

– Берасанми?

– Кўрамиз, – деди Ўтамурот иккиланиб.

– Нимани?

Ўтамурот тагин гап тополмай каловланиб қолди. Аслида, у бу гапни бекор айтган эди. Тракторчининг сўраган одамга чироқ мойи бериб юбориши мумкин эмас. Бунинг учун раис ёки бригадирдан рухсат олиш керак. Лекин баъзилар иложини топиб, пана-пасткамда одамларнинг ҳожатини чиқариб туришарди.

– Майли, яширган идишингизни олиб кела қолинг, – деди Ўтамурот ҳам таваккал қилиб. Аёл пешбандининг тагидан бешта мой идиш чиқарди. Ўтамурот мўъжазгина шишаларни керосинга тўлдириб берди.

– Барака топ, қайним, илоҳим, қўчқордай ўғил кўргин.

Обкаш аёл чироқ мойини олган бўлса-да, нима учундир кетишга шошилмади.

– Анави оқтолларни кўраяпсанми? – деди у Ўтамуротга кичкина жилғанинг нариги тарафидаги теракзорни кўрсатиб. – Ўртасида иккита оқ

терак кўқкайиб турибди... Бизнинг уй ўша ерда.
Кечкурун бориб, меҳмон бўлиб кет.

– Йўқ, раҳмат...

– Раҳматни кейин айтарсан.

– Кечкурун бешаламиз бир жойдан овқатланамизда, – деди Ўтамурот узокдаги шерикларига кўз кири билан қараб қўйиб.

– Бирови камайиб қолгани билан осмон узилиб ерга тушмас. Борасанми?

– Қайдам.

– Жувоннинг «кўрамиз»и билан эркакнинг «қайдам»и маъқул дегани... Адашиб қолмассан? Мабодо адашсанг, одамлардан «Чоққирбой чорвадорнинг уйи қайси?» деб сўрарсан.

– Поччамизнинг исми Болтабойми?

– Янгаларингнинг тилини тушуниб қолган йигитга ўхшайсан.

Ўтамурот бироз жимиб қолди.

– Йўқ, янга, «қайдам»имни қайтиб олдим, – деди у бошини кўтариб. – Йигитлардан айрилиб кетсам уят бўлади.

Келинчак белбоғига қистирилган шишаларни ечиб ола бошлади.

– Унда чироқ мойингни ҳам қайтариб ола қол. Мен кўрқоқ йигитлардан нарса олмайман.

Бу гапдан сўнг Ўтамуротнинг меҳмондорчиликдан бўйин товлаши уят эди.

– Майли, бораман, – деб у кабинетнинг зинасига оёқ қўйди.

Ўтамурот кечки говгун маҳали тортина-тортина аёлнинг уйига кириб борди. Ичкарида печкага ўт ёқилиб, теварагига кўрпача солиб қўйилган экан. Баҳор келиб далалар исиб қолгани билан ҳали уйларнинг ичи салқин эди.

Аёл Ўтамуротни хурсанд кутиб олди.

– Амакингнинг кўлига сув қуй, – дея қизига буйруқ берди-да, ўзи темир печканинг устига оташкуракни қўйиб, унга уч дона зовора нонни қалаштириб чиқди. Ўн икки-ўн уч ёшлар чамасидаги қиз обдаста билан дастшўй кўтариб келиб, Ўтамуротнинг кўлига сув қуйди.

Учаласи қора чироқ ёруғида ўтириб чой ичишди. Сўнг дастурхонга таом тортилди. Жувон туршакни мўл солиб, нон шўрва¹⁰ пишириб қўйган экан.

– Қайним, исминг нима? – деб сўради у овқат устида.

– Ўтамурот.

У ҳам келинчакнинг исмини сўради. Нурсулув экан.

– Болтабой оға қаерда?

– Оғанг тирик бўлганида чироқ мойига мен борармидим, қайним? Тоғдай азаматни икки энлик «қора қоғоз»га алмашдик-ку.

Бир муддат орага сукунат чўкди.

– Нега жимиб қолдинг? – деди аёл тилга кириб. – Бу савдо бир менинг бошимга тушгани йўқ. Кўнга келган тўй бу. Шунинг учун йиғлай-йиғлай кўзимнинг ёши қуриб бўлди. Буёрига мен ҳам одамга ўхшаб ўйнаб-қулиб яшасам дейман... Ўзинг уйланганмисан?

– Ҳа.

– Яхши. Бояги тортинчоқлигингни кўриб, бу йигит ҳали чимилдиқ кўрмаган бўлса керак, деб ўйлагандим.

Келинчак овқат устида ҳам, овқатдан кейин ҳам уни-бунни сўраб, Ўтамуротни гапга солишга уринди. Лекин у аёлнинг саволларига «ҳа» ёки «йўқ» дея жавоб беришдан нари ўтмади.

¹⁰ Нон шўрва – туршак солиб пишириладиган маҳаллий таом.

– Тўшагингни қаерга солиб берай? – дея сўради Норсулув қизи ташқарига чиқиб кетгач. – Ёғоч катда ётасанми ёки печканинг ёнидами?

– Йўқ, мен қайтаман.

– Тунда шайтонлаб чиқадиган одатинг борми? – дея дафъатан Норсулув жарангдор овозда кулиб юборди. У бироздан сўнг ўзини қўлга олиб, Ўтамуротга жиддий назар ташлади. – Албатта қайтасан. Бу уйдан ҳам жиллакурса, ўн йилда бир марта эркак иси чиқсин. Тонг оқариши билан кетасан.

Шундан сўнг Норсулув Ўтамуротга печканинг ёнига жой солиб, қизи иккаласига дераза тарафга тўшади.

Кун бўйи трактор ҳайдаб обдан толиққан Ўтамурот бир зумда ухлаб қолди. Лекин алламаҳалда ҳалқумига босилган иссиқ лаблар тафтидан уйғониб кетди. Норсулув унинг бағрида ётарди.

– Равшан, – дея шивирлади ҳали кўзларидан уйқу ариб улгурмаган Ўтамурот.

– Бугунча Равшанингни унут, – деб шивирлади аёл ҳам бармоқлари билан Ўтамуротнинг юзларини силаб.

– Қўйинг, уят бўлади.

– Уят бўлса бўла қолсин.

– Ахир, қизингиз бор!

– Қизим ухляпти.

Ўтамурот аёлдан юз ўгириб ётди. Норсулув жонсарақ аҳволда унинг елкаларидан ушлаб ўзига торткилади, лекин Ўтамурот унамади.

– Сен қанақа йигитсан ўзи?! – деди Норсулув алам билан. Аммо саволи жавобсиз қолди. Бир муддат Ўтамуротнинг елкасига осилган кўйи жимиб қолди-да, сўнг қўлларини юзига босганча унсиз йиғлашга тушди. Лёл овоз чиқармасдан, елкалари силкиниб-силкиниб йиғларди.

Ўтамурот ноилож у томонга ағдарилди. Норсу-
лув уни шартга бағрига босди.

– Хеч нарса дема! Хеч нарса!..

Ўтамурот уйқудан уйғонганида тонг оқариб,
деразадан ёруғ тушиб қолган экан. Норсулув
қаергадир чиқиб кетган, қизи эса беозоргина ухлаб
ётарди. Ўтамурот унга қарашга ботинолмай, аста
ташқарига чикди.

Норсулув уйнинг теварагини супураётган экан.

– Келинлик даврларим ёдимга тушиб кетди, –
деди у Ўтамуротга ноз билан жилмайиб. – Бу
ҳовлига эрталаб супурги урмаганимгаям кўп йил-
лар бўлган эди.

Ўтамурот «биронтаси қараб тургани йўқмикин»
деган хавотирда атрофга аланглади. Теваракда ҳеч
ким йўқ эди.

– Мен кетдим, – деди Норсулувга.

– Нонуштага ўтир, деб зўрламай кўя қолай...
Балки кечқурун тагин келарсан?

– Йўқ!

– Майли, борақол. Шунисига ҳам шуқр.

Ўтамурот тўрт-беш кадам юриб, ортига қаради.
Келинчак кўлидаги супургини маҳкам сиқимлаганча
унинг орқасидан ўйчан қараб турарди.

– Бугун бошқа ёққа кўчадиганга ўхшаймиз, –
деди у Норсулувга. – Бироздан сўнг каттароқ
идиш олиб боринг, кўпроқ чироқ мойи бериб ке-
таман.

– Бу гал идишимни яширмасам ҳам бўлар?

– Яширманг. Бораверинг!

Далада ер шудгорлаётган Ўтамуротнинг кўли
ишда, хаёли бошқа жойда эди. Тез-тез овул тараф-
га кўз қирини ташлаб кўяр, эгатнинг бошида сув
ташиб юрган аёллар унинг кўзига ёмон кўринарди.
Кун чошгоҳга оққанда у Қудайназарни тўхтатди.

– Сен нариги картага боравер, – деди унга. – Қолган ерни ўзим хайдаб қўяман.

Қудайназар трактори билан даладан чиқиб кетди. Икки нафар сувчи аёл ҳам унинг ортидан жўнади. Ўтамурот ўзининг тракторига сув ташиётган аёлларни бу ердан узоқлаштириш учун бирон баҳона тополмади. Ўзича бунақа тез қизийдиган тракторни ишлаб чиқарган одамлардан домангир бўлди.

Тушга яқин овул тарафдан кечаги сатин қўйлагининг этаги хилпираб келаётган Норсулук кўринди. Бу гал эғнидаги таниш пешбанди йўқ. Қора фижимдан тикилган нимчасига ярашиб тушган кизил қўйлаги оловдай ловуллаб келаяпти. Бошига гулдор рўмол танғиб олган.

– Хорма, – деди у Ўтамуротга яқинлашгач, ун литрлик лампамойи солинадиган бидонни ерга қўйиб.

– Бор бўлинг.

– Бугун кўчамиз, деганинг ёлғон экан-ку?

– Ким айтди?

– Табелчи боладан сўраб билдим. Лекин «кўчамиз» деб қўрқитганинг яхши баҳона бўлди. Бўлмаса, бу ерга қандай қилиб келишнинг эпини тополмасдим.

Ўтамурот Норсулукнинг бидонини тўлдириб берди.

– Балки чиндан ҳам кўчмасмиз, мен анигини билмайман.

– Қуриб кетсин, энди тутдим деганда яна арқоннинг учи қочиб кетаркан-да!

Норсулук кетди. У кўздан ғойиб бўлгунча Ўтамурот тракторининг у ер-бу ерини титкилаган бўлиб, орқасидан кузатиб қолди.

Ўтамурот даланинг қолган қисмини ошиғич равишда шудгор қилиб чиқди. Бахтига бу орада

вакил ҳам, бригад ҳам келиб қолмади. У тракторини даланинг чеккасига қантарди-да, Қорасийроқ ариғини ёқалаб тўппа-тўғри уйига жўнади.

Ўтамурот бу овулдан тезроқ кетишни, тезроқ ҳаммасини унутишни истарди.

Қизик, боямиди, ёки кечамиди, хиёнат ҳақида ўйлаганида нега ўша аёл Ўтамуротнинг хаёлига келмади экан? Йўқ, у хиёнат ҳақида ўйлагани йўқ. Шунчаки хаёллари чалкашиб кетди...

– Мен ўқишга кетаман.

Кечки овқатга ўтиргандан бери Ўтамуротнинг оғзидан чиққан биринчи гап шу бўлди. У кун бўйи тумшайиб ўтиргани учун Равшан ўзича «бригадирдан дакки эшитган бўлса керак» деган хаёлга борган эди.

– Қаёққа? – дея сўради у дафъатан ҳеч нарсага тушунолмади.

– Нукусга.

Турмуш қурганидан бери илк бор эридан ўқиш ҳақидаги гапни эшитган Равшан нима дейишни билмай ҳайрон бўлиб қолди.

– Сиз кетсангиз, мен нима қиламан?

– Тракторингни ҳайдайверасан!

– Колхоз нима бўлади?

– Тугатилади, – деди Ўтамурот кулиб.

– Лекин колхоз раҳбарлари сизга рухсат беришармикин?

– Мен урушдан қайтганимдан бери колхознинг оғири енгил бўлармикин деб жонимни жабборга бериб ишладим. Қайтанга бу ердаги ишлар бурунгидан бешбаттар кўпайиб кетди. Менинг эса ёшим ўтиб бораяпти.

– Ўқимасангиз ҳам ҳеч кимдан кам эмасиз-ку, – деди Равшан. У Ўтамуротнинг овулдан кетиши ҳақида сира ўйламаган эди. Шунинг учун эрининг бу қарорини унчалик хушламай қаршилади.

– Болалигимда, «улгайсам, катта одам бўламан» деб ўзимга сўз берган эдим. Шу орзуим ҳам кун сайин армонга айланиб борапти.

– Катта одам дегани қанақа бўлади?

– Билмайман. Нима бўлганда ҳам ўқишим керак. Мана кўрасан, мен албатта ёзувчи ёки олим бўламан!

– Овулга бунақа одамнинг кераги йўқ-ку?

– Овулга керак бўлмаса, элга керак бўлар.

Шундан сўнг улар бу ҳақда бошқа гап очишмади. Лекин Равшаннинг кўнгли алғов-далғов эди. Ўтамурот хотинининг юз-кўзларидан буни сезиб турса-да, лекин индамади. Тернеклар¹¹га таъм эниб, эртапишар ҳандалаклар сарғая бошлаганда Ўтамурот ҳужжатларини тайёрлаб, Нукусга ўқишга кетди. Шундан сўнг Равшан кичик синглиси Тиловхонни уйига олиб келди. Чунки Ўтамуротнинг ҳовлиси анча овлоқда бўлгани боис у кечқурун ёлғиз ётишга қўрқарди.

10

Ўтамуротнинг ўнг қулоғига олисдан тушуниксиз бир гувиллаган сас эшитилди. Бу товуш кўз илғамас узоқликда учиб бораётган самолётнинг овозига ўхшаб кетарди. Шовқин аста-секин кучайиб, чап қулоғига ҳам ўтди. Лекин самолётнинг ўзи кўринмасди. Осмонга сер солиб қараган эди, орқа тарафга қараб зинғиллаб учиб бораётган булутлардан бошқа ҳеч нарса кўзига чалинмади. Ўтамурот эса қибла тарафга кетаяпти. Қизиғи, булутлар худди биров ортидан қуваётгандай шитоб билан илгариларди. Ўтамурот атрофига синчиклаб разм солгач, аслида булутлар эмас, унинг ўзи учиб бораётганига ишонч ҳосил қилди. Боядан бери қулоғини

¹¹ Тернек – бодрингсимон, эртапишар маҳаллий ковун нави.

батанг қилаётган гувиллаш сув юзасида лопиллаб сузиб бораётган моторли қайиқнинг шовқини экан. Қайиқнинг туби онда-сонда сувга бир тегиб бораётганини айтмаса, у денгиз юзасида учиб кетаётганга ўхшарди. Ўтамуротнинг белида айланма тўқали қайиш. Тўқага ўтказилган арқоннинг бир учи моторли қайиқнинг қўчқор шохли пўлат илгагига боғланган. Ўтамурот арқонни қўшқўллаб ушлаб олган. Оёқларидаги чанғи мовий денгиз сатҳида иккита йўлакча ҳосил қилган. Сув юзасида опнок кўпикчалар ғужғон ўйнайди.

Қайиқда ўтирган одамнинг ҳеч нарса билан иши йўқ, у жон-жаҳди билан унга газ беради. Тузукроқ бошқаришни ҳам билмайди шекилли, қайиқ ўнгу сўлга чайқалиб, илонизи йўл босиб борапти. Лекин шу топда Ўтамуротнинг кўнглига кўркув ҳисси бегона эди. Қанийди, денгизнинг соҳили кўринмаса, у сузаверса, сузаверса!

Чинданам денгиз бепоён эди. Ора-сира қаршисидан сув юзасига чиқиб олиб, кўкка фаввора отаётган китлар чиқиб қолади. Ўтамурот ҳарчанд уларнинг устидан чанғида сакраб ўтишга уринмасин, бунинг уддасидан чиқолмади. Қайиқни бошқариб бораётган кимса уларга яқин боришдан кўрқдими, ёки китлар моторнинг шовқинидан безовталаниб узокроққа кетиб қолишдими, ишқилиб, Ўтамурот бундай завқдан бебаҳра қолди.

Чанғида учаётган Ўтамурот ҳам, қайиқдаги нотаниш киши ҳам қоматини адл тутиб боришарди. Бошдан-оёқ опнок кийиниб олган бу одам денгиз узра чарх уриб юрадиган чағалайни эслатиб юборарди. Аммо Ўтамуротнинг эғнида чўмилиш кийимидан бошқа ҳеч вақо йўқ.

У қайиқ ҳайдаётган кишининг кимлигини аниқлаш илинжида зўр бериб бўйинини олдинга

чўзгани сари қайиқ янаям шитоб билан олдинга интиларди.

Бир пайт қайиқ Ўтамуроғнинг атрофида чирпирак бўлиб айлана бошлади. Бу пайтда унинг оёғидаги чанғи қоққан қозикдай бир жойда қилт этмай турарди. Бироздан сўнг қайиқ яна олға интилди, бироқ Ўтамурот арқонни маҳкам тортиб, уни куч билан тутиб қолди.

– Арқонни маҳкамроқ ушла, болам, қўйиб юборма! Шу ерда бир муддат дам оламиз. Қаршимизда акулалар сузиб юрибди.

Ана шундагина Ўтамурот қайиқда ўтирган киши ўзининг отаси Мирзамурот эканлигини англади. Ахир, у аллақачонлар дунёдан ўтиб кетган эдику. Демак, отаси денгизчи бўлиб кетган экан-да! Онаси иккаласи «жаза қуриқ» тушган, бугун-эрта келиб қолади» деган илинжда неча йил унинг йўлига умид билан кўз тикишган эди... Лекин отаси бугун уни топиб, денгизда сайр қилдириб юрибди. Минг қилсаям ота – барибир ота-да!

– Ота! – деб ҳайқирди Ўтамурот қувонч билан. Унинг овози денгиз узра узоқ вақт акс садо бериб турди.

– Ота-а-а-а!

Мирзамурот бу хитобга жавоб қайтармади. Унинг атрофида чирпирак бўлиб айланаётган қайиқ шу заҳоти яна йўлини ўнглаб олди. Ўтамурот адашган экан. Қайиқ рулида ўтирган киши отаси эмас, балки институтда унга дарс берган устози Кенжабой муаллимга ўхшаб кетди. Ҳа, чиндан ҳам ўша одам! Лекин Кенжабой муаллим ҳам анча йиллар бурун вафот этиб кетган эди. Ҳамма талабаларга «болам» дея мурожаат қиладиган оққўнгил одам бу ерга қаёқдан келиб қолди? Нега Ўтамуротни қайиқда судраб борапти? Кенжабой муаллим бир пайтлар Ўтамуротни илм майдонига шу тарика

қўлидан етаклаб олиб кирган эди. Бу гал уни қаёққа бошлаб кетаяпти?..

Саврнинг сўнги кунлари эди. Кенжабой муаллим навбатдаги дарсининг ярмини келаси ҳафтага мўлжалланган амалиёт сафарига бағишлади. Чунки бу галги амалиёт чоғида улар одатдагидек мактабларда дарс бериш ўрнига, халқ оғзаки ижоди намуналарини йиғиш учун овулларга чиқишни режалаштиришган эди.

– Домла, менда бир савол бор, – деди Абсамат қўл кўтариб.

– Қуловим сенда.

– Қалли оға бир гал дарсда бир мисол келтирган эди, Туркманларнинг Камина деган шоири: «Махтумқули сўз экинзорининг ҳосилини аллақачон ўриб-йиғиштириб кетди, бизлар ана шу далада қолиб кетган бошоқларни териб юрибмиз», деган экан. Қалли оға билан Рам шоир ҳам йиғирма йилдан бери халқ оғзаки ижоди пайкалининг ҳосилини йиғиб-териб олишди. Биз каби талабаларга у ерда ҳатто, бир дона бошоқ ҳам қолмаган бўлса керак деб кўрқаман.

Кенжабой муаллим ўйчан қисфада у ёқдан буёққа юрди-да, сўнг талабаларга юзланди.

– Ўтир, – деди у Абсаматга. Абсамат жойига ўтирди. Ҳамма қизиқиш билан Кенжабой муаллимнинг оғзини пойлаб турарди.

– Йўнғичка деган ўсимликни биласизларми, болаларим? – дея савол берди Кенжабой муаллим.

– Биламиз, – дея баравар жавоб беришди талабалар.

– Ана шу ўсимлик бир йилда тўрт марта ўриб олинади. Лекин келаси баҳорда яна ҳеч нарса бўлмагандай гуркираб ўсаверади. Халқ оғзаки ижоди ҳам шунга ўхшайди, қанча йиғиштириб олган

нингиз билан унинг меваси адо бўлмайди. Халк бор экан, оғзаки адабиёт ҳам яшайверади.

Шундан сўнг талабалар бир муддат муаллимга савол беришга ботинишолмади. У эса халқ маънавий меросининг аҳамияти ҳақида бироз тушунча берди.

– Ана шу маънавий меросни тўплаб, олимлик даражасига етиш мумкинми? – дея савол берди Ўтамурот.

– Нега мумкин бўлмасин?! – деди Кенжабой муаллим дафъатан жонланиб. – Қаранглар, болаларим, Ўтамуротнинг кўнглида яхшигина иштиёк пайдо бўлибди. Ҳозир бизнинг республикамизга олимлар сув билан ҳаводек керак. Ҳозир бизнинг этнографиямизни, тарихимизни Москвадан, Ленинграддан келиб ўрганишяпти. Тошкентдан, Ашхободдан келган одамлар халқимизнинг адабиёти, тили, урф-одатларини тадқиқ қилишяпти. Аслида бу иш сиз билан бизнинг вазифамиз эмасми? Сизларнинг тенг ярмингиз илмга қадам қўйсангиз қанийди... Ҳой, Эрназар?! Сен олим бўлишни хоҳлайсанми?

– Йўқ.

– Нега?

– Ўқишни битиргач, ўзимизнинг овулга бориб муаллимлик қиламан.

– Жуда ошиқиб турган бўлсанг, ҳозироқ бора қол ўша овулингга, – деди муаллим кулиб.

– Бизнинг овулда ҳамма қизлар муаллимларни яхши кўришади, – деди Эрназар пинагини бузмай.

Талабалар орасида кулги кўтарилди. Уларнинг курсида атиги икки нафар қиз бор эди, улар ҳам китобларини юзига босиб кулишди.

– Сен бунга қаердан биласан? – дея сўради муаллим Эрназарни гапга солгиси келиб.

Эрназар бир муаллимга, бир курсдошларига караб, иккиланиб қолди.

– Гапиравер, дўстларингдан уялма.

Эрназар тортиниб гап бошлади.

– Бизнинг овулда Зулайҳо исмли сулув бир қиз бор эди...

Аудиторияда яна кулги кўтарилди.

– Жим, болалар, кулманглар. Аслида, сизларнинг ҳар бирингиз гапга чечан, хангома сўзлашга уста бўлишингиз керак. Чунки сизлар бўлажак тилчи, адабиётчисизлар, тушунарлими?.. Хўш, Эрназар, кейин нима бўлди? Тортинмай гапиравер. Ушша сулув қизга ошиқ бўлиб қолмадингми, ишқилиб?

– Йўғ-ей, мен у пайтларда ёш бола эдим. Овулда Азамат деган муаллим йигит бор эди... Шахардан келган. У доим Юсипбой исмли колхоз раиси ва овул шўросининг бошлиғи билан бирга юрарди. Идорадан ҳам учаласи бирга чиқишади, пахта даласининг бошигаям бирга боришади. Бояги Зулайҳо опамиз Азамат муаллимни яхши кўриб юрган экан. Бир куни унга атаб мана бундай кўшиқ тўқибди:

Идорадан чиқади учаласи бирдай,
Ичида Азамат очилган гулдай,
Қошида Юсипбой хизматқоридай,
Хизматқоринг ўзим бўлай, Азамат.

– Баракалла! – дея қарсақ чалиб юборди муаллим. Талабалар ҳам унга жўр бўлишди. – Хўш, кейин нима бўлди?

– Бу гандан хабар топган Юсипбой раиснинг жаҳли чиқиб, кўнглида Азаматга нисбатан ҳасад пайдо бўлади. Ундан кутулишни билмай юрганида уруш бошланиб қолади. Раис Азамат муаллимнинг помини урушга жўнатиладиганлар рўйхатининг бо-

шига тиркаб кўйган. Икки йилдан кейин бечора Азаматдан «кора хат» келади.

– Азамат ҳам Зулайхонинг ўзини яхши кўришини билганмикин?

– Йўқ. Ахир, қиз унга пинҳона кўнгил кўйган эди-да.

– Вах-вах, йигит билганида урушдан омон қайтарди! – дея лукма ташлади орқа тарафда ўтирган Жиянбой.

– Муаллим, Эрназар ўша Зулайхога уйланиш учун ошиқиб турибди. Унга илм керак эмас.

– Боя айтдим-ку, унинг ёши мендан анча катта дсб...

Бу галги сабоқ дарсдан ҳам кўра кўпроқ хангома-гаштакка айланиб кетди. Муаллим ҳам талабаларни ўз эркига кўйиб берди.

– Ўша қизнинг тақдири нима кечди? – деди у қайтанга гуруннга кўр бериб.

– Бояқишнинг кейинги тақдири ачинарли кечди. Овулдаги Тонгжар исмли бир оёғи чўлоқ бригадир хотини вафот этгач, Зулайхога уйланди. Менинг Сенгкибай бобом уларникига совчиликка борибди. Қиз бу гапни эшитиб уввос солиб йиғлаган экан, бобом унинг онасига шундай дебди:

Бўз топсанг, пошшойи деб киярсан,
Чол топсанг, ёш йигит деб тегарсан.

Овулда ўн икки мучаси бутун йигит қолдими?! Қизинг ҳам иккита норасида гўдақнинг бошини силаса, савобга қолади. Ораларидаги ўн тўрт-ўн беш ёшлик фарқ хеч нарса эмас.

Ҳозир Зулайхо опамиз Тонгжарнинг уйида тўрт болани парваришлаб ўтирибди. Уларнинг иккитасини ўзи туққан. Азамат муаллимга турмушга чиқиш умиди армон бўлиб қолди. Бундан буёғига бўйи етиб келаётган қизларимизнинг орзуси ушалиши учун мен тезроқ овулга қайтишим керак, муаллим!

Талабалар енгилгина кулишиб олишди.

– Мана шунинг ўзи оғзаки ижод, шунинг ўзи – фольклор, – деди Кенжабой муаллим дафъатан жонланиб. – Ёки сизлар Зулайхонинг кўшигини, Сенгибой оғанинг мақолини аввал эшитганмидингиз?

– Йўқ, – дейишди талабалар бараварига.

– Демак, Эрназар битта фольклорни топди. Энди уни тартибга солиб, ёзиб бериши керак.

– Муаллим, фольклорни ҳам сотиш мумкинми? – деб сўради Эрназар қувноклик билан.

Кенжабой муаллим унинг саволига жавоб бермай, мийиғида кулиб қўйди.

– Шу фольклорни Абсаматга сотсаммикин дегандим-да!

– Яхшиси, сен Ўтамуротга сотақол, – деди муаллим ҳам ҳазиллашиб. – Айнан у орангиздан биринчи бўлиб олим бўламан деб қўл кўтарди.

Шу пайт танаффусга қўнғироқ чалинди. Кенжабой муаллим келаси душанбагача хайрлашиб, аудиториядан чиқиб кетди. Бугунги дарс жуда мароқли кечган эди.

Кейинги ҳафтада талабалар Кенжабой муаллим бошчилигида Кегайлидаги «Янгибозор» овулига йўл олишди. Бу ерда улар уч-тўрт кишидан гуруҳларга бўлиниб, овул оралашга қарор қилишган эди. Дастлабки куни ҳамма ўзлари ётиб-турадиган уйларга жойлашиб, дам олди. Кейинги куни эрталаб Ўтамурот, Абсамат, Эрназар учаласи Қорчўққи томонга йўл олишди. Улар Ҳамро исмли кампирнинг уйига жойлашишганди. Бошқа болалар ҳам дафтар-қаламларини қўлтиқлаб чор тарафга тарқалиб кетишган эди.

Уч кундан сўнг Кенжабой муаллим уларни бир жойга тўплади.

– Ҳўш, қанақа нақллар топдингиз?

Хамма жим.

– Муаллим, мен бир кампирнинг келини билан уришиб тургани устидан чиқиб қолдим, – деди бироздан сўнг Ойсара тилга кириб. – Кампир гап орасида бир мақолни тилга олди, илгари уни сира эшитмаган эканман.

– Қандай нақл экан?

– Кампир: «Қоп тубига ким солмайди,

Қоқиб-силкиб ким олмайди», деди.

– Келини унга нима деб жавоб берди?

– Ҳеч нарса демади. Фақат бу гапдан кейин пиқ-пиқ йиғлади.

– Сенингча, бу мақол қандай маънони билдиради?

– Билмайман.

– Бу мақолнинг маъносини ким айта олади? – дея сўради Кенжабой муаллим талабаларга юзланиб.

Ҳеч кимдан садо чикмади.

– Яхши, кейинроқ бу гапнинг маъзини чақишга уриниб кўрамиз. Хўш, яна ким нима топди?

– Менда бор, муаллим.

– Тағип Эрназарми? Ҳой, Ўтамурот, сендан бурни шу бола олим бўлади-ёв. Хўш, гапир-чи.

– «Икки от тинмай чошишади,

Узангилари чатишади».

Бу топишмоқнинг жавобини биласизми, муаллим?

Муаллим жавоб тополмади.

– Болалар, сиз бу жумбоқни сеча оласизми?

Барча жим.

– Жавобини ҳам ўзим айтайми?

– Айтақол.

– Ёш боланинг бурни оқиши! – деди Эрназар қувлик билан илжайиб.

Даврада кулги кўтарилди.

– Сен бола жуда муғамбир экансан, – деди Кенжабой муаллим ҳам базўр ўзини кулгидан тийиб. – Бунақа қитмир топишмоқларни бас қилиб, эшитганда одам уялмайдиганларидан айтсанг-чи.

– Унақа топишмоқларни аллақачон Қаллибай оға «ўриб» кетган-да!

Талабалар орасида мана шундай хушчақчақ йигитларнинг борлиги яхши. Эрназар ҳам ҳазил-ҳузул билан Кенжабой муаллимни юмшатди. Акс ҳолда у, «одамлардан гап ололмагансизлар» деб ҳаммани уришиб бериши ҳеч гап эмасди.

– Фольклор – далада ўсиб турган бугдой эмас, – деди муаллим яна бир бор таъкидлаб. – Уни ўроқ билан ўриб бўлмайди. Бунинг учун кекса чол-кампирлар, гапга чечан одамлар билан якка ўтириб гаплашиш керак. Суҳбатдошингизнинг қайси мавзуда гаплашишни маъқул кўришини аниқлаб, шунга мослаб сўз очишингиз керак. Ана шунда у очила бошлайди. Очилганидан кейин гап орасида нақл-мақол ҳам ўз-ўзидан чиқиб келаверади. Овулда қизиқарли нақл, ривоят-афсоналарни биладиган одамлар жуда кўп, фақат уларни топиб, кўнгил сандигини оча билишингиз керак.

Талабалар эртадан бошлаб алохида-алохида овул оралашга келишиб, ётоқхоналарига тарқалишди.

– Бояги жумбоқни кимдан ёзиб олдинг? – дея сўради йўлда Абсамат Эрназардан. – Учаламиз бирга юриб-бирга турганимиз билан мен буни сезмаган эканман.

– Ҳеч кимдан ёзиб олганим йўқ.

– Аввалдан билармидинг?

– Йўқ. Муаллим, «хўш, сен нима топдинг?» деб сўраб қоладими, деган хавотирда йўл-йўлакай ўзим тўқидим... Айтгандай, у киши Ойсара айтган мақолнинг маъносини кейинроқ тушунтириб берман деганди, лекин бу ҳақда бошқа гапирмади.

– Ёдидан кўтарилган бўлса керак, – деди Абсамат.

– Унутгани йўқ, – деди Ўтамурот.

Эрназар билан Абсамат савол назари билан унга қарашди.

– Муаллим Ойсарани уялтирмаслик учун ўзини унутганга солди.

– Шунақа уят мақолмиди? – деди Абсамат.

Эрназар яна гапни кулгига бурди.

– Қурғур кампирлар уятни ҳам билишмас экан-да!

– Йўқ, унчалик ҳам уяладиган гап эмас бу, лекин қиз боланинг олдида гапириш бироз ноқулайроқ. Менимча, ўша келинчак қайнонаси билан уришиб, боласини олиб кетмоқчи бўлган. Кампирнинг: «Қоп тубига ким солмайди, қокиб-силкиб ким олмайди» деган мақоли «тўққиз ой қурсоғингда кўтарганигни миннат қилма, бола бизники, уни ташлаб кетасан» деган маънони аңлатади.

– Ана буни илмий таҳлил деса бўлади! – деди Абсамат.

Аммо Эрназарнинг ён бергиси келмади.

– Йўқ, бу илмий таҳлил эмас. Ўтамуротнинг уйида хотини бор. Шунинг учун у бу гапнинг маъносини билади. Уйлансак, бизлар ҳам ақлли бўлиб қоламиз.

Улар чақчақлашганча жойлашган уйларига етиб келишди. Бу пайтда Ҳамро кампир тандирда нон ёшиш билан овора эди.

– Келдингизми, болаларим, – деди кампир ноннинг куйигини тозалаб.

– Келдик, хола.

– Шу кампирдан бир нарса сўрайми? – деди Эрназар қувлик билан.

– Жим, хафа бўлиб қолиши мумкин.

Эрназар Абсаматнинг оғоҳлантиришига қулоқ солмади.

– Хола, сиздан бир нарса сўрамоқчийдим. Бу дунёда хотин ақллими, эркак ақллими?

Ўтамурот Эрназарнинг биқинига туртди. Эрназар унинг қўлини ушлаб қолди-да, диққат билан кампирнинг оғзини пойлаб тураверди.

– Болаларим, ақл деганлари одамни эркак-аёлга ажратмайди, – деди Ҳамро кампир. – Лекин «эркак танасининг боши ортиқ» деган ота-боболардан қолган гап ҳам бор.

– Ана, айтмадимми?! – дея Эрназар иккала дўстининг қўлтиғидан олиб, айвон томонга етаклади. – Боя муаллим, «кимнинг нимани яхши кўришини унинг қош-қовоғидан билиб оласиз» деганди. Шу нуқтага назардан қарайдиган бўлсак, бу кампир чолини яхши кўради! «Эркак танасининг боши ортиқ» деган гапи ҳам шундан далолат бериб турибди.

Абсамат билан Ўтамурот Ҳамро кампир эшитиб қолмадимикин деган хавотирда ортига қараб қўйишди. Лекин кампир тандирдан нон узиш билан овора эди.

11

Ўтамурот Естеккўпирдаги Сейтек чўпоннинг уйига келганида ҳали уфқдаги шафақ ботмаган эди. Шом намозини ўқиб бўлган Сейтек чол печканинг ёнида қўшалоқ болишга ёнбошлаб, кечки чойга ўтирган экан. Ташқарида кун илиқ бўлса-да, печкага ўт ёқилган. Қозонда кечки овқат қайнапти.

Чолнинг неваралари бузоқ билан қўзи-улоқларни дарвоза ёнидаги усти ёниқ қўрага айвонга олиб кириб боғлашапти.

Кампир чолининг атрофида парвона.

Ўтамурот улар билан саломлашгач, Сейтек чўпоннинг оёқ учига ташлаб қўйилган пўстиннинг четини босинқираб ўтирди.

Хол-аҳвол сўрашишди. Нотаниш меҳмонга чой қуйилди. Кампир синиқ нонни четга олиб, дастурхонга печкада қиздирилган бутун нон қўйди.

– Хўш, иним, бориш қайдан, келиш қайдан? – дея сўради чол бир чойнак чой ичиб бўлгач Ўтамуротдан.

– Ҳозирдан айтавсрайми? – деди Ўтамурот жилмайиб.

– Ҳа, бўлмаса қачон айтасан?

– Одатда қорақалпоқ уйига келган меҳмоннинг кўноқ ошини бермасдан бурун ундан йўл сўрамасди.

Сейтек чўпон мириқиб кулди.

– Бизни мот қилдинг, иним! – дея у кампирга юзланди. – Бўлмади, кампир. Бор, Меденни чақириб келиб, қўрада боғлоғлиқ кўзилардан бирини сўйдир. Ўғлининг қачон келишини худо билади!

– Кечадап бошлаб ой тўлишди, – деди кампир ўрнидан тураётиб. – Бундай пайтда қўйлар ярим тунгача ёйилиб ўтлайди.

– Бор, бор. Меденни тезроқ чақир!

Ўтамурот муаллимнинг маслаҳатига биноан чолнинг кўнгил сандиғини очмоқчи бўлди-ю, ўзи ноқулай аҳволда қолди.

– Йўқ, Сейтек оға, мен кўп ўтирмайман. Муаллим мени кутиб ўтирибди.

– Менинг исмим Ссейтек эканлигини қаердан билдинг?

– Сиртдан таърифингизни эшитиб келаяпман.

– Ё пирим-сй! Бизнинг эл оғзига тушгудай таърифимиз бор эканми? Эшитдингми, кампир, сен менга дамлаб берган чойингни миннат қиласан!

Сейтек чўпон мамнун жилмайди. Ўтамурот «кстаман»га тушиб қолгани боис кампир ҳам қайта жойига ўтирган эди.

– Менинг бориш-келишим ҳақида сўрасангиз...

– Йўқ, энди сўрамайман, – дея Ўтамуротнинг гапини бўлди чол. – Кампир, бу бола жонлик сўйгунча ўтирмас экан, сен дарров хамирингни қориб, шилпилдок солиб юбор. Жуда бўлмаса, тайёр овқатдан татиб кетсин.

Кампир жўхори шилпилдок пиширгунча Сейтек чўпон ўтган кишнинг совуқ ва камёгин келгани-ю, ориқ қўйларнинг нобуд бўлгани, кузда қиров эрта тушиб, бу атрофда жўхорилар пишмасдан бурун қуриб қолгани ҳақида эзмаланиб гап бериб ўтирди. Сўнг жимгина ўтириб овқатланишди.

– Ана энди айтавер, – деди чол дастурхонга фотиҳа ўқиб, қўл ювишгач. – Кўринишингдан бу атрофнинг боласига ўхшамайсан?

– Институтдан келдим. Муаллимликка ўқияпман.

– Баракалла. Қияс деган ямбаш муаллим¹² бор эди, икки ойдан бери касал бўлиб, мактабга келолмаяпти. Сени ўшанинг ўрнига юборишибди-да.

– Йўқ, мен ямбаш муаллим эмасман. Биз элнинг тилидан сўз йиғиб юрибмиз.

– Сўз?! – деб Сейтек чўпон қотиб-қотиб кулди. – Бу ҳукуматнинг йиғмаган нарсаси қолмади-ёв! Одамларнинг уйидаги тухумни йиғиб олди, сутни йиғиб олди, гўштни йиғиб олди, шунга ҳам қаноат қилмай, энди оғзимиздаги сўзимизни ҳам тортиб олмоқчимиз? Кейин кампир икковимиз қанақа қилиб гаплашамиз? Эшитаяпсанми, кампир?

– Хар куни дастурхоннинг бошида жағингиз тинмайди, – деди кампир. – Озгина берганингиз билан сўзингиз тугаб қолармиди?

¹² Ямбаш муаллим – олис яйловларда яшаётган чўпонларнинг отарига бориб, уларнинг фарзандларини ўқитадиган муаллим.

Табиатан соддадил бўлган Ўтамурот чиндан ҳам Сейтек чўпон бу гапнинг маъносини тушунмадимки ёки қувлик қилаяптими, аниқ билолмади. Шунинг учун у чол-кампирга мақсадини ётиғи билан тушунтирди.

– Эй, иним-ей, сўз деганлари сўзласанг чиқади-да, – деди чол масаланинг моҳиятини англагандан кейин. – Сенга қанақа сўз керагини бизлар билмасак... Биров тепангда «нақл-хангомалардан гапир» деб турса, кунда невараларингга айтиб юрган эртангнинг ҳам эсингдан чиқиб қолади. Қани, ўзинг айт, мен нимани гапирай?

– Оға, йигит бўлганмисиз?

– Ия, манави боланинг гапини қаранглар... Нима, йигит бўлмай, соқолим селкиллаб осмондан осилиб тушибманми?

– Хўш, қандай йигит бўлгансиз? Олдингизми-олдирдингизми?

– Ха, гап буёқда дегин! – дея кулди чол. – Йигит бўлгандаям асов от бўлдик-ку, болам! Манави янганга қандай қилиб уйланганимни айтиб берайми?.. Айтмоқчи, бу ўзи сенга янга бўладими, чеча бўладими? Отанг неча ёшга чиқди?

– Отам тирик бўлганида етмиш бешга чиқарди.

– Худо раҳмат қилсин уни. Бу сенга янга бўларкан унда. Менинг соқолимга эътибор берма, биз барвақт уйланиб, соқолни эртароқ қўйганмиз. Янганг ҳам ҳали ноз қилишни қўйгани йўқ.

– Жим бўлинг, уялмайсизми? – деди кампир юзини тескари буриб.

– Дарвоқе, бу хангоманинг сенга кераги бўлармикин?

– Айтаверинг, оға, кераги бўлмаса, ташлаб кетаман.

– Ўзингиз учини чиқардингиз, айтақолинг энди, – деди кампир ҳам кулиб.

— Сен бола оғзимдан чиққан сўзни ёқамга ёпиштираяпсан-ку... Хай, майли, айтсам айта қолай. Ёшлик пайтларимизда отам раҳматли, қиз айттириб бориш — йигит киши учун катта синов, деган гапни кўп такрорларди. Мабодо сирингни олдириб, ўринсиз гап гапириб қўйсанг, ёки бирон беўхшов қилиқ қилсанг, ўша қиздан умидингни узавер. Кейин сенинг қанақа қилиб қиз айттирганинг бутун эл-юртга овоза бўлиб кетади. Шундан сўнг бахтингни излаб бирон хонадонга кириб боришга юзинг чидамайди...

Бўйи етган қиз бола жуда айёр бўлади. Куёвликка даъвогар йигитни синамоқчи бўлса, хамирини юпқа ва қаттиқ қилиб элаб кеспес¹³ пиширади. Унинг хамирини соч толасидай ингичка ва узун қилиб кесади. Олдинга қўйилган таомни эплаб еёлмай, хамирини чувалаштириб ўтирсанг, ўзиндан ўпкала.

Бир йигит қиз айттириб борган экан. Бўлажак қаллиғи эрта бир кун рўзгорнинг юкини тортиб кета олишига ишонч ҳосил қилиш мақсадида уни ўзича синаб кўрмоқчи бўлибди. Шу мақсадда у ҳам йигитга кеспес пишириб берибди. Бу овқатни ейишнинг уддасидан чиққан одам рўзгорини ҳам эплаб кетади, деб ўйлабди қиз. Йигит тайёр овқатни қошиқ билан бир бор айлантириб кўриб, қизга юзланибди:

— Қариндошим, уйингизда коса топиладими? — деб сўрабди тайёр овқатни қошиқ билан кўзгаб кўрган йигит қиздан.

— Топилади, — дебди қиз.

— Менга иккита бўш коса олиб келиб беринг.

Йигит товоқдаги кеспеснинг шўрвасини қаллиғи келтирган косаларга қуйибди. Сўнг «Бисмиллоҳир

¹³ Кеспес — маҳаллий таом тури.

роҳманир роҳийм!» деб кеспесни қўли билан ошаб қўйибди-да, изидан шўрвасини симирибди.

Қиз ҳам йигитнинг уддабууролигига тан бериб, тез орада унга турмушга чиққан экан... Нима дейсан, иним? Хукуматга керакли сўз айтдимми?

– Керак бўлганда қандай! – деди Ўтамурот Сейтек чўпонни руҳлантириб.

– Қизларнинг синовидан ўтиш осон эмас, – дея давом этди Сейтек чол. – Яна бир йигитга қизи тушмагур жўхори ёрма пишириб берибди. Жўхори ёрма товоққа сузиб олингандаёқ куюлиб қолиб, буғи юзага чиқмай тураверади. Билмаган ёки соддароқ одам уни ейман деб оғзини куйдириб олиши турган гап.

Хуллас, ўша йигит ҳам бир қошиқ ёрмани оғзига олиб бориши билан кўзларидан ўт чақнаб, талмовсираб қолибди. Лушжидаги қайноқ таомни ютишни ҳам, товоққа қайтариб тўкишни ҳам билмай, беихтиёр кўзларини шифтга тикибди.

– А-а-а... Бу ёғочлар қаерники? – дея гўлдирабди у оғзидаги овқатни биқирлатиб.

– Созлов¹⁴ бир ернинг оғочи, сабрсиз эрнинг жазоси, – дея жавоб берибди қиз ҳам бўш келмай.

Ўтамурот қотиб-қотиб қолди.

– Эй, манави янганг ҳам бизни бошлаб синаган, – деди Сейтек чўпон бироздан сўнг. – Менга ҳамроҳ бўлиб борган ошнам иккаламизга икки чойнак чой дамлаб келди. Бундоқ қарасам, шеригимнинг чойнагига чой дамлангану, меникига қуруқ доғ сув солинган. Сир бой бермадим. Қиз чиқиб кетгандан кейин белбоғимдан чой халтамни олдим-да, кафтимни тўлдириб чойнагимга қуруқ чой солдим. Қип-қизил чой бўлди. Икковимиз чойнақларни бўшатишимиз билан янганг дастурхондан хабар олиш учун кириб қолди.

¹⁴ Созлов – соз тупроқли.

– Қариндошим, дамлаган чойингиз сал аччикрок экан, юрагимни куйдириб ўтди, – дедим ҳеч нарса бўлмагандай, – чойнакнинг шамасини тўкиб ташлаб, яна битта чой дамлаб беринг.

Янганг қилган ишидан ўзи уялиб, кўргошиндай куюккина чой дамлаб келди. Келаси ҳафтада эса совчилар унинг бошини боғлаб келишди.

– Уйга келган одамга шу гапни тўтидай такрорлайверади бу кишим, – деди кампир жилмайиб.

– Нима, олдимга доғ сув қўйганинг ёлғонми?

– Ўшанда онам, «умидини уздириб юбор, тоғанг сени ўғлига сўраттириб юрибди» деб ҳоли жонимга қўймаганди. Барибир отамнинг айтгани бўлди, мени сиз илиб кетдингиз.

– Ўшандан бери бунинг тоғасининг ўғли билан борди-келди қилмайман, ўзиниям юбормайман, – деди Сейтек чўпон Ўтамуротга жилмайиб. – Ёшликда кўнгли суст кетган ноинсофдан ҳар нарсани кутиш мумкин...

– Қўйинг энди, муштдай болага шу гапларни гапиришдан уялмайсизми! – деди кампир озорланиб.

– Муштдай бола эмиш! Муғамбирликда унчамунчасига дарс беради бу бола... Айтмоқчи, кампир ҳам бирон нарса айтиб берсинми?

– Қани, эшитайлик-чи! – деди Ўтамурот жилмайиб.

– Қўйинг-ей! – деди кампир ўнғайсизланиб.

– Гапир, кампир, ноз қилма энди!

– Нимани гапираман?

– Тортинма! Хотинлар билан ўтирганда айтадиган қўшиғинг бор-ку, ўшани бир эшитайлик.

– Қўйинг, уят бўлади!

– Нимаси уят экан? Жуда уялаётган бўлсанг, манави шарбатдан бир пиёла қуйиб бераман. Бу

зорманда сен тугул, Афлотуннинг эчкисини ҳам ўйинга тушириб юборган!

– Айтаверинг, янга! – деди Ўтамурот. – Қорақалпоқнинг кўшик айтмайдиган аёли бор эканми?

– Қайдам, – деди кампир тараддудланиб. – Эсимдан чиқиб кетмаган бўлсин, ишқилиб.

– Бўлақол, кампир!

Нихоят, кампир ёқимли овозда кўшик бошлади:

Оқ олмани сувга солсам ботмайди,
Бизнинг ёрлар каравотда ётмайди,
Севар ёрим ҳафтада бир келмаса,
Бол бўлса-да, ичган ошим ботмайди,
Бол бўлса-да, ичган ошим ботмайди-и-и!

Оқ кўйлак киясан отизда, челда,
Оқариб юрасан, овулда, элда,
Ўзга эрлар кўзларимга кўринмас,
Менинг ёрим ҳамма эрлардан ўзга,
Менинг ёрим ҳамма эрлардан ўзга-а-а!

Солманинг бўйинда қатор-қатор жийда,
Жийданинг мевасин бол-шакар дейди,
Итлар ҳурмай уйга кетайин, ёрим,
Эл ётгандан сўнг қандай кираман уйга,
Эл ётгандан сўнг қандай кираман уйга-а-а!

– Ана, кўрдингми, қандай аломат кампирим бор!

Шундан кейин кампир Янгибой полвоннинг «Қози эшон» ва «Ёронлар» кўшиқларини айтиб берди.

Эрталабдан бери уйма-уй юриб, бирон арзирли нарса ёзиб ололмаган Ўтамуротнинг ёндафтари анча тўлиб қолди.

– Келаси жума куни Бекимбет мархум ота-боболарига бағишлаб Қуръон ўқитади, – деди Сейтек чўпон Ўтамуротни кузатаётиб. – Унгача

шахарга кетиб қолмасанг, тўғри ўша ерга бор. Нақл-хангоманинг зўриши ўша ерда эшитасан. Халқободдан Мембетниёз эшон билан Қунназар оқсоқоллар келишади. Садағаси кетай, бу одамлар нақ оқиб турган дарёга ўхшайди.

Ўтамурот Сейтек чолга қайта-қайта раҳмат айтиб, ижара уйига жўнади.

12

Ўтамурот Бекимбетникига сал кечикиброқ кириб борди. Йўл-йўлакай «борсамми-йўқми» деб роса иккиланди. Борай деса, Қуръон оятларидан бирон сатр ёд билмайди. Мактабдаям, институтдаям кипкизил даҳрий бўлиб тарбияланган. Бормай деса, «хангоманинг каттасини туя сўйганда кўрасан» деганларидай, Сейтек чол, «хангоманинг қизигини ўша ерда эшитасан», деб уни жуда қизиқтириб қўйди.

Бундай давраларга эви бор деб Эрназарга ялинган эди, аксига олиб у ҳам «бормайман» деб оёқ тираб туриб олди.

Ноилож ёлғиз ўзи йўлга тушди. Ўтган галгидек гани чикишиб кетса, худонинг бергани шу. Табиатан гапга нўноқ бўлган Ўтамурот ўша куни қандай қилиб Сейтек чолнинг кўнглига йўл топганига ўзи ҳам хайрон эди.

Маъракада ҳеч ким уни танимаган бўлса-да, «сен кимсан, бу ерга нега келдинг» деб ҳам сўрамади.

– Мембетниёз эшон билан Қунназар оқсоқоллар келади дейишганди, – дея сўради Ўтамурот худойига келган одамларни қаршилаётган ўзи тенги йигитдан. Кейин билса, Бекимбет деганлари шу киши экан.

– Улар аллақачон келишди, – деди у Ўтамуротга синовчан тикилиб.

- Улар билан учрашишим керак эди...
- Сиз ҳам Эшон овулдан келдингизми?
- Шундай, - деди Ўтамурот сир бой бермай.

Бескимбет елиб-югуриб хизмат қилиб юрган йигитлардан бирини ёнига чақирди.

- Манави оғанни эшон отамлар ўтирган уйга олиб бор.

Кексалар ўтирган уйнинг ҳовлисида бир от, етти-саккиз эшак боғланган эди. Эшаклар галма-гал ханграб, гапни-гапга қўшмайди.

Хизмат қилиб юрган йигит уни айвонга кузатиб қўйди-да, ўзи ортига қайтди.

Ўтамурот тортина-тортина меҳмонхонанинг эшигини очди.

- Ассалому алайкум!

- Ваалайкум ассалом, - дея тўрда ўтирган бар-васта қоматли, бошига ошпоқ салла қўндирган киши унинг саломига алик олди. Бошқалар «бу йигит бу ерда нима қилиб юрибди» дегандай Ўтамуротга ажабланиб назар солишди.

- Эшон оға, охир замон яқин қолдими дейман, - Ўтамуротнинг қулоғига таниш овоз эшитилди. - Гапимни тугатмасимдан ўша йигит ўз оёғи билан кириб келса-я! Элнинг оғзидан сўз йиғиб юрган азамат мана шу бўлади.

Чоллар Ўтамуротга қуйроқдан жой кўрсатиб, бир шиёла чой узатишди. Ўтамуротнинг қаватида ўтирган киши зоғора ушатди.

- Қайси овулдансан, болам? - деб сўради бояги қария. Афтидан, Мембетниёз эшон деганлари шу киши бўлса керак. Унинг ёнида ўтирган қовоғи солинқираган, қирма соқолли кишини Қунназар оқсоқол деб чамалади. Кийиниши, ўтириш-туришидан анча обрў-эътиборли одам эканлиги сезилиб турибди.

– Октубанинг бўйидаги Жаманша овулидан, – дея жавоб берди Ўтамурот.

– Баракалла, ўзимизнинг болалардан экансан-ку.

Чоллар бироз жим қолишди. Фақатгина кимнингдир томоқ киргани, чой хўплагани эшитиларди.

– Хўш, Сейтназар, кейин нима бўлди? – деди юқорирокда ўтирган кўсанамо киши ёнидаги чолга юзланиб.

– Қайдан билай, манави бола оғзингдан чиққан сўзни хатга солади, дейишганига кўриқиб қолдик-ку.

– Кўркма, ҳукуматни ёмонламасанг зиёни йўқ, – дея билимдонлик қилди Сейтек чўпон.

– Ортиқча гапириб юборсанг, Кунназаржон жилловингни тортиб туради, – дея тўрда ўтирган эшон ҳам унга далда берди.

– Шундай қилиб, – дея узилиб қолган гапини давом эттирди Сейтназар, – акаси фақир бояги шумлигимни эсидан чиқарганми, ишқилиб, мени яна чақириб олиб Пирназарнинг ёнига кўшди. Ик-каламиз бордик. Қиз ҳам олдимизга дастурхон ёзиб, чой-пой кўйди. Қўл-оёғи чаққонгина экан, бир зумда ёрма ҳам пишириб келди. Яна қувлигим тутди. Ўзим ҳам Пирназарни соддалиги учун ҳам яхши кўраман. Қиз чиқиб кетганидан сўнг унга: «жўра, қиз пиширган овқатни қолдириб ичиш уят бўлади, товоғини мушук ялагандай топ-тоза қилиб берайлик», дедим.

– Маъкул, маъкул, – деб бош ирғади бояқиш.

Шундан сўнг Пирназар товоқдан бош кўтармасдан овқат ейишга тушди. Мен эсам ора-сира бир хўплаб кўяман. У бир зумда ёрмани паққос тушириб, товоқни ҳам ялаб-юлқаб кўйди-да. Ош-намиз катга ишни қойил қилгандек гердайган кўйи қўли билан лаб-лунжини артаётганида хонага киз кириб келди.

– Хой, Пирназар, – дедим қизга эшиттириб. – Сенга эргашиб мен ҳам ёрмани хўриллатиб ичавсрибман-ку. Товоғингни олақол, қариндошим.

Қиз ўзини тутолмай, пик этиб кулиб юборди. Пирназар жон ҳолатда ўрнидан туриб, ёқамга ёпишди. Шу заҳоти нафасим қайтиб, кўзимнинг олди қоронғилашиб кетди. Қурғур Пирназар ўзи содда бўлгани билан жуда қорувли, қўллари паншаҳадай келадиган бир йигит эди.

– Ана сенга ҳангома, Ўтамурот иним, – деди Сейтек чол. – Келгунингча ўзим бу чолларни сени қизиқтирадиган ҳангоманинг ўзанига солиб, тайёрлаб қўйган эдим.

– Иним, қайси маҳкамадан келдинг? – дея сўради Мембетниёз эпоннинг ёнида ўтирган киши. – Мен Қунназар оқсоқолман, менга айтаверсанг бўлади.

– Мен талабаман, оға, институтдан келдим.

– Анча қуйилиб қолган йигитга ўхшайсан. Ўқишга кечроқ кирдингми?

– Уруш тамом бўлгандан сўнг икки йил деганда овулга қайтдим. Шундан кейин ҳам икки йилча колхозда ишладим.

– Ха, маъкул, маъкул. Аслида, илм олишнинг эрта-кечи бўлмайди. Қайси соҳа бўйича ўқияпсан?

– Тил-адабиёт бўйича.

– Элнинг оғзидан ҳангома йиғиб юрганингни сабаби буёқда экан-да, – деди Қунназар оқсоқол. – Овул-улус оралаб сўз йиғиб кел дейишса, сен ҳангома-нақлнинг хас-чўпларини ёзиб юрма. Қорақалпоқ халқи жуда сўзга чечан, гапни астарлаб, маънилатиб сўзлашга уста. Уларнинг керакли-кераксизини ажратиб олишга ҳаракат қил. Албатта, халқ бўлгандан кейин унинг ичида доноси ҳам, нодони ҳам бўлади. Бетайин одамларнинг оғзидан

чиққан худа-бехуда гаплар қулоғинга чалинса, ўзингни эшитмаганга солиб кетавер.

– Қунназаржоннинг гапларида жон бор, – деди Мембетниёз эшон. – Чиндан ҳам ота-боболаримиз гаига уста бўлишган. Унчалик ҳам узоққа бормай қўя қолайлик. Зорлиқ тўра Қўнғиротга хон бўлганида шимолдан қозоқлар, қибла тарафдан туркманлар унинг ҳузурига элчи юборишган экан. Меҳмонларнинг олдига дастурхон ёзилиб, ош тортилибди.

Таом еб бўлингач, хизматкорлар Зорлиқ хоннинг соқолига гуруч донаси ёпишиб қолганини кўришибди. Меҳмонларнинг олдига ҳеч бири журъат қилиб бу гапни хонга айтишолмабди. Ниҳоят, хизматкорлардан бири ўрнидан туриб, тўрт қатор шеър айтибди:

Улуғ мартабали Қўнғирот хони,
Сизга қурбон бўлсин барчанинг жони,
Бир товушқон қолибди Хизр чўлида,
Беш йигит юбориб олдинг уни.

– Баракалла! – деб хон ҳам беш панжаси билан соқолини силаб, меҳмонларга сездирмасдан гуруч донасини олиб ташлаган экан.

– Садағаси кетай, хизматкорнинг зукколигини қаранг-а!

– «Ота-боболардан айтилмаган сўз қолмаган» деган гапни кўп гапирамиз, – деди Сейтназар оға қаддини ростлаб олиб. – Аслида ўша ота-боболар ҳам биз каби одамлар бўлишган. Ортимиздан бир-икки авлод ўтса, эрта бир кун биз ҳам ана ота-бобога айланамиз.

Қадимда эл оқсоқоллари бир жойга йиғилиб, авлодларига ўзларидан тузукроқ нақл қолдириш ҳақида маслаҳатлашишибди.

– Бу дунёдан фақат еб-ичганимизга маст бўлиб ўтиб кетаверамизми? Кейинги авлодга ҳар биримиз бир мерос қолдирайлик, – дейишибди улар.

Шундан сўнг оқсоқоллар ҳар жума куни бир жойда йиғилиб, навбатма-навбат келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиришга арзийдиган нақлмақол сўзлашга одатланишибди. Уларнинг орасида бизнинг Пирназар жўрага ўхшаган тортинчоқ бир киши бор экан. Ҳар гал йиғинга келиб-кетармишу, бир оғиз гапирмасмиш.

– Сен нега меросга арзигулик гап айтмайсан, – деб сўрабди йиғиннинг бошида ўтирган чол ундан.

– Нақл билмасам нима қилай? «Гап билмасанг тилингни тий, йиғиннинг бир чеккасида ўтирарсан», деб жимгина ўтирибман, – деб жавоб қилибди камгап киши.

– Буям нақл айтди-ку, – дейишибди даврадагилар бир-бирига қараб.

«Гап билмасанг тилингни тий, йиғиннинг бир чеккасида ўтирарсан» деган гап ўша замондан қолган экан.

– Қадимда бир подшонинг Тастай исмли ўғли бир қизга кўнгил қўйибди, – деб гапни Қунназар оқсоқол давом эттирди. – Энди қизнинг висолига етаман деб турганида шахзоданинг онаси ўлиб қолиб, подшо қайтадан уйланадиган бўлибди. Элдаги энг сулув қизларни бирма-бир подшонинг олди-дан ўтказишибди. Подшо бундоқ қараса, қаршисида ой деса оғзи, кун деса кўзи бор бир нозанин турган эмиш. Ҳукмдорнинг ана шу қизга ишқи тушиб қолибди. Аксига олиб, у айнан шахзода кўнгил қўйган қиз экан. «Хон амри – худо амри», қиз юрак ютиб подшога: «мен сизнинг бўлгуси келинингизман» деб айтолмабди. Ўғил ҳам отасига ҳақиқатни айтишга тортинибди. Оқибатда сулув қиз юрт оғасининг жуфти ҳалолига айланибди.

Бир куни у Тастайни хилватга чақириб олиб, қулогига шивирлабди:

– Шариат бўйича мен подшонинг хотиниман, бироқ иккаламиз ҳеч кимга сездирмай давру даврон сурамыз.

– Бунинг иложи йўқ, – деб жавоб берибди шаҳзода. – Сиз менга оқ сут бермаган бўлсангизда, энди онам бўлдингиз. Қайси аҳмоқ ўз онасига кўз олайтиради!

– Гапимга кирмайдиган бўлсанг, мен сени соғ қўймайман! – деб дўқ урибди подшонинг хотини.

Шаҳзода Тастай ўша куниёқ юртидан бош олиб чиқиб кетибди. Қўшни мамлакат ҳукмдорининг ҳузурига кириб, унга бўлиб ўтган воқеани оқизмай-томизмай гапириб берибди.

– Хафа бўлма, ўғлим, – дебди қўшни юрт подшоси унга далда бериб. – Менинг уяруяру йилқиларим бор, уларни боқиб юрган юзлаб отбоқарларим бор. Лекин яйловдаги ҳамма йилқиларимдан ҳам аъло кўрадиган бир қора тулпорим бор. Сен ана шу жониворни боқасан. Хафтасига бир марта ҳузуримга келиб, жониворнинг ҳолатини менга баён этиб турасан.

Йигит рози бўлиб, қора тулпорни парваришлабди. У ҳар ҳафта белгиланган пайтда саройга кириб келиб:

– Ассалому алайкум, подшоҳим! – дея ҳукмдорга салом бераркан.

– Ваалайкум ассалом, Тастайим. Қора тулпорим омонми? – дея сўраркан подшо.

– Омон, оға.

– Баракалла!

Ҳалол хизмат қилгани боис саройда Тастайнинг обрўси ошиб кетибди. Лекин оддий бир отбоқарнинг бу даражага етиши бош вазирга ёқмабди.

– Хукмдорим, сизнинг қаламравингиздаги элларда ёлғон сўзламайдиган одам топилармикин? – деб сўрабди у бир куни подшодан.

– Бор, – деб жавоб қилибди подшо пинагини бузмай.

– Ким?

– Тастай.

– Мабодо ўша Тастай ҳам ёлғон гапирса нима қиласиз?

– Бошини танасидан жудо қиламан.

Бош вазир подшо билан шартлашиб, хурсанд кайфиятда уйига қайтибди-да, бўйи етиб қолган қизини олдига чақирибди.

– Агар сен менинг фарзандим бўлсанг, шу бугуноқ подшонинг отбоқарини ёлғон гапиришга мажбур қиласан.

Қиз ҳам отасига бу ишнинг уддасидан чиқишга ваъда бериб, Тастай от боқиб юрган яйловга йўл олибди.

– Мен сенга ошиқман, – дебди у йигитнинг қаршисидан чиқиб.

– Ошиқ бўлсанг жуда яхши, шартингни айт, – дебди Тастай.

– Шартим шуки, бу кеча подшонинг барча чўпонларини бир жойга тўплаб, уларга зиёфат берасан. Ана шундан сўнг мен сенинг ўтовингга кираман.

Тастай қиз айтгандек, чўпонларни туни билан меҳмон қилибди. Қиз ҳам сўзининг устидан чиқибди.

Тонг бўзарганида вазирнинг қизи ўрпидан туриб, Тастайга шундай дебди:

– Мен энди сенинг хотининг бўлдим. Бироқ ота-онамга бергудай қалин молинг йўқ. Қалиннинг эвазига отхонангдаги қора тулпорни сўйиб, кал-

ласини халтага солиб бер, отамга олиб бориб кўрсатаман.

Тастай бир сўз демай қора тулпорнинг бошини кесиб, қизнинг қўлига тутқазибди. Ўша куни у ҳам подшонинг хузурига борибди.

– Ассалому алайкум, подшоҳим! – деб салом берибди йигит саройга кириши билан.

– Ваалайкум ассалом, Тастайим, – деб алик олибди подшо ҳам. – Қора тулпорим омонми?

Подшонинг олдида бош вазир ҳам ўтирган экан. Йигит унга тикилганча ўйлаб ўтирмасдан шундай жавоб берибди:

Қора тулпор бугун оқшом пичоқланди,
Эвазига бош вазирнинг қизи кучоқланди.

Подшо увол кетган қора тулпорига қанчалик ачинса ҳам йигитнинг ростгўйлигига яна бир бор тан берибди. Тулпорнинг сўйилишига сабабчи бўлган бош вазирни саройдан қувиб чиқариб, унинг қизини Тастайга олиб берибди ва ўзини бош вазир этиб тайинлабди.

– Офарин! Йигитнинг ақлини қаранг!

– Сўз ўрнини топса, мол эгасини топади деганлари шу-да!

– Боши кетса ҳам тўғри сўздан қайтмаган, деганида Ажинияз шоир ана шундай мард йигитларни назарда тутган-да, – деди Қунназар оқсоқол Ўтамуротга юзланиб. – Сен ривоят ёзиб олиш чоғида мана шу нарсаларга ҳам эътибор қарат, иним.

Гурунг анча вақт давом этди. Қулфи дили очилиб кетган чоллар бирин-кетин қизиқарли афсона ва ривоятларни топиб айтишарди.

Таом еб бўлингач, аксарият меҳмонлар уй-уйларига тарқалишди. Меҳмонхонада фақатгина Мембетниёз эшон, Сейтпазар, мулла Сайтпазар ва

Қунназар оқсоқол тўрталаси қолишди. Улар Қуръон тиловат қилишлари керак экан. Қунназар оқсоқол ҳам ҳурматли меҳмон ва Мембетниёз эшоннинг ҳамроҳи бўлгани учун улар билан бирга қолганди.

Утамурот Бекимбетнинг маъракасидан бир қанча ривоят, мақол-нақллар йиғиб қайтди. Уларнинг орасида боя Қунназар оқсоқол айтган «хас-чўплар» йўқ эди.

Кенжабой муаллим ўшандан сўнг овулда талабаларни бир жойга йиғиб, сўроқ-саволга тутиб ўтирмади. Биратўла шаҳарга қайтишгач, навбатдаги дарсини амалиёт сафари якунларига бағишлади.

– Қани, қизлардан бошлайлик-чи, – деди у. – Чунки улар йигитларга нисбатан гаига чечан, одамлар билан тил топишишга уста бўлишади.

– Мен бир жумбоқ айтсам топасизми, муаллим? – деди Ойсара.

– Айтавер-чи, курсдошларинг билан бирга топишга уриниб кўрамиз.

– Оқ қалъани айланиб чопасизми?

Кенжабой муаллим ўйлаиб қолди.

– Хўш, болалар, яхшилаб ўйлаб кўринг-чи, Ойсара айтган топишмоқнинг жавоби нима экан, – деди сўнг у талабаларга юзланиб. Талабалар шу заҳоти турли хил жавобларни ёғдириб ташлашди.

– Чағалай.

– Йўқ.

– Денгизнинг кўшиги.

– Ундай эмас.

– Ҳа-а, топдим. Соқол! Чолларнинг оппоқ соқоли.

– Тополмадинг.

– Жавобини ҳам ўзинг айта қол, – деди Кенжабой муаллим Ойсарага жилмайиб.

– Тегирмон!

– Ў-ў-ў! – дея гувиллашди талабалар. – Бироз шошмаганингда топган бўлардик.

— Бу топишмоқни кимдан ёзиб олдинг, Ойсара? — деб сўради Кенжабой муаллим киздан.

— Ҳамро кампирдан.

— Нима?! — Эрназар жойидан учиб туриб, қайта ўтирганини ўзи ҳам сезмай қолди. — Ўша кампирнинг уйида биз турган эдик-ку! Муаллим, нега Ойсара шпионлик қилиб, бизнинг чегарани бузиб ўтади?

Талабалар яна гуриллаб кулишди.

— Ўзинг бурнингнинг тагидагини кўрмасанг, кизларда нима айб? — деди Кенжабой муаллим ҳам кулиб. — Қани, Эрназар, «уялган тек турмас» дейишган. Хўш, ўзинг қанақа ривоят топдинг?

— Муаллим, мен жумбоқ топдим.

— Япами? Бунисиям аввалгидай бсҳаё жумбоқ бўлса, мenden баҳо ололмайсан.

— Йўқ, унақа эмас... Бир кампирнинг икки келини бор экан. Иккаласи шунчалик иноқ эканки, бир майизни бўлиб ейишаркан. Улар кампирни сру кўкка ишонмай парвариш қилишаркан. Бир куни кампир учинчи ўғлини ҳам уйлантирибди. Кенжа келин чаққонлигу меҳрибонликда овсинларидан ҳам зиёда бўлиб чиқибди. Кунлардан бирида кампир келинларини олдига чақириб, уларга бир гап айтибди. Шу кундан бошлаб учала келиннинг ҳам феъли ўзгариб, рўзғор юмушларига қиё боқмай қўйишибди. Улар ўтирган жойидан ўн ой кўзғолмас экан. Тез орада бу уй хароб бўлиб, пойгаги билан тўрининг фарқи қолмабди. Оқибатда кампир учала келинини алоҳида-алоҳида чиқариб юбориб, ҳайхотдай ҳовлида ёлғиз ўзи қолибди.

Хўш, кампир ўшанда келинларига нима деган эди?

Эрназар жойига ўтирди.

– Ия, жумбоқнинг катгаси Эрназарда экан-ку, – деди Кенжабой муаллим ажабланиб. – Қани, болалар, уни ечишга ҳаракат қилиб кўринг-чи.

Ҳамма ўйланиб қолди. Кимлардир ўзаро шивирлашишга тушиб кетишди. Лекин бу гал ҳеч ким журъат этиб биронта маънили жавоб айтолмасди.

– Муаллим, жавобини ҳам ўзим айтақолай, – деди Эрназарнинг сабри чидамай. – Булар барибир тополмайди.

– Айтсинми, болалар?

– Айтсин, айтсин, – деб чувиллашди талабалар.

– Кампир ўшанда келинларини ёнига чақириб: «учовингиздан ҳам мингдан-минг розиман. Энди сизлар ҳам бўлак-бўлак рўзгор тутишингиз керак. Орангизда қайси бирингиз энг чаққон бўлсангиз, ёнимда олиб қолиб, қолган икковингизни алоҳида уйга кўчираман», деган экан.

Талабалар бу гапнинг маъносини тушунолмамай, Эрназарга анграйиб қараб қолишди.

– Тушундингизми, болалар? – деди Кенжабой муаллим. – Жуда маъноли жумбоқ экан. Хўш, нима учун келинлар бирдан ўзгариб қолишди?

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

– Бунинг маъносини ҳам Эрназардан сўрай-мизми?

– Йўқ, муаллим, жумбоқнинг маъносини мен айтмайман.

– Сен буни кимдан ёзиб олдинг?

– Бойназаров Эрназар деган одамдан!

Курсдошлар дув кулиб юборишди.

– Тўғриси айт, Эрназар! Кимдан ёзиб олдинг?

– Ростдан ҳам ўзим тўқиган эдим.

– Ундай бўлса, нега маъносини айтмайман дегансан?

– Маъносини келиштира олмайманми деб кўр-
қаяпман, муаллим, – деди Эрназар.

– Ҳар бир ибратли гапни изоҳлаб беролмасангиз,
уни мисол келтиришнинг ҳожати йўқ, – деди Кен-
жабой муаллим аудиторияга юзланиб.

– Муаллим, шу жумбоқнинг изоҳини мен айтсам
майлими? – деди Ҷтамурот кўл кўтариб.

– Айт.

– Келинларнинг дарров феъли ўзгариб қолганига
сабаб – уларнинг ҳар бири аввалдан алоҳида ўтов
тикишни орзу қилиб юрган. Албатта, учала кели-
ни ҳам қайнонасини бирдай яхши кўришган. Лекин
кампирнинг ўша гапидан сўнг уларнинг ҳар бири
ўзининг хизмати ошиб кетиб, бўлак уй қилолмай
қолишдан кўрқишган. Бу жумбоқ «жони бор жондор
эркинликка интилади» деган ғояни илгари суради.

– Раҳмат сенга, Ҷтамурот! – деди Кенжабой му-
аллим хурсанд бўлиб.

– Ие, муаллим, бу қанақаси? Жумбоқни мен
топсаму, раҳматни Ҷтамурот эшитадими?! – дея
тўнғиллади Эрназар.

– Қадимда бир хон ўз вазирини нима сабабдан
жазога тортмоқчи бўлганини биласанми? – деди Кен-
жабой муаллим Эрназарга қараб. – Бир ўқ билан
кийикнинг орқа оёғи билан қулоғини мўлжалга ол-
дим, деган гапни исботлай олмагани учун. Ўша ерда
ўтирган Жийронча чечан: «бу пайтда кийик орқа
оёғи билан қулоғини қашлаётган эди» деб вазирни
жазодан қутқаради, ўзи эса шоҳона сарпо кияди.
Аслида сен жуда яхши жумбоқ ўйлаб топгансан, ле-
кин унинг ечимини адабий тилда ифодалаб беришга
уқувинг етмаяпти. Агар муаллим сўзга нўноқ бўлса,
ўқувчиларини ишонтиролмайди.

– Жумбоқнинг жавобини илмий тил билан айтиш
керак деб ўйлаган эдим-да! – деди Эрназар ҳам
бўш келмай.

– Илмий тил дегани қанақа бўлади?

– Ҳамма ҳам бирдай тушунавермайдиган бир тил-да.

Ҳамма кулди.

– Ҳеч қаерда фақат илм учун алоҳида яратилган тил йўқ, – деди Кенжабой муаллим жиддий киёфада. – Фақат истеъдодсиз одамларгина уни тушунарсиз қилиб ёзишади... Майли, бунисини ўзингиз илм билан шуғулланган вақтингизда яхшироқ билиб оларсиз. Эндиги вазифа...

– Муаллим, мен ҳам ёзиб олганларимнинг бириккитасини ўқиб бермоқчи эдим! – деди орқа тарафда ўтирган Турдибой. Кенжабой муаллим унинг ҳам сазасини ўлдиргиси келмади шекилли, талабаларга юзланди.

– Нима дейсиз, болалар, ўқисинми?

– Ўқисин, ўқисин.

Турдибой ўрнидан туриб, дафтаридаги битикларини бирма-бир ўқишга тушди:

«Етдим деганда йиқилгайсан, топдим деганда тўкилгайсан!»

«Илойим, намозгардан-намозшомга етмагайсан!»

«Қозонингда қон қайнагай!»

«Хароб бўлгайсан!..»

– Бас қил! – деб Кенжабой муаллим кутилмаганда столни мушглаб қолди. – Бу нима деган гап?!

Турдибойнинг гапларидан ўзини тутолмай кулишга тушган талабалар муаллимнинг вазоҳатини кўриб дарҳол хушёр тортишди.

– Бу халқ оғзаки қарғишлари-ку, устоз? – деди Турдибой хайрон бўлиб.

– Қаёқдан олдинг буларни?!

– Учта хотин ўзаро уришаётган экан. Уларнинг оғзидан эшитиб, кечкурун қорозга туширдим.

– Нима эшитсанг, ўйламай-нетмай ёзиб олаверасанми?

– Муаллим, мен ҳам ўша хотинларнинг жанжали устидан чиққан эдим, – деди Абсамат. – Лекин мен уларнинг қарғишини ёзиб олмадим.

– Ўтир, – деди муаллим Турдибойга. – Фольклор тўплаш – бу сенга даладан ўтин териш дегани эмас.

Хамма бир муддат жимиб қолди.

– Муаллим, яна бир кўшиқ ҳам ёзиб олган эдим, шунини айтиб бера қолай, – деди Турдибой Кенжабой муаллимга умидвор мўлтираб.

– Тағин қапақа бемаъни гапларни топдинг?!

– Йўқ, муаллим, буниси яхши кўшиқ.

– Уни курс ишингда ёзарсан.

– Айтиб берақолай, муаллим. Агар буниям ёмон десангиз, курс ишимга киритмайман.

– Хўп, эшитайлик-чи?

– Эчки ёғин емайман,
Танглайимда қотади,
Қари бойга тегмайман,
Чаппа қараб ётади.

Аудиторияда гулдурос қаҳқаҳа янгради. Боядан бери қошларини чимириб турган Кенжабой муаллим ҳам ўзини кулгидан тиёлмади.

– Эндиги вазифа, ҳар бирингиз ўзингиз тўплаган фольклор намуналари ҳақида курс иши ёзасиз, – деди Кенжабой муаллим талабаларни тинчлантириб. – Бундан ташқари, уларни тартиб билан оққа кўчириб, Адабиёт институтига ёки Ёзувчилар уюшмасига топширасиз. Чунки буларнинг барчаси халқимизнинг олтин хазинаси ҳисобланади. Қолаверса, у ерда сизларга бир-икки сўмдан пул ҳам тўлашади.

Бир ойдан сўнг ёзги имтиҳонлар яқунланди. Ўтамурутнинг курс иши «энг яхши курс иши» деб баҳоланиб, кафедрада сақлашга қолдирилди.

Шундан сўнг Кенжабой муаллим уни ўз қаноти остига олди.

13

Ўтамуротнинг кулоқлари остида яна гувуллаган овоз пайдо бўлди. Бу садо аста-секин кучли шовқинга айланди. Бироқ у ўзининг қаёққа кетаётганини англолмади. Боя уни моторли қайиқда судраб бораётган Кенжабой муаллим ҳам, мавжланиб ётган мовий денгиз ҳам қаёққадир изсиз ғойиб бўлганди. Кўз ўнгида бир текис, сутдек оппоқ манзара намоён бўлган эди. Жилвадор ёғдуга чулғаниб ётган майдонда биронта тирик жон кўринмайди. Теварак-атроф тубсиз бўшлиқдан иборат. Ўтамурот ана шу бўшлиқда муаллақ сузиб юрибди...

Шовқин тобора кучая бошлади. Дафъатан миёсида нимадир чирсиллаб, кулоқ пардалари очилиб кетгандек бўлди. Шу захоти ташқи дунёдан келаётган овозлар шуурига оқиб кира бошлади.

– Ўтамурот, ҳой, Ўтамурот? Мен келдим. Эрназарман. Ётиб қолганингни эшитиб, Тахтадан келаяпман. Гапларимни эшитаяпсанми?

Бу талабалик чоғларида битта зоғорани бўлишиб еган дўсти Эрназарнинг овози эди.

– Беғам бўлма, болам, – деди у Ажимуротга. – Отанг саксон саккиз йиллик ҳордиғини ёзаяпти. Отанг беҳуш эмас, у охираат уйқусида.

– Отам бу йил тўқсонга чиқаман деган эди, – деди Ажимурот.

– Болам, бир вақтлар Умирбек лаққи ёш болаларни алдамоқчи бўлиб, «боринглар, анави ерда бўғирсоқ улашаяпти», дебди. Кейин ҳамма ўшаёққа югуриб кетганини кўриб, «бу гап ростга ўхшайди» деб ўзи ҳам уларнинг ортидан чопган экан. Отанг ҳам бир пайтлар овул шўроси котибларининг икки ёш кўшиб ёзиб берган «метирка»сини бир умр

кўтариб юравериб, шунга ишониб қолган бўлса керак. Ўқишга кирган йилимиз унинг ўзи бизга шундай деб айтган эди.

Эрназарнинг гапи рост эди. Ўтамурот мактабни битириб, колхозда ишлаб юрган кезларида «метирка»сини ўзгартириб олмоқчи бўлган эди. Лекин бригадир ҳар бир босган қадамини пойлаб юргани учун ҳадеганда ишдан чиқиб кетолмади. Ниҳоят, бир иложини қилиб идорага борди-да, мақсадини тушунтирди.

– Нималар деясан?! – дея овул шўросининг бошлиғи ўрnidан туриб кетди. – Сен қип-қизил дизертир экансан-ку! Буёқда фашистлар мамлакатга бостириб кираётганида сен пана-пастқамда қочиб юрибсанми! Фамилиянг ким?

– Мирзамуротов.

– Бу қочоқни урушга кетадиганларнинг рўйхатининг олдинги қаторига тиркаб қўй! – дея буюрди у котибига.

Шу тариқа Ўтамурот овулда биринчилардан бўлиб жангга отланган эди...

Ғала-ғовурга қараганда, уйда Эрназар билан Ажимуротдан бошқа одамлар ҳам борга ўхшайди. Афтидан, қизлари, куёвлари, набиралари ҳам аллақачон етиб келишган.

– Йиқилганига қанча бўлди? – деб сўради Эрназар Ажимуротдан.

– Бугун еттинчи кун...

– Гапимни оғир олма, болам, отанг ҳам ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган. У киши мендан етти ёш катта. Отанг ёвни енгиб келиб, овулда бир-икки йил ишлагандан кейин ўқишга борган эди. Бирга ўқиб юрган чоғларимиздаёқ анча оқ-қорани таниб қолган одам эди. Шундай бўлса ҳам биз тенгқурлардай кадрдон бўлиб кетгандик.

Сенинг отанг ўз суягини ўзи кўтариб юргани учун бизларнинг ҳам кўнглимиз хотиржам эди. Кечаги бир маъракада «Ўтамурот оға тўшакка михланиб қолибди, келган-кетганим сезмай ётганмиш» деган хабарни эшитгач, худди ажал мени сўраб келгандай кўрқиб кетдим. Ахир, мен ҳам саксондан ошдим. Шундаям барибир жон қурғур ширин экан. Бугун эрталаб ўғлимнинг машинасига ўтириб, буёққа жўнадим. Омонатини топширмасидан бурун отангдан кечирим сўрашим керак, иним.

– Бирон марта отамнинг сиздан нолиганини эшитмаганман.

– Шу чоққача сенинг отангдай феъли кенг одамни учратмадим! Бояқиш ўзига ёмонлик қилган одамлардан бирон марта домангир бўлмади. Менам қачон ўша ишда айбим йўқлигини айтиб гап бошласам, «Кўй, Эрназар дўстим, ўтган ишга саволат», деб кўл силтаб кўярди.

– Отамга ёқмайдиган нима иш қилган эдингиз?

– Ўтамуротнинг устидан ариза ёздик-ку биз, ариза! – деб кутилмаганда Эрназар чолни йўтал тутиб қолди. У бироздан сўнг ўзини тутиб олиб, Ажимуротга юзланди. – Ҳар гал шу йўтал қисиб қолганида жоним лоп этиб ҳалқумимдан чиқиб кетадими деб кўрқаман... Отанг бизнинг орамиздан чиққан биринчи аспирант эди. У номзодлик ишини ёқлаш арафасида турган кунлардан бирида бизникига қайноғам Абсамат кириб келди. Ўзинг ҳам уни яхши танийсан, доим отанг билан тўймаъракаларга бирга қатнаб юрди. Сенинг тўйингга ҳам келган эди.

– Танийман.

– Абсамат фақирнинг ҳам дунёдан ўтганига бу йил тўққиз йил бўлади... Хуллас, ўша қайноғамиз қўлтиғимдан олиб, мени холироққа бошлади.

– Эртага Ўтамурот диссертациясини ёқлайди, – деди у. – Шунга сенинг номингдан бир хат қоралаб қўйувдим. Кеча уни Тошкентга борадиган бир одамнинг қўлига тутқазиб, Илмий кенгаш котибига бер, деб тайинладим. Агар ўша хат инобатга олинса, Ўтамурот илмий ишини ёқлолмайди.

– Нега бундай қилдингиз? – дедим хайрон бўлиб.

– У билан шахсий ҳисоб-китобим бор, – деди Абсамат пинагини бузмай. – Аризани ўзимнинг номимдан юборишим ноқулай эди. Чунки Ўтамурот билан битта кафедрада ишлаймиз.

Билишимча, иккаласининг орасида ҳеч қандай шахсий ҳисоб-китоб йўқ эди. Ўлган одамни ёмонламоқчи эмасман-ку, лекин Абсаматнинг ҳасадгўйлиги тутган эди. У Ўтамуротнинг аспирантурани битириб келганини кўра олмаганди. Бунинг устига, диссертация ёқлапти... Аслида, минг хат ёзгани билан отангга айтарли ёмонлик қилиш қўлидан келмасди. Нар и борса, бир муддат илмий ишини ортга суриши мумкин эди. Оқар сувнинг шиддати зўр бўлса, эртами-кечми йўлидаги тўсиқни бузиб ўтади. Шундай қилиб, бизнинг хатимиз ҳам икки йил отангнинг йўлини боғлади. Лекин у барибир диссертациясини ёқлади. Кейинчалик фан доктори, профессор бўлди, академик бўлмасаям обрўси уларникидан кам эмасди. Гўринг кенг бўлгур Абсамат эса бир умр катта ўқитувчиликдан нарига ўтолмади...

Мен бир умр овулда муаллимлик қилдим. Улар билан тенглашиш хаёлимгаям келгани йўқ. Институтни битирган йилимиз Кенжабой муаллим мени ҳам ёнида олиб қолмоқчи бўлди. Ўзимнинг ҳам кўнглимда шундай ният йўқ эмасди. Овулда йўлимга кўз тикиб ўтирган кекса онамга шу ҳақда сўз очдим.

– Болам, аввал мени қора тупроққа топшир, кейин истаган ерингга кетавер, – деди онам. Шу гапдан сўнг қаёққаям борардим?

– Эрназар оға, ўша хатни Абсамат оға ёзган бўлса, бу гапни сизга келиб айтиши шартмиди? – деди Ажимурот ажабланиб.

– Хатни текширишса ёки меши чақириб қолишса, ўзининг сири очилиб қолишидан қўрққан бўлса керак-да, бояқиш. Ким сўрасаям, «хатни ўзим ёзганман» деб тураверасан, деб қайта-қайта тайинлади. Қайси юз билан дўстимга тухмат қиламан деб роса қўрққан эдим. Худо ёрлақаб, мен билан ҳеч кимнинг иши бўлмади.

Дунёда ўзинг гувоҳ бўлиб турган воқеага аралашолмасанг, бундан ёмони йўқ экан. Ўтамурот ҳам дўстининг гап-сўзларини эшитиб ётар, лекин бир оғиз гап қўшишга ҳоли йўқ эди.

Эрназар яна Ўтамуротга яқинлашди.

– Энди мен нима қиламан, Ўтамурот! Бошқа дийдорлашиш nasib қилмаса, мендан рози бўл. Олдингда гуноҳқорман. Бу гуноҳимни худо кечирса, сен ҳам кечир. Охиратим яқин қолганида бир бор олдиндан ўтай, кўкайимдаги дардимни сенга айтиб қолай деб келдим. Хуш қол, дўстим, илоийм, охиратда иймонинг ҳамроҳинг бўлсин.

Эрназар кетди. Ажимурот ҳам у билан бирга чиқди.

Қачонлардир юз берган ўша кўнгилсиз воқеа Ўтамуротнинг кўз ўнгида қайтадан жонланди...

Учинчи курсда ўқишаётганида улар Тазғарага пахта теримига чиқишди. Ўша йили терим мавсуми анча чўзилиб кетди. Бунинг устига, кунора ёмғир ёғиб турибди. Талабалар далада лой кечиб пахта теришади. Кундузи терилган кўракларни кечкурун печканинг атрофига ёйиб қуритишади-да, сўнг кўракдан айириб олишади.

Талабалар ҳар йигирма кунда курс раҳбаридан бир кунга рухсат олиб, уйларига бориб келишади. Курс раҳбари бўлмиш Отарбой муаллим талабалардан атиги тўрт-беш ёш катта, Ўтамуротдан эса икки ёш кичик эди. Шунинг учун у дала-дашда шогирдлари билан бирга ўйнаб-кулиб юрарди. Лекин рухсат беришга келганда ҳеч кимга ён бермас эди.

Ўтамурот навбати билан уйига бориб келиши керак эди. Бироқ икки кун бурун овулига кетган Абсаматдан ҳамон дарак йўқ. Нега кечикаётганини ҳеч ким билмайди. Ўтамурот кечадан бери Отарбойдан жавоб сўрайди. Лекин у «Абсамат келсинчи», деган гапни такрорлашдан нарига ўтмайди. Учинчи куни бир амаллаб муаллимдан рухсат олди. У уйдан қайтган куни Абсамат ҳам эндигина келиб, тушдан сўнг далага чиққан экан.

Курс раҳбари ўша куни ҳаммани тарозининг бошига тўплаб, мажлис бошлаб юборди.

– Хурматли талабалар, – деб жиддий қиёфада гап бошлади у. – Кўриб турибсиз, Абсамат бир кунга рухсат сўраб кетиб, уч ярим кун деганда қайтиб келди. Кеча институт ректори, «бу масалани мажлисда муҳокама қилиб, менга ҳисобот берасан» деб тайинлаб кетди. Хўш, унга қандай чора кўрамиз?

– Уни комсомол аъзолигидан чиқариш керак, – деди Турғанбай.

– Йўқ, бу камлик қилади, – деди Эрназар ўрнидан сакраб туриб. – Абсамат эртага муаллим бўлмоқчи. Бундай одамнинг ўзи ёлгон сўзласа, эртага у тарбия берадиган болалар қанақа одам бўлади? Шунинг учун ректордан уни институтдан ҳайдаш ҳақида буйруқ чиқаришини талаб қилишимиз керак.

Ўтамурот Эрназарни таниёлмай қолди. Чунки институтга ўқишга кирганидан бери учаласи жуда кадрдон бўлиб кетишган, бир-биридан бир қадам ҳам айрилмас эди. Ҳозир ҳам улар битта хонадонда бирга ётишади. Эрназарнинг кишилик қоқмай бунақа таклиф билан чиқиши бориб турган сурбетлик эди.

Ўтамурот «бу нима қилганинг?» дегандай зимдан унга ажабланиб тикилди. Лекин Эрназар ҳеч нарса бўлмагандай безрайиб тураверди. Бошқалар бирин-кетин унинг таклифини маъқуллашди.

– Тўғри, уни институтдан ҳайдаш керак.

– Бу нарса бошқаларга ҳам сабоқ бўлади.

Абсамат бояқиш бир гала қашқирнинг орасига тушиб қолган қўйга ўхшаб ночоргина мўлтираб турарди.

– Уйда онам касал бўлиб қолган экан, – деди у бироздан сўнг зўрға тилга кириб.

Курсдошлар баттар чувуллашди.

– Ўзингни оқлаш учун онанга касал тилаясанми?

– Уялмайсанми шунақа дейишга!

Хуллас, Абсаматни комсомол сафидан ўчириб, институтдан ҳам ҳайдашга қарор қилинди. Бу ҳақда баён ҳам ёзилиб, унга мажлис раиси Отарбой муаллим ва котиби Эрназар имзо чекишди. Шундан сўнг ҳамма дала оралаб кетди.

Кечгача ҳеч ким Абсаматнинг яқинига йўламади. Фақатгина Ўтамурот унинг атрофида парвона эди. «Институтдан кетасан» дейишгани билан Абсамат даладан кетмаган эди.

Кечга яқин терган кўрагини елкасига ташлаб олган Эрназар уларнинг олдига келди.

– Ҳорма, Абсамат! – деди у илжайиб. – Энди институтдан қутулиб, уйда бемалол оёқ узатиб ётадиган бўлдинг-да!

Шундоғам дарди-дунёси қороиғи бўлиб турган одамнинг бунақа киноя-мазахга чидаши қийин. Лекин Абсаматнинг иродаси мустаҳкам экан, Эрназарга чурқ этиб оғиз очмади.

– Бу ишинг одамгарчиликдан бўлмади, – деди Ўтамурот Эрназарга хушламайгина қараб.

– Пахта деганлари одамгарчиликни билмайди, биз ҳозир фақат намгарчилик деган гапни биламиз.

Эрназар ўзининг гапидан нашъа қилиб, мириқиб кулди.

– Йигитлар, товугини тулқига олдирган кампирлардай кўпам ковок-тумшуқ қилаверманг, – деди Эрназар кўрак солинган халтасининг устига жойлашиб ўтириб олиб. – Ўлимдан бошқа нарсанинг чораси бор. Мен сизларга бир янгилик топиб келдим.

Ўтамурот билан Абсамат унга умидвор кўз тикишди.

– Мен Отарбой муаллим билан келишдим... Ўзингиз биласиз, тишимиз гўштга тегмаганигаям бир ой бўлди. Муаллимга: «Абсаматдан хат ёздириб оламан-да, уларнинг уйига бориб, онасидан битта хўроз билан икки пиёла жўхори унини олиб қайтаман. Кечқурун ҳаммамиз бир жойга йиғилиб, товук шўрва ичамиз», дедим. Лекин Отарбой муаллимни кўндиришим қийин бўлди. Кейин унга ётиғи билан тушунтирдим. «Барибир бизнинг мажлисимиз баёни далада қолиб кетади, чунки Кенжабой муаллим Ўтамурот билан Абсаматни ўзининг боласидай яхши кўришини ўзингиз ҳам яхши биласиз, – дедим. – У киши ректорнинг олдига кириб, Абсаматни институтда олиб қолади. Ундан кўра, мириқиб хўроз шўрва ичганимиз яхши эмасми?» Шу гапдан сўнг Отарбай муаллим ҳам ён бергандай бўлди.

Эрназар «боплабманми?» дегандай уларга гердайиб ўтирарди.

– Хўш, Абсамат, бигта хўрозни бош-кўзингдан садақа қилишга розимисан? Ўзиш танла, ё институт, ё хўроз!

Абсамат бир муддат жавоб бермади. Шу топда институтдан ҳайдалишдан ҳам кўра, ўзи тенги бир талабанинг олдида тили қисик бўлиб, мунғайиб туриши унга оғир ботган эди.

– Майли, розиман, – деди у ниҳоят.

– Онангга хат ёзиб берасанми?

– Ҳозир ёзиб беришим керакми?

– Кечкурун ёзсанг ҳам бўлаверади.

Тарозининг бошида болалар камайгач, Эрназар тагин қувлик қилишга ўтди.

– Муаллим, Абсамат бояги ишга рози бўлди.

– Майли, бу гал кечираман, – деди Отарбой муаллим. – Лекин бу ҳол яна такрорланса, оғайнинг мендан гина қилмасин.

Кечки овқатдан сўнг учаласи печка атрофида ўтириб кўрак тозалашди.

– Айтгандай, хатни қачон ёзиб берасан? – деди Эрназар бир пайт унутган нарсаси ёдига тушгандай жонланиб. – Ахир, эртага азонда йўлга тушишим керак.

Абсамат қоғоз-қалам олиб, онасига хат ёзишга тушди.

«Онажон, шу хатни олиб борган йигит менинг дўстим бўлади, исми Эрназар. Унга катакдаги хўрозлардан бирини ушлаб бериб юборинг.

Ўғлингиз Абсамат».

Эрназар бу хатни дона-дона қилиб ўқиди-да, сўнг майда-майда қилиб йиртиб ташлади.

Ўтамурот билан Абсамат унга анграйиб қараб қолишган эди. Эрназар эса дафъатан қотиб-қотиб кула бошлади.

– Буларнинг бари ҳазил эди, Абсамат ошна! Мен Отарбой муаллим билан келишиб, шу томошани ўйлаб топгандим. Хўроз шўрванг ўзингга буюрсин.

Абсамат олдидаги этагини йиғиштирди-да, гап сўзсиз ташқарига чиқиб кетди.

– Бу нима қилганинг?! – деди Ўтамурут аччиқланиб. – Ҳазил ҳам шунақа қўпол бўладими?

– Жўрам бўлгани учун бир ҳаддим сиққан эди-да... Қаёққа кетди у?!

– Сен жойингга ўтир! – деб Ўтамурут Абсаматнинг ортидан чиқди.

Иккаласи алламаҳалда уйга қайтиб киришди. Бу пайтда Эрназарнинг юзидан қони кочиб, ховлиқиб ўтирган экан.

– Эрталаб хўрозга бориб келасан! – деди Абсамат эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда.

– Қўйсанг-чи, жўра, айтдим-ку, ҳазиллашдим деб, – деди Эрназар эсанкираб.

– Лекин мен ҳазиллашаётганим йўқ! Олиб келасан дедимми, олиб келасан. Онамга айтсанг, хатсиз ҳам бериб юборади. Барибир онамнинг хат ўқигудек саводи йўқ.

Шундан сўнг улар тонг отгунча бир-бири билан гаплашишмади. Эрназар азонда чор-ночор хўроз олиб келиш учун жўнади. Овулда Абсаматнинг бўйи етган қариндошини учратиб қолибди. Табиатан гапга чечан бўлган Эрназар қизга бир-икки оғиз гап отиб, у билан тил топишган бўлса керак, ижара уйга қайтиб келганида хурсандчиликдан терисига сигмасди.

– Ўтамурут, сенга бир гап айтайми? – деди у Абсамат ташқарига чиқиб кетгач. – Абсаматларнинг уйида нақ осмондаги ўн тўрт кунлик ойни кўриб келдим! Буёғини ўзинг тушуниб олавер.

Шундан сўнг Эрназар Абсамат билан муносабатини янаям қуюқлаштирди. Йўқ ердан баҳона топиб, у билан бирга овулига йўрғалайдиган одат чиқарди. Хуллас, тўртинчи курсни тугатиш арафасида Абсаматга куёв бўлиб тинчиди.

Эрназар-ку ниятига етди, лекин Абсамат унчалик ҳам кечиримли йигит эмас экан. Кейинчалик ўша ҳазили учун у Эрназарни нўхталанган отдай қилиб минди. Бояқиш Абсаматнинг кўзига тик қаролмас, у ўтирган жойга юрак ютиб киролмас эди. Абсамат нима деса, лаббай деб қўл қовуштириб туришга кўникиб қолди. Ўтамуротнинг устидан ёзилган хатни бўйнига олишининг боиси ҳам шунда эди. Ҳарқалай, бу гал у Абсаматдан, «бу нима қилганингиз?» деб сўрашга журъат қилди.

– У билан шахсий ҳисоб-китобим бор, – дея гапни қисқа қилганди Абсамат ҳам ўшанда.

Эрназар бундан ортиқ ҳеч нарса деёлмади. Эътироз билдирадиган бўлса, Абсамат ўзининг устидан ҳам тухмат ёзиб юбориши мумкинлигин ўйлаб кўрқди.

14

Кафедрада Ўтамуротнинг илмий иши бир овоздан маъқулланган эди. Мажлисни кафедра мудири Кенжабой муаллим бошқарди. Илмий ишни ўқиб чиққан Лйтжан ҳам, Қалли ҳам унга юқори баҳо беришди. Абсамат эса мақтовни улардан ҳам ошириб юборди.

Шундан сўнг диссертация Тошкентга, Илмий кенгашга тақдим этилди.

Илмий кенгаш йиғилишига Кенжабой муаллим ҳам бирга борди. Чунки у Ўтамуротнинг илмий раҳбари эди.

Мажлис эртаси куни соат ўнда очилди.

— Ука, — деди Илмий кенгаш раиси Ўтамуротга юзланиб, — ўзингиздан олдин сизга аталган кутловлар етиб келди. Дўстларингиз кўп экан. Мана, Абсамат Сейдаметовнинг табрикномаси: «Дўстим Ўтамурот! Диссертацияни муваффақиятли ёқлаганлигинг билан чин юракдан қутлайман. Биз қорақалпоқ илм-фанига яна бир истеъдодли фольклоршунос олим келиб қўшилганлиги билан фахрланамиз!»

Кенжабой Ўтамуротнинг қўлини сиқиб қўйди.

— Яна бир телеграмма, — деди Илмий кенгаш раиси қўлидаги қоғозга синчиклаб тикилиб. — Байназаров Е. Тахтақўпир районидан, муаллим экан. У ҳам сизни фан номзоди бўлганлигингиз билан табриклайди. — У қоғоздан бош кўтариб, Ўтамуротга қаради. — Яна битта шундай телеграмма келганида, диссертациянгизни муҳокама қилиб ўтирмасданок сизга номзодлик илмий даражасини бериб юборардик.

— Яна бироз кутайлик, домла, балки келиб қолар, — деб Кенжабой муаллим унинг ҳазилига ҳазил билан жавоб берди.

— Афсуски, кутолмаймиз, — деди Илмий кенгаш раиси жиддий оҳангда. — Негаки, ҳозиргина котибимизга мапа шу илмий иш юзасидан ёзилган бир хатни келтириб бериб кетишибди. Дикқат билан эшитинг, уни ўқиб бераман.

Илмий кенгаш раиси хатни ўқий бошлади:

«Хурматли Илмий кенгаш аъзолари! Қорақалпоқ фольклори бундан йигирма-йигирма беш йил аввал тўпланиб, илмий жиҳатдан ўрганилган. Лекин халқ бор экан, унинг фольклори ҳам бойиб бораверади. Шундай бўлса-да, бу иш билан илмий саводи етарли, ҳақиқатгўй, юраги ва қўли тоза ипсонлар шуғулланишса, яхши бўларди. Ўтамурот Мирзамуротов сизларнинг қорақалпоқ тилини яхши бил-

маслигингиздан фойдаланиб, илгари Нажим оға, Қалли оғалар томонидан йиғилиб, илмий жиҳатдан таҳлил қилинган ишларни бироз ўзгартирган ҳолда кўчириб олиб, ўзиники қилиб кўрсатаёпти. Унинг диссертациясидан ўрин олган «Нурота, Томди, Конимех, Зарафшон қорақалпоқларининг оғзаки ижоди намуналари» деган бўлим ҳам кўчирма! Л. Толстова аллақачон бу мавзуларни етарлича ёритиб берган эди. Бундай кўчирмакаш кимсаларнинг куроқ кўрпачани эслатувчи қораламаларини маъқуллайдиган бўлсангиз, Илмий кенгашингизнинг обрўси қаёқда қолади? Бизнинг холис фикрларимизга Илмий кенгаш ҳам ўз муносабатини билдиради деган умиддамиз. Мабодо хатдаги вазлар инобатга олинмаса, биз бунақа ноҳақликка жимгина қараб тура олмаймиз.

Бойназаров Эрназар, имзо».

– Тухмат! – деб бақириб юборди Кенжабой.

– Секинроқ! – деди мажлис бошқарувчиси. – Балки чинданам тухматдир, лекин унинг тухмат эканлиги исботланмагунча биз шунга ишонишга мажбурмиз.

– Дастхатини кўрсам бўладими? – деди Кенжабой президиумга қўл чўзиб.

– Марҳамат, – деб Илмий кенгаш раиси мактубни Кенжабой муаллимга узатди. У эса хатга синчиклаб назар солди.

– Бу хатни Эрназар ёзмаган! – деди Кенжабой муаллим хатни Илмий кенгаш раисига қайтариб бера туриб. – Мен бу йигитни беш йил ўқитганман. Дастхатини яхши биламан. Бошқа болаларникини танимасам ҳам уникини танийман. Чунки у ҳар гал антиқа ҳангомаларни топиб, курс ишларини ҳам қизиқарли қилиб ёзиб келарди. Унинг билганлари тилида эди, бармоқларида эмас.

Ўтамурот Кенжабой муаллимга ҳам, Илмий кенгашдагиларга ҳам лом-мим деб оғиз очмади. Шу топда унинг гапириб ўтириши бефойда эди.

– Майли, бу ишни кейинги мажлислардан бирида муҳокама қилармиз, – деди Илмий кенгаш раиси. – Ҳозирча сизлар овулингизга қайтиб, бу муаммони ҳал этиб келаверинг.

Ўтамуротдан ҳам баттар Кенжабой муаллим қора тутун бўлиб ортига қайтди.

– Йўқ, мен бу ишни шу ҳолида қолдирмайман! – деди у алам билан. – Лекин ҳозир нима қилиб бўлсаям илмий ишингни тезроқ ёқлаб олишимиз керак. Тухматчини аниқлашга ҳали улгурамиз.

Нукусга қайтишгач, Кенжабой муаллим шу масалада турли идораларга хат ёзиб, қўнғироқ қилди. Ниҳоят, Ўтамуротнинг илмий ишини Уфа шаҳрида ёқлашига рухсат олиб берди. Лекин бунгача ордан икки йил вақт ўтган эди.

15

Институтдан ишдан кетишига сабаб бўлган воқеа ҳам Ўтамуротнинг хотирасида бир умрга муҳрланиб қолди.

Кунлардан бирида у аудиторияга кириб, талабалар билан саломлашгач:

– Қурбонов борми? – дея одатига ҳилоф равишда портфелини столнинг устига қўйди. Атайлаб шундай қилдими, ёки хаёл олиб қочдими, буни ўзи ҳам аниқ-таниқ эслолмайди.

Қурбонов ўрнидан турди.

– Бу ёққа чиқ.

Қурбонов ўртага чиқди.

– Нега имтиҳонга келмадинг?

– Касал бўлиб қолувдим...

– Неча кун касал бўлдинг?

– Етти кун.

– Шу гапига ишонсак бўладими, болалар?

Талабалардан садо чикмади. Чамаси, муаллимнинг авзойи бузуклигини кўриб, улар ҳам хушёр тортиб қолишганди.

– Майли, ишонамиз, – деди Ўтамурот ўзининг саволига ўзи жавоб бериб. – Биламан, сизларнинг уйингиз Қизилқумнинг ичида жойлашган. У ерларда дўхтир чақириш ҳам, касал бўлганинг ҳақида справка олиш ҳам қийин... Энди бир ўзингдан алоҳида имтиҳон олиб ўтирмайман. Бир-иккита саволга жавоб берсанг, баҳоингни кўйиб бераман.

Ўтамурот Қурбоновга осонгина саволларни беришга қарор қилди. Чунки у етти йил мактабнинг туркман синфида ўқиган, кейинги уч йилдагина қорақалпоқ адабиёти ҳақида маълумотга эга бўлган талаба эди.

– Бердақ қанақа шоир?

Қурбонов бироз ўйланиб қолди. Бир-икки бор жавоб беришга чоғланди-ю, лекин журъати етмади.

– Тортинмасдан билганингча жавоб бер, – деб унга далда берди Ўтамурот. – Бу ерда бегона одам йўқ, ҳаммаси ўзингни дўстларинг.

Қурбонов бир қарорга келиб, бошини кўтарди:

– Камбағал шоир.

Талабалар кулиб юборишди.

– Кулманглар, болалар, – деб Ўтамурот дарҳол аудиторияни тинчлаттирди. – Қурбонов тўғри айтаяпти. Чинданам Бердақ оддий қора халқ ичидан чиққан шоир. У меҳнаткаш халқнинг ҳаёти ҳақида куйлаган. Шунинг учун ҳам уни адабиётчилар тилида нима дейишади?

– Кам...

Ўтамурот Қурбоновнинг яна «камбағал шоир» дейишга чоғланганини кўриб, жавобини ҳам ўзи тўғрилаб юборди:

– Халқчил шоир дейишади. Тўғри айтдинг.

Бизнинг элга эрта келар баҳор, ёз,
Ғафиллашиб қўнар қўлга ўрдак, роз...

– Энди кейинги икки қаторини айт.

Қурбонов яна иккиланиб қолди.

– Бу баёзни..., – унга ёрдам берди Ўтамурот.

– Бу баёзни ёзди мулла Ажиниёз.

– Зийварнинг¹⁵... Зийварнинг туғилган эллари бордир, – тўртинчи қаторда ўтирган талаба бир амаллаб давом эттирган бўлди.

Бир-икки талаба пиқ этиб қулган бўлди-ю, аммо муаллимнинг унга хайрихоҳ қараб турганини кўриб шу заҳоти жиддий тортишди.

– Бу гал касал бўлиб қолганинг фойда берди, – деди Ўтамурот Қурбоновга. – Агар имтиҳонга кириб, билет олганингда бундан оғирроқ саволлар тушган бўларди. Майли, бугунча сенга «уч» кўямиз. Лекин кейинги имтиҳонларда касал бўлма!

«Имтиҳондан ўтсам бўлди» деб юрган болалар Қурбоновга ҳавас билан қараб қолишди.

Шундан сўнг Ўтамурот янги мавзу бўйича маъруза ўқишга киришди. Маърузаси анча тушунарли, аммо одатдагидан қисқароқ бўлди.

– Ҳали вақтимиз бор-а, болалар? – деб у сотиға қараб олди. – Унда танаффусгача бироз суҳбатлашамиз.

Илгарилари у бундай пайтларда адабий ўқишлар орқали талабаларнинг тилини чархларди. Бу гал бошқача йўл тутди.

– Ҳурматли талабалар, айб кўрмасангиз, мен сизлардан бир нарсани аниқлаб олмоқчи эдим... Ҳўш, орангизда кимларнинг отаси йўқ бўлса, ўрнидан турсин.

Тўққиз нафар талаба ўрнидан турди.

¹⁵ Зийвар – қорақалпоқ мумтоз шоири Ажиниёзнинг тахаллуси.

– Сизларнинг отангиз урушда ҳалок бўлишганми?

Улардан беш-олтитаси тасдиқлаб бош ирғашди.

– Тушунарли, жойингизга ўтиринг. Орангизда онаси йўқлар ҳам борми?

Бу гал бир йигит билан бир қиз ўрнидан туришди.

– Холмуротов, сенинг отанг ҳам, онанг ҳам йўқми?

– Ҳа, – деди у секингина.

– Онанг қачон вафот этган?

– Отам билан бир кунда...

– Бир кунда-я?! – деди Ўтамурот ажабланиб.

– Ўшанда мен тоғамникига меҳмонга кетган эдим, – деди Холмуротов кўзларини ердан узмай. – Ота-онам билан кичкина укам уйда қолишди. Оқшом онам укамнинг совқотиб қолишидан хавотирланиб, кўпроқ олов ёққан бўлса керак. Ярим оқшом ўчоқдаги чўғнинг тафтидан жингил тутаб кетиб, учаласи ҳам уйқусида бўғилиб қолишган...

Ўтамурот Холмуротовнинг олдига бориб, ҳамдардлик билан унинг елкасига қоқиб кўйди.

– Кечирасан, иним, билмасдан ярангни янгилаб кўйдим. Ота-онангнинг яшамаган ёшини ҳам сенга кўшиб берсин.

Ўтамурот жойига қайтиб, портфелини очди-да, ундан кўнғир-кўкиш тусда товланувчи учта сур тери чиқарди. Талабалар бунақа терини илгари фақат институт ректорининг пальтоси ёқасидагина кўришган эди. Бундан чиқди, ўша пальтонинг мўйнаси ҳам маъна шундай мўъжазгина теридан тикилар экап-да

– Буёққа кел... Исминг нима эди?

– Яқипбой.

– Яқипбой иним, ма, манави учта терини ол. Дарсдан кейин Эски шаҳардаги Шомурат исмли телпақдўзнинг олдига борасан. У одам автобус бе-

кати ёнидаги кичкинагина ёғоч уйчада ўтиради. Териларни берсанг, бошингга ўлчаб сенга теллак тикиб беради.

– Муаллим, буни сотиб олиш учун менинг пулим йўқ, – деди Яқипбой довдираб.

– Тўғри, бу терини сотиб олишга менинг ҳам пулим етмайди. Лекин бу – совға!

Ўтамурот чўнтагидан пул чиқариб, сур териларнинг устига қўйди.

– Бу пулни телпақдўзга астарлик ва меҳнат ҳақи учун берсан.

Яқипбой нима қилишини билмай, иккиланиб қолди.

– Олавер, олавер! Бу тери боягина имтиҳон топширган дўстингнинг ҳиммати. Ўзи аудиторияга олиб киришдан уялиб, отасидан бердириб юборибди. Қурбоновнинг отаси мendan: «Ёрдамга муҳтож талабалардан бирига берарсиз», деб илтимос қилди. Болалар, мен ўзимнинг номимдан ҳам, сизларнинг номингиздан ҳам Қурбон чўпонга миннатдорчилик билдираман. Жумағали, отангга бориб айт, отаридаги қўй-қўзиларнинг баракасини берсин.

Аудиторияга пашша учса эшитиладиган жимлик чўқди. Баъзи талабалар Яқипбойни ачиниш билан кузатаётган бўлса, кимлардир унинг олдидаги сур териларга ҳавас билан тикилиб турарди. «Жумағали мақтовлардан керилиб ўтирган бўлса керак», деган ўйда баъзилар унга зимдан қараб қўйишди. Лекин нима учундир Жумағали танаффусга қўнғироқ чалинганча партадан бошини кўтармади.

Ўтамурот талабалар билан хайрлашиб, аудиториядан чиқиши ҳамоноқ эшик олдида ректорнинг котибасига дуч келди.

– Сизни ректор чақиряпти.

Ректорнинг кенг-мўл хонасидаги деворга тақаб қатор териб қўйилган стулларнинг тўрт-бештасини бўш демаса, деярли ҳаммаси банд эди. Деканлар,

уларнинг ўринбосарлари, кафедра мудирлари, хулас, институтнинг помдор профессор-ўқитувчилари шу ерда жам бўлишган эди. Ёшроқ муаллимлардан эса фақатгина Абсамат ва мажлисларнинг баёини ёзиб борадиган Мажит бор эди.

Ўтамурот ректор ва икки қатор тизилишиб ўтирган ўқитувчилар билан ияк қоқиб саломлашди.

– Ўтир! – деди ректор унга совуқ оҳангда.

Ўтамурот бир чеккадаги стулга омонатгина ўтирди. Тинчликмикин, ишқилиб? Ёки бирон-бир совуқ хабар келдимикин? Одамлар урушдан бери бунақа унсиз ўтиришлардан юрак олдириб қўйишган эди.

– Ўқи! – деб буйруқ берди ректор Кенжабойнинг ёнида ўтирган Абсаматга. Ўтамурот нима гаплигини аниқлаш мақсадида дўстига кизиқиш билан каради, бироқ Абсамат унга қис хам бокмай, қўлидаги хатни ўқишга тушди:

«Хурматли ректор!

Сиз бошлиқ профессор-ўқитувчилар жамоаси бизга уч йилдан бери илм-фан сирларини чуқур ўргатиб келишмоқда. Бунинг учун биз сизлардан беҳад миннатдормиз. Бироқ кейинги вақтларда баъзи тамагир муаллимлар ҳалол ошга тушган пашша каби институтнинг шаънига доғ туширишмоқда. Аниқроқ айтганда, қорақалпоқ тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси Мирзамуротов Ўтамурот касал бўлиб қолганлиги сабабли вақтида имтиҳонда қатнашолмаган курсдошимиз Қурбонов Жумағалига баҳо қўйиб бериш учун ундан учта қорақўл терини порага олди. Биз бундай порахўр, устоз деган помга помуносиб одамнинг қўлида таълим олицдан ор қиламиз. Имкони бўлса, Мирзамуротовнинг дарсини бошқа муаллимга олиб беришингизни сўраймиз.

Тил-адабиёт факультетининг
3 курс талабалари».

Абсамат хатни ўқиб бўлиб, уни ректорнинг олдига қўйди. Ҳамма жим бўлиб қолди. Муаллимлар зимдан Ўтамуротга ўқрайиб қараб туришарди.

– Хўш, ўртоқ педагог, – деди ректор Ўтамуротга киноя билан. – Бунга нима дейсиз?

Ўтамурот кулоқларига ишонолмас, нималар юз бераётганини тушунолмай лолу ҳайрон эди. Ахир, у сур терини талабаларга ҳозиргина кўрсатган эди. Бу орада уларнинг шикоят ёзиши-ю, бу шикоят аллақачон ректорнинг қўлига келиб тушишини ақлга сиғдирилмасди. Колаверса, дарс тугагунча биронта талаба аудиториядан ташқарига чиққани ҳам йўқ.

– Кечирасиз, Бекберган оға...

– Сен мендан кечирим сўрама! – деди ректор унинг гапини бўлиб. – Яхшиси, виждонингдан кечирим сўра! Сени устоз деб, авлиёдай эъзозлаб юрган талабалардан кечирим сўра!

Ўтамурот тақдирга тан бергандек, жим бўлиб қолди. Ректор яна бир муддат куйиб-пишиб гапирди.

– Хатнинг қачон ёзилганини билсам бўладими? – деб сўради Ўтамурот журъатсизлик билан.

– Қачон ёзилганининг нима аҳамияти бор? – деди ректор қовоқ уйиб. Сўнг Абсаматга юзланди. – Журнални кўриб юбор-чи, шикоят қачон келган экан?

Абсамат олдида турган журнални варақлашга тушди.

– Кеча келган экан.

– Эшитдингми, кеча келибди! Сен терини қачон олган эдинг?

– Хат тери билан бирга келибди-ку, Бекберган оға! – деди Ўтамурот елка қисиб. – Терини кеча уйга ташлаб кетишган экан.

Профессор-ўқитувчилар орасида шивир-шивир бошланди. Кенжабой муаллим, Қалли ва Омар

учаласи ҳайратини яширолмаи, чуқур тин олишти. Улар хатнинг кеча келганига ёки қорақўл терини Ўтамуротнинг уйига ташлаб кетишганига эмас, балки Ўтамуротнинг тап тортмай бу айбни бўйнига олганига ҳайрон қолишган эди.

– Сен бола нималар деяпсан ўзи! – деб Кенжабой муаллим ўрнидан туриб кетди.

– Ана, Кенжабой оға, – деди ректор жаҳлдан бурун катаклари дириллаб. – Мақтаган шогирдингизнинг аҳволини кўриб қўйинг! Сиз буни фан номзоди қиламан деб қанча югурган эдингиз?

– Кўзимга тик-қара! – деди Кенжабой муаллим Ўтамуротга важоҳат билан тикилиб.

Ўтамурот устози томонга ўтирилди.

– Шу гап ростми?

Ўтамурот маъқуллаб бош ирғади.

– Тфу!.. Аҳмоқ экансан!

Кенжабой муаллим дафъатан бўшашиб, жойига ўтириб қолди.

– Буни судга бериш керак, – дея лўқма ташлади ўртароқда ўтирган профессорлардан бири.

– Тўғри, шундай қилсак, бошқаларга сабоқ бўлади!

– Бу йигит – бизнинг юзимизга чиққан сўғал! Вақтида кесиб ташламасак, илдиз отиб кетиши мумкин.

Хуллас, Абсамат билан Мажитдан бошқа ҳамма оғзига келган гапни қайтармади. Аслида, уларнинг куйиб-пишиши ҳам бежиз эмасди. Ахир, ёшгина йигит қаршингда кўзларини лўқ қилиб, «чинданам, пора олганман, сизларнинг қўлингиздан нима келарди?» дегандек безрайиб турса, бунга қандай чидаш мумкин! Устоз деган номнинг қадри қаерда қолади бунақада?..

Бир муддатдан кейин барчанинг ҳовури босилди.

— Бекберген иним, бу ҳали ёш мутахассис, — деди Кенжабой муаллим. — Биринчи марта уни кечириб, айбини ювиши учун имконият бериб кўрайлик.

— Бу йигит имкониятга ўрин қолдиргани йўқ!

— Ўтамурот, сен ўсиб келаётган ёш олимсан, — деди Кенжабой муаллим шогирдига юзланиб. — Сендан умидимиз катта эди. Ўзингнинг томирингга ўзинг болта урма. Халиям кеч эмас, терини олган одамингга қайтариб олиб бориб бер.

— Бундай қилолмайман.

— Нима дединг?!

— Иложим йўқ, оға! Мени кечиринг.

— Ҳой, нодон, отангни қамари тери ўлдирган-миди?¹⁶

Ўтамурот гап-сўзсиз ўрнидан турди-да, Мажитнинг ёнига бориб ўтирди.

— Мажит, менга бир варақ қоғоз бер!

Ўтамурот Мажит узатган қоғозга ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиб, уни ректорнинг олдига қўйди.

— Институтдан кетаман!

Бунақа бўлишини ҳеч ким қутмаган эди. Дафъатан Кенжабой муаллимнинг ҳам, ректорнинг ҳам тили калимага келмай қолди.

— Тўхта, Мирзамуротов! — деди ректор у эшикнинг тутқичига қўл узатганида. — Бу билан жиноятингни хаспўшлолмайсан! Кенжабой оға, сизга маъмурият номидан топшираман, Қурбоновни чақириб, бу йигит ундан пора олгани ҳақида тушунтириш хати ёздириб олинг. Кейин уни ариза билан бирга прокуратурага топширамыз.

Ректорнинг бундай кескин қарори бошқаларга каттиқ таъсир қилди. Лекин Ўтамурот ортига бу-

¹⁶ Қорақалпоқ мақоли, «Отанг сур тери дардида ўлиб кетганмиди?» деган кесатик маънони англатади.

рилиб ҳам қарамади. Ректор гапани тугатгунича эшик олдида кутиб турди-да, сўнг аста ташқарига чиқиб кетди.

Ўтамурот бир муддат прокуратурадан чакирув қоғози келишини кутиб юрди. Лекин ҳеч ким уни безовта қилмади. Орадан уч ҳафта ўтгач, Кенжабой муаллим Ўтамуротнинг янги иш жойига қўнғироқ қилиб, бирров кафедрага келиб кетишини илтимос қилди.

Ўтамурот эшикни қия очди-ю, Кенжабой муаллимнинг ҳузурида нотаниш бир одам ўтирганини кўриб, дарҳол қайтариб ёпди.

– Кел, Ўтамурот, киравер! – деди унга кўзи тушиб қолган Кенжабой муаллим.

Ўтамурот Кенжабой муаллим ва унинг қабулида ўтирган ёши олтмишлардан ошган, барваста қоматли, шопмўйлов киши билан саломлашди.

– Ўтир, – деб Кенжабой муаллим унга нотаниш кишига қарама-қарши томондан жой кўрсатди. Сўнг столининг ўнг тортмасидан яп-янги сур телнакни олиб, бояги кишининг олдига қўйди.

– Телпагингизни олиб кетинг!

Нотаниш киши дафъатан шошиб қолди. Ўтамурот бу одам Жумағалининг отаси Қурбон чўпон эканлигини пайқади.

– Бу нима қилганингиз, дўстим? Бор гапни яширмасдан айтиб беринг, деганингизга айтдим. Лекин мен қўлимдан чикқан нарсани қайтиб олмайман.

– Олинг, Қурбон жўра. Тенгдош эканмиз, аччиқ устида дилингизни оғритиб қўйишни истамайман.

– Йўқ, олмайман. Бу – совға...

– Унда ўғлингизни ўқишдан ҳайдатаман!

Чорасиз аҳволда қолган Қурбон чўпон беихтиёр мадад кутгандек Ўтамуротга жавдиради.

– Бу кишиниям тўғри тушунинг, Кенжабой оға, – деди Ўтамурот. – Телпакнинг пулини мен тўлайман. Ана шунда бу нарса пора ўрнига ўтмайди.

– Сен аралашмай тур. Бу – сенинг талабангни телпаги эмас. Бу ишнинг бошида турган ҳамкасбингни телпаги, билдингми?!

– Ўтамурот деганлари сенмисан, айланайин! – дея Қурбон чўпон шартта ўрнидан туриб Ўтамуротнинг қўлини олди. – Мени кечир, иним, билмасдан аҳмоқлик қилиб қўйдим. «Ўзига берма, бошинг балога қолади» дейишганига келиннинг қўлига тутқазиб, жўнаб қолган эдим. Бунақа бўлишини қаёқдан билибман? Шунинг касрига бинойидек ишнингчи ҳам ташлаб кетибсан. Мен ўғлимни институтдан олиб кетишгаям розиман, лекин сен ўзингнинг ишингга қайт. Кенжабой, дўстим! Қайтариб олинг бу йипитни! Бировга зиёним тегишини хохламайман.

– Буёғи институтнинг ички иши. Бу масалани ўзимиз ҳал қиламиз. Манави телпакни оласизми-йўқми?

– Олмасликнинг сира иложи йўқми?

– Иложи йўқ.

– Майли, майли! Дехқон донидан ушр беради, чўпон молидан уср¹⁷ беради... Меники беминнат нарса эди. Шундоғам йилда ўн-ўн беш қўзини тулки еб кетади. Одамнинг бир тулкичалик кадри йўқми?

– Яхши боринг, Қурбон дўстим.

Қурбон чўпон ноилож сур телпакни қўлтиқлаганча хонадан чиқди.

Кенжабой муаллим столининг тортмасидан икки варақ қоғоз олиб, Ўтамуротнинг олдига қўйди.

– Ўқиб чиқ!

¹⁷ Уср – закот.

Бу ўша, ўзи сўнги бор маъруза ўқиган талабаларнинг ректор номига ёзган хати экан. Ўтамурот хатни икки марта диққат билан ўқиб чиқди. Айрим сатрлари ёдида муҳрланиб қолди.

«Муаллим сур терини порага олганида, уни дарсга кўтариб келармиди? Курсдошимиз Яқинбойнинг доим ўзини биздан четга олиб, ўйга толиб юришини билардик. Лекин унинг ота-онасидан эрта ажралиб, етим бўлиб қолганидан беҳабар эдик.

Ўтамурот муаллим Жумағалини ҳам уялтирмади. Ёрдамга муҳтож курсдошлари учун саховат кўрсатмоқчи экан деб уни ҳам хижолатдан қутқарди. Тушунган одамга шунинг ўзи яхшигина сабоқ бўлади деб ўйлаймиз. Муаллимнинг етим йигитдан терини қайтариб олгандан кўра, ўзи ишдан кетишга қарор қилгани улкан инсоний фазилат эмасми?

Хурматли ректор! Ўтамурот офани ишга қайтариб олишингизни сўраймиз! Бу илтимосимиз инobatга олинмаган тақдирда ҳам дарсдан бўш пайтларимизда у кишидан сабоқ олишда давом этаверамиз. Бироқ бу ҳол талабалар ўртасида институтимиз педагогик жамоаси ҳақида ногўфри фикрлар пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин.»

Хат анчагина узун эди. Унинг тагига йигирма етти нафар талаба имзо чекиб, ҳатто, паспорт рақамларигача ёзиб қўйишган.

— Сенингча, ўша ишни ким қилган бўлиши мумкин? — деди Кенжабой муаллим Ўтамуротга синовчан тикилиб.

— Қайдам, — деди Ўтамурот ҳам елкасини қисиб.

— Сен яқиндагина шаҳарга кўчиб келгансан. Уйингни мен билмайман, Қалли билмайди, ёки Омар билмайди. Хўш, бошқа ким билиши мумкин?

— Билмайман...

– Биласан! Лекин сенинг мана шу окқўнгиллигинг ўзингга зарар қилади. Шуни эсингдан чиқарма, иним. Хўш, уйингга биринчи бўлиб муборакбод этиш учун борган одам ким? Оилангни кўчириб келганингда ким юкларингни туширишга ёрдам берди? Сен яширганинг билан мен ҳаммасини биламан. Айби фош бўлгани учун у бояги телпакни ўз қўли билан олиб келиб берди. Эндиям мендан яширасанми?!

– Ўзингиз билар экансиз-ку, оға. Мендан сўраб нима қиласиз?

– Лекин у сенга ўхшаган ориятчи эмас экан. Қилмиши учун кечирим сўради-ю, лекин институтни ташлаб кетмади. Талабаларнинг номидан тухмат хатни ҳам ўша ёзган экан. Номзодлик ишингни икки йил ортга сурган номард ҳам ўша бўлса керак!

– Ўтган ишга саловат, Кенжабой оға.

– Эй, сенга гапирган мен аҳмоқ, – дея Кенжабой муаллим қўл силтади. – Хўш, манави хатга нима дейсан? Институтга қайтиб келасанми?

– У ернинг шароитлари анча менбоп экан, устоз. Илмий ишларим билан шуғулланишим учун ҳам имконият бор. Балки докторлик ишимни ўша ерда давом эттирарман.

– Талабаларга нима дейсан? Йигирма етти нафар талабанинг илтимоси ўйинчоқми сенга! Ректорнинг хатга ёзган кўрсатмасини қара, «кечирим сўраб, чақириб олинсин», дейилган.

– Мени тўғри тушунинг, Кенжабой оға. Кеча ишдан кетиб, бугун яна қайтиб келсам, уят бўлар.

– Унда бошқача йўл тутамиз, – деди Кенжабой муаллим. – Янги ишхонангда эртадан-кечгача қадалиб ўтиришинг шарт эмас. Бунинг устига, у ерда илмий ишлар учун ҳафтасига бир кун дам олиш беришади, тўғрими?

Ўтамурот тасдиқ маъносида бош ирғади.

— Ана шу кунларда арзанда талабаларингни ўқитаверасан. Биратула қайтиб келмасанг ҳам институтдан бутунлай этак силкиб кетишинг ҳам инсофдан эмас. Келишдикми?

— Ўйлаб кўрай-чи.

— Нимасини ўйлаб кўрасан? Мен ректорга бугуноқ аниқ жавоб беришим керак.

— Маъкул, оға. Дарс ўтиш учун келаман.

— Мапа бу бошқа гап.

Шундай қилиб, Ўтамурот Тарих ва тил-адабиёт институтида ишлаш баробарида Педагогика институтида ҳам соатбай асосида маъруза ўқий бошлади.

Шунча можаролардан кейин ҳам у дўстидан гумон қилишни истмаганди. Кенжабой муаллим бу сирдан хабар топган бўлса-да, аммо у ҳам ўша суҳбат чоғида Абсаматнинг номини очик-ойдин тилга олмаган эди. Лекин Ўтамурот шу чокқача Эрназарнинг номидан ёзилган хатнинг муаллифи ҳам Абсамат эканига ишонгиси келмаганди. Кенжабой муаллимнинг бу ҳақдаги шамасига ҳам айтарли ахамият бермаганди. Орадан шунча йиллар ўтиб кетгач, Эрназар ўз оғзи билан шунга иқроп бўлди. Унинг гапига ишонмасликнинг иложи йўқ. Чунки ўлим тўшагида ётган одамнинг олдида ёлғон гапириш Эрназарнинг қўлидан келмайди. Ўтамурот унинг феълини яхши билади.

16

Кенжабой муаллимнинг бу масалани қандай ҳал қилгани Ўтамурот учун сирлигича қолди. Ҳар қалай, Абсамат бу қилигидан унчалик ҳам жабр кўрмаганлиги аниқ эди. Абсамат ҳар гал у билан учрашганида ўзини қўй оғзидан чўп олмагандек қилиб кўрсатарди. Тўғри, у гоҳида ўша кўнгилсиз воқеа тўғрисида гап очиб, ўзича Ўтамуротга тасал-

ли бермоқчи бўларди-ю, бироқ у рўйихушлик билдирмагач, гапни қисқа қиларди. Шунга қараганда, Кенжабой муаллим ими-жимиди Абсаматнинг таъзирини бериб, бу ишни тинчитиб юборган бўлса керак.

Бир куни Абсамат Ўтамуротнинг янги ишхонасига кириб келди. Иккаласи салом-алик қилишгач, бир муддат орада ўнғайсиз жимлик ҳукм сурди.

– Сен институтдан кетиб тўғри қилдинг, – деди ниҳоят, Абсамат тилга кириб. – Бу қарорингдан сўнг улар бирдан шошиб қолишди.

Ўтамурот унга кўз қири билан қараб қўйди-ю, ҳеч нарса демади.

– Негаки, улар бунақа йўл тутишингни хаёлларигаям келтиришмаган эди, – деб гапида давом этди Абсамат. – Сенинг шаҳарга яқинда қўчиб келганингни ҳамма биларди, овулга қайтиб кетолмаслигингни ҳам сезиб туришган эди. Шунинг учун улар сенинг тиз чўкиб, кечирим сўрашингни кутишган эди. Тасаввур қилаяпсанми, кечирим сўраганинга нима бўларди?

– Нима бўларди?

– Улар сени жиловлаб, елканга миниб олишарди.

– Бу билан нимага эришарди?

– Шуниям билмайсанми?! Улар аудиторияларда соатлаб маъруза ўқишлардан безор бўлишган! Соатлаб, кунлаб кутубхонада ўтириш уларга ёқмайди. Кечирим сўраганинга уларнинг ўрнида сен кутубхонада ўтирардинг, маърузаларини ҳам сен ўқирдинг. Бироқ амалда ҳаммаси уларнинг номига ёзиларди!

– Мен бунақа деб ўйламайман.

– Сенинг бунақа ўйламаслигингни ҳам биламан! Чунки сен ҳаммани ўзингдай кўрасан. Сен тўрт-беш йиллаб диссертациянгнинг ордидан югуриб

юрганинга мен уларнинг психологиясини ўрганганман...

– Қўй, Абсамат, бу мавзуда бошқа гаплашмайлик.

– Хавотирланма, бу гаплар иккимизнинг ора-мизда қолади. Мен шунча йил бирга ўқиб, бирга ишлаган дўстимни сотмайман. Ўшанда улар сендан кафтдайгина сур терини кизғонишгани йўқ. Ўзларидан кўрқишди! Минг йиллик сирлари очилиб қолишини ўйлаб сесканиб кетишди.

– Умуман, сен «улар» деганда кимни назарда тутаяпсан?

– Кимни бўларди?.. Бу масалада Кенжабой оға ҳам, ректор ҳам фаришта эмас.

– Кенжабой оға ҳақида бундай гапларни гапирсанг, уят бўлади! У икковимизни институтда олиб қолиб, илм ўргатди.

– Мени у олиб қолгани йўқ.

– Ие, унда ким олиб қолди?

– Бошқа бир киши... Кенжабой муаллимнинг ўзига қолганида, менинг ўрнимга Эрназарни қанотига олган бўларди.

– Эрназарнинг институтни битиргач, овулига кетиши аввалдан маълум эди. Шундай бўлгач, уни қанақасига институтда олиб қолиши мумкин?

– Бир амаллаб кўндирарди. Менга эса ноиложликдан розилик берган. Ҳа, майли, ўтган гапларни кўзгашдан фойда йўқ, – дея Абсамат ўрнидан туриб дераза томонга юрди. – Мен бошқа бир масалада кенгашиш учун олдинга келган эдим. Сенинг дўстона маслаҳатинга муҳтожман...

– Аввал гапир-чи.

– Бу срадаги шароитлар қанақа?

– Қайси маънода?

– Ишлаш учун, дейман-да!

– Ёмон эмас. Энг асосийси, илм билан шуғулланиш мумкин. Кутубхонадан ташқари, анча-мунча кўлёмалар ҳам бор. Уларнинг кўпчилиги хали ўрганилмаган. Илмий жиҳатдан тадқиқ қилинмаган.

Абсамат хона бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юрди.

– Ўша воқеадан кейин ректор ҳам, Кенжабой оға ҳам, Омар оға ҳам ёшлардан ҳадиксираб қолишди. Бу нарса менга ёқмаяпти. Шунинг учун мен ҳам шу ерга ишга ўтсаммикин деб ўйлаб қолдим. Лекин яқин бир танишим, «у институтнинг келажаги йўқ», деяпти.

– Ким шунақа деди?

– Ҳа, энди биттаси-да.

– Бу гапни қаердан олибди?

– У менга буни оддийгина бир мисол билан тушунтирди. Яйдок ерда шаҳар тиклашга тўғри келса, дастлаб ўша ерда янги қурилиш трести, унинг шохобчалари ташкил қилинади. Орадан беш-ўн йил ўтгач, шаҳар қуриб битказилади. Ана ундан кейин бояги қурилиш трестининг ҳеч кимга кераги бўлмай қолади. Оқибатда у тугатилади. Сен ишлаётган институтнинг ҳам тақдири шунга ўхшайди. Сен тўплаган халқ оғзаки ижоди намуналари, сендан олдин йиғилган фольклор, эртак ва дostonлар ҳам эрта бир кун илмий жиҳатдан ўрганиб бўлинади. Ҳаммаси бир тизимга солинади. Дарсликларга ҳам киритилади. Ана ундан кейин бу институтга ҳам ҳожат қолмайди.

Ўтамурут иягига муштини тираганча бир муддат ўйланиб қолди.

– Мен бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканман, – деди у ниҳоят.

– Боя айтдим-ку, сен бирёқлама фикрлайсан, – деди Абсамат жонланиб. – Фақат илм, илм дейсан... Буёқда ҳаёт деган тушунча ҳам бор!

Абсамат унга бироз вақт савол назари билан тикилиб турди.

– Энди нима қилмоқчисан? – деб сўради у Ўтамуротдан садо чиқавермагач.

– Билмадим. Ҳозирча шу ерда ишлаб турай-чи. Абсамат ички чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб, Ўтамуротнинг олдига қўйди.

– Шуни ўқиб кўр.

Ўтамурот қоғозни ўқиди. Унда номзодлик ишига мўлжалланган иккита мавзунинг қисқача мазмуни битилган эди.

– Диссертация бошламоқчимисан? – деб сўради Ўтамурот қоғоздан бош кўтариб.

– Ўзимга қолса, бунинг кераги йўқ эди, – деди Абсамат кошларининг орасини кўрсаткич бармоғи билан уқалаб. – Уч-тўрт кун бурун Кенжабой оға кафедрага чақириб, шуни қўлимга тутқазди. «Шу икки мавзудан бири ҳақида ўйлаб кўр. Қайси бирига тишим ўтади десанг, тасдиқлатиб бераман», деди.

– Сен қайси бирини танладинг?

– Ҳозирча ҳеч бирини танлаганим йўқ. Лекин йўқ дейишга ҳам қўрқиб турибман. Илмий даража олмасам, кейинги келган ёшлар елкамга оёғини қўйиб ўтиб кетишади. Кенжабой оға менга қайишмаслиги аниқ, сен ёнимда бўлганингда бошқа гап эди.

Ўтамурот нима дейишгаям ҳайрон эди. Абсамат ҳам қистовга олиб ўтирмади. Афтидан, у ҳам Ўтамуротдан ўзига ёқадиган жавоб эшитишига унчалик ишонмасди.

– Бу ҳақда қобирғанга яхшилаб ўйлаб кўрарсан, дўстим, – деди Ўтамурот бироздан сўнг.

– Қобирғам сенсан! – деди Абсамат қатъий оҳангда.

— Юр, ташқарига чиқайлик, — деди Ўтамурот стулнинг суянчигига илинган камзулини қўлига олиб. — Ҳар қирқ беш дақиқада тоза ҳавога чиқиб келадиган одатим бор.

— Бу ер аудитория эмас-ку, — деб кулди Абсамат.

— Шунга одатланиб қолганман...

— Менга қара, Ўтамурот, мен ҳали сенга асосий гапни айтмадим.

— Хўш?

Абсамат столни айланиб ўтиб, дераза томонга икки-уч қадам ташлади.

— Кеча бир ёши улуг одам менга маслаҳат берди. Унинг айтишича, ҳаммаям диссертациясини ўзи ёзавермас экан. Ёзгани билан унча-мунчаси ўтказолмасмиш. «Яхшиси, сен ўша мавзулардан бирини ўзингиз эплаштириб беринг, деб Кенжабой оғанинг ўзидан илтимос қилиб кўр», деди ўша одам. Ўйлаб қарасам, бу ганда ҳам жон бор экан. Устоз рози бўлса, хизмат-пизматидан қочип йўқ. Бунақа мавзулардаги диссертацияларни унинг ўзи аллақачон тайёр қилиб қўйган бўлишиям мумкин... Лекин мен Кенжабой оғага бу гапни айтишга ботинолмадим. Балки сен ёрдам берарсан? Сени ҳам қуруқ қўймайман.

Асл муддаосини ошкор қилган Абсамат киприк қоқмасдан унга савол назари билан тикилиб турарди. Ўтамурот шу чоққача ҳаётда бунақа кўзбўямачиликлар ҳам бўлиши мумкинлигини сира ҳаёлига келтирмаган эди. Беихтиёр ғазабдан вужудди титраб кетди. Лекин ўзини босди. Бир пайтлар бир партада ўтириб, бир хонада бирга ётиб юрган дўсти билан орани очиқ қилишни истамасди.

— Юр, ташқарига чиқаколайлик, — дея Абсаматнинг қўлтиғидан олиб, уни эшикка бошлади.

Иккаласи зинадан пастга тушиб, ховлига чиқишди. Ўтамурот тамаки тутатди. У яқиндан бошлаб чекишга одатланганди. Аниқроғи, ўша қорақўл тери можароси юз берган куни институт ховлисидан чиқаверишдаги газета дўконидан илк бор тамаки сотиб олганди. Қийнала-қийнала зўрға ўрганди.

– Кетмоқчимисан? – деб сўради у қўлидаги тамакининг ярмини чекиб бўлгач Абсаматдан.

– Кет, десанг кетаман.

– Йўғ-ей, унақа деганим йўқ. Бироқ айтадиган гапларингни айтиб бўлдингми?

– Мен-ку гапларимни айтиб бўлдим, энди сенинг жавобингни эшитиш қолди.

Ўтамурот ерга тупуриб, устига тамаки қолдиғини ташлади. Одатда, бунақа қилмасди, чекиб бўлинган тамаки қолдиғини ахлат челаққа олиб бориб ташларди. Бу гал бунга тоқати етмади.

– Жавобини Кенжабой оғага айтарман, – деб Ўтамурот тез-тез юриб ичкарига кириб кетди.

Абсамат нима қилишини билмай, серрайиб туриб қолди. Дафъатан аччиқ-куруқ гаплар билан Ўтамуротдан аламини олмоқчи бўлди, лекин бунга журъати етмади. Сири ошкор бўлиб қолишидан қўрқди. Ҳозирча ҳақиқатпарвар ошнасининг газабини кўзгатмагани маъқул. Энди унинг ёрдамидан умид қилмаса ҳам бўлади. Ўтамурот ҳеч қачон «жавобини Кенжабой оғага айтмаслиги» кундай равшан. Унинг ана шундай хаёлга борганини Ўтамурот ҳам сезган эди.

Хуллас, ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғича қолди. Ўтамурот «бировларнинг диссертациясини бошқалар ёзиб беради» деган гапни бошқа одамдан эшитмади.

Ўтамурот илмий тадқиқот институтига ишга ўтганидан кейин ҳам таъна-маломатлардан қутулолмади. Қайтанга унга тухмат тошларини отаётганларнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшилди. Шу чокқача орқаворатдан у ҳақда тўқиб-бичилган асоссиз миш-мишлар, исботсиз юмалоқ хатлар эндиликда «илмий таҳлил» ниқоби остида матбуотда ҳам пайдо бўла бошлади.

Ўтамуротнинг докторлик илмий иши мавзуси бўйича ёзаётган монографиясининг бир неча бобларини газета-журналларда чоп эттирган эди. Лекин уларнинг баъзилари эътирофдан ҳам кўра, қаттиқ қаршиликларга дучор бўлди. Ўзиям шоввозлар Ўтамурот қаламга олган ҳар бир мавзу, ҳатто, ҳар бир фикрдан сиёсий маънолар топишиб, обдан унинг пўстагини қоқишарди. Пировардида эса бу мақолалардан каттагина синфий хавф-хатарнинг хиди келиб тургани ҳақида жар солиб, жамоатчиликни чўчитишга уринишарди.

Ана шундай кунлардан бирида институт директори Назар Турдишев уни хузурига чақиртирди.

– Илмий ишинг ҳақида билдирилаётган фикрларни ўқиб бораяпсанми? – деб сўради у саломалиқдан сўнг.

Ўтамурот «ҳа» дегандек бош ирғади.

– Нима учун ўзинг бу гапларга муносабат билдирмаяпсан?

– Назар оға, мен болалик пайтларимда бўян ўримида кўп бўлганман, – дея Ўтамурот гапни узокдан бошлади. – Ўшанда эрталабки «шудринг қуригандан кейин тўзғиб қолган ариларнинг битта-яримтаси учиб келиб бўйнимга, қовоғимга нишини суқиб қоларди. Ари чакқан жойга озгина лой суртиб қўйсам, дарров шиши қайтарди. Лекин бир

гал уларни уяси билан қўшиб ўриб олиб, қочишга тушдим. Ини бузилганидан дарғазаб бўлган арилар галаси шу заҳоти орқамдан қувиб етиб, мени юмма талаб ташлади. Юз-қўлларим моматалок бўлиб кетди. Ўша воқеадан сўнг, «битта-яримта арининг чакқанига чидаб, уларнинг уясига чўп сукмаслик керак экан», деган хулосага келгандим.

– Тушунарли, – деди директор ўйчан қиёфада. – Балки сенинг билганинг ҳам тўғридир, иним. Лекин шуни ҳам унутмагинки, томчи ҳадеб бир жойга томаверса, тошни тешади. Нажим оғанинг ҳам бошига ана шундай хасадгўйлар стишган эди.

– Биз ҳали Нажим домла амалга оширган ишларнинг юздан бирини ҳам қилолганимиз йўқ-ку, оға.

– Вақти-соати келса, қиласан ҳам. Ўша кимсалар бекорга жонланиб қолишгани йўқ, улар иккинчи Нажимнинг чиқиб қолишдан чўчишяпти.

– Ишончингиз учун раҳмат, оға.

– Сен ҳам ўзингни ҳимоя қилишни ўрган. Сиёсий ва илмий иммунитетинг кучли бўлсин.

Назар Турдишев бағрикенг, нозиктаб инсон, тегран билимга эга олим ва тажрибали раҳбар сифатида ном қозонган эди. Илмий кешгаш йиғилишларида ҳам кенг қамровли тарзда фикр юритар, майдачуйда мавзулар устида бўлиб ўтадиган баҳсларга умуман аралашмас, доим жиддий масалалар ҳақида бош қотириб, бошқаларни ҳам шунга ундарди. У ҳеч кимни очиқ-ошкора мақтамас, бирон кишига кўнглига оғир ботадиган даражада қаттиқ ҳам гапирмас эди. Шу боис унинг кимни яхши кўриши-ю, кимни сўймаслигини билиш қийин эди. Аммо у бугун одатига хилоф тарзда Ўтамуротга бўлган муносабатини ошкор қилди. «Улар иккинчи Нажим етишиб чиқишдан кўрқишяпти...» Назар оға бу гапни каттароқ анжуманларда айтганида,

пана-пастқамда Ўтамуротга тиш қайраб юрган ғаламислар хушидан кетиб қолишлари ҳам ҳеч гап эмасди. Бироқ ана шундан кейин унга нисбатан ҳақиқий «тошбўрон» бошланарди. Директор ҳам буни яхши сезиб турарди. Лекин Ўтамурот унинг гапларидан талтайиб кетмади. Бу мақтовни ичига сиғдира билди. Директор айтганидай, «сиёсий ва илмий иммунитет» ҳосил қилди-ю, аммо ғанимларига қарши очикдан-очик хужумга ўтмади. Назар Турдишевга ҳам ана шу хусусияти маъқул келган бўлса керак, орадан бир ҳафта ўтгач, уни Илмий кенгаш котиби этиб тайинлади.

Тез орада газеталарда шаҳар партия комитетининг масъул ходими Виктор Ефимов имзоси билан «Адабиёт ниқобини кийган тесқари сиёсат» сарлавҳали каттагина мақола чоп этилди. Мақола Ўтамурот тўплаган фольклор намуналаридан тортиб, у ёқлаган номзодлик иши ва ҳали ниҳоясига етмаган докторлик диссертациясининг матбуотда эълон қилинган боблари талқинига бағишланган эди.

Ефимов мақола аввалида илм-фан соҳасида Ўтамурот каби саводли олимлар етишиб келаётгани айтилиб, муқаддимасида эканлигини тил учидан таъкидлаб ўтган. Бироқ атиги олти қаторни ташкил қилувчи бундай или-милиқ гаплардан сўнг унинг илмий изланишларини астар-аврасини ағдариб танқид қилишга тушиб кетган. Узундан-узоқ давом этган чучмал мулоҳазалар якунида ёш олим очикдан-очик жамият учун ўта хавфли бўлган сиёсий муҳолифга чиқариб қўйилган эди.

Тез орада шаҳар партия комитетидан институт директори номига хат келиб тушди. Унда институт бошланғич партия ташкилотида ушбу мақолани зудлик билан ўрганиб чиқиб, Ўтамурот Мирзамуротовнинг илмий фаолиятига сиёсий баҳо бериш

талаб қилинган эди. Назар Турдишев эса уларга, «Мирзамуротов – партия аъзоси эмас. Шунинг учун унинг масаласини бошланғич партия ташкило-тида кўриб чиқишга ҳаққимиз йўқ» дея қисқагина жавоб йўллаш билан чекланди.

Жавоб хати юзасидан юқоридан ҳеч қандай кўнғироқ бўлмади, лекин орадан бир ҳафта ўтгач, Ўтамурот билан Назар Турдишевни шаҳар партия комитети бюроси йиғилишига чақиришди. Йиғилишга Педагогика институтидан Кенжабой муаллимни ҳам таклиф этишган экан. Мажлисни бошқариб борган Иванов қисқагина кириш сўзидан сўнг Виктор Ефимовга сўз берди. У эса газетда чоп этилган мақоласидаги вазжларни деярли қайта ўқиб берди:

«...Мирзамуротов кейинги ишларидан бири-да «Эдигей» достонини тилга олиб ўтади. Унинг тақиқланган асар эканлигини била туриб, яна бир бор ўқувчиларнинг ёдига солиб кўйгиси келади. Ҳеч қандай тарихий асосга эга бўлмаган, ғаламислар томонидан тўқиб чиқарилган ушбу достон қаҳрамони гўёки ўзининг беш-олти юз чоғли отлик аскарни билан жонажон ватанимизнинг юраги бўлмиш Москва шаҳрига ҳужум бошлайди. Муаллиф бу билан, «биз кам сонли халқ бўлганимиз билан, чин дилдан ҳаракат қилсак, Москвани ҳам енгишимиз мумкин» деган чиркин ғояни илгари сурмоқчи бўлганини англаш қийин эмас. Биз унинг турли йиғинларда, «Мўйноқни қўлга киритсак, Москва ўз-ўзидан таслим бўлади» деган эски лати-фани бот-бот тилга олиб туришидан ҳам хабардор-миз. Шу тариқа у ўзининг ғаразли мақсадларини қалампирни ҳамирга ўрагандай қилиб, пинҳона тарзда халқ орасида ёйиб келаяпти».

«... Мирзамуротов ўзининг дастлабки фольклор тўпламида қадимги кўшиқнинг:

Улуғ мартабали Қўнғирот хони,
Сенга фидо бўлсин барчанинг жони», —

деган сатрларини ҳаддан ташқари бўрттириб таърифлайди. Ана шу сатрларни дастак қилиб олиб, «Қорақалпоқ — жуда маданиятли халқ, у қадимда ҳам тағдор қилиб сўзлашга уста бўлган», дея даъво қилади. Аслида, қорақалпоқ халқи эмас, унинг ўзи тағдор қилиб гапиришга уста. Муаллиф юқоридаги сатрлар орқали: «биз ҳам ўзимизнинг хонлигимизни тузишимиз керак» деган мақсадни илгари сурапти. Бу эса Совет ҳукуматини ич-ичидан емиришга бўлган уринишдан ўзга нарса эмас!»

«... Мирзамуротов яна бир мақоласида Ажиниёз ҳақида тўхталиб, «у мадрасани битирган, теран билимга эга шоир эди», деган гапларни ёзади. Ахир, мадрасада теран билим берилмайди, теран билим институтда берилади! Мулла билан чуқур билимли олимнинг фарқига бормайдиган кимсанинг шундай обрўли институтда ишлаб юришига қандай чидаш мумкин?!»

Ефимов қўлидаги қоғоздан бош кўтариб, мажлис иштирокчиларига кўз югуртирди:

— Ўртоқ Мирзамуротов... Кечирасизлар, Мирзамуротов менга ўртоқ эмас! Хуллас, бу одамнинг адабиётни ниқоб қилиб кийиб олган сиёсий душман эканлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди!

Маърузада бундан ҳам оғирроқ, кескинроқ гаплар тилга олинди. Барча унинг сўзларини жимгина эшитди.

— Энди бу масалада сизларнинг ҳам фикрингизни эшитайлик, — деди мажлис бошқарувчиси хонада ўтирганларга юзланиб.

Ҳадеганда улардан садо чиқавермади.

— Мен ҳам бир-икки оғиз гапирмоқчи эдим, — деди Жақсимов деган маҳкама ходими ўрнидан

туриб. – Албатта, мен Кенжабой оға каби илм одами эмасман. Лекин хозиргина Ефимов билдирган фикрлардан сўнг Мирзамуротовдай чаласавод, ундап ҳам ёмони, фикри бузуқ кимса билан бир юртда туғилганимдан қаттиқ афсусланиб кетдим. Хали бизнинг халқимизнинг саводи ҳаминқадар, сиёсий онги паст эканлигини тан олмасдан иложимиз йўқ. Хушёрроқ бўлмасак, улар хар қандай фикри бузуқ одамларнинг орқасидан эргашиб кетиши мумкин. Бундай бузғунчиликни вақтида сезиб қолган эканмиз, энди тезроқ унинг олдини олишга ҳаракат қилишимиз керак. Биринчи навбатда мана бу олимни... э, бу кимсани аудиторияга киритмаслик керак! Чунки у ўзининг бузуқ ғоялари билан ёшларнинг онгини заҳарлаши мумкин.

Жаксимов жойига ўтирди. Шундан сўнг Қалимбетов қад ростлади.

– Мен Виктор Ефимовичдан кечирим сўрамоқчиман, – дея гап бошади у. – Чунки бизнинг ўзимиз бу хавфни олдиндан кўра билишимиз, ўша ғоявий зарарли мақолаларнинг чоп этилиши олдини олишимиз керак эди. Сиёсий хушёрлигимиз қаерда қолди, ўртоқлар?.. Лекин ҳалиям кеч эмас. Хозирча унинг фикрларини зиёлилардан бошқа ҳеч ким ўқигани йўқ...

– Хали сизларда зиёлилар қатлами шаклланмаган, – дея луқма ташлади Ефимов.

– Тўғри, эндигина пайдо бўлаяпти...

– Пайдо бўлгани йўқ!

Қалимбетов нима дейишни билмай, ночор жилмайганча жойига ўтирди.

– Мен институт директорининг муносабатини тушунмадим, – деди мажлисни олиб бораётган Иванов. – Биз бу масалани институт бошланғич партия ташкилотида кўриб чиқишни тавсия қилган

эдик, лекин у киши икки оғизгина жавоб юбориш билан чекланибди.

У Турдишевнинг хатини ўқиб эшиттирди.

– Аслида ҳам шундай! – деди Турдишев.

– Ўрнингиздан туриб гапиринг!

Турдишев ўрнидан турди.

– Менинг ўртоқ Ефимовга бир саволим бор эди.

– Биз сиздан савол кутаётганимиз йўқ, – дея Иванов уни жеркиб берди. – Нега хатни бунақа мазмунда ёзганингизни тушунтириб беринг.

– Шунинг учун савол беришимга тўғри келади.

– Майли, саволини бераверсин, – деди Ефимов хотиржам қиёфада.

– Сиз қорақалпоқ тилини биласизми?

– Бунинг нима аҳамияти бор? – деди Ефимов ажабланган қиёфада елка қисиб.

– «Эдигей»ни ўқиганмисиз? Ёки «Алпомиш»ни биласизми? Умуман, қорақалпоқ фольклоридан хабарингиз борми?

– Мен сизни тушунолмадим, – деди Ефимов ҳам қаддини тиклаб. – Нима, Мирзамуротовнинг сиёсий қарашларига баҳо бериш учун қорақалпоқ фольклорини бошдан-оёқ ўқиб чиқишим шарт эканми?

– Ўқиб чиқишингиз шарт, ўртоқ Ефимов! Лекин сиз қорақалпоқ фольклорини ўқиб, унга баҳо бериш у ёқда турсин, бизнинг тилимизда бир оғиз гапиришнинг билмайсиз. Шундай экан, ким сизга бу мақолани ёзиб берди? Ким бу масалани сизга хижжалаб тушунтирди?! Сиз партия хизматидаги одамсиз, лекин прокурор эмассиз!

– Партияга тил текизманг! – деди Иванов столни мушглаб.

– Мен бу ерда партия ҳақида эмас, яқка шахс ҳақида гапираяпман, – деди Назар Турдишев ҳам бўш келмай. – Ўртоқ Ефимов, сиз бу ишингиз би-

лан ўсиб келаётган илмнинг илдизига болта уряп-сиз. Сизнинг ниятингиз — мамлакатни ривожлантириш эмас, Марказдаги «учлик»нинг чақириғига лаббай деб жавоб берадиган югурдакларни тарбиялаб бериш! Лекин кечикдингиз. Ўша «учлик» аллақачон умрини яшаб, ўлиб бўлди!

— «Учлик» ўлгани билан мамлакат ўлгани йўқ! — деб Ефимов ўтирган жойида бир қалқиб тушди.

— Майли, бу гапни қўя турайлик, лекин мен сизнинг Мирзамуротов ҳақидаги фикрларингизга бутунлай қаршиман, — дея Назар Турдишев Ефимовга қараб сўзида давом этди. — Керак бўлса, бу норозилигимни тегишли жойларда ҳам билдиришга тайёрман!

— Ўтиринг жойингизга, — деди Иванов унга. — Хиссиётга берилманг. Балки бошқа фикрлар ҳам бордир?

Иванов ўрибосарига ишора қилиб улгурмасдан Кенжабой муаллим ўрнидан турди.

— Бизнинг халқимизда «толконни аралаштиришнинг ҳар турли йўли бор» деган гап бор. Шу маънода айтганда, гапни ҳам турлича оҳангда баён қилиш мумкин. Қадимда бир хон...

— Сизларнинг тилингиздан «хон, подшо» деган сўзлар тушмайди, — деди Ефимов асабий қиёфада. — У замонлар аллақачон ўтиб кетган. Бугунги кун ҳақида гапиринг!

— Сиз гапирганингизда мен сўзингизни бўлмадим. Сиз ҳам энди жимгина ўтириб, сўзимни охиригача эшитинг, — деди Кенжабой муаллим салмоқлаб. — Қадимда бир хон ўзининг амалдорларидан бирига тушида ўттиз икки тиши тўкилиб тушганини айтибди. «Хон ҳазратлари, сизнинг ҳамма қариндош-уруғларингиз ўлиб, ёлғиз ўзингиз тирик қоларкансиз», деб жавоб берибди ўша амалдор. Хон бу гапдан дарғазаб бўлиб, шу заҳоти уни

ўлимга буюрибди. Сўнг иккинчи амалдорни хузурига чакирибди. «Хурматли хонимиз, сиз барча кариндош-уруғларингиздан узоқроқ яшаркансиз!» деб тушига таъбир берибди у. Бу жавобдан хурсанд бўлган хон зукко амалдорни сарполар билан сийлаб, унинг мансабини оширибди.

Аслида, иккала амалдор ҳам хонга битта фикрни айтишган. Лекин уларнинг баён қилиш оҳанги икки хил эди. Мирзамуротовнинг илмий изланишларига бўлган муносабат ҳам ўша пошуд амалдорнинг таъбирига ўхшайди. Қорақалпоқ фольклори, кўшиқлари, нақл-мақоллари, эртақ ва дostonларини ўрганиш учун ҳали кўп йиллар заҳмат чекишга тўғри келади. Бу ишни Мирзамуротовга ўхшаган ёш олимларимиз амалга оширишади. Мана бу ўртоқлар, — деб Кенжабой муаллим Иванов ва Ефимовга қараб олди, — эрта бир кун ўз элига қайтишар, лекин сиз билан биз шу ерда қоламизку. Сизлар ўзингиз миниб ўтирган шохга болта ураётганингизни сезмаяпсизми? Нима учун сизлар адабиёт масаласини партия ташкилотининг бюросида муҳокама қилиб ўтирибсизлар?

— Адабиёт — партиянинг қуроли! — деди Иванов жаҳл билан.

— Лекин фольклор адабиёти партиядан анча аввал пайдо бўлган!

— Бизнинг архивимизда юз томлик фольклор бор, — деди Турдишев гапга қўшилиб. — Ўшаларни ҳам партия ёздирганми?

— Керак бўлса, ўша юз томингизни ҳам бу ерга олдириб келамиз. Керак бўлса, уларни йўқ қиламиз!

— Ўртоқ Иванов! Бунинг учун аввал бизни йўқ қилишингизга тўғри келади.

Бюро мажлиси тортишувга айланиб кетди. Турдишев ҳам, Кенжабой муаллим ҳам республикада

обрўли одамлар саналишарди. Шунинг учун мажлис ташкилотчилари улар билан ҳам ҳисоблашишга мажбур эдилар. Ўтамуротга эса ўзини оқлаши учун сўз ҳам тегмади.

— Бўпти, кейинроқ бу масалага яна қайтармиз, — деди Иванов соатига ошиғич қараб қўйиб. — Ҳозирча мажлис ёпик!

Шундай қилиб, мажлис иштирокчилари бир ечимга келолмай тарқалишди. Ўтамурот зимдан ўзига қарши тайёрлаб қўйилган катга хужумдан омон қолди.

Лекин бунинг эвазига бир ҳафтадан сўнг Турдишев институт директорлигидан, Кенжабой муаллим эса кафедра мудирлигидан озод қилинди.

18

Икки улкан «чинор»нинг илдизига болта урилгач, бошқа олимлар бироз эсанкираб қолишди. Кўпчилик Ўтамуротнинг ҳам жиддийроқ жазога тортилишини кутарди. Баъзилар: «Энди уни олис овул мактабларидан бирига ўқитувчи қилиб жўнатишса керак» дейишса, кимлардир «Докторлик диссертациясини бекор қилишлари мумкин», деган хаёлга ҳам боришди.

Баъзи дўстлари ҳам Ўтамуротдан бир муддат ўзларини четга олиб юришди. Лекин натижа улар кутганчалик бўлиб чикмади. Тез орада собиқ муовин Аҳмет Мадрайимов институтга директор бўлди-ю, Ўтамурот унга ўринбосар этиб тайинланди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас экан. Ўтамуротни Кенжабой муаллимнинг ўрнига кафедра мудирлигига ҳам тасдиқлашганида эса аллақачон унинг келажакдан умидини узиб қўйган таниш-билишлари хайратдан ёқа ушлаб қолишди. Лекин дастлабки пайтларда Ўтамурот кафедрага боришни ўзига эп кўрмай юрди.

— Сен нега бу вазифадан бўйин товляяпсан? — деди бир куни обком котиби Озат Сейтмуратов Ўтамуротни хузурига чақиртириб.

У обком котибига нима деб жавоб қилишни билмай, бироз ўйланиб қолди.

— Устозининг ўрнида ўтиришим нокулай...

— Нима, бу жой устозинга никохлаб берилган эканми? Ёки устозинга қўшиб сениям ишдан бўшатиб юборишга кучимиз етмасмиди?

Ўтамурот бу саволларга сукут билан жавоб берди.

— Назар оға билан Кенжабой оғани биз ҳам жуда хурмат қиламиз, — деб гапида давом этди котиб. — Лекин улар вазифасидан бўшатилгани билан биз ҳеч нарса йўқотганимиз йўқ. Чунки улар бор илмини, фазилатларини ёзган асарлари, иқтидорли шогирдлари орқали келажак авлодга етказиб беришга улгуришди. Бундан буёғига улар бошлаган ишларни сизлар давом эттиришингиз керак.

Сендан умидимиз катта. Биринчи навбатда, миллий фольклоримизни бир тизимга туширишинг керак. Бунинг учун шу пайтгача институтда ва Ёзувчилар уюшмасида тўпланган қўлёзмаларни бир жойга жамлайсан. Уларни яхшилаб ўрганиб, сарлагини саракка, пучагини пучакка ажратасан.

Қўлёзмалар орасидан энг яхши эртақларни, қўшиқларни, дostonларни навбат билан нашрга тайёрлаш ишини давом эттириш керак. Бу ишлар сенинг қўлингдан келишига ишончимиз комил. Чунки сенинг илмий изланишларингни биз ҳам кузатиб турибмиз. Шунинг учун ҳам бу ишларни сенга топширишни маъқул топдик.

Шу кунларда халқнинг орасида «Бердақнинг ҳамма қўшиқлари ҳам унинг ўзига тегишли эмас» деган гаплар юрибди. Шамол бўлмаса, дарахтнинг

учи қимирламайди, дейишади. Бу гапларда ҳам жон борга ўхшайди. Хуллас, Бердақнинг ижодини хас-чўплардан тозалаш ҳам сенинг зиммангда.

Бу масалада керак бўлса, институт муаллимларини, талабаларни ҳам ишга солиш керак. Шунинг учун сенга кафедра мудирлигини ҳам қўшиб бердик. Агар илм йўлида куч-қувватингни аяйдиган бўлсанг, бу соҳага нима учун кирдинг?! Назар оға Кенжабой оға сенга отилган тухмат тошларига ўзларининг кўкрагини қалқон қилишгани ҳам бежиз эмас. Шу йўл билан улар сендек ёш, умидли мутахассисни асраб қолишди. Биз ҳам буни тўғри тушундик. Натижада бошнинг ўрнига бош кийимни олиб қўя қолдик. Энди тушунгандирсан?

– Тушундим, Озот оға!

– Тушунган бўлсанг, буёғига ғайрат қил! Яқин вақтларда меҳнатларинг маҳсулини кутамиз!

Илм деганлари дарров натижаси кўринадиган соҳа эмас эди. Бунинг учун неча йиллар талаб қилинади. Обком котиби ҳам буни яхши биларди. Лекин у Ўтамуротнинг кўнглини кўтариш, уни руҳлантириш учун ҳам ана шу гапни айтган бўлиши мумкин. Лекин нима бўлганда ҳам Ўтамурот бундан буёғига енг шимариб ишга киришиши керак.

Ўтамурот, биринчи навбатда, Бердақнинг шеърларини ўрганиш бўйича гуруҳ ташкил қилиб, таникли олимларни унга жалб қилди. Қўлёмаларни ўрганиш ва уларни босқичма-босқич нашрга тайёрлаш ишига ўзи бошчилик қиладиган бўлди. Институт директори ҳам уни қўллаб-қувватлади. Лекин кафедра мудирлигини қабул қилиб олишга келганда анча иккиланди. Яқин-яқингача ўзи ишлаган бу даргоҳга тортина-тортина кириб борди. Кенжабой муаллим уни очик чехра билан кутиб олиб, шу заҳоти кафедра аъзоларини бир жойга тўплади.

— Юқоридагилар бу гал адашмади, — дея гап бошлади у. — Теракнинг ҳам куриган шохларини чопиб, ёш новдасини қолдиришди. Очиги, ўзим ҳам анчадан бери кафедрани Ўтамуротга топширишни мўлжаллаб юрган эдим. Кутилмаганда у ҳам бошқа жойга ишга ўтиб кетди... Ҳар қалай, ҳаммаси яхшилик билан тугади.

Шундан сўнг ортиқча гап-сўзларга ҳожат қолмади. Ўтамурот бир овоздан кафедра мудири этиб тайинланди.

Ўтамурот кўндан бери қорақалпоқ адабий тилини такомиллаштиришни кўнглига тугиб юрарди. Дастлаб бу ҳақда Кенжабой оғага, кейинроқ бир-иккита кўнглига яқин ҳамкасбларига маслаҳат солиб кўрди. Уларнинг ҳаммаси бу масала бўйича илмий-назарий анжуман ўтказиш ҳақидаги фикрини маъқулашди.

Анжуманга қўплаб олимлар, ҳатто, мактабларда ишлаётган тажрибали ўқитувчилар ҳам таклиф қилинди. Йиғинда Ўтамурот сўзга чиқди.

— Очиги, мен тил илмининг билимдонларидан эмасман, — деб гап бошлади у. — Лекин она тилимизни янада мукамаллаштириш билан боғлиқ баъзи масалалар бир адабиётчи сифатида кўндан бери мени ўйлаштириб келади. Масалан, сўзларнинг талаффузи билан ёзилиши бир-бирига мос эмас. Яъни, сўзлар талаффузи бўйича эмас, қоидага биноан ёзилади. Оқибатда кўпчилик ўқувчиларимиз грамматикани ўзлаштиришда қийналиб қолишаяпти.

— Аниқроқ гапиринг! Мисолингиз борми? — дея олдинги қаторда ўтирган олимлардан бири унинг гапини бўлди. Бу лўқма замирида «сен қайқдан бунақа доно бўла қолдинг?» қабилдаги кесатик оҳанги сезилиб турарди.

— Албатта, мисолларим бор, — деб сўзида давом этди Ўтамурот. — Масалан, бизнинг тилимизда э,

о, у, нг, х товушлари бор. Бироқ уларнинг им-
лоси йўқ. Бу товушларни ёзувда қўллаш учун
кейинги ҳарфларнинг орқасига юмшатиш белгиси-
ни кўямиз. Лекин у талаффузга мос келмаганлиги
учун баъзи ҳолларда матндан тушиб қолади. Шу
ўринда қўполроқ бир мисол келтирмақчиман. Баъ-
зи бадфеъл аёллар ёмон кўрган одамани «ўл!»
деб қарғайди. Бу сўз адабий асарларда ҳам учрай-
ди. Хўш, бу сўзни юмшатиш белгисини қўймасдан
қандай ёзамиз? Агар ўша сўз «ўли» шаклида
ёзилса-чи? Масалан, «ўлик тана», «ўлик-тириги
номаълум» деган гаплар бор-ку...

– Тилчи эмаслиги аён бўлди, – дея луқма таш-
лади кимдир.

– Тўппа-тўғри. Топган мисолини қаранглар!
«Чумчуқ сўйсаям қассоб сўйсин» дейишган. Тилга
осилишни ким қўйибди бунга?

Ўтамурот залдан янграётган таъна-кесатикларни
эшитмасликка олди.

– Бизнинг тилимизда бир харфдан сўз ясаб
бўлмайди, деган қоида бор. Бироқ алифбомизнинг
ҳозирги ҳолатида бунинг иложи бор. Мисол кел-
тирайлик:

«... Жамиланинг эри бугун ҳам ичиб келди.

– Яна ичдингизми?! – деди аёл аччиқланиб –
Ароқ ичгунча қора қон ичгур! У¹⁸ ичсангиз бўл-
масдим!»

Бу ўринда истасак-истамасак, «у» сўзини бир
харф билан ёзишга мажбурмиз. «Ун» деган товуш-
ни ёзиш учун эса «н» ва «г» ҳарфларидан фойда-
ланамиз. Бу ерда «г» ҳарфларини қўллашга нима
ҳожат бор? Юқорида тилга олинган товушларга
имло ўйлаб топишга кучимиз етмайдими? Меним-
ча, она тилимизнинг талаффузи билан ёзилиши-

¹⁸ У – қорақалпоқ тилида «заҳар» маъносида ҳам қўлланилади.

ни бир хиллаштириш учун hozирги алифбомиздаги ўттиз олти ҳарф камлик қилади.

Ўтамуротнинг бу чиқиши қаттиқ қаршиликка дуч келди.

– Фикримча, кафедрани бошқариш – илмда кутилмаган тўнтариш яшаш дегани эмас, – деди Мажит минбарга кўтарилиб. – Лекин Ўтамурот дўстимиз ўзининг янги вазифасини нотўғри тушунганга ўхшайди. Мени кечирасиз, сиз тилга олган товушларнинг илмий изоҳи фанда янгилик эмас. Улар аллақачон қозоқ алифбосидан жой олган. Нима, сиз бу икки тилни бирлаштиришни истаяпсизми? Бу ишингиз она тилимизга нисбатан хиёнат эмасми? Сиз қайси ақл билан тилшуносларимизни шу гапга кўндираман деб ўйлаяпсиз?! Гапларимни қандай тушунсангиз ўзингиз биласиз, жуда бўлмаса, мен кафедрадан кетишим мумкин!

– Тўғри айтди!

– Мирзамуротов ўзича Америка очмоқчи, шекилли!

– Лекин у кечикди, Американи Колумб аллақачон кашф этиб қўйган!

Залда енгил кулги янгради.

– Фикрингиз бўлса, минбарга чиқиб гапиринг, – деди Кенжабой муаллим столга ручка билан уриб.

Кимдир минбарга кўтарилди. Кўринишидан овул муаллимларидан бўлса керак.

– Мен Мўйноқдаш келдим, – деди у. – Ўттиз йилдан бери болаларга она тили ва адабиётидан дарс бсраман. Барака топгурлар, менинг ёшимни ҳурмат қилсангиз, она тилимизни ўз ҳолига қўйинглар. Биргина менинг ўқувчилик ва муаллимлик давримда уч марта алифбо ўзгарди. Бизлар арабча имлода ёздик, лотинча имлода ёздик, русча имлода ёздик. Энди яна нима балоларни ўйлаб

топмоқчисиз? Ҳозир менинг ёзувимдан ўқувчиларим хато топишади. Чунки бир сўз ёзсам, унинг ичида арабчадан ҳам, лотинчадан ҳам, русчадан ҳам ҳарфлар аралашиб кетиб қолади. Энди яна янги алифбо чиқарсангиз, унда мен бутунлай саводсиз бўлиб қоламан.

Залда ўтирганлар гур этиб кулиб юборишди. Бошқа овул муаллимлари қарсак чалиб юборишди.

– Биз бир нарсани тўғри тушуниб олишимиз керак, – деди Кенжабой муаллим сўз олиб. – Фанда ҳам, бошқа соҳаларда ҳам ҳар қандай янгилик аввалига кўзимизга олабўжи бўлиб кўринади. Ахир, кечагина «трактор ернинг кучини остига тушириб юборар экан» деган гапга ишониб, бу техникага ола қараб юрган эдик. Бугун уйимизнинг олдидаги томорқамизни ҳам тракторда шудгорлатишни истаймиз. Чунки у ерни чуқур ағдариб, тупроқнинг остки қатламларигача ҳаво олиб киришига ишонч ҳосил қилдик. Шунга монанд гапирганда, Мирзамуротов ҳам бизга она тилимизнинг «ҳаво кирмай, димланиб ётган» қатламларини ағдариб кўрсатапти. Бундан чўчимаслигимиз керак. Албатта, дунёда ёзилиши бошқа, талаффузи бошқа тиллар кўп. Шу топда қозоқ ёзувчиси Собит Муқоновнинг инглиз тили ҳақида ҳазил тариқасида айтган: «Мабодо шу англичанлар «ит» деб ёзиб, «чўчка» деб ўқимасмикин?» деган гапи эсимга тушиб кетди.

Залда бот кулги янгради.

– Мен Мирзамуротовининг она тилимиз алифбосига ўзгартириш киритиш ҳақидаги фикрлари билан аввалдан танишман. У ҳам алифбони бутунлай ўзгартиришни эмас, фақатгина унга бир нечта янги имлолар киритишни таклиф қиляпти. Бу билан биз саводсиз бўлиб қолмаймиз! Мирзамуротов билдирган таклифлар ҳозирча бир режа. Нуфузли комиссия тузиб, бу масалани ўрганиб

чиқамиз. Қолаверса, кўмакчи сўзлар билан ясаладиган еттинчи турланишга ҳожат бормикин? Буни ҳам ўйлаб кўриш керак. Кейин тилимизда дефис билан чизикча ҳалигача бир-бири билан чаптишиб юрибди. Чизикча матнда ўринли қўлланилмапти. Мисол учун, «тўртинчи бригада режасини бажарди» деган гапни олайлик. Агар бу жумлада «тўртинчи» сўзини рақам билан ёзсак, унда «тўртта бригада» топшириқни ўринлатган бўлиб чиқади. Бахтга қарши, ҳозир шу тарзда ёзилапти. Менимча, она тилини такомиллаштириш масаласига жиддий эътибор қаратиладиган вақт келди. Қисқаси, Мирзамуротовни қўллаб-қувватлашимиз керак, биродарлар! Маъқулми?

– Маъқул, маъқул! – деган хитоблар эшитилди.

Кенжабой муаллимнинг сўзларидан кейин залдаги вазият бутунлай ўзгарди. Чунки бу ерда ўтирганларнинг деярли ҳаммаси унинг шогирдлари эди. Уларнинг назарида Кенжабой муаллимдан ҳам кучлироқ тилчи йўқ эди. Устоз маъқуллалаптими, демак, Мирзамуротовнинг гапларида жон бор.

Орадан бир йил ўтгач, янги алифбо қабул қилишиб, кучга кирди.

– Баракалла! – деди бир куни Озот Сейтмуратов катта бир мажлисдан танаффусга чиқишганда Ўтамуротнинг елкасига қоқиб. – Сенга ишонч билдириб янглишмаган эканмиз. Яқин орада сен билан яна бир маслаҳатли иш бор.

Лекин ўша маслаҳатли иш амалга ошмай қолди. Кейинроқ Ўтамуротни институт директори этиб тайинлашга бағишланган мажлис охирига етмай қолди. Кутилмаганда залга икки нафар милиционер кириб келиб, Ўтамуротни ўзлари билан олиб кетишди. Эртаси куни институтга унинг камоққа олингани ҳақида хабар келди.

Ўтамуротнинг кулоклари остида бир маромдаги шовқин пайдо бўлди. Бу садо телевизорда кўрсатув бошланиши олдидан телестанциянинг узатадиган узлуксиз сигналига ўхшаб кетарди. Шовқин аста-секин узоклашиб бориб, кимларнингдир тушуниксиз ғала-ғовурига айланди. Буларнинг бари тушида юз бераяптими ёки ўнгидами, Ўтамурот буни аниқ билолмасди. Ғала-ғовур аста-секин сийраклашиб, сўзлар аниқ-таниқ эшитила бошлагач, у ўғли Ажамурот билан Жумабой дўхтирнинг овозини танигандай бўлди.

– Оббо, менинг овулда бўлмаганимни қара, жўра. Ўша вақтнинг ўзида миясига кислород юборилганида аҳволи бунчалик оғирлашмаган бўларди.

– Миясига қон қуйилган, дейишди-ку?

– Йўқ, улар айтаверади. Мияга қон қуйилганида отанг уч-тўрт кундан ортмасди. Бугун неча кун бўлди дединг?

– Ўн тўрт кун.

– Айтдим-ку! Ўн тўрт кунлик кризисга кучқуввати жойида, соғлом кишининг ҳам дош бериши қийин. Отанг-ку тўқсоннинг нари-берисидаги одам. Худо хоҳласа, ўзига келиб қолади. Бурунгидай ўйнаб-кулиб кетади деб айтолмайман, лекин бир марта бўлсаям кўзини очади. Яна бироз кутайлик-чи.

– Яхши, унғача чой ичиб турайлик.

Ажамурот билан Жумабой дўхтир нарига хонага ўтишган бўлса керак, хона жимжит бўлиб қолди. Факат узокроқда телевизорданми, радиоданми, нотаниш бир мусиқа садоси таралиб турарди.

Ўтамурот ўз уйида ётганлигини, қариллик туфайлими, хасталик боисми йиқилиб, тўшакка михланиб қолганини англади. Бироқ танасида бирон-бир

оғриқ сезмади. Шунга қараганда, жароҳат олмаган бўлса керак.

У мажолсиз ковоқларини очиб, атрофга қарагиси келди. Лекин неча кундан бери бир-бирига ёпишиб қолган киприклари ўзига бўйсунмасди. Дастлаб ўтамуротнинг кўз олдида шаффоф парда пайдо бўлди, сўнг кўзлари ғира-шира очилиб, хона ичида ғира-шира ёруғликни ҳис қилди. Атрофидаги манзара тобора равшан торта бошлади. Ўнг томонда қатор тизилиб турган китоб жавонлари, орқа тарафда деворга тақаб қўйилган ёзув столи, унинг устидаги тунги чирок, сал берирокдаги оромкурси ва журнал столи аниқ кўринди. Демак, уни ўзининг хонасига ётқизишган экан. Кейинги вақтларда у журнал столида овқатланиб, ўзининг чойи билан кофесини ҳам шу ерда ичишга одатланганди. Қолаверса, илгаригидек оромкурсида ўтириб китоб ўқий деса, икки қарич масофадаги саҳифа ёзувларини кўзи илмайди. Шунинг учун ёзув столида мункайиб ўтириб мутолаа қилишга мажбур эди. Лекин у ерда ҳам кўп ўтиришга бели чидамайди. Умуртқа поғоналари бир-бирини эзиб-янчиб ташлаётгандай, уларда кучли оғриқ сезади...

Ўтамурот томоқ қирингга уриниб кўрди.

– И... их... им... И... и... им.

Худога шукр, овози чиқди. Бироқ бирон нарса деб гапиришга ботинолмади. Кўрқди. Лекин кўзларини каттарок очди. Шу пайт у ёш боланинг эшик пардасини қия очиб, ўзи томон югуриб келаётганини илғаб қолди. Адашмаса, бу бола невараси Асқар эди.

– Ота! Ота, буёққа қаранг! – деди Асқар орқасига ўгирилиб.

– Нима гап, ўғлим? – ташқаридан Ажимуротнинг овози эшитилди.

– Бобом кўзини очди!

– Нима-а?!

Ташқаридан икки-уч кишининг дупурлаган оёқ товушлари эшитилди. Шу заҳоти Ажимурот билан Жумабой эшик пардасини юлқиб очиб, баравар ичкарига киришди. Ўтамурот уларнинг ортида аёл кишининг ҳам гавдасини илғагандек бўлди. Бироқ у қизларининг қайси бири эканлигини аниқ билолмади.

– Ота! – дея диванга чўккалаб ўтирди Ажимурот. Жумабой ҳам унинг ёнидан жой олди.

– Яхшимисиз, ота? – деди Жумабой унга синчков тикилиб. Ўтамурот бу саволга жавоб беришга чоғланиб кўрди-ю, лекин тили калимага келмади. Ноилож кўзларини очиб-юмиб, кўлларини кимирлатди. Бу унинг «худога шукр» дегани эди.

– Жуда кўркитиб юбордингиз-ку, ота! – деди ўғли қувончдан кўзларига ёш келиб.

– Энди ҳаммаси яхши бўлади, ота! – деди Жумабой.

– Ота, ҳаммамиз шу ердамиз. Сағийда билан Моҳийда опамлар кеча «уйимиздан хабар олиб келайлик» деб кетишган эди. Иккови ҳам бугун тушдан кейин келишади. Невараларингизнинг ҳаммаси ташқарида ўйнаб юришибди. Типчингиз бузилмасин деб ичкарига қўймаймиз.

– О... о... – деди Ўтамурот қийнала-қийнала. Нима демоқчи бўлганини англаган Ажимурот уни уринтириб қўймаслик мақсадида шу заҳоти ўзи жавоб берди:

– Отамурот ҳам бугун-эрта етиб келади, ота! Сиз ётиб қолмасдан аввалроқ Бекберген жировни Германияга олиб кетган эди.

Ўтамурот яна гапиришга уринди-ю, лекин бу гал ҳам тили калимага келмади.

– Ёки Америкадаги неварасини сўраяптимикин? – деди Ажимурот Жумабойга юзланиб.

– Бўлиши мумкин.

– Несварангизга ҳам телеграмма юбордик, келади.

Ўтамурот бир муддат кўзларини юмиб ётди.

– Отангни кўп қийнамаслигимиз керак, – деди Жумабой дўстига. Сўнг Ўтамуротнинг лабларига пахтага шимдирилган илиқ сув томизди. У қайтадан кўзларини очди.

– Бир нарса демоқчимисиз, ота?

Ўтамурот қотиб қолган бармоқларини секин қимирлатиб кўрди. Ҳар қалай ҳали қўлларида мадори бор экан. Ўғли шу заҳоти унинг қўлларини беозоргина уқалашга тушди. Жумабой ёстиқнинг остидан қўлини солиб, Ўтамуротнинг бошини хиёл кўтарди.

– О... о... онангни чақир...

Ўтамуротнинг йиқилгандан бери илк айтган гапи шу бўлди.

– Нима? Онамни дейсизми?.. Хўп, ҳозир чақираман! – дея Ажимурот нима қилишни билмай Жумабойга қаради.

– Хўп, ота! Ҳозир чақирамиз, – деб Жумабой қўлини аста ёстиқнинг тагидан олди-да, Ажимуротнинг кулоғига шивирлади. – Отанг ҳали бутунлай ўзига келгани йўқ. Ҳозирча нима деса, «хўп» деб туриш керак. Бир кун-ярим кундан кейин ақл-хуши ҳам жойига тушади.

Ўтамурот бу гапларни аниқ-таниқ эшитиб ётарди. «Ҳозир ақл-хушим жойида эмас эканми?» деб ўйлади ўзича. Бироқ барибир Равшанни кўргиси келарди. Боласи тушмагурлар нега уни чақиринмаяпти экан...

20

Ўтамурот илмнинг кетидан юриб, кўп йиллар Равшанни ўз холига ташлаб қўйди. Лекин Равшан ҳам «мен аёлман-ку», деб қўл қовуштириб

ўтирмади. Енгини шимариб, унча-мунча эркак кишидан зиёд меҳнат қилди. Кундуз куни трактор ҳайдаб, ойнинг ёруғида буғдой ўрса, ярим оқшом уйда нон ёпади. Унинг болаларига кичкина синглиси Ойхон қараб турарди.

Ўтамурот икки ҳафтада бир уйига келиб кетар эди. Баъзан ойда бир бор келган вақтлари ҳам бўлди. У рўзғор ташвишларидан қочгани учун бундай қилгани йўқ. Шунчаки Равшанга раҳми келарди. Чунки уйга келиши билан хотини унинг чўнтагига солиб юбориш учун беш-олти сўм пул топиш ташвишига тушиб қоларди. Шу ниятда ўзи йиғиб қўйган бир сиқимгина жийда-ўрик, тариқ ёки жўхорини эшакка ортиб, тонг азондан шаҳарга йўл оларди. Яхшилаб дам олсин деб шу куни чошгоҳгача, Ўтамуротни уйғотмасди. Кетиши олди-дан Ойхонга:

– Болаларни олисроққа олиб бориб ўйнат, жезданг чарчаб келган, тинчгина ухласин, – деб таъинлайди.

Шаҳар бозорида ҳаммаям олиб борган молини охиригача сотолмайди. Лекин Равшан буни уйдлар эди. Чунки у бозор охирлай бошлаганда хуржунини орқалаб Қудияр бозорқўмнинг олдига борарди-да, ялиниб-ёлвориб нарсаларини унга ярим баҳосига сотиб кетарди. Бозорқўмда ҳамиша ортиқча пул бўларди. У бозори юришмаган бошқа одамларнинг молини арзон-гаровга олиб қоларди-да, эртаси куни ўзининг гумашталари орқали майдалаб соттирарди. Бироқ Равшан бу гапларни Ўтамуротга айтмасди.

– Ўзи, бозорга олиб борганим бир сиқимгина қоқ ўрик эди, – дерди у қувонган киши бўлиб. – Шугина нарса ҳам қора қозонимизни қайнатди, сизгаям бир-икки кунга етгудай нон пули қолди!

Ўтамурот «менга пул керак эмас», дегани билан хотини ўз билганидан қолмасди.

— Кўчада юрган одамсиз, бир-икки сўм чўнтагингизга ортиқчалик қилмайди, — деб қўярдақўймай унга ўрикнинг пулини бериб юборарди.

Ёзги таътил вақтида эр-хотин уйда анча-мунча ишларни дўндириб қўйишади. Уларнинг болаларига қараб ўтирган Ойхон ҳам бу пайтда уйга қайтади. Лекин Равшан онаси билан бафуржа ўтириб гаплашишга вақт тополмайди. «Овул аралаш, қўй куралаш»¹⁹ бўлгани учун баъзан онасини бирровгина кўриб қайтади. Уйдагиларнинг соғ-омонлигини билса бўлди. Тайёр овқати бўлса ичади, лекин онасининг қозон осипига қўнмайди.

— Борақол, чирогим, қайда бўлсанг ҳам бошинг тошдан бўлсин, илойим! — деб қизини кузатиб қолади Бибисора кампир.

Дастлабки пайтларда онаси унинг Ойхонни олиб кетиб қолганидан норози бўлиб юрди. «Сен хотиннинг инсофинг борми ўзи? Ойхонни уйга қайтар! Нима, мен эринга: «Қизимни олсанг, ёрдамга бировини қўшиб бераман, деб сўз берган мидим?», деб койиниб қоларди. Лекин онаси ҳам унинг аҳволини тушуниб турарди, шунинг учун бўлса керак, кейинчалик бу тўғрида бошқа гапирмай қўйди.

Ўтамурот ҳар йили таътил чоғидагина Бибисора кампир билан саломлашиш учун борарди. Ора-сира бир кўрингани учунми, кампир куёвини ўтказишга жой тополмай қоларди.

— Болам, овулга қайтмаслигинг аниқ бўлса, хотинингниям ўзинг билан олиб кет, — деди бир гал борганида қайнонаси. Бу пайтда Ўтамурот яқиндагина институтни тугатиб, ўша ерга ишга кирган

¹⁹ «Овул аралаш, қўй куралаш» — қорақалпоқ халқ мақоли, «овулда ҳамма бир-бирининг хаётидан бохабар» деган маънода қўлланилади.

эди. – Энди Равшан ҳам аёл боши билан трактор миниб юришни бас қилсин. Худога шукр, овулниг урушдан олдин туғилган болалари эр етиб қолди. Хозир тракторни ўшалар ҳайдаяпти. Бунинг устига, тракторлар ҳам кўпайиб қолди.

Ўтамурот Бибисора кампирга нима деб жавоб беришни билмади.

– Сотиладиган уй суриштириб кўрмадингми? – деди кампир гагини давом эттириб.

– Йўқ.

– Унда бу гал шаҳарга қайтганингдан кейин суриштир. Мен вақтида қизимга кўрпа-тўшак қилиб беролмадим. Бироқ катта тўнғич қизингиз тувилганида унинг энчисига²⁰ бузоқ атаган эдим. Жонивор аллақачон болали сигирга айланган. Шунини бозорга чиқариб сот. Битта сигир уйнинг пулига етмасаям, анча чамалашиб қолар.

– Йўғ-ей, она, – деди Ўтамурот уялиб. – Сигир ўзимизда ҳам бор...

– Мен сенда сигир йўқ деяётганим йўқ. Эрга тегаётган қизнинг кўрпа-тўшагини тахлаб бериш она учун фарз ҳисобланади. Бу фарзидан қутулмаган она ўлса, гўрида ҳам тинч ётолмайди дейишади. Икки кўрпа, тўртта кўрпача тикиб, бир шолча тўкиб кўйганман, энчига кўшиб шуларниям олиб кетинглар. Менам бугун бор бўлсам, эртага йўқман, қарзим бўйнимда кетмасин.

Ўтамурот қайнонасининг бу гагини ярим йилгача Равшанга айтолмай юрди. Бир гал қишки таътил пайтида келганида уйда янги гилам билан кўрпа-кўрпачалар тўшалиб, кўрасида бузоқли сигир боғловлиқ турганига кўзи тушди.

– Сигирни бозорга чиқарамизми? – деди Равшан ўша куни кечки овқат устида.

²⁰ Энчи – набирага аталган мерос.

– Тураверсин-чи, – деди Ўтамурот ноаён кай-
фиятда.

– Нега?

– Ҳали уй излаб кўрмадим.

– Қўлингизда пулингиз бўлмаса, қандай қилиб
уй излайсиз? Эрталаб сигирни солайлик. Ҳозир
соғин сигирларнинг бозори чаққон дейишади.

– Шу... шаҳардан уй олишимиз шартмикин?

– Ие?

– Сенинг шаҳарда яшашинг кийин бўлади.

– Нимага ундай дейсиз?

– Ахир, кенг далага ўрганган одамсан!

– Сиз мени эмас, ўзингизни ўйланг! Эркак
киши қаерда бўлса, аёли ҳам бирга бўлиши керак.
Шу ишни қилмасангиз, онам норози бўлади. Балки
овулдан кўчмасмиз, лекин сиз уй олиб қўяверинг.

Равшаннинг маслаҳати билан сигирни сотишди-ю,
биноқ шаҳардан уй олишмади. Пулни омонат кас-
сага қўйишди. Бибисора кампир жўхори экип
мавсуми арафасида омонатини топширди. Шундан
сўнг Ойхон билан Тиловхон янгасининг қўлида
қолишди. Равшан онасининг юзи²¹ ўтгунча Ойхон-
ни уйига олиб келишга ботинолмади. Рўзгор юмуш-
лари ҳам, болаларини парваришлаш ҳам ўзининг
зиммасига тушди.

Шаҳарга кўчмасликдан бошқа илож қолмаган
эди. Ўтамурот ўша йили кузда шаҳарнинг тангу-
тор кўчаларидан бирдан тўрт хонали уй сотиб
олди. Дастлаб Равшан иккаласи бу ерга бирозги-
на кўрпа-тўшак, қозон-товоқ билан Ўтамуротнинг
китобларини олиб келишди. Равшан «янги жой-
да шайтон ётиб кетмасин» дея бир оқшом тунаб,
овулга, болалари билан Ойхоннинг олдига қайтди.

²¹ Юз – қорақалпоқларда мархумнинг йил ошидан аввал
ўтказиладиган маърака.

Келаси йили баҳорда Равшан тракторни бира-тўла топширди. Бу пайтда Сағийда билан Моҳийда анча улғайиб, жажжи Ажимуротга қарайдиган бўлиб қолишган эди. Бунинг устига, у тўртинчи фарзандига ҳомиладор эди. Ойхоннинг ҳам бўйи етиб, кўзга ташланиб қолганди. Эркаги йўқ хонадонда бўйи етган қизни сақлашнинг ўзига яраша кийинчиликлари бор. Вақтида уни ҳам ўз уйига қайтаришгани маъқул. Ана шундай ўй-хаёллар билан Ойхонга ҳам жавоб беришди...

Бир гал Ўтамурот ҳафта охирида уйига кечроқ қайтди.

– Келганингиз яхши бўлди, отаси, – деди унга кўзи тушган Равшан хурсанд қиёфада. – Хаяллаб қолганингиз учун бугун келмасангиз керак деб ўйлаган эдим.

– Нима гап? Тинчликми, ишқилиб?

– Емберген қўтир жанозасига айтиб кетишди. Эртага чиқаришаркан.

Бу ўша, бир вақтлар Ўтамурот билан опасини ариқдан сув бермай қийнаган, урушда қўрқоқлик қилиб икки марта қамалган Емберген эди. Бечора Емберген овулдан кўчиб кетгани билан таъна-маломатлардан қутулолмади. Ҳамма ундан ўзини олиб қочарди. Янги овулда у трактор ҳайдаш тугул, колхознинг ишига ҳам аралашолмабди. Ёши қайтган чоғларда у кун кечириш илинжида Қорачўкки билан Қилқали овулининг қўй-жонлигини боқиб юраркан.

– Овулдан кимлар бораркан? – деб сўради Ўтамурот хотинидан.

– Бошқалар билан нима ишингиз бор? Ўзингиз бир кўриниб келаверинг. Минг қилсаям, энам тириклигида улар билан қиёматли қўшни бўлгансиз.

– Шундай бўлсаям... Биронтаси билан бирга борсам яхши бўларди.

– Чамаси, ҳеч ким бормайдиганга ўхшайди. Боя тегиримонда уста қайноғанинг аёлидан шу ҳақда сўрасам, «қарғишга учраган иймонсизнинг жанозасига ким ҳам борарди», деб жавоб берди. Қўрқиб кетдим. Одам деган сал кечиримли бўлиши керак. У бечораям қарғишни сўраб олибдими? Шайтон йўлдан оздирган-да!

Очиғи, Ўтамуротнинг ҳам у ерга оёғи тортмаётган эди. Хотинининг гапларидан сўнг йўқ дейишга тили бормади. Эрталаб таъзияга бориб келишга ваъда берди.

– Равшан, – деди кечки овқатдан сўнг Ўтамурот дастурхон бошида. – Энди Нукусга кўчмасак бўлмайдиганга ўхшайди. Мен у ёқда, сен буёқда, икковимиз ҳам қийналиб кетдик.

Равшан бир муддат жимиб қолди.

– Отаси, тўғриси айтсам, бу масалада бироз иккиланиб юрибман.

– Очикроқ гапир.

– Овулни кўзим қиймайди.

– Мен ҳам овулни ўйлаяпман. Бироқ...

– Қолаверса, уяламан!

– Кимдан? Нимадан?

– Бир кун келиб, сиз ўзингиз истагандай элга таниқли катта олим бўласиз. Ўшанда одамлар хотинингиз оддий бир тракторчи эканини билса, нима дейишади?

Ўтамурот Равшандан бундай гапни кутмаган эди.

– Равшан, ҳар касбнинг ўзига яраша обрўси бўлади. Биласан, бир вақтлар овулда муаллимдан обрўлироқ одам бўлмаган. Тракторнинг рулига ўтирган пайтингда эса катта-ю кичик сенга ҳавас қиларди. Ўшанда эркаклар қилмаган ишни сен қилган эдинг! Энди ўзинг тракторчилигиндан уяляпсанми?

– Майли, сиз жапозага бориб келаверинг-чи, – деди Равшан чукур тин олиб. – Ушгача мен ҳам яхшилаб ўйлаб кўраман.

Эртаси куни Ўтамурот овулдан ёлғиз ўзи Емберген кўтирнинг жанозасига борди. Йўл узок бўлса-да, мархумни Тангабай овулидаги ота-бобола-рининг хилхонасига олиб бориб дафн этишди.

– Ўйлаб кўрдингми? – деб сўради Ўтамурот уйга қайтгач хотинидан.

Бу пайтда Равшан тандирда нон ёпиш билан овора эди.

– Ҳа, – деди Равшан тандирдан янгигина узилган нонни саватга сола туриб.

– Нима қарорга келдинг?

– Умр йўлдошим қаерда бўлса, мен ҳам ўша ерда бўламан.

– Яхши.

Ота макондан кўчиш айтишгагина осон. Ўтамурот анчадан бери шаҳарда юравериб, бунга анча кўникиб қолган экан. Лекин Равшанинг бу хонадондан кўнгил узиб чиқиши осон кечмади. Тугунтерсақлар ташқарига олиб чиқилиб, эшикка кулф урилгандан кейин ҳам у бир-икки марта дарвозага бориб қайтди. Ниҳоят, остонада тиз чўкиб, унинг тупроғини кўли билан юзига суртди. Равшанинг кўзларидан оқаётган ёш ёпоқларини ювиб тупмоқда эди.

21

Кенг жойда яшаб ўрганган Равшан шаҳардаги каталакдек ховлида худди қафасдаги кушдек ҳаёт кечирарди. У бу ерда узок-узокларга назар сололмас, чор тарафдан пахса девори бир-бирига тақаб қурилган уйлар ҳалқадек ўраб олган эди. Ёзда ҳаммаёқ тандирдек қизиби кетар, ёгин-сочинли кунларда эса тор кўчалар тизза бўйи лой билан

қопланарди. Бу овлоқ йўллар асфальт қилингунича бир одамнинг умри ўтиб кетса ҳам ажабмас.

Хаммасидан ҳам ховлининг торлигига чидаб бўлмасди. Овул одамларининг таъбири билан айтганда, у икки бўйранинг энидайгина келади. Аммо қўни-қўшнилар ана шу бир нарчагина ерда ҳам рўзгорини обод қилгудай экин-тикин парваришлаб ўтиришибди.

– Ё тавба! – дея ора-сира ёқасини ушлаб қўяди Равшан. – Бу шаҳарликлар қасд қилса, чорбоғида одам кўкартиришдан ҳам тоймайдиганга ўхшайди.

Дастлабки кезларда уларнинг ховлиси анча хароб ахволда эди. Мўъжазгина томорқада ҳам бор-йўғи бир туп қари олма билан ярми куриб қолган икки туп шафтоли дарахти қаққайиб турарди, холос. Мол боғлаб боқилган шекилли, дарахтлар танасининг пўстлови арчилиб тушган, тагида эса неча йиллик гўнг қотиб кетган эди. Шунинг учун салгина шабада турса, уйнинг ичига тезак ҳиди гупиллаб уриларди. Эр-хотин бир неча кун тинимсиз дарахтларнинг остини чалмадан тозалаб, ниҳоят ёқимсиз ҳиддан кутулишди. Сўнг у ерда ариқчалар олиб, икки ёнига райхон экишди.

«Кўрпангга қараб оёқ узат» деган гапни бекорга айтишмаган. Ўтамуротнинг бундан тузукроқ ховлижой сотиб олишга қурби етмасди. Равшан ҳам буни тушунди. «Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ келади», деган илинжда хаммасига чидади, қийналганини эрига сездирмади. Қайтанга унинг ёзув-чизувига шароит яратиб бериб, ўзи уйнинг кам-қўстини тузатиш билан андармон бўлди. Эшик-деразаларга парда тутиб, кўрпа-гўшакларини бутлади. Хуллас, тез орада янги уйни уялмай меҳмон кутса бўладиган даражада эпга келтирди.

Ховлининг ўнг тарафида Норча кампир ўғли Ўроқбой ва келини Нигор билан, чап тарафида

қирқ ёшлар атрофидаги Ўнғар исмли лейтенант йигит хотини Олмагул билан яшарди. Уларнинг икки-уч ёшлар чамасидаги эгизак ўғиллари бор. Аммо Норча кампирнинг ўғли бефарзанд эди. Кампирнинг кунда, кун ора девор оша эшитилиб турадиган дийдиёлари ҳам шундан далолат берарди:

– Курсоғи қонамаган хотин уйга офат келтиради. Бу касофат ўғлим икковимизнинг бошимизга етмаса яхшийдил!..

– Эчкининг ҳам туғадиганини сақлайди!..

– Бола туғиб, нон ёлмаган хотиндан бўсағангни қўриб ётган ит яхши!..

Нигор келиннинг уни чиқмайди. Ҳар гал қайнонасининг аччиқ маломатларини эшитмасликка олади. Кўзларидан ёшини оқизиб йиғлаб ҳам ўтирмайди. Унинг ана шу одати кампирга оғир ботади.

– Безрайиб ўтиришини қара! Бунга гапирдинг нима, итга гапирдинг нима?! Хеч бўлмаса, ёшимни сийлаб саволимга жавоб бер, ҳе, ёшимга етмай бўйнинг қайрилгур!

Равшан бир неча марта бориб, кампирга тасалли бермоқчи бўлди-ю, лекин унинг феълидан хавфсираб, бу фикридан қайтди. Норча кампир дийдиёсини бошлаши билан ноилож эшикни зичлаб ёпиб ўтираверди.

Дастлабки пайтларда кекса кампир дея иззатини қилиб, ҳар куни пиширган овқатидан бир косасини ўзи ёки болалари орқали Норча кампирниқига чиқариб турарди. Таомни баъзида Нигор келин, баъзида кампирнинг ўзи олиб қолади. Ажабки, иккаласи ҳам бир оғиз «раҳмат» дейишни билишмайди. Равшан ҳам «берган бир лукма ёрмани миннат қиламанми» деган ўйда бунга айтарли аҳамият бермасди. Аммо бир куни одатдагидек кампирга таом бериб қайтаётиб, остонада унинг «шу хотиннинг бир қошиқ ювиндисига зор бўлиб

ўтирганмидим?» деган гапани эшитиб қолди-ю, биров манглайига қўш қўллаб муштлагандай кўз олди қоронфилашиб кетди.

Бу гапни эрига ёки болаларига айтмади. «Норча кампир яна келини билан можаро қилиб, аччиқланиб ўтирган бўлса керак», деб ўзига тасалли берди. Лекин шундан сўнг уникадан деярли қадамини узди. Ора-сирада тансиқроқ таом пиширганини ҳисобга олмаганда, аввалгидек уникага «хамсоя товоқ» кўтариб югуришни бас қилди.

Норча кампир худонинг берган куни келинига азоб беришни канда қилмасди. Унинг бахтига худо ўғли билан келинини сабр ва фаросатдан қисмаган эди. Бояқишлар шунча таъна-маломатларни жимгина ичига ютиб яшашарди.

– Сен шўртумшуқнинг бошингни боғлаб қўйган бу мегажин, – дея ўғлига жаврайди кампир баъзида. – Сенга она керак эмас, хотин керак. Мен ўғил туғдим, деб қувониб юрган эдим. Энди билсам, ўғил эмас, бир латта туққан эканман!

Бундай пайтларда Ўроқбой лом-мим демай кўчага чиқиб кетади. Шу билан кун ботганда келади-ми, эл ётганда келадими, уёғи Равшанга қоронғи. Фақатгина ўғли ўн беш кун Устюртга машина хайдаб кетганида Норча кампир биров ховуридан тушади.

Норча кампирнинг тинимсиз шанғиллашларидан тоқати тоқ бўлган Равшан ниҳоят, бир куни унинг олдига кириб борди.

– Чеча, «бир кун уруш чикқан уйнинг қирқ кунлик насибаси қирқилади», дейишган. Келинингизниям ҳадеб койийверманг!

– Ие, бу писмиқ сизга арзи ҳол қилдими?!

– Йўғ-ей, чеча. Келинингиз бу ҳақда менга оғиз очгани йўқ...

– Қайси юз билан оғиз очсин! Қулоғим тинчисин деса, тезроқ бола туғсин!

– Вақти-соати билан туғиб қолар...

– Бунинг вақти-соати етгунча мен қора гурга кираман! Бу урғочига неча бор айтдим, «етти пайшанба Салман отани бориб зиёрат қил» деб... Қулоқ солмайди! Мен бир нарсани билмасам гапирармидим? Ўзим ҳам ўн икки йил курсоқ кўтармадим. Охири етти пайшанба Эшон пиримни бориб зиёрат қилдим. Туни билан йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолардим. Еттинчи пайшанбада Салман ота тушимга кириб, қўлимга бир ўроқ тутқазди. «Уйингга қайтавер, болам, энди бу ерга келиб юрма», деди. Келаси йили ўғил туғдим. Ўшанда кўрган хосиятли тушимни эслаб, чақалоқнинг исмини Ўроқбой қўйдим.

Норча кампир бир муддат гапиришдан тўхтаб, бир нуқтага ғамгин тикилганча хаёл суриб қолди.

– Аслида, айб ўғлимнинг ўзида, – деб гапида давом этди у. – Ўтабека деган амаки синглим бор эди. Унинг Олмагул исмли қизи эри ўлиб, уйига қайтиб келди. Бизникига тез-тез келиб турарди. Ўроқбойда кўнгли йўқ эмасди шу жувоннинг. «Манави қисир хотинни қўйиб, ўшанга уйлан», деб худонинг зорини қилдим. Лекин гапимга қулоқ солмади. Унинг кўзига мана шу туғмас хотиндан бошқаси кўринмайди!

Равшан бу гапни Нигор келин эшитиб қолмадимикин деган хавотирда эшик томонга ўғринча қараб қўйди. Кампир буни сезди.

– Қулоғи тешик бўлса, эшитаверсин, – деди у пинагини бузмай. – Ўтабеканинг қизи ҳам кўзимни куйдириб, анави кўшни меласага тегиб олди! Бири эрининг, бири хотинининг бошига етган бу бетамизлар Ўроқбой сабабли топишиб олиб, бинойидай эр-хотин бўлиб кетишди. Ўша Олмагул зотдор

эчкига ўхшаб эгиз бола туғди! Бу шўртумшук ўрил қўлидаги толе қушини бировларга олдириб ўтирибди!

Кампир юрагидаги ҳасратларини тўкиб солмагунича Нигор келин ичкарига кирмади. Равшан ҳам унинг гапларини охиригача жимгина эшитди.

– Чеча, сизнинг ҳам куйиб-пишишингизда жон бор. Сиз ҳам болам бепарзанд ўтмасин дейсиз... Лекин келинингизга раҳмингиз келсин! Ахир, «таёқ этдан, сўз суякдан ўтади», дейишади.

– Эй, мен не дейман, қўбизим не дейди! – кампир баттар аччиқланиб. – Нима, сен менга ақл ўргатиш учун келдингми?

– Унақа деманг, чеча...

– Бўлмаса, нима дейин?! Менинг тилимни тийишга шунчалик ишқибоз бўлсанг, келинимнинг ўрнига ўзинг келин бўлақол менга, неvara туғиб бер!..

Равшан Норча кампирга бир сўз демасдан ташқарига чиқди. Ҳовлида арзимаган юмушлар билан ўзини овутиб юрган Нигор келин ҳам унинг қўзларига тик қаролмай, нигоҳини ерга қадади.

Шундан сўнг Равшан қайтиб Норча кампирнинг остонасига қадам босмади.

22

Ўтамурут хориж сафаридан уч ой деганда қайтиб келди. Унга бунча узок муддатга рухсат беришмаган эди. Лекин бошлаб қўйган илмий ишига материал тўплаши қийин кечгани учун сафари чўзилиб кетди. У докторлик ишини тамомлагач, тез орада қардош туркий тилли халқларнинг тили, урф-одатлари, удумлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганишга киришган эди. Бу мақсадини амалга ошириш учун Иттифоқнинг кўплаб ўлкалари ва бир қанча республикаларга боришига тўғри кел-

ди. Бошқалар бир ойлик меҳнат таътили чоғида оромгоҳларда дам олганда, у Кавказ тоғларини, нўғай чўлларини овулма-овул яёв кезиб, тил ўрганди, ўзича туркийзабон халқларнинг туташ томирларини ахтарди. Бир вақтлар Эдигей ботир Москвага от ўйнатиб ўтган ерларни ўз кўзи билан кўрди. Натижада «Туташ томирлар» номли китобининг биринчи жилди юзага келди. Ўтамурот китобнинг давомини Туркия, Афғонистон, Арабистон, Миср мамлакатлари тимсолида ёзишни кўнглига тукканди.

Бу иш осон кечмади. Унинг хорижга чиқиш учун рухсат сўраб ёзган аризаси мамлакат элчи-хонасида йиллаб навбат кутиб ётди. Фақатгина Истанбул универститети профессори, анчадан бери мактуб ёзишиб юрган дўсти Қамбар Сулаймоннинг чакирув хати ёрдамида бу ниятини амалга ошириши учун йўл очилди. Чет элга кетиши олдидан икки ой давомида унинг етти уруф-аймоғини обдан ўрганишди. Ниҳоят, ундан мамлакат учун бирон хавф йўқлигига ишонч ҳосил қилишгач, Туркияга илмий сафарга чиқишига розилик беришди.

Қамбар Сулаймон уни меҳмонхонага юбормай, икки ҳафта уйда меҳмон қилди. У Ўтамуротни Туркияда яшаётган қардош халқларнинг ҳаёт тарзи билан яқиндан таништирди. Архивларда сақланаётган қўлёзмалар, Истанбул университетидagi илмий ва адабий асарларни ўрганиши учун имконият яратиб берди. Бу ердаги кутубхонада Ўрта Осиёдаги туркий тилли халқлар тарихи ва фольклори ҳақида ҳам мухтасар маълумотлар жамланган экан. Лекин уларнинг деярли ҳаммаси тахмин ва гумонларга таяниб ёзилган эди. Бунинг учун турк биродарларни айблаш ҳам ўринсиз. Чунки Ўтамурот яшаётган мамлакат чегаралари капиталистик давлатлар учун тақа-тақ ёпиқ эди.

Ўтамурот Сулаймон Қамбарга ўз юртида яшаётган қардош халқлар ҳақида кўп нарсаларни гапириб берди. Бу маълумотлар турк дўсти учун олтиндан ҳам қиммат хазина эди. У Ўтамуротнинг бундай яхшилигига қандай жавоб қайтаришни билмай халак эди.

– Мен сизни бир овулдошингиз билан учраштираман нима дейсиз? – деди у бир куни Ўтамуротга.

– Бу ерда менинг овулдошим бор эканми? – дея сўради Ўтамурот ҳам ажабланиб. – Сиз уни қаердан танийсиз?

– Биз анчадан бери кадрдопмиз. У киши 1930 йилда Истанбулга кўчиб келган. Ҳозир машҳур тижоратчи. Чармдан тикилган кийимлар билан савдо қилади. Истанбулда икки қаватли шахсий дўкони, ихчамгина фабрикаси бор. Мен доим ўзимга керакли буюмларни унинг дўконидан сотиб оламан.

– Майли, учраштинг. Лекин менинг у ерга борганимни ҳеч ким билмаслиги керак.

Кун кеч бўлганда Сулаймон Қамбар уни шаҳарнинг тор кўчаларидан бирида кўним топган кўп қаватли дўконга бошлаб кирди.

– Марҳабо, бей афандим, қадамларига ҳасанот, – деб Сулаймон Қамбарни хушнуд кайфиятда қаршилади ёши тахминан Ўтамурот тенги келадиган, йирик гавдали киши. – Кейинги вақтларда анча камнамо бўлиб қолдингиз?

– Маъзур тутасиз, дўстим, шу кунларда анча ишларимиз кўпайиб, сизни йўқлашга фурсат тополмадик, – деди Қамбар Сулаймон ҳам жилмайиб. – Айбимизни ювиш учун олдингизга ажойиб бир одамни бошлаб келаяпмиз.

Дўкон эгаси Ўтамуротга ётсирагандек қараб қўйди. У афт-ангоридан Ўтамуротнинг мусулмон киши эканлигини сезган бўлса-да, аллақандай давлат хизматидаги одам бўлса керак, деган гумонга

боргани аниқ эди. Кўп йиллардан бери шу ерда яшаётганлиги учунми, унинг ҳам қиёфаси анча ўзгарган, қорақалпоқдан ҳам кўра кўпроқ туркларгами, озарбайжонларгами ўхшаб кетарди.

— Бу киши Турсунбой бўладилар, — деди Қамбар Сулаймон дўкондорни Ўтамуротга таништириб. — Тувилган ери... Қанақа жой эди?

— Илдий, — деди Турсунбой бироз иккиланиб. Ўтамурот бу гапнинг маъносини тушунмади.

— Нима, сиз Илдийни билмайсизми? — деди Қамбар Сулаймон ўнғайсизланиб.

— Бўпти, бу гапни кўя турайлик, — деди Турсунбой. — Чой ичиб кетарсиз?

— Албатта! Ахир, мен сизнинг овулдошингизни бошлаб келиб ўтирибман...

— Сирғагул! — дея Турсунбой орқа тарафидаги эшикдан ичкарига қараб овоз берди. Шу захоти эшикдан ўрта ёшлардаги, оқишдан келган аёл чиқди.

— Ассалому алайкум, — деб аёл дастлаб Қамбар афандига, сўнг Ўтамуротга тавозе билан салом берди.

— Сен дўконга қараб тур, — деди Турсунбой унга. — Мен меҳмонлар билан бир пиёла чой устида суҳбатлашиб олмоқчиман.

Турсунбой меҳмонларни ҳовлидаги супа томонга бошлади. Супа устидаги тўгарак хонтахтада энгилгина дастурхон ёзилган, унинг тепасида лампа нур сочиб турарди.

— Апор! — дея чақирди уй эгаси ҳовли тўридаги хужраларга юзланиб.

Хужралардан биридан сочларини майдалаб ўриб, бошига попукли бахмал дўппи кийган ўн икки-ўн уч ёшлар чамасидаги, новча бўйли қиз кўриниш берди.

— Меҳмонларга чой келтир, қизим.

Қизалоқ қаторлаштириб қурилган хужралардан бирига кириб кетди. Афтидан, у ер ошхона бўлса керак.

Турсунбой манзират қилаётган бўлса-да, нота-ниш меҳмонни унчалик хушламаганлигини сезиш қийин эмасди. Бир муддат орага ўнғайсиз сукут чўкди.

– Гапларим кўнглингизга оғир ботмасин, Қамбар афандим, – дея гап бошлади ниҳоят, Турсунбой Ўтамуротга кўз кири билан қараб олиб. – Юртимда менинг ортимдан излаб келадиган қариндошларим қолмаган. Оиламиз билан элдан чиқиб кетганимизда тўққиз яшар гўдак эдим. У ёқларда ҳукуматга зиён қиладиган ҳеч иш қилганим йўқ. Отамни Хўжай баққол дейишарди, сиз у кишини ҳам танир эдингиз. Овулда ўртамиёна ҳаёт кечирардик. Отам раҳматли ўшаёқларда ҳам новвот, чой сотиб рўзғор тебратарди. Учта сигиримиз, битта биямиз, иккита оқ ўтовимиз бор эди. Шуларнинг ҳисобига отамни ҳам бойларнинг рўйхатига тиркаб қўйишгач, бир куни ярим тунда элдан бош олиб кетишга мажбур бўлдик. Ўшандан бери орадан ўттиз бир йил вақт ўтибди. Овулимизда отамни биладиган кишилар аллақачон вафот этиб кетишган бўлса керак, тенгқурларим ҳам улғайиб, унутиб юборишганига шубҳам йўқ. Шунча вақтдан кейин «овулингдан сени излаб келди» деган гапни эшитиб, хайрон бўлиб турибман.

Турсунбай билан Ўтамурот беихтиёр бир-бирига қараб олишди. Бу орада Анор патнисда чой ва хурмо олиб келиб, супага қўйиб кетди.

– Меҳмон атайин сизни сўроқлаб келгани йўқ, афандим, – деди Қамбар Сулаймон. – Менинг ўзим уни бу ерга бошлаб келдим.

– Чинданам мен сизни ахтариб келмадим, – деди Ўтамурот уни тинчлантиришга уриниб. – Мен

туркий халқлар фольклорини ўрганиб юрган олимман...

– Балки чинданам шундайдир, лекин барибир эҳтиёт бўлган яхши. Чунки биз «қизиллар»нинг таъкибидан юрак олдириб қўйганмиз... Дарвоқе, манглайига беш юлдуз такқан, брезент қалпоқли ўша большевойлар ҳалиям борми?

– У даврлар аллақачон ўтиб кетган!

– Ҳай, билмадим-ов! «Қизил» деганларини урушқоқ хўрозга ўхшаб, ўчакишган одамнинг изини қўймайдиган халқ дейишади-ку. Троцкий деганларининг ортидан жосус юбориб, чет элда юрган жойида ўлдирган, деб эшитган эдик. Шундан сўнг Истанбулдаги овулдошларимиз ҳам ваҳимага тушиб қолишди. Уларнинг баъзилари Афғонга, баъзилари Миср, Маккаи Мадина тарафларга бош олиб кетишди. Аммо отам яна кўчиб юришга унамади, «узок йўлга ярамайман, бошга тушганини кўз кўради дейишади, мендан рози бўлинглар» деб улар билан хўшлашиб, шу ерда қолди. Худо ярлақаб, жосуслар бизни топишолмади. Кўчиб кетганлар ҳам соғ-саломат, улар билан борди-келди килиб турамиз.

– Чиндан ҳам сизларга қийин бўлган экан, – деди Ўтамурот. – Лекин у ёқдаям ҳеч ким сизларнинг пайингизга тушиб юргани йўқ. Биз Қамбар афанди билан ўн-ўн беш йилдан бери хат ёзишиб турамиз. Мен фақатгина илмий ишларим юзасидан бу ерга келганман. Сиз билан ишим йўқ.

– Ростданми?

– Ишонаверинг!

– Яшириб нима қилдим, афт-ангорингизга қараб, сизни ўша ҳукуматнинг хизматидаги одамлардан бўлса керак, деб ҳадиксираган эдим.

Ўтамурот мийиғида кулганча, бўйинбоғини ечиб қўлига олди.

- Хўш, қайси овулдансиз?
- Оқтубанинг бўйидаги Жаманша овулиданман.
- Ие, Қози эшоннинг овулиданми?
- Ҳа.
- Бизнинг Илдийни билмайсизми?
- Тўғриси айтсам, шу Илдий деган сўзингизнинг маъносига сира тушунолмадим.
- Чиниқулнинг боғини биласизми?
- Биламан.
- Ўша боғнинг кунчиқар тарафидаги овулни Илдий дейишади-ку?

- Унда иккаламиз бир райондан эканмиз-да. Ҳозир Оқтуба ҳам, сиз айтган Илдий овули ҳам Кегейлига қарайди.

Кутилмаганда Турсунбой учиб ўрnidан турди. Ўтамурот ҳам оёққа қалқди. Иккаласи бир-бирини бағрига босишди. Турсунбой ўпкасини босолмай, ўксиб-ўксиб йиғлашга тушди. Ўтамуротнинг ҳам кўнгли бузилиб, кўзлари ачиша бошлади. Қамбар Сулаймон шу тонда дўстини қай тариқа юпатишни билолмай ҳайрон эди. Турсунбой бироз ўзини қўлга олиб, ҳиқиллашга тушди. Йиғи овозини эшитиб дўкondан ҳовлига югуриб чиққан аёл ҳам, иккинчи қаватдан шошиб тушган бояги навраста киз билан ўспирин бола ҳам нотаниш меҳмон билан кучоқлашиб йиғлаб турган Турсунбойга ҳайрат билан қараб туриб қолишди.

- Сирға! Сирғагул! Қара, Илдийдан одам келди! Менинг элим кўчиб келди-ку! Анор, Исмоил, кўраяпсизларми, мен ўйнаб ўсган Илдийдан овулдошим келибди!

Бу гапдан сўнг Ўтамурот ҳам ўзини тутиб туролмади. У ҳам ич-ичидан эзилиб, унсиз йиғлади.

Анча вақтдан сўнг улар қайтадан жойларига ўтиришди.

– Хотин, дўконни ёп, – деди Турсунбай Сир-
рагулга. – Қизим, сен ошхонага боравер, ҳозир
ўзим сизларга нима овқат пишириш кераклигини
айтаман. – Сўнг у яна меҳмонларга юзланди. –
Оббо, Қамбар афандим-ей, шу чоққача мени бун-
чалик қувонтирмаган эдингиз.

– Аксинча, шу чоққача сизни бунчалик қўр-
қитмаган бўлсам керак, – дея кулди Қамбар Су-
лаймон.

– Тўғри, аввал қўрқитдингиз, кейин қувонтир-
дингиз.

Бир зумда Турсунбойнинг ҳовлисига ўзгача
файз кирди. Ҳамма кутилмаганда ташриф буюрган
азиз меҳмонни муносиб кутиб олиш тараддуди-
га тушиб кетди. Турсунбой эса Ўтамурот билан
Қамбарни ўтказгани жой тополмасди.

Меҳмонларни холи қолдириб, ошхона томонга
ўтиб кетган Турсунбой бироздан сўнг қайтиб кел-
ди.

– Маъзур тутасиз, овулдошим, ҳовлиққанимдан
сиз билан тузукроқ танишишни ҳам унутибман,
исмингиз нима эди?

– Ўтамурот.

– Неча ёшдасиз?

– Минг тўққиз юз йигирманчи йилда туғилганман.

– Ия, икковимиз тенгдош эканмиз-ку! Боя айт-
ганимдек, овулдан чиқиб кетганимизда мен тўққиз
ёшда эдим. Аёлим ҳам ўша овулда туғилган. У
ўшанда бир яшар гўдак эди. Хуллас, етти оила
бирга кўчдик... Сизларни толиктириб қўймадимми,
ишқилиб?

– Йўқ-йўқ, гапираверинг, – деди Ўтамурот
иштиёқ билан унинг оғзига термилиб.

– Элдан чиққан вақтимизда отам билан онамнинг
уввос солиб йиғлаганларини эсласам, ҳалигача юрак-
бағрим эзилиб кетади, – деди Турсунбой хўрсиниб. –

Отам раҳматли, «хуш қол, киндик қоним томган она тупроғим, биздан рози бўлинглар ота-онамининг руҳлари, ватандан жудо бўлиб, жасадимиз бегона элларда қолиб кетса-да, руҳимиз қиёматда ҳамроҳ бўлгай», дея нола қилганида кўчиб бораётган ўттиз икки одамнинг ҳаммаси уввос тортиб йиғлаган эди.

– Кўз ёшини бас қилинглар, – деди шу пайт от устида ўтирган Абдиқодир эшон узангига тираб. – Худодан беизн ҳеч бир савдо бошимизга тушмайди. Бундан кейинги насибамиз ғайри элларга сочилган экан, тақдирга тан бермасдан бошқа чорамиз йўқ. Аллоҳга осий бўлмаңглар! Қани, кетдик!

Абдиқодир эшон отининг сағрисиغا қамчи тушириб, йўлга тушди. Ватангадоликни ихтиёр этган одамлар унсиз йиғлаганча у кишининг ортидан эрғашишди.

Юртдан бирга кўчган оилалар турли овуллардан эди. Абдиқодир эшон Тахта овулидан, Мембетқарим жувозчи Қори эшон овулидан эди. Яна Чимбойдан Жўллибой, Тақирқўлдан Сапаримбет исмли кишилар ҳам биз билан бирга эди. Ўйлашимча, катталар аввалдан бир пайтда йўлга чиқишга келишиб олишган бўлса керак. Лекин ўша кезларда мен ёш бола бўлганим учун бунисидан беҳабар эдим.

Туркман элида беш кун йўл юрдик. Уларнинг бир яхши томони, эшон-муллаларни жуда ҳурмат қилишаркан. Йўлда ҳеч ким Абдиқодир эшоннинг олдини кесиб ўтмади. Қайтанга икки отлик йигит бизга йўлдош бўлиб, тунда Эроннинг чегарасигача олиб кузатиб қўйишди. Эронга ўтиб олгач, большевойлар хавфидан қутулдик. Лекин қутилмаганда бир гала отликлар бизни тутиб олиб, оксоколларининг ҳузурига бошлаб боришди.

Дастлаб улар ҳар хил шубҳа-гумонларга бориб, икки ойгача ҳаммамизни қамаб қўйишди. Ксйинроқ кофирлар зулмидаи қочиб келаётганимизга ишонч ҳосил қилгач, бизни озод қилишди. Хуллас, ана шундай можаролар билан андармон бўлиб, Эронда бир йилча туриб қолдик...

Шу пайт Сирғагул юзига дока ёпилган лаганни кўтариб келиб, ўртага келтириб қўйди.

– Ўтамурот, буниң қанақа таом эканлигини биласизми? – деб сўради Турсунбой лаганга имо қилиб.

– Докани олинг-чи.

Турсунбой лаганнинг юзидаги доканинғ бир чеккасини кўтарди. Лаганда туршак солиб пиширилган нон шўрва бор эди.

– Бу қорақалпоқларнинг қадимги миллий таоми – нон шўрва-ку, – деди Ўтамурот кулиб.

– Офариш, дўстим! Мен эсимни таниб, илк бор мана шу овқатниинғ мазасини татиганман. Унутиб юбормайлик деб ҳар ҳафтада бир марта нон шўрва пишириб еймиз. Қани, бошланг, меҳмон... Олинг, Қамбар афандим. Сиз ҳам татиб кўриб, бунинг мазасига баҳо беринг.

Учаласи бирин-кетин таомга қўл узатишди.

– Айтгандай, юртда одамлар ҳалиям нон шўрва ейишадими? – деб сўради Турсунбай қизиқсиниб. – Ёки униям «эскилик сарқити» деб унутиб юбориндими?

– Йўқ, унутишмаган. Лекин бизда нон шўрвани гўшт солиб пиширишади.

– Мен сиз учун атайин ўрик солиб пиширттирдим. Шу баҳонада икковимиз бир овулни эслайлик дедим. Сизнинг қўноқ ошингиз ҳозиргина қозонга солинди. Боя нон шўрвани бошлашгандаёқ қўй сўйдирганман.

– Овора бўлиб нима қилардингиз?!

– Бунинг нимаси оворагарчилик? Ўттиз йилдан кейин мени сўроқлаб келган, болалигим кечган Илдийни биладиган одамнинг оёқлари остига қўй туғул, ҳўкиз сўйсам ҳам ярашади! Қамбар афандим, бундан бўён кўноғингиз менинг ихтиёримда. Бу ерда яна қанча вақт бўласиз?

– Яна ўн кунча бўламан.

– Майли, унғача сизга бутун Туркияни таништириб чиқишга улғураман. Анқарани кўрсатиб, Измир қўлларига олиб бораман...

– Туркиянинг ўзи камлик қилади, – деди Қамбар Сулаймон Турсунбойнинг гапини бўлиб. – Имконингиз келса, сиз меҳмонни Мисрдаги, Арабистон юртидаги, Дамашқдаги туркийзабон қавмлар билан ҳам таништинг. Бироқ бунинг учун бу кишиларнинг элчихонасидан қўшимча рухсат олишга тўғри келади.

– Хавотирланманг, афандим, ўлимдан бошқа нарсанинг чораси бор. Буёғини менга қўйиб бераверинг.

Нон шўрва ейилгач, Қамбар Сулаймон рухсат сўраб уйига қайтди. Алламаҳалда Ўтамуротнинг олдиға каттагина лаганда хамир солиб пиширилган гўшт билан қўйининг калласини келтириб қўйишди. Анор бу уйнинг кенжатоийи экан. Ўтамурот элнинг одатига кўра, қўйининг қулоғини кесиб ўшанға берди.

– Қизим, айт-чи, қайси уруғдансан? – деди Турсунбой уни эркалаб.

– Бексуюк уруғидан, – деб жавоб берди қиз.

– Бексуюкларнинг қўшиғини ҳам биласанми?

– Ҳа.

– Қани, манави амакингга айтиб бер-чи.

– Бексуюк,

Аталаси суп-суюк!

Ҳамма дув қулиб юборди.

– Истанбулда туғилган бўлсаям, қорақалпоқ тилини яхши биларкан, – деди Ҳтамурот хурсанд бўлиб.

– Чунки биз: «Ўзингнинг миллатингни, она тилингни унутма, ота-боболарингни удумлари, урф-одатларини ёдингдан чиқарма», деб қизимиз билан ўғлимизнинг қулоғига ҳар қуни қайта-қайта қуямиз. Шунинг учун улар ҳам она тилимизни деярли мендан кам билишмайди. Бўлмаса, мактабда турк тилида сабоқ олишади. Қўшимчасига араб ва инглиз тилларини ҳам ўрганиб олишган, уларнинг забонида ҳам бемалол гаплашишади... Бизни қўйинг, овулдан сўзланг, жўра!..

Ёшлигида бир-бирини кўрмаган, эшитмаган, бироқ фалакнинг гардиши билан ўзга юртда учрашиб қолган овулдошларнинг суҳбати сира тугамасди. Фақатгина ҳовли тонг нурларидан ёришиб, осмондаги юлдузлар сийраклаша бошлаган пайтагина улар ҳам уйкуга кетишди.

23

Дунёда ватап соғинчидан ҳам кучлироқ туйғу бўлмаса керак. Турсунбой неча кундан бери Ҳтамурот билан бирга бўлса-да, сира унинг суҳбатига тўймасди. Соатлаб гаплашгани билан уларнинг гурунги адо бўлмайди. Туни билан дардлашиб ўтириб, алламаҳалда чарчаб ухлаб қолишади. Эрталаб Турсунбой қушдай енгил бўлиб уйғонади. Гўё ўз юртининг таомларини унутганини исботламоқчидек, ҳар қуни ҳар турли овул овқатларини тайёрлатади. Ҳтамурот уларнинг таъми озми-кўпми ўзгарганини сезса ҳам сир бой бермайди, аксинча, Турсунбойни алқаб қўяди.

– Биз бошқа нарсани унутсак ҳам элнинг удумларини унутмасликка тиришпамиз, жўра, – дейди Турсунбой унинг мактовидан хурсанд бўлиб.

– Офарин!

Аслида, Ўтамуротни Турсунбой пишириб бераётган миллий таомлардан ҳам кўра турк халқининг удумлари, урф-одатлари, тили ва оғзаки ижоди кўпроқ қизиқтирарди. Бу ҳақда гап очилса, Турсунбой ўз билганича гапириб беради-да, тагин мавзунини Илдий томонларга буради. Тўғри, у Ўтамуротга Истанбул ва Анқарани томоша қилдирди. Иккаласи Измир чўлларини ҳам кезиб, туркларнинг бириккита тўй-маъракаларида ҳам қатнашишди. Лекин улар бирон марта мотам маросимига дуч келишмади. Ўтамурот эса туркларнинг марҳумларини дафн этиш билан боғлиқ удумларини ҳам кўришни истарди. Лекин шу ҳақда ўйлаганида худди бировга ўлим тилаётгандай, бу фикридан ўзи уялиб кетарди.

– Мен сизни Абдиқодир эшоннинг ўғли билан таништиришим керак, – дерди Турсунбой ҳар куни эрталаб унга. – Унинг исми Музаффар. Мадрасада таҳсил олган, илмли йигит. Охун даражасига эришган. Лекин ҳозир у кишиям менга ўхшаб тижорат билан шуғулланади. Ўзининг шахсий гилам фабрикаси бор. Булғорлар, хунгарлар билан савдосотик қилади.

– Бунинг учун элчихонадан рухсат олишимга тўғри келади, – деди Ўтамурот. – Имконим бўлганида, жон деб танишган бўлардим. Лекин кўриб турибсиз, ихтиёрим ўзимнинг қўлимда эмас.

– Бугун-эрта Музаффар охундан икковимизнинг номимизга чақирув хати келади. Бу хат сизнинг элчихонангизга ҳам боради. Менинг хорижга чиқишим қийин эмас, лекин сизнинг ишингиз қийинроқ кечиши аниқ. Рухсат беришгунча юртга қайтадиган вақтингиз келиб қолмаса, деган хавотирдаман... Қамбар афанди аввалроқ иккаламизни таништирганида, ҳаммасига улгурган бўлардик.

– Иложимиз қанча...

– Ташвишланманг, худо хоҳласа, бунинг ҳам чораси топилиб қолар.

Шундан сўнг Турсунбой яна Илдий овулида кечган болалиги ҳақидаги хотираларига берилди.

– Овулда пуфак ўт халиям борми? – дея сўраб қолди у дафъатан.

– Қанақа пуфак ўт?

– Вақтида қоғозга ёзиб қўйишим керак экан. Ҳаммаси кечагидек кўз олдимда тургани учун унутмасам керак, деб ўйлагандим.

– Сиз айтаётган ўсимлик чирмовукгул эмасми мабодо?

– Йўқ. Чирмовукгул деганлари жийда билан қоратолга чирмашиб ўсарди, шекилли?

– Тўғри. Уни бизда туясинғир²² дейишади.

– Йўқ, у эмас. Шўрхоқ ерда ўсарди. Онам чопиб олиб келиб, тандирга ўтин қиларди. Ўзиям жуда енгил бўлиб, яхши ёнарди.

– Эй, оқбош демайсизми!

– Ҳа, ҳа, оқбош! Худди ўша! Новдаси пишгандан сўнг гули пуфакка ўхшаб учиб кетади, тўғрими?

– Тўғри.

– Оқбош билан ёнма-ён ўсадиган қорабарақ²³ деган гиёҳ ҳам бўлар эди?

– Ҳалиям бор.

– Қорамик-чи, у ҳам борми?

– Уям овулларда гуркираб ўсиб ётибди.

– Сиз болалик вақтингизда қорамик еганмисиз?

– Овулда қорамик емаган бола бор эканми?

– Эҳ, болалик чоғларим! Овулда кечган дамларимни ҳалигача қўмсайман! Шу топда қорамик бўлса, жон деб еган бўлардим.

²² Туясинғир – чирмовукгулнинг халқ тилидаги номи.

²³ Қорабарақ, қорамик – маҳаллий ўсимлик номлари.

– Йилига уч марта мева берадиган ўсимликни ҳам биласизми? – деб сўради Ҳтамурот ундан.

– У нима экан?

– Ажиниязнинг шунақа қўшиғи бор, эшитмаганмисиз?

– Ажишяз дейсизми? Унақа одамни танимас эканман.

Ҳтамурот Турсунбойнинг мактаб кўрмасдан бурун элдан чиқиб кетганини унутган эди.

– Узр, дўстим. Сизнинг Ажиниязни билмаслигингиз табиий... Мен сутилмекни²⁴ назарда тутган эдим.

– Э-ҳей, мен сутилмекни билмас эканманми? Қўй сутилмек, эчки сутилмек!.. Қўй сутилмек қўнғир тусли, пастак бўйли, бироқ жуда серсут бўларди, тўғрими? Унутмабманми?

– Унутмабсиз.

– Бизлар баҳор келиши билан ҳар куни сутилмек териш учун дала-даштга чиқардик. Ўзимдан олти ёш катта Санагул деган онам бор, ҳозир Дамашқда яшайди. Унинг олдига қўшни овулдан Ойзода, Парихон деган қизлар келишарди. Учласи нималар ҳақидадир пичирлашиб гаплашишар, тез-тез жарангдор овозда кулиб юборишарди. Мен доим уларга дум бўлиб эргашиб юрардим. Улар сутилмек териб юриб қўшиқ куйлашарди. Уларнинг ашуласи ҳалигача қулоқларим остида жаранглаб туради. Ҳар гал қўшиқни Ойзода бошлаб берарди:

Оқтерак бошида ойнам қолибди,
Отамдан-онамдан қўнглим қолибди,
Отамга-онамга мол-дунё керак,
Менга эса покиза севар ёр керак!..

– Шунақа қўшиқ айтишга уялмайсанми? – деб Парихон унинг елкасига муштлайди.

²⁴ сутилмек – қоқиўт.

– Нега уяларканман? Ахир, ёшимиз ўн бешга чиқиб қолди-ку, яна нима камимиз қолди? – деб Ойзода қўшиғини узилиб қолган жойидан давом эттиради:

Эрталабдан мол ҳайдадим подага,
Даста-даста гул элтиб қўйдим қалага²⁵,
Айгиб қўйинг Қалбай деган болага,
Отин боғлаб, ўзи келсин қалага.

Учаласи шарақлаб кулишади. Лекин менинг опам қўшиқ айтмасди. Вақти-вақти билан мена юзланиб, «айланайин оғажон, кўзингга қараб юр, тагин оёғингга тикан кириб кетмасин», деб ғамхўрлик қилиб қўяди.

«Опам менинг оёғимга тикан кириб кетишидан ҳам кўра, бу гапларни онамга айтиб беришимдан чўчиса керак», деб ўйлардим ўзимча. Қаранг, муштдайгина бошим билан анча қув бўлган эканман ўшанда!

Қизлар ўзларича қўшиқ куйлаб, кўнгилларини хушлагани билан унчалик хушовоз эмасди. Хушовоз деб Қалбайни айтса бўларди. Кунда, кунора намозшомдан сўнг ёшу қари уларнинг уйида тўпланишарди. Биз болалар ҳам катталарга эргашиб борардик. Қалбай деганлари кекса онаси билан қўл учида ҳаёт кечирар эди. Лекин иккаласи ҳам жуда қўли очиқ одамлар эди. Пиширган овқатини одамларнинг олдига қўйишиб, гоҳида ўзлари оч қолишарди. Лекин ҳеч қачон бундан оғринишмасди.

– Келинлар, чироқларим, қўноқ ўз насибаси билан келади дейишади, – деб одамларнинг теварагида парвона бўларди Қалбайнинг онаси.

– Ҳар куни қўшиқ айттиравериб, Қалбайни чарчатиб қўймасмикинмиз, – дейишади катталар қисиниб.

²⁵ қала – шаҳар.

— Йўғ-ей, ёш йигит нимага чарчайди? Ўғлим худо берган овозини сизлардан аяса, уят бўлади!

Шундан сўнг Қалбай пилта чирокни ўчокнинг устига қўйиб, чўккалаб ўтирган кўйи дoston куйлашга тушарди. Вой, садағаси кетай, кўзидай маърарди-я, ўзиям! Қора тийин девнинг Эдигейни Элип дев билан курашга туширгани, Алпомишнинг хийла туфайли зиндонга тушгани, подшо Ошиқ Гарибни ўз юртдан бадарға қилгани ҳақида куйлаганида одамларнинг кўз ёши сел бўлиб оқарди. Бироқ биз болалар йиғламасдик.

«Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта-лар омин дейди» деган нақл бежиз айтилмаганига ана шу Қалбайнинг тақдири мисолида ишонч ҳосил қилган эдим. Боя айтганимдек, она-бола жуда камбағал яшашарди. Адашмасам, учта эчкиси билан битта эшагигина бор эди уларнинг. Қалбай бояқиш ўзининг ҳолини билгани учун «бу дунёдан ёлғиз ўтиб кетсам керак», дсб умидсизланиб юрар экан. Катталарнинг айтишича, бир-икки марта унинг овзидан «Уйланиб ўлсам армоним йўқ эди» деган гап ҳам чиқиб кетган экан. Бундай кезларда одамлар: «Ноумид бўлма, Қалбай, вақти келиб албатта уйланасан», дея унга далда беришар экан. Лекин ҳадеганда Қалбайни ўзига куёв қиладиган мард топилмади. Ахир, ким ҳам бугун еса, эртага оч ўтирадиган қашпоқ йигитга қиз беришни хоҳлайди дейсиз!

Қатағон овулида Сейтек исмли баққол яшарди. У жудаям қайсар одам бўлиб, қадалган жойидан қон олмай қўймасди. У бир куни бозордан қайтаётиб, Улпари деган бўй етган қизининг пелюнасига беш юлдуз таққан бир йигит билан шивирлашиб турганининг устидан чиқиб қолади. Аччиқ устида иккаласини ҳам отиб ташламоқчи бўлади-ю, лекин замонанинг авзойидан кўрқади.

Сири фош бўлиб қолган қиз қўрққанидан ўзининг ўтовига қамалиб олади. Ғазабдан кўзлари қонга тўлган Сейтек баққол уйига келиб отдан тушади-да, ўғлини ёнига чақиради.

– Отга мин-да, тезда Қалбайни бу ерга бошлаб кел! – деб буйруқ беради ўғлига.

– Уйида йўқ бўлса нима қилай?

– Гўрда бўлсаям, ерда бўлсаям топ!

Ўвил алламаҳалда Қалбайни бошлаб келади.

– Болам, манави отга мин, – дейди Сейтек баққол унинг қўлига отининг жиловини тутқазиб. Сўнг кизи ётган ўтовга юзланади. – Улпар!

Қиз ўтовдан чиқади.

– Лаббай, – дейди қўрқувдан дағ-дағ қалтираётган қиз отасининг кўзларига қарашга ҳам ботинолмай.

– Буёққа кел.

Қиз келади.

– Қалбайнинг ортига мингаш.

Улпар чор-ночор отасининг буйруғини бажаради.

– Бахтли бўлинглар, болаларим! Қалбай, уйингдаги эчкининг бирини сўйиб, қўни-қўшнилариингга тўй бериб юбор. Бугундан бошлаб қизимнинг ихтиёрини сенга топширдим. Тагингдаги от мендан сенга совға! Йўлингизни берсин!

Шундай қилиб, Қалбайнинг ҳам бахти кулиб, йўқ ердан хотинли бўлиб қолди. Эчкини сўйиб, камтаргина тўй берди. Одамлар ҳам Сейтек баққолнинг жумардлигига тан беришди. Бироқ Қалбайнинг бахтиёр кунлари узоққа чўзилмади. Қизиллар унинг бошини айлантириб, қайнотаси совға қилган оти билан ўзларининг сафига қўшиб олишди. Сейтек баққол шунда ҳам қизини олиб кетмади. Нима бўлганда ҳам Қалбай шу элнинг одами эди. Ўша йили кузда овулда «Қалбай урушда ҳалок бўлибди» деган хабар тарқалиб, орти-

дан унинг жасадини ҳам олиб келишди. Одамлар биргалашиб уни қабрга қўйишди. Лекин ҳеч ким йиғитнинг жанозасини ўқишга ботинолмади. Балки пинҳона ўқишгандиру, биз болалар бундан беҳабар қолгандирмиз. Кейин билишимизча, ҳўв ўша, папа-пастқамда Ултари билан учрашиб юрган йиғит уруш баҳонасида Қалбайни отиб қўйган экан.

Шундан бери болаларимга, яқинларимга «фақат яхши ният қилинглар», деб уқтираман. Ахир, ҳар банданинг икки елкасида икки фаришта ўтиради. Улар кишининг оғзидан чиққан ёмон ниятга ҳам омин деб юборса, оқибати яхши бўлмайди!

Турсунбой табиатан шунақа эзма одам эдими, ёки овулни қаттиқ соғингани учунми, ишқилиб болалик чоғларида у ерда кечган ҳаёти ҳақида тинимсиз ҳикоя қиларди. Ўтамуротни эса унинг овулда ўтган болалиги эмас, ўзга эллардаги кечмиши, бу томонларда яшаётган туркий халқларнинг турмуш тарзи кўпроқ қизиқтирар эди. У бу борада тузукроқ маълумот йиға олмаганлигидан афсусларди. Тўплаган манбалари ҳам ёзилажак китобнинг бир-икки бобидан ортмаслигини яхши ҳис қилиб турарди.

Ўтамуротнинг юртга қайтишига уч кун қолганда Музаффар охундан Турсунбой иккаласининг номига чақирув хати келди. Лекин элчихонада Ўтамуротга рухсат беришмади.

– Биз рухсатни у ёқдан олишимиз керак, – деб жавоб қилишди элчихонадагилар.

– Майли, биров кутайлик-чи, – деди Турсунбой.

– Бу бир-икки кунда битадиган иш эмас.

– Бир кунда бўлмаса, ўн кунда, ўн беш кунда битар...

– Унгача Мирзамуротов ортга қайтади!

– Лекин сизлар ўз мамлакатингизга сўров хатини юбораверинглар. Балки кейинроқ бу ерга

яна қайтиб келишига имкон туғилиб қолиши мумкин. Ҳадиси шарифларда, «бешиқдан қабргача илм изла» дейилган. Бу киши ҳам илм ахтариб ўзга юртларга сафар қилган экан, худонинг ўзи бир йўл кўрсатар!

– Кечирасиз, сиз бизга даллолчилик қилманг!

Шундан сўнг иккаласи руҳсиз кайфиятда элчихонадан чиқишди. Ўтамуротнинг Маккага бориши учун ҳеч қандай имконият қолмаган эди.

Эртаси куни кутилмаганда Ўтамуротнинг ошқозони бузилиб, тоби қочиб қолди. Турсунбой уни алоҳида хонага ётқизиб, шифокор чақиртирди. Шифокор уни обдан текшириб, муолажа учун зарур бўлган дори-дармонлар рўйхатини тузиб берди. Энг асосийсиси, у элчихонага беморни ўн-ўн беш кун давомида ўрнидан қўзғатиш мумкин эмаслиги ҳақида тиббий хулоса ёзиб берди. Шу тарика Ўтамуротнинг илмий сафари ихтиёрсиз равишда яна бир ойга чўзиладиган бўлди. Бахтига ана шу бир ой ичида мамлакатдан унинг Маккага бориши учун рухсат қоғози ҳам етиб келди.

Ўтамурот билан Турсунбойнинг Маккага сафари Қурбон ҳайити кунларига тўғри келди.

– Ниятингиз холис экан, дўстим, шундай улур савобга эришадиган бўлдингиз, – деди Турсунбой кувончдан терисига сиғмай.

Турсунбойнинг шахсан ўзи елиб-югуриб сафар анжомларини ҳозирлади.

– Ана энди йўрға отдай сафарга шай бўлдик, – деди у кечкурун ётиш олдидан Ўтамуротнинг олдига бир тахлам оппоқ мато кўтариб кириб. – Мана бу либосни атайлаб сиз учун олиб келдим.

– Бу нима? – деб сўради Ўтамурот ажабланиб.

– Эҳром бу, – деб қисқагина изох берди Турсунбой.

— Буларни нима қиламан? — дея сўради Ўтамурот ҳамон ҳеч нарсани тушунолмади.

— Ия, нима қилардингиз? Ахир, эрталаб Маккаи мукаррамага йўл оламиз. Яратганнинг меҳрибончилигини қарангки, сафаримиз Курбон ҳайитига тўғри келди. «Ниятим — Каъбатуллоҳ» деб йўлга чиққан мўмин-мусулмоннинг эҳром боғлаши фарз ҳисобланади. Бурунчилар айтганидек, омон қайтсак — ҳожилик либосимиз, ўлсак — кафанимиз бўлади бу мато!

— Йўқ, Турсунбой жўра, ҳозирча менга кафанининг кераги йўқ, — деди Ўтамурот гапни ҳазилга буриб, — ҳали ҳаётдан умидим катта.

— Ёмонликни олдингга сол, яхшилигинг беиз кетмайди, дейишган ота-боболар.

— Мен у ерга Каъбани зиёрат қилиш учун бормаётганимни ўзингиз ҳам биласиз-ку?

— Биладан. Лекин шу баҳонада елкангиздаги энг катта фарзлардан бирини адо этишингизни истаяпман.

Ўтамурот Турсунбойнинг бу гапни чин кўнгулдан айтаётганини тушуниб турарди. Лекин ўзининг бундай йўл тутишига монелик қиладиган сабаблар ҳам етарли эди.

— Турсунбой дўстим, мен ҳали ҳожилик либосини кийишга тайёр эмасман. Чунки шу чоққача мусулмончиликнинг бошқа шартларини ҳам қойиллатиб қўйганим йўқ. Намоз ўқимасам, рўза тутмасам, менинг қилган ҳажим қабул бўлармикин?

Турсунбой унинг қаршисига жойлашиброқ ўтирди.

— Мен сизга бир пайтлар раҳматли отамдан эшитган бир ривоятни айтиб бермоқчиман... Қадимда ўтгиз кунлик рўзасини, беш вақт намозини қанда қилмайдиган бир тақводор чол яшаган экан. Аксига олиб, у фоҳиша аёл билан қўшни яшаркан. Чол кўча-кўйда унга дуч келиб қолса,

хар гал юзини тескари буриб ўтаркан. Аёл ҳам буни сезса-да, чолга бир оғиз бир нарса демас, лекин ўзининг нафсини ҳам тиёлмас экан. Куз оқшомларидан бирида эрталабгача фар хотиннинг эшиги гийқиллаб очилиб-ёпилиб, чолга уйку бермабди.

– Бу лаънати хотиннинг бирон кун тинч ётганини кўрмадим! – дея чол эрталабгача ҳасрат қилиб чиқибди.

Орадан йиллар ўтибди. Вақти-соати етиб, тақводор чол ҳам, фоҳиша аёл ҳам оламдан ўтишибди. Худонинг қудрати билан фар аёл беҳиштга, бир умр беш вақт намози-ю, рўзасини қанда қилмаган чол эса дўзахга тушибди. Чунки ўша тунда чол кўшни аёл ҳақида нотўғри гумонга борган экан. Аслида шу кун фар аёл биронта эркакни қабул қилмаган, тунда қўзғалган шамол унинг эшигини очиб-ёпиб ўйнаган экан. «Бандасининг охирати ёлғиз худога аён» дер эди отам раҳматли. Хар бир банданинг охирати қандоқ бўлиши ёлғиз худога аён. Сиз ҳам мусулмончиликнинг бошқа шартларини бажаролмаганингиз билан, ҳаж ибодатини адо этишингизга Яратганнинг ўзи йўл бериб турибди. «Ё, Аллоҳ!» деб яхши ният қидаверинг, биродар.

Ўтамурот Турсунбойнинг бундай самимий гапларига бирон-бир тайинли эътироз билдиролмади. Ҳадеб «йўқ» деб оёқ тираб туравериши ҳам нокулай эди.

– Эрталабгача ўйлаб кўрай-чи, – деди у ниҳоят.

– Майли, ўйлаб кўринг. Лекин мен айтгандек йўл тутсангиз яхши бўларди. Раҳматли отаонам Туркиягача қадами етган бўлса-да, лекин Каъбатуллоҳнинг зиёратига эришолмай армонда кетишди. Уларга насиб этмаган бундай бахт менга буюрган экан, худо хоҳласа, эртага менинг иккинчи ҳаж сафарим бўлади. Бўпти, яхши ётиб туринг.

Ўтамурот тонг отгунча ёлчитиб ухлолмади. Эрталаб Турсунбойга нима деб жавоб беради? «Хўп» десинми ёки эҳром боғлашни рад этсинми? Йўқ деса, дўстининг хафа бўлиши тайин. Иккаласи танишганидан бери уни еру кўкка ишонмайди. Элчихонадан рухсат олиш масаласида ҳам ўзи елиб-югурди. Хасталаниб ётиб қолмаганида аллақачон юртига қайтиб кетган бўларди. Лекин Турсунбойнинг таклифига рози бўлиши ҳам ноқулай. Шунча йил ўзи ўқиган атеистик ғояларнинг ҳаммаси шамолга учади. Буниси ҳам майлику-я, хорижда ҳам изғиб юрадиган хуфия хизмат вакиллари унинг оппоқ либосда ҳаж сафарига йўл олганини сезиб қолиб, суратга тушириб олишса, кейин аҳволи нима кечади? Овулда битта-ярим уламолар «диндан қайтдим» деб газетада мақола чоп эттираётган бир пайтда фан доктори хожи бўлиб қайтса... Бунинг оқибатини ўйлашнинг ўзи кўрқинчли эди.

Тонгда улар сафарга ҳозирланиб, тўйиб овқатланиб олишди. Йўлда очиқиб қолиш мумкин. «Уйингдан қирқ одим олисласанг, мусофирсан» дейишган.

Сўнг иккаласи ҳам кийиниш учун ўзларининг хонасига йўл олишди. Бироздан сўнг Турсунбой бошдан-оёқ оппоқ либосда ҳовлига чиқиб келди. Унинг ортидан Ўтамурот ҳам ташқарилади. Аммо у ўзининг одатдаги кийимида эди.

– Ия, дўстим, туни билан ўйлаб олмадингизми? – деди Турсунбойнинг кайфияти тушиб.

– Ўйладим. Ўзимга қолса, сизнинг сазангизни ўлдирмасдим. Лекин... Мени тўғри тушунарсиз деб ўйладим. Мен ҳаж қилгандан кейин бир умр Маккада ёки Истанбулда қололмайман-ку! Ҳадемай юртга қайтишим керак.

– Ҳмм... Тушунарли! – Турсунбой бир муддат ўйланиб қолди-да, сўнг хотинини ёнига чақирди. –

Меҳмоннинг ётоқхонасидан унинг хожилик либосларини буёққа олиб чиқ. Маккага яқинлашгандан сўнг киймоқчи экан.

Турсунбой бу гапни шунчаки йўлига айтдимидеки чиндан ҳам ҳажга боргач, дўстининг эҳром боғлашидан умид қилганмиди, буниси Ўтамуротга қоронғи. Хуллас, Турсунбой унга аталган оппоқ кийимларни авайлаб ўраб, сафар халтасига жойлади.

Иккаласи Курбон ҳайитидан бир кун аввал Маккага етиб келишди. Шаҳарда оёқ босгудай жой йўқ. Кўча-кўйда денгиз соҳилига келиб қўнган чағалайлар галасини эслатиб юборувчи оппоқ либосдаги, сон-саноксиз одамларга кўзинг тушади. Ўтамурот эса уларнинг орасида чағалайлар галасига адашиб кириб қолган қора қарғага ўхшаб кўринарди. У ўзининг ҳолатидан уялиб, тезроқ кўзланган манзилга етиб олишга ошиқарди.

Музаффар охун меҳмонларни интизорлик билан кутиб ўтирган экан. Уларни жонлиқ сўйиб қаршилади. Дастурхон бошида оила аъзоларини Ўтамуротга бирма-бир таништирди. Хонадон аҳли Турсунбойни илгаридан танишаркан. Ўтамурот эса улар учун чет эллик меҳмон, шу билан бирга овулдош қадрдон эди. Лекин уларнинг чехрасидан ўзига нисбатан тузукроқ илиқликни ҳис қилмади. «Буларни ҳам тушуниш керак, — деб ўйлади Ўтамурот ўзича. — Музаффар охун овулда дунёга келгани билан, унинг аёли, фарзандлари ҳам ўзга элларда туғилган. Ватан дегани миллатни тан олмайди, қайси ерда киндик қонинг томса, ўша ер сен учун Ватан ҳисобланади.»

Муҳожирликда яшаётган юртдошлари Ўтамуротга овулдан кўчиш изтироблари, олис сафар машаққатлари, ўзга элларда қўним топгунча бошдан кечирган азоблари ҳақида хикоя қилиб беришди.

Хуллас, Турсунбойнинг ҳам, Музаффар охуннинг ҳам шу даражага эришиши осон кечмаган экан. Бу томонларда «хукумат очдан ўлдирмайди» деб қўл қовуштириб ўтиришнинг имкони йўқ, ҳаракат қилсанг топасан, ишласанг тишлайсан. Уқувсизлик қилсанг, кўчада қолишнинг ҳеч гап эмас.

– Сиз ҳам мадрасани битирганмисиз? – дея сўраб қолди Музаффар охун овқат устида Ўтамуротдан.

Ўтамурот унга ажабланиб қаради. Турсунбой кулди.

– Музаффар инимиз юртда ўрнатилган сиёсатдан унчалик яхши хабардор эмаслар, – деди у. – Эрдан бош олиб чиқиб кетганида нари борса, беш яшар гўдак бўлганлар. Гапим тўғрими?

– Ўшанда уч ёшда бўлган эканман.

– Ана, айтдим-ку. Шунинг учун у томонларни яхши билмайдилар. Эшон оғам бу ерга келишлари билан бу кишини мактабга берганлар. Кейинроқ мадрасада таҳсилни давом эттирганлар.

Ўтамурот Турсунбойнинг гапларини бош ирғаб маъқуллаб ўтирди.

– Овулда мачит-мадрасаларни бузишаётган бир пайтда бу киши қаёқданама мадрасада ўқисин? – деди Турсунбой мезбонга юзланиб.

– Шундай бўлса ҳам бирон жойда ўқимадингизми?

Ўтамурот мийғида кулиб қўйди.

– Институтни тамомлаганман. Фан докториман.

– Ия, сизларда ҳам европача тизим жорий қилинган экан-да! Араб тилини билганингизда сизга баъзи китобларни кўрсатардим.

– Олиб келинг, – деди Ўтамурот қувониб. – Мен араб тилини биламан. Шарқ халқларининг тилларини ўрганиш бўйича курсда ўқиганман. Қолганини ўзимча ўрганганман.

Музаффар охун ичкаридан бир даста китоб кўтариб чиқди.

– Бу китобларнинг кўпчилиги Қуръони каримнинг нусхалари саналади. Раҳматли отамизнинг айтишларича, булар Бухорода босмадан чиқарилган бўлиб, ҳар бири бир сигирнинг баҳосига тенг экан. Шунга қараганда, у ёқларда Қуръон китобини ҳам пулга сотишадиганга ўхшайди. Бироқ бу ерларда Каломуллоҳ чоп қилинган китоблар текин... Отамиз овулдан чиқишда ўзлари билан икки хуржун китоб ҳам олган эканлар. Бироқ йўл-йўлакай турли жойларда макон тутиб қолган овулдошларига биттадан китоб улашиб келаверганлар. Мен бу китобларнинг ҳаммасини ўқиб чиққанман.

Ўтамурот муқоваси ва саҳифалари сарғайиб кетган, нисбатан юқароқ бир китобни қўлига олди.

– Бу рисолада Исломгача бўлган даврларда яшаган арабларнинг ҳаёти ҳақидаги афсона ва ривоятлар жамланган, – дея изоҳ берди Музаффар охун.

Ўтамурот китобда келтирилган кичикроқ ҳикоялардан бирини ўқишга тугинди.

«... Умар ибн Ҳаттобнинг тўнғич фарзанди қиз туғилди. Хотини иккаласи қизалоқни беш ёшга тўлгунча авайлаб парваришлаганди. Улар ҳар гал гўдакка ачиниш билан қараб қўйишарди. Онаси эса ёлғиз қолган пайтларида қизалоқнинг тақдирини ўйлаб, унсиз йиғларди.

Қизалоқ жуда ақлли эди.

– Ойижон, нега кўзларингиз қизариб кетган? – деб сўрарди ўшандай кезларда.

– Кўзларимга тутун кирди, шекилли, – деб баҳона қиларди шўрлик онаизор жилмайишга уриниб.

Кунлардан бирида ота-онаси қизалоқни яхшилаб овқатлантириб, янги кийимларини кийдиришди. Шундан сўнг Умар ибн Ҳаттоб белкуракни елкасига ташлаб, қизалоқнинг қўлидан етаклаганча уйдан

чиқиб кетди. Онаизор уларнинг қораси кўришмай кетгунча иккаласининг ортидан қараб қолди. Дунёнинг бедодлигидан юрак-бағри қон бўлиб кетган онаизор тобора олислаб бораётган қизалоғи эшитиб қолишидан кўркиб, овоз чиқармасдан, ич-ичидан эзилиб йиғлади.

Умар ибн Ҳаттоб шаҳар чеккасидаги қумликка келиб ўтирди. Қизалоқ унинг соқолини жажжи қўллари билан тараб ўйнарди. Ўз ишидан завкланиб, қикир-қикир куларди. Унинг қилиқлари ўзига жудаям ярашиб турарди.

Отаси чуқур қазийётганида қизалоқ қум устида очилган нозик-ниҳол гулларни териб юрди. Ораси-ра мўъжазгина хандақдан чиқариб ташланган қум аралаш тупроқни у ёқдан-бу ёққа суриб ўйнарди.

Умар ибн Ҳаттоб белқуракнинг сопидан узунроқ чуқурни қазиб бўлгач, унинг лабида ўйчан қисфада ўтириб қолди.

– Отажон, бу чуқурни нима учун қазидингиз? – дея сўради қизалоқ чиройли кўзларини пирпира-тиб.

Умар унга жавоб бермади. Қизалоқ ҳам шу захоти яна ўйинга берилди.

– Буёққа кел, қизим! – деди ниҳоят, Умар ибн Ҳаттоб бир қарорга келиб. Қизча отасининг олдига югуриб келди.

– Қани, манави чуқурга туш-чи.

Қизалоқ ўйлаб ўтирмасдан чуқурга сакради. Чуқур қизалоқнинг бўйидан уч-тўрт қарич баланд эди. Умар ёнидаги белқуракни кўлига олди-да, чуқурни кўмишга тушди. Қизалоқ белига қадар тупроққа ботди.

– Отажон, нима қиляяпсиз? – деди у ҳайратланиб. Аммо отадан жавоб бўлмади. У кўзларини ердан узмасдан чуқурга тупроқ тортаверди.

– Отажон... От...

Бироздан сўнг тупроқ остидан ожизгина гўнғиллаган овоз эпитилди. Ўрага тортилган тупроқ анча вақтгача қимирлаб турди. Сўнг биратўла тинчиб қолди. Умар ибн Ҳаттоб белкурагини елкасига ташлаб, шаҳарга йўл олди.»

Ўтамурот чуқур сўлиш олди. Ўзаро суҳбатлашиб ўтирган Музаффар охун билан Турсунбой унинг холатига эътибор беришмади. Ўтамурот бундай аянчли ҳикоят таъсиридан тезроқ халос бўлиш илинжида бошқа бир афсонани ўқишга тутинди.

«Менинг тўрт нафар ўғил фарзандим бор эди. Ёшим қирқдан ошганида ўша тўрт ўғилга алмашмайдиган бир қиз кўрдим. Қизимга Фотима деб исм қўйдим. У йўрғақда ётган вақтидаёқ киприкларини найзадек, қошлари камондек, гўзалликда тенги йўқ бир паризод бўлиб улғайиши кўриниб турарди. Орадан йиллар ўтиб, Фотима ўн беш ёшга тўлди. Чиндан ҳам у ҳусну латофатда ягона эди. Дунёнинг тўрт тарафидан манаман деган йигитлар унга харидор бўлиб кела бошлашди. Лекин мен ҳаммасини ноумид қайтаравердим, Фотимани уларнинг ҳеч бирига кўзим қиймасди. Чунки мен Фотимани ҳаммадан қизғанардим ва баъзан нафсим виждонимдан устун келарди.»

Ўтамурот китобни ёшиб, нари суриб қўйди.

— Нима, ёқмадимми? — деди Музаффар охун жилмайиб.

— Ибрат оларлик жойи йўқ экан, — деди Ўтамурот. — Аслида, Ислому дини бежиз бу юртда қарор топмаган экан.

— Тўғри айтдингиз, — деб унинг гапини маъқулади Музаффар охун. — Ислому пайдо бўлгунча араблар жаҳолатда яшаган. Сиз китобни охиригача ўқимадингиз, ўқиганингизда билардингиз, бола отасини ўлдирган, қариндошлар бир-бирини бўғизлаган, бир-бирига хиёнат қилган... Бирок

ҳозир унақа эмас. Сиз китобда ўқиган иллатлар аллақачон ўтмишда қолиб кетган. Ҳозир араблар асосан савдо-сотик билан шуғулланишади. Бу иш Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан қолган суннат ҳисобланади. Чунки Пайғамбаримиз: «Бараканинг ўндан тўққиз бўлаги савдода, бир бўлаги деҳқончиликда», дея марҳамат қилганлар. Бизни ҳам айнан араблар тижоратга ўргатишди. Бир пайтлар раҳматли отамиз ҳар гал ўчоқ бошида ўтирганимизда: «Тушгача сўйдиган нонингиз бўлса, тушдан кейинги овқатингизни ўйлаб, бировларга ялинманг», дея насиҳат қилардилар. Лекин бу гапга амал қилмадик. Худога шукр, ҳозир болам-чақам билан ўн йил ётиб есам ҳам адо бўлмайдиган даражада мол-давлатим бор. Лекин шундай тижоратни бирон кун ташлаб қўйганим йўқ. «Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди» деб бекорга айтишмаган.

— Абдиқодир эшон дини иймон йўлида белини маҳкам боғлаган инсон эдилар, — дея гапга аралашди Турсунбой. — Овулда яшаган кезлари хуржунига битта бўйра солиб юраркан. Бирон жойга тўй-маъракага борсалар, кўрпачани олдириб ташлаб, ўша бўйрани тўшаб ўтираркан. Битта-яримтаси, «ундай қилманг, таксир» дейишса, «Эй, биродарлар, эрта бир кун қазойим етса, мени кўрпачага ўраб кўмишмайди, қабр ҳаётига ҳозирдан ўрганиб боришим керак», деб жавоб берар эканлар. Бироқ кейинчалик ўзидан каттароқ домла-эшонлар ўртага тушишгач, эшон отамлар бу одатидан воз кечибди. У киши ўринсиз бир оғиз ҳам гапирмас, ҳазил-мутойибани унчалик хуш кўрмайдиган, оғир табиатли одам эдилар.

— Лекин баъзан онам билан ҳазиллашиб турар эдилар, — дея кулди Музаффар охун.

– Ҳа, энди бунақаси эр-хотиннинг орасида бўлиб туради.

– Отамизнинг онамга тегишиб айтиб турадиган бир қўшиғи бор эди:

Ғижир-ғижир аравали,
Кимсан деса, Болғали²⁶,
Болғалидан тинмадим,
Шу хотиннинг дастидан!

Учаласи енгил кулиб олишди.

– Дастлабки кунларда онам ҳам кулиб қўя қоларди. Кейинроқ бу қўшиқни эшитса, кўнгли бузилиб, кўзларига ёш оладиган одат чиқарди. Қадрдош овули, у ерда қолган жигарлари ёди-га тушиб кетиб, бир муддат мунғайиб ўтирарди. Шундан сўнг отамиз бу қўшиқни айтмай қўйдилар. Кейин билсам, онамнинг Қораўзақда Қоразбек, Ўрозбек исмли икки иниси қолган экан. Онам раҳматли ҳаётининг сўнгги дамларида қўш бор, «дийдори қиёматга қолган жигарларимов», деб нола қилиб йиғларди.

Учаласи алламаҳалгача суҳбатлашиб ётишди. Эртаси кун Музаффар охун ўзи ва меҳмонларнинг номидан учта қўйни қурбонлик қилди.

– Ҳуш, нима қарорга келдингиз? – деб сўради эрталаб Турсунбой Ўтамуротдан. – Ҳайит намозига чиқасизми? Кийимингиз тайёр.

– Раҳмат. Лекин мен бундай қилолмайман...

– Начора, – деди Турсунбой чуқур тин олиб. – Гоҳида элдан чиқиб кетганимиздан надомат чекардим, бироқ мана шундай пайтларда, «бизнинг оталаримиз тўғри қилишган экан», деб қўяман ўзимча.

Улар Ўтамуротни холи қолдириб, ҳайит намозига кетишди.

²⁶ Болғали – маҳаллий уруғ номи.

Музаффар охун Ўтамурот билан Турсунбойни бир ҳафта араб ўлкалари бўйлаб саёҳат қилдирди. Улар Мисрга, Дамашққа боришди. Ўша жойларда ҳам ўттизинчи йилларда элдан чиқиб кетган юртдошлари билан дийдорлашишди. Уларнинг ҳар бири Ўтамуротни кўзларида ёш билан бағрига босиб, ўзлари тугилиб ўсган овул ҳақида сўраб-суриштиришар, юртдан большевойларнинг кетган-кетмагани билан қизиқишарди. Лекин тез орада гап мавзусини ўзларининг кундалик ташвишларига буриб юборишарди. Бундай кезларда Ўтамурот беихтиёр «одам уч кундан кейин дўзахга ҳам ўрганади» деган нақлни эсларди. Бу одамлар аллақачон ватанга қайтишдан умидларини узишган, ўзга элларда туғилган фарзандлари эса бу хусусда умуман бош қотиришмасди. Уларнинг аҳволини кўриб, нима учундир Ўтамуротнинг кўнгли алғов-далғов бўлиб кетди. Ундан кўра, Истанбулдан – Турсунбойнинг уйиданоқ юртига қайтарвергани яхши эди.

Ўтамурот араб ўлкаларида макон қурган юртдошларининг ҳеч бири Турсунбой каби юрт соғинчида ҳасрат чекиб яшамаётганига ич-ичидан иқрор бўлган эди.

Истанбулга қайтишгач, Турсунбой Ўтамуротни ўзининг дўконига олиб кириб, кўярда-кўймай унга бошдан-оёқ қишки-ёзги сарпо ҳадя қилди.

– Хотинингиз бизнинг аёлимиз билан боп келадими? – дея сўради кулиб.

– Қайси маънода?

– Жуссаси йирикми-кичикми, бўйи узунми-қисками?

– Иккаласи бир қолипдан чиққандай, – кулди Ўтамурот.

– Сирга, анави чарм пальтоларни кийиб кўриб, бирини танла.

– Қўйсангиз-чи, Турсунбой жўра!

— Қўлимни қайтарманг, биродар. Бундан кейин иккаламизга яна дийдорлашиш насиб этмаслигини кўнглим сезиб турибди. Сизнинг шарофатингиз билан юрагимни ўз кўзим билан кўриб келгандай бўлдим. Сиздан мингдан-минг розиман, дўстим. Овулга қайтганингиздан сўнг Илдий томонга ҳам ўтинг. У ерда мени танийдиган одамлар, қавм-қариндошларим бор. Бекбойга, Ўринбойга, Қодиримбетга саломимни етказинг. Сизга мен болалик пайтимда қочармон тўп ўйнаган жойларни кўрсатишсин. Буёғига қанча умримиз қолганини худо билади. Туришганларимга айтинг, ёшлари бир жойга борганда болаларига таяйиб кетишсин, улар ота-оналарининг ҳақиға дуо қилганида мендай бир ватангадони ҳам эсларидан чиқаришмасин. Улардан бундан бошқа тамам йўқ. Хўш денг, жўра, юртга эсон-омон етиб олинг. Ўзингиз ҳам мени унутиб юборманг!

Иккаласи бир-бирини бағрига босиб, анча вақт туриб қолишди.

— Дарвоқе, сизга бир гапни айтиб қўймасам гуноҳ бўлар. Истанбул сафарингиз поёнига етиб қолганида менинг ўзим сиздан яширикча дўхтирлар билан маслаҳатлашиб, ўша баҳонани ўйлаб топган эдим. Бу қилмишимдан ўзим хижолат чекиб юрибман. Мени маъзур тутинг. Кўнглимда ёмон ният йўқ эди. Музаффар охун билан танишиш баҳонасида Каъбатуллоҳни тавоф этишингизни истагандим...

Ўтамурот Истанбулга турк фольклорини ўрганиш, уларнинг бу борадаги ютуқлари билан танишиш учун борган эди. Лекин ўзи истаганчалик мақсадига эришолмади. Сафари ниҳоясида у ўзининг ватанида илм яхшироқ тараққий этаётганига ишонч ҳосил қилди. «Бу томонларга илм ахтариб келишнинг зарурати йўқ экан», деган тўхтамга келди.

Бирок дийдор ғанимат экан. Ўтамурот чорак асрдан сўнг Қамбар Сулаймон билан Анқарада яна учрашди. Бу гал у Туркияга бутун дунё туркшуносларининг миллий фольклор мавзусига бағишланган халқаро анжуманида иштирок этиш учун борган эди.

Қорақалпоқ фольклорининг йигирма томлигини қўлтиклаб минбарга чиққанида залдагилар уни анча вақт қарсақлар билан олқишлаб туришди.

– Биз фольклорни ўрганиш ҳақида эндигина бош қотираётган бир пайтда қорақалпоқлар уни аллақачон китоб қилиб чиқариб қўйишибди-ку, – деди мажлис бошқарувчиси ҳайратини яширолмай.

– Бу ҳали ҳаммаси эмас, – деди Ўтамурот. – Ҳали яна саксон томликка етадиган фольклоримиз бор.

Залда яна гулдурос қарсақлар янгради.

Ўша куни танаффус вақтида ҳам, мажлисдан кейин ҳам Ўтамурот журналистлар билан хорижлик ҳамкасбларининг ёмғирдай ёғилган саволларига жавоб қайтаришдан бўшамади.

Қамбар Сулаймон билан дийдорлашганда ундан Турсунбойни суриштирди. Маълум бўлишича, у бир йил бурун оламдан ўтган экан.

24

Ўтамуротни фарзандлари, хотини жуда соғиниб қолишган экан. Улар дастурхон бошида анча вақт суҳбатлашиб ўтиришди. Тўғри, у илгарилари ҳам икки-уч ойлик сафарларда бўлган эди. Лекин бу гал хорижга кетганлиги учун уйдагилар ундан кўпроқ хавотирланишган, айниқса, у ёқдан «касал бўлиб қолди» деган мазмундаги телеграмма келгач, Равшаннинг эҳсонаси чиқиб кетган эди. Ўшандан бери юрса ҳам, турса ҳам эри кўз олдидан кетмас

эди. Худога шукр, ҳаммаси яхшилик билан тугади. Эри соғ-омон уйга қайтиб, уйи яна тўлиб қолди. Энди бемалол тин олиб, кечқурун хотиржам ухласа бўлади.

Турсунбой бериб юборган чарм пальто Равшаннинг жуссасига қуйиб қўйгандай лойиқ келди. У болалари қолиб, ўзи сарполик бўлганидан хижолат чеккан бўлса-да, барибир ич-ичидан хурсанд эди. Чунки ўз пулига бундай кийим олиб кийиш етти ухлаб тушига ҳам кирмас эди. Бунинг устига, у кейинги вақтларда рўзгорнинг кам-кўстини ямаш билан андармон бўлиб, ўзига тузукроқ устбош олишни ҳам эсидан чиқариб юборган эди. Овулда яшаган кезларида оиланинг аҳволи бундан яхшироқ эди. Бундоқ ўйлаб қараса, кейинги уч ойнинг ичида уларнинг туриш-турмуши анча но-чорлашиб қолибди. Хали қарасанг, дўконда нон йўқ, макароннинг сифати паст, униям нормадагидан зиёд ололмайсан. Унни эса жон бошига икки ярим килодан ўлчаб берадиган бўлишган. Шу чоққача халталаб ун олиб, тандир тўлдириб нон ёпиб ўрганган одамнинг бунақа аҳволга қўникиши қийин бўларкан. Бироқ илож қанча, «бошингга тушса, баспақчи бўласан»²⁷ дейишган.

Кечқурун ётиш олдидан Ажимурот отасига бир хат келтириб берди.

– Бу кимдан келибди? – деди Ўтамурот нога-ниш дастхатга ажабланиб тикилиб.

– Эрталаб берарман деган эдим, – деди Равшан кун бўйи бу хабарни ундан яшириб ўтирганидан хижолат чекиб. – Сизни эртага Кегейлига судга чақиришган. Бир ҳисобда, улгурганингиз яхши бўлди.

²⁷ Қорақалпоқ халқ мақоли, «бошингга тушса, бузоқ ҳам боқасан» деган маънода.

– Судга?! Мен нима айб иш қилган эканман?
– Сиз ҳеч қандай айб иш қилганингиз йўқ. Лекин Ойхоннинг турмуш қуриши катта ғавгога айланиб кетди. Кимдир инимни судга берибди.

– Нега?

– Қалин моли олди, деб...

– Ростдан ҳам олганмиди? Ойхонни узатишганида бунақа гап йўқ эди-ку?

– Олган экан. Қуда билан бизнинг Қиличбой пинҳона келишишганга ўхшайди. Ҳозир одамлар ернинг тагида илон кимирилса билади.

– Энди нима қилмоқчи? Бориб гаплашиб кўрдигми?

– Гаплашдим. Укам «поччам менинг айтган гапларимни маъқуллаб турсин, қолганини ўзим билан», деб тайинлаб юборди...

– Мен нимани маъқуллашим керак экан?

– Билмайман. Уёғини айтмади.

Ўтамурот бироз ўйланиб қолди.

– Эртага ўша ерга бормасам нима бўларкин? – деди Равшанга маслаҳат солиб. – Бугун чет элдан келиб, эртага судга борсам, одамлар нима деб ўйлайди?

– Бораверинг. Менам ёнингизда бўламан. «Элнинг оғзини тийиш учун эллик қарич бўз керак» дейишган. Бормасангиз барибир судни кейинроққа қолдиришади. Қиличбой ҳам «поччам келмагунча саволларингизга жавоб бермайман», деб оёқ тираб ўтирибди.

Шу билан бу гапга нуқта қўйилди. Эр-хотин эртаси куни вақтли туриб, туманга йўл олишди. У ерда Ўтамуротнинг хориж сафарига бориб-келганини биров билиб-бирова билгани йўқ.

Суд мажлиси бошланган экан.

– Хўш, айбланувчи Хўжаев, айбингизга иқроп бўласизми? – дея савол берди суд раиси Қиличбойга юзланиб.

– Мен поччам келиб гувоҳлик бермагунича айбимга икром бўлмайман ҳам, биронта саволингизга ҳам жавоб бермайман, – деди Қиличбой.

Шу пайт суд залига Ўтамурот билан Равшан кириб келишди.

– Сиз кимсиз? – деди судья Ўтамуротга синчковлик билан тикилиб.

– Мен гувоҳ Мирзамуротовман.

– Жуда яхши. Ўтиринг.

Улар охирги қатордан жой олишди.

– Поччангиз шу кишими? – деди судья Қиличбойга юзланиб.

– Ха.

– Хўш, энди айбингизни бўйнингизга оласизми?

– Йўқ.

– Нега?

– Чунки мен кариндошимдан қалин моли олганим йўқ!

– Унда уйингиздаги иккита бузокли сигир кимники?

– Поччамники.

– Буни қандай исботлайсиз?

– Поччам овулдаги уйини қолдириб, шаҳарга кўчиб кетди. Бу орада Қудайназар бизникига келиб, менинг кариндошим Ойхонни кенжа ўғли Отаназарга сўради. Қизнинг бўйи етиб қолганди. Бунинг устига, Отаназар ҳам ёмон йигит эмасди. Гап-сўзлари жойида. Овулда дўқончилик қилади. «Икковининг юлдузи-юлдузига тўғри келса, менинг қаршилигим йўқ», деб жавоб бердим Қудайназарга. Хуллас, тез орада уларнинг тўйи бўлди. Уч-тўрт ойдан сўнг Қудайназар тагин олдимга келди.

– Қиличбой иним, менам анча қартайиб қолдим, – деди. – Уйимда Ойхондан бошқа келиним ҳам бор. Ҳовлимиз торлик қилиб қолди. Кенжа ўғлим бўлсаям, Отаназарнинг рўзгорини бўлак қилмоқчиман.

– Ихтиёрингиз, – дедим.

– Анчадан бери поччангнинг ҳовли-жойи бўш турибди, – деди Қудайназар мақсадга кўчиб. – Одам яшамаган уй ўз-ўзидан тўзади. Поччангга айт, шу уйини бизнинг ўвилга сотсин. Тагин отасининг баҳосини қўймасин. Уйда бузоқли иккита сигирим бор, эвазига ўшаларни бераман. Бундан ортиғига курбим етмайди. Қолган икки сигир кампирим икковимизнинг ўлимлигимизга турсин.

Мен унга поччам билан гаплашиб кўришга ваъда бердим. Поччам ҳам, «майли, розиман, ўзим ҳам овулдаги ҳовлини қандай сотишни билмай юрган эдим, лекин сигирлар ҳозирча сенинг қўрангда тураверсин», деди. Бор гап шу. Қуданинг бузоқли сигирларини бизнинг қўрага олиб келиб боғлаганини кўрган баъзи одамлар, «Қиличбой қудасидан калин моли олди» деб ёзиб юборишган. Аввалроқ терговчиларга ётиғи билан тушунтирган эдим, бу масалани судгача олиб чиқишнинг ҳожати йўқ эди.

Ўтамурот хайрон бўлиб Равшанга қаради. Равшан «сир бой бермай тураверинг», дегандай унинг биқинига туртиб қўйди.

– Гувоҳ Мирзамуротов, – деди судья Ўтамуротга юзланиб. – Шу гаплар тўғрими?

Шу пайт ўнг тарафдаги қаторда ўтирган Қудайназар шартта ўрнидан турди.

– Шошилманг, судья чироғим, – деди у қўлини олдинга сермаб. – Бу гапни чувалаштиришнинг нима ҳожати бор? Қиличбой иним, сен менинг қудамсан-а?!

Қудасининг асл муддаосини пайқаган Қиличбой унинг саволига жавоб бермади.

– Айтавер, қудамсан-ку?

– Хўп, нима бўпти куда бўлсак?!

– Бу – биринчидан, – деди қария қизишиб. – Иккинчидан, сен муаллимсан! Тўғрими?.. Тўғри!

Болалар сенинг гап-сўзларингдан ўрнак олишади! Нега уялмасдан ёлгон гапириб ўтирибсан?! Мен қачон сенинг поччангнинг ҳовлисини сотиб олдим? Уларнинг ўзи «ўғлингиз оиласи билан шу уйда яшаб турсин, кимсасиз жойни зах олади», деб илтимос қилишувди-ку? Ё гапим ёлгонми? Хой, орқада ўтирган қудагай, сен нимага индамайсан?

Равшан ерга каради.

– Аслида, буларда айб йўқ, – деди қария бироз ҳовуридан тушиб. – Ким ҳам бугун ўзининг уйини бировга текинга бериб қўярди?.. Қолаверса, қадимдан қиз боланинг қалини қирқ туғар қилиб белгиланган. Битта сигир ўн туғар ҳисобланади. Демак, тўртта сигир қирқ туғар бўлади. Ҳалиям мен унинг ярмини бериб ўтирибман. Шундай қийинчилик замонида қизни тарбиялаб вояга етказган, едириб-ичириб, кийинтирган одамларнинг бунга ҳаққи йўқми?..

– Гапингиз тугадими, оқсоқол? – деди судья сабри чидмай.

– Йўқ, қароғим, гапимни бўлма. Йўқса, бира-тўла бу ердан чиқиб кетаман. Тагин айтмоқчи бўлганим, райондан юборилган вакилларнинг ҳаммаси бизнинг овулда, суд бизнинг овулда, прокурор бизнинг овулда, мелисаси бизнинг овулда! Сигиринг иккита бўлса, бирини етаклаб кетишяпти, бузоғинг олти ойдан ошса, тортиб олишяпти, қўйингнинг саноғи учтадан кўпайса, олдига солиб кетишяпти. Кеча бозорда иккита эчкимни ўн сўмга сотиб келдим. Жудаям алам қилди! Ундан кўра, эчкиларни сўйиб, гўштини итимнинг олдига ташласам бўлмасмиди, деб ўқиндим уйга қайтаётиб. Бунисиям майли, кечаги чоршанбада тўй-маъракаларга миниб юрган эшагимни челга боғланган жойида отиб кетишибди. Эчки, эшак деган жониворлар жин кўринди-ку сизларнинг кўзингизга!

– Бўлди, ота, раҳмат! – деди судья столни тақиллатиб. – Келинингизга қалин моли берганингиз ростми?

– Рост! Тўримдан гўрим яқин бўлиб турганида, буям бўйнимда қарз бўлиб қолмасин дедим-да.

Қиличбой бошини чангаллаганча ерга қаради.

– Қалин моли бериш жиноят эканлигини биласизми?

– Менинг жиноят-инойат билан ишим йўқ, қароғим. Мен одам ўлдирганим йўқ. Мабодо ҳукумат «биронта қарияни топиб судланг» деб қулоғингизга қуйиб қўйган бўлса, судлай қолинг. Қолган умримни ўша ёқларда бир амаллаб ўтказарман!

– Айбланувчи Хўжаев, гапингиз борми?

Қиличбайдан садо чиқмади. Ўтамурот аста ўрнидан туриб, залдан чиқиб кетди.

Ярим соатдан кейин ҳукм ўқилди. Қалин моли учун берилган бузоқли сигирлар давлат ҳисобига мусодара қилиниб, Қиличбойга икки йиллик шартли жазо тайинланди.

25

Баҳор оёқлаган кезларда Ойхон ўғилли бўлди. Отаназар ўша куни эрталаб илк бор Ўтамуротнинг ишхонасига қўнғироқ қилди.

– Ўтамурот оға, мени табрикласангиз бўлади!

– Нима муносабат билан?

– Божангиз ўғилли бўлди!

– Ия, муборак бўлсин!

– Раҳмат! Менинг меросхўрим дунёга келди!

– Унақа деманг! Буниси ҳали бошланиши, омонлик бўлса, яна талай меросхўрларингиз туғилади.

– Йўқ, мен меросимни тўнғич фарзандимга қолдираман.

– Одатда, отанинг мероси кенжатоё болаларга қоларди-ку?

- Ахмоқлик бу.
- Нега?
- Кенжа ўғил ношуд бўлади.
- Йўғ-ей, Отаназар иним, қайси афсонани олиб қарама, ақллиси ҳам, ботири ҳам кенжатоилардан чиқади.

- Сиз ўзингиз йиғиб юрган эртақларга ишонасизми? Мана, кўрасиз, менинг тўнғичим ақлли бўлади. Хуллас, гап бундай божа, мен тўнғичимга атаб тўй бермоқчиман. Тўйда «олтин қовоқ»²⁸ оттирмасам ҳам, бахшига дoston айттириб, пойга, кураш, кўчқор уриштириш мусобақаларини ўтказаман.

- Отаназар, ҳозир халқнинг кайфияти бунақа дабдабанинг кўтарадиган аҳволда эмас. Одамларнинг суңрасида бўлмаса, халтасида уни йўқ бир пайтда...

- Ўтамурот оға, тўйни одамлар эмас, мен берман, - деди Отаназар унинг гапини бўлиб. - Тўйга аталган мол-жонлик қозикда боғловлик, халта-халта ун омборда тахловлик, ёғ тўла хумлар ертўлада думалаб ётибди. Сиз бу томонидан хавотирланманг. Қолаверса, тўй баҳона одамларнинг ҳам бир қорни тўйиб қолади!

Ўтамурот божасига ақл ўргатиш бефойда эканлигини тушунди. Отаназар маслаҳат олиш учун эмас, шунчаки бўлажак тўйдан бохабар қилиб қўйиш учун кўнғироқ қилган эди. Унинг ўғитнасихатларга муҳтож эмаслиги кўриниб турарди. Шу топда Отаназар бир умр фарзанд ҳасратида гап чекиб ўтиб, қартайган чоғида орзусига эришган ота каби хурсандчиликдан ўзини қўярга жой тополмасди. Отаназар эртаси куни яна кўнғироқ қилди. Гап оҳангидан туни билан ичиб, ҳалигача ўзига келолмаганлиги сезилиб турарди.

²⁸ «Олтин қовоқ» - кадимда олтинранг тусга бўялган қовоқни мўлжалга олиш бўйича ўтказилган мерганлик мусобақаси шундай номланган.

Хўш, божа, тўйга келасизми? — сўради
Отаназар.

Тўй Ие, нега бормас эканман? Албатта бораман.
қачон?

Келаси чоршанба куни!

Тезлаштириб юбормаяпсанми, ишқилиб?

Боя айтдим-ку, молим қўрада, уним омбор-
да! Яна нимани кутишим керак? Қариянинг кўзи
омборликлигида тўйни ўтказиб олмоқчиман. Кекса одам,
буғун бор бўлса, эртага йўқ.

Маили, ўзинг биласан. Тўйга албатта борамиз.

Лекин сиз тўйдан бир-икки кун олдин кела-
сиз. Ха, айтгандай, ўша томонларда Убайхон де-
ган бахши чиққан экан, овози менга ёқиб қолди,
ўшани ҳам ўзингиз билан ола келинг.

Маъкул.

Ўтамурот Равшани тўйдан икки-уч кун бурун
божа касиникига жўнатиб юборди-да, ўзи бир кун
қолганида етиб борди. Чиндан ҳам тўйнинг тарад-
дули зўр эди. Лекин бу тантана ишнинг ҳам айни
тиғиз даври — экин пайтига тўғри келган эди.
Цуунинг учун раис билан бригадир тез-тез келиб,
«унчалик дабдаба қилмаг» деб уни огоҳлантириб
кетишарди.

Тўй Очиғи, Отаназар дўкондор бўлмаганида бунақа
кўчма бериши амримаҳол эди. Элнинг бошига тушган
чиғирма матчилик туфайли дўкондор билан омборчининг
роғи ёниб қолган эди.

Бурун Цойгада от қўшадиган одамлар тўйга бир кун
шўдан етиб келишаркан. Улар ҳар уйга уч ки-
дан қўноққа буюрилди. Чавандозлар туни би-
лап юриб, Сулаймон партовнинг қибла тарафида-
Улар цўрхоқ майдонда отларини совитиб чиқишди.
беғнинг овулда от ўйнатиб юришига раис рухсат
ти берилади. Афтидан, тунда райкомнинг биринчи ко-
би овул ораласа керак.

Каттагина хоналардан бири тўйга атаб пиширилган бўғирсоқ ва нон билан лик тўла эди. Бир вақтлар Ўтамурот бу хонада меҳмон кутарди. Отаназар тўрдаги иккита хонани бирлаштириб, кенг-мўл меҳмонхонага айлантирибди. Аввалига Ўтамурот божаси ўзидан, бир оғиз рухсат сўрамаганидан оғринди-ю, лекин бу уйга энди қайта кўчиб келмаслигини ўйлаб, кенгфезллик қилди. Бироқ бу нарса Равшаннинг кўнглига қаттиқ ботди. У ҳам куёвига ҳеч нарса демаган бўлса-да, лекин синглисига таъна қилишдан ўзини тиёлмади. Отаназарга гапириш бекфойда, ҳозир у осмону фалакда учиб юрибди.

Эртанги тўйнинг маслаҳатига тўпланган кўни-кўшнилари алламаҳалда тарқалишди. Улар вақтлироқ туришмоқчи эди, аммо Отаназар бунга изн бермади. Ўша кунлик у бисотида борини дастурхонга тўкиб ташлади. Ҳартугул, у Ўтамуротни ичкиликка унчалик зўрламади.

– Бизнинг боғамиз илмнинг одами, илм одамлари майда бўлишади. Колба билан ўлчаб, ангиш-вона билан ичишади! – дея қаҳ-қаҳ уриб кулди-да, шундан сўнг кўни-кўшнилари билан андармон бўлди. Ўтамурот ҳам унинг сархушликда айтган телба-тескари гапларига унчалик аҳамият бермади.

Эрталаб азондан тўй қизиб кетди. Тонг оқариши билан мол сўйилди. Тез орада бир дошқозонда шўрва, бир дошқозонда ошнинг зирваги биқирлаб қайнай бошлади.

Чошгоҳга яқин дўкон қоровули Наримбетнинг ўғли ҳовлиқиб югуриб келди.

– Отаназар оға, дўконга бир тележка ун келди.

– Бориб, тракторчига айт, бугунча қайтиб кета-версин. Эртага ёки индин олиб келсин.

– Лекин отам сизни кутиб турибди.

– Эй, бор деяпман сен болага! Сенинг отанг ким бўпти!

Бола ортига қайтди.

– Бориб келсанг яхши бўларди, – деди Ўтамурот Отаназарга.

– Мен кетсам тўй нима бўлади, ёшулли! Ҳозир мен бир тележка ун туширсам, бу одамлар қора чивиндай дўконнинг теварагида уймалашиб қолишади! Ана ундан кейин тўй бир ёқда қолиб кетади.

Шундан кейин Ўтамурот ҳам индамай қўя қолди. Отаназарнинг кўпчилик таниш-билишлари тўйга эчки етаклаб келишмоқда эди.

– Тўёнага олиб келаётган молини қаранг! – деди тракторнинг тележкасидан эчки тушираётган одамларни заҳарханда илжайганча кузатиб турган Отаназар. – Ҳукумат эчки зотига қирғин келтираётганини билишади булар. Лекин ўзларини худди туя етаклаб келаётган одамдай тутишади! Қайтариб олиб кет, десанг уят бўлади...

– Қўявер, борига барака!

– Унда, бир ўзингизга битта эчки сўйиб берайми, божа?

Ўтамурот кулди.

– Мени бунчалик иззатлашинг шарт эмас, иним.

– Вой, падарингга лаънат! – деди бир пайт Отаназар йўл томонга қараб. – Булар тўппа-тўғри уйга бостириб келаяпти-ку.

Тележкасига ун юкланган трактор Отаназарнинг уйига яқинлашиб келмоқда эди.

– Иним, ўғлинг сердавлат одам бўладиганга ўхшайди, – деди кимдир. – Тўёнага бир тележка ун олиб келишаяпти-ку.

– Отаназар оға, унни шу ерда сотсангиз, меҳмонларнинг овқатига хамир солиб берар эдик.

– Сени қара-ю, арпанинг ундан хамир чиқарканми?

– Йўқ, тележкадаги ун иккинчи сортга ўхшайди. Халтаси оқ-ку.

– Эй, сизлар ҳечам хомтама бўлманглар, – деди Отаназар уларга. – Меҳмонларимга кесак тўғраб берсангиз ҳам, бугун ун сотилмайди. Эртага ҳам! Ҳали бу унинг ҳужжатлари РайПОда! Одамларнинг рўйхати овул кенгашида! Икки ёшга тўлмаган болаларга ун берилмайди, чунки улар ҳали онасини эмади, нон емайди.

Бу орада трактор уларнинг рўпарасига келиб тўхтади.

– Начора, Ўтамурот оға, – деди Отаназар костюмини елкасига ташлаб. – Мен бориб, унни дўконга туширтириб келаман. Тўйга келган меҳмонларга ўзингиз қараб тулинг.

Кўпчилик тўйхонани ташлаб, дўконга югуришга ҳам тайёр эди. Бироқ Отаназарнинг бояги гапидан сўнг бунга журъат қилолмай, ун тўла тракторнинг ортидан ҳасрат билан қараб қолишди.

Бирин-кетин келаётган меҳмонлар муборакбод этиш учун Отаназарни ахтаришарди. Лекин у дўкондан қайтгани йўқ. Отаси Қудайназар бир ойдан бери тўшакка миҳланиб ётган экан. Тўйни ўз кўзи билан кўрсин дея эрталабдан ташқарига жой қилиб уни ўтқазиб қўйишган эди. Лекин кўп ўтиришга қариянинг ҳоли келмади, «мени тўшагимга олиб бориб ётқизинглар, бу ерда ортик ўтиролмайман», деди у.

Қудайназар чолни тўйда хизмат қилиб юрган ўғилларидан бири уйига олиб кетди. Шундан сўнг меҳмонлар Ўтамуротга «қутлуғ бўлсин» айтиб кета бошлашди.

Кун пешинга оққан бўлса-да, ҳалигача Отаназардан дарак йўқ эди. Ошнинг гуручи ҳам дамланди. Улкан дошқозондаги шўрваннинг гўшти ҳил-ҳил пишиб, сузишга тайёр бўлди.

Шу пайт бир отлиқ тўйхона томонга қуюндай учиб кела бошлади.

– Ис, бу отлик ўзимизнинг Тонгжар бригад-ку, – дейишди одамлар.

– Тинчликмикин, ишқилиб? Бригаднинг кадам олиши бежороқ.

Тонгжар бригадир тўпланиб турган оломоннинг қаршисида отининг жиловидан тортиб, уни зўрга тўхтатди.

– Йигитлар, аҳвол чатоқ! – деди у нафаси бўғзига текилиб.

– Ҳа, тинчликми?

– Отаназарни отиб кетибди!

– Нима?

– Ким?

– Қодирбой насосчининг ўғли!

– Ё тавба!

– Бу қандай кўргилик!

– Ўзи тирикми, ишқилиб?

– Милтиқни қулоғига тираб отгандан кейин қанақасига тирик қолади?!

Тез орада ун халталари тушириб олинган тракторда Отаназарнинг жасадини олиб келишди.

Дабдаба билан бошланган тўй азага айланди.

26

Қодирбой насосчининг ўғли Эражап Отаназарни нима учун отганини терговчилардан яширмади.

– У менга панд берди, – деди киприк қоқмай. – Мени калака қилгани учун ундан ўч олишнинг бошқа йўлини тополмадим.

– Пима деб калака қилди?

– Мен насосни ўчириб, уйга қайтиб келаётган эдим. Дўконнинг олдидан ўтаётсам, у ерда ун ортилган тележка турган экан. У ерда сигарет чекиб турган Отаназарнинг менга кўзи тушиб қолди.

– Ҳой, Эражап, буёққа кел! – дея чақирди у. Шундоғам ўзим Отаназарнинг олдига бораёт-

ган эдим. Хар куни ишга отланаётганимда онам, «дўкондан хабар олиб тур, ун келиб қолиши мумкин» деб тайинларди.

– Манави унни тушириб бер, – деди у менга.

– Неча халта? – деб сўрадим.

– Олтмиш халта.

– Бир ўзим тушираманми?

– Бир ўзинг бўлсанг, нима қипти? Келбатингни қара, елкангга нақ икки халта ун жойлашади, – дея кулди у мени мақтаган бўлиб.

Тўғриси, худо бизни куч-қувватдан қисмаган. Ун тўрт ёшимдан тўйларда кураш тушаман. Лекин шу чокқача билагим йўғон экан деб бировга мушт кўтариб кўрмаган эдим.

– Эвазига нима берасан? – дедим мен ҳам кулиб.

– Ўзинг нимани хоҳлайсан, – деди у. – Пул берайми, ун берайми?

– Яхшиси, ун берақол, – дедим.

– Келишдик, – деди Отаназар ҳам рози бўлиб. – Агар мана шу унни бир соат ичида тушириб берсанг, бир халта унни орқалатиб юбораман.

Кувониб кетдим. Ҳозир бир халта ун пиёда тугул, отлиққа топилмайди. Унни уйга кўтариб борсам, отам билан онам жуда хурсанд бўлади деб ўйладим.

Шу заҳоти камзулимни бир чеккага улоқтириб, ишга киришдим. Тракторчи ун тўла халталарни елкамга юклаб турди, мен елиб-югуриб ичарига ташийвердим. Аъзойи баданим терга ботиб, кўйлагим ҳам жикқа ҳўл бўлиб кетди. Хуллас, айтилган вақтда унни тушириб бердим.

– Энди ҳақимни бер, – дедим Отаназарга.

– Уловингни олиб кел, – деди у.

– Беравер, орқалаб кетавераман, – дедим. – Уйим яқин-ку.

– Ҳазилингни кўйсанг-чи, жўра, – деб кулди у. – Бориб, эшагингни мишиб кел.

Унинг жаҳлини чиқармаслик учун гапига кўниб, уйга югурдим. Эшакни эгарсиз миниб борсам, Отаназар дўконнинг эшигига қулф ураётган экан.

– Кечикдинг, жура, индинга келасан энди, – деди у калитни қулфидан суғуриб ола туриб.

Мен эшакдан сакраб тушдим-да, унинг қўлидан тутдим.

– Оч дўконни, менга ун ҳозир керак!

– Бермасам, нима қиласан? – деди у кўзларини чакчайтириб.

– Нега бермас экансан?! Ўзинг лафз қилдинг-ку!

– Одамлар жон бошига икки ярим килодан олиб турганида, сенга халталаб ун берадиган аҳмоқ бор эканми!

– Унда нега ваъда қилдинг?

– Ваъда қилсам нима бўпти? – деди у пинагини бузмай. – Танангдаги ҳаром тер кураш тушганингда ҳам тўкилади-ку. Ундан кўра, бизникига тўйга юр, ўзим сенга бир пиёла ароқ қуйиб бераман.

Беихтиёр қоним қайнаб кетди. Отаназарнинг қўлидан калитни тортиб олиб, дўконни очдим. Ичкаридан бир халта унни елкалаб чиқмоқчи эдим, лекин у бўсағада қаддини кериб туриб олди.

– Мен тирик эканман, бу дўконга қадам бо-солмайсан!

Бу орада тракторчи билан қоровул келиб, менга ёпишишди.

– Қўйиб юборинглар уни! – деди Отаназар кеккайиб. – Қани, менга қўлининг учини текизиб кўрсин-чи, турмада чиритаман буни.

– Шунақами?

– Шунақа. Бу ер сенга кураш тушиладиган давра эмас, ҳукуматнинг дўкони. Калитни буёққа бер.

– Кўпам қонимни қайнатма! – дедим муштимни туғиб.

Отаназар бу гал ҳам сўзларимни парвойига келтирмади.

– Оббо, жудаям кўрқитиб юбординг-ку! – деди у мени баттар мазахлаб.

Ортиқ чидай олмадим. Дўконнинг кулфини чангаллаганча уйга югурдим. Кела солиб кўшотарни ўкладиму, яна дўконга қараб чопдим. Етиб борганимда Отаназар билан Сарсенбой оға битта шишани ўртага кўйиб олиб, вафлини газак қилган кўйи ичиб ўтиришарди. Менинг қўлимдаги милтиқни кўриб, унинг ранги оқариб кетди. Сарсенбой оға эса жон ҳолатда дўконнинг ичкарасига қараб кочди. Лекин Отаназарнинг йўлини тўсиб қолдим. У ортига тисарилиб бориб, деворга тақалиб қолди.

– Олавер, жўра, истасанг, икки халта ол! – деди у кўркувдан дағ-дағ қалтираб.

Лекин энди менга уннинг кераги йўқ эди. Милтиқнинг учини қулоғига тираб туриб, тепкини босиб юбордим. Бошининг ярми ўпирилиб тушди. Милтиқни шу ерга ташладим-да, тўғри мелисахонага қараб жўнадим. Бор гап шу.

Жиноятчи юз берган воқеани рўйирост айтиб бериб, айбини бўйнига олгач, гувоҳларни сўроққа тутишга ҳожат қолмади. Овулдан берган бир гала одам жимгина ортга қайтишди. Уларнинг орасида Ўтамурот билан Равшан ҳам бор эди.

Бу воқеа Ўтамуротни бутунлай эсанкиратиб қўйди. У икки кун ишга ҳам чиқолмади. Ниҳоят, учинчи куни бироз ўзини қўлга олиб, ишга йўл олди. У Отаназарнинг фожиаси билан овора бўлиб юрган кезларда ўзи ишлайдиган иккала институтга ҳам «Мирзамуротовни сиртдан кузатиб юринглар. Қайноғаси судланган, божаси отилган. Хавфли шахс» деган мазмунда яширин хабарнома берган эди. Лекин Ўтамуротнинг ўзи бу гапдан беҳабар эди. Қолаверса, уни обком котиби Сейтмуратовнинг

шахсан ўзи яхши кўриши ва қўллаб-қувватлаши кўпчиликка маълум эди. Шунинг учун ҳам ҳеч ким уни сиқувга олишга ботинолмади. Ўтамурот аввалгидек ўринбосарлик лавозимида ишлайверди.

Фалокат бир келса, қўшалок келаркан. Саратоннинг жазирамали кунларидан бирида Равшан изсиб ғойиб бўлди. Ҳамма ҳайрон. Пешин пайти уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган. Қаёққа кетганини ҳеч ким билмайди. Отаназарнинг ўлиmidан сўнг Сағийда Ойхонникида у билан бирга яшаб турган эди. Моҳийда эса отасининг шогирди бўлмиш бир аспирант йигит билан ўғринча гаплашиб юраркан. Ўша куни у ҳам йигит билан учрашиш учун боққа кетган. Уйда қолган Ажимурот билан Отамурот онасининг қасрга, соат нечада кетганини билмайди.

– Тушдан кейин чиқиб кетувди, – уларнинг бор-йўқ билган гапи шу.

Равшанни ахтармаган жойлари қолмади. Ойхон ҳам уйини қулф уриб, Сағийдани етаклаб уларникига келди. Бироқ бундан нима фойда? Минг сўраб-суриштирган билан «кўрдим» дейдиган одам йўқ.

Кейинги икки-уч ойнинг ичида Ўтамурот ўзини анча олдириб қўйди. Дастурхон бошида фарзандлари «Онажон!» деб йиғлашга тушганида чидаб туролмай, ташқарига чиқиб кетади. Дастлабки кунларда уларни гоҳ яхши гаплар билан, гоҳ уришиб, юпатишга уриниб кўрган эди. Бироқ болаларининг баттар ўксиниб йиғлашларини кўриб, шундай йўл тутишни маъкул кўрди.

Ўтамурот ишхонада ҳам анча одамови бўлиб қолди. Назарида ҳамкасблари «бу ишда унинг ўзининг қўли бор эмасмикин», дея шубҳа қилаётгандек туюларди.

Сентябрда уни обком котиби Сейтмуратов хузурига чақиртирди.

– Бошингга тушган савдолардан хабарим бор, – деди у. – Мабодо, аёлинг илгаридан бирои хасталик билан оғриб юргани йўқмиди?

– Йўқ.

– Бу борада бировдан гумон қилиб бўлмайди. Сизларнинг соҳангизда ҳам ҳасадгўйлар учраши мумкин, лекин ўқимишли одамларнинг қўлидан бунақа ёмонлик келмайди.

Шундан сўнг у Ўтамуротни эшиккача кузатиб қўйди.

– Хафа бўлма, иним, хали ҳаммаси яхши бўлади. Шу фалокат олдимиздан чиқиб қолмаганида, сени институт директорлигига тайинламоқчи бўлиб тургандик. Лекин зиёни йўқ, бироз кутамиз. Пахта теримидан кейин бу масалага албатта қайтамиз. Гапим-гап! Унгача келин ҳам топилиб қолар.

– Раҳмат.

Равшан пахта терими тугагунча ҳам топилмади. Лекин Сейтмуратов ваъдасида турди. Декабрнинг бошида институт жамоасини йиғиб, директорнинг ҳисоботини тинглади. Ўтамуротни эса минбарга ўтқазиб қўйди.

– Кечирасиз, Озот Сейтмуратович, – деди кутилмаганда мажлислар залига кириб келган икки милиционердан бири. Бу пайтда институт директорининг ҳисоботи охирлаб қолган эди.

– Нима гап? – деди обком котиби ажабланиб.

– Бу ерда Мирзамуротов деган киши борми?

Ўтамурот ўтирган жойида ҳайкалдек қотиб қолди.

– Унда нима ишингиз бор? – дея Ўтамуротнинг ўрнига обком котиби жавоб берди.

– Бизда Мирзамуротовни қамоққа олиш ҳақида прокурорнинг санкцияси бор.

– Прокурорингнинг ўзи қаерда?

– Кеча Тошкентга кетувди.

– Келсин, кейин гаплашамиз.

– Йўқ, ўртоқ котиб. Мирзамуротовни hozир олиб бормасак бўлмайди. Топшириқ бўйича у бу-гуноқ камоққа олинини керак. Хавфсизлик коми-тетининг вакили ҳам ташқарида кутиб турибди.

Сейтмуратов ортиқ қаршилик қилолмади. Ўтаму-ротни мажлислар залидан олиб кетишди.

Эргаси куни иккала институтга Мирзамуротов хотинининг бедарак йўқолишида гумондор шахс сифатида хибсга олингани тўғрисида хабар келди.

27

Ўтамуротни Қодирбосв деган капитан сўроқ қилди. Равшан бедарак йўқолган кезларда у жабр-дийда сифатида бу идорада бир неча марта бўл-ган, ўшанда Жумадилов деган катта лейтенант ун-дан баъзи нарсаларни сўраб-суриштирган эди. Бу гал капитаннинг чехраси тунд, саволлари таҳдидли охангда эди.

– Тўғри ўтиринг, – деди капитан хонага кирган захоти унга кўрслик билан.

– Пима, қийшиқ ўтирибманми?

– Бу ерда саволни мен берман. Гап қайтармай, айтганимни қилинг!

Ўтамурот тиззаларини жуфтлаштириб, қаддини бироз тик тутиб ўтирди.

– Хотинингиз қанақа касаллик билан оғриган эди?

– Қачон?

– Сизга ҳозиргина эслатдим-ку, бу ерда савол-ни мен берман, деб. Тўғриси айтинг, хотинин-гиз қанақа касалликлар билан оғриган эди?

– Эслай олмайман. Ора-сира тумов-пумов бўл-маган бўлса, тўшак тортиб ётгани йўқ эди.

– Илгаридан тутқаноғи бормиди?

– Йўқ.

– Сиз уялманг, хаётда бунақа холатлар уч-раб туради. Баъзилар тунда беихтиёр ўрнидан ту-

риб кетиб, аллақаяқларга бориб келади, ёки бирон юмушга уннайди. Сўнг яна жойига ётиб ухлайверади. Бироқ буни ўзи билмайди. Хотинингизнинг ҳам шунақа одати бўлган бўлса, яширмай айтaverинг. Ўзингизга яхши бўлади.

– Йўқ, ўртоқ капитан. Хотинимнинг бунақа одати йўқ эди.

– Ўзаро муносабатларингиз қанақа эди?

– Бирон марта сен-менга борганимиз йўқ.

– Сиз фан докторисиз, хотинингиз эса бор-йўғи еттинчи синфни битирган, чаласавод аёл бўлган, балки уни менсимай, камситган бўлишингиз мумкин?

– Асло! Мен ҳеч қачон уни саводсиз аёллар қаторига қўшмаганман. Хотиним тамизли, дунёқараши кенг аёл эди.

– Бунга ишониш қийин. Майли, шундай ҳам дейлик, хотинингизнинг вафодорлигига ишонасизми?

– Ўзимдан ҳам кўпроқ ишонаман.

– Нима, ўзингизга ишончингиз йўқми?

– Энди, шунчаки айтдим-да.

– Чиндан ҳам бу гапингиздан калаванинг учи чиқиши мумкин. Айтинг-чи, хотинингизга хиёнат қилганмисиз?

– Йўқ.

– Ишонмайман.

– Нега?

– Йигитсиз-ку, ахир. Бунинг устига, олим одамсиз, юрт кезгансиз. Чет элларда сафарда бўлгансиз. У ёқларда этагингизга намоз ўқиб юрмагандирсиз, ҳар қалай?

– Хотинимнинг йўқолиб қолишига бунинг нима алоқаси бор?

– Алоқаси бор!

– Билмадим...

– Нимани?

– Ўртоқ капитан, тўғриси айтсам, бир марта хотинимга хиёнат қилганман.

– Айтдим-ку!.. Қаерда, Москвадами, Туркиядами, Арабистондами? «Айланайин саллам сендан, хеч ким гумон қилмас мендан» дегандай...

– Хорижда эмас, овулда.

– Қачон?

– Анча йиллар бурун. Янги уйланган пайтларим эди... Ўшанда ҳам ўз хоҳишим билан қилганим йўқ бу ишни.

– Нима, мажбурлашдимиз?

– Шунга якинроқ.

Капитан ҳиринглаб кулди.

– Аёл бўлганингизда бу гапингизни тушунса бўларди. Лекин эркак зотини хотин киши мажбурлабди, деган гапга ким ишонади?

– Рости, бир бева аёл эди. «Кет» десам йиғлади. Шундан сўнг...

– Бу гапни хотинингиз эшитганмиди?

– Йўқ.

– Тўғриси айтгаверинг. Балки шу сабабли хотинингиз билан тез-тез жанжаллашиб тургандирсиз?

– Бирон марта жанжаллашганимиз йўқ. Мен неча марта унга бу гапни айтишга чоғландим, лекин уни хафа қилиб қўйишдан қўрқдим.

– Ўртоқ Мирзамуротов! – деди капитан қўлидаги ручкасини қоғознинг устига қўйиб. – Бунақа чўпчакларингизни талабаларингизга айтасиз. Бизни алдайман деб хомтама бўлманг. Вақтимни олмай, тўғриси айтинг, хотинингизни қандай қилиб ўлдирдингиз? Жасадини қаерга яширддингиз? Отининг ичига қўмдингизми ёки Қизкетган каналига ташладингизми?

– Мен сизга бундан ортиқ жавоб беролмайман! – деб Ўтамурот газаб билан ўрнидан туриб кетди.

– Ўтиринг! – деди капитан ҳам қаддини ростлаб. – Жавоб бермоқ тугул, ҳали маймун бўлиб ўйинга тушиб кетасиз!.. Сержант!

Хонага сержант кириб келди.

– Олиб бориб, қамаб қўйинг!

Сержант Ўтамуротнинг қўлига кишан солиб, камерага бошлади. Шундан сўнг уч кунгача ҳеч ким ундан хабар олмади. Шанба куни чошгоҳга яқин икки милиционер Ўтамуротни уйига етаклаб келиб, хоналарни, ховлини тинтув қилишди. Болалари Ўтамуротнинг қўлида кишан билан келганини кўриб, қўрққанларидан бақадек қотиб қолишди. Кейинги ҳафтадан сўроқ янада кучайтирилди.

– Хўш, ёдингизга тушдимиз? Гапиринг!

– Бор гапни айтганман.

– Қайсарлигингиз ўзингизга зиён.

Ўтамурот индамади.

– Оилада пул кимнинг қўлида турарди?

– Хотинимнинг.

Капитан яна ҳиринглаб кулди.

– Ё мен аҳмоқман, ё сиз ўлгудай қув одамсиз!.. Кимсан – фан доктори, профессор бўла туриб, топган-тутганингизни саводсиз хотинингизнинг қўлига тутқазиб қўярмидингиз! Шу жавобингиз билан нимага эришаман деб ўйлаяпсиз? Ҳозир изоляторга ташлаб, ёнингизга каллакесарлардан бирини қўшиб қўйсам, эрталабгача нақ булбул бўлиб сайрайсиз! У сизнинг илмий даражангизни сўраб ўтирмайди.

– Бунинг учун ўзингиз ҳам қонун олдида жавоб беришингизни биласизми?

– Турманинг ёзилмаган қонунлари бўлади, ёшулли! Мен жавоб бергунимча сиз бир мучангиздан айриласиз, ёки ақли заиф бўлиб қоласиз. Ундан кўра, тўғриси айтиб қўя қолинг. Барибир айтмаганингизга қўймаймиз.

Ўтамурот индамади.

– Кутиб турирман! – дея зуғум қилди капитан.

– Кутмай қўя қолинг, менинг бошқа айтадиган гапим йўқ.

- Сержант!
- Сержант кирди.
- Гувоҳни олиб кириңг.
- Ўтамурот хайрон бўлди. Қанақа гувоҳ?
- Ташқаридан қўшниси Ўроқбой кириб келди.
- Сиз бу одамни танийсизми? - деди капитан унга юзланиб.
- Танийман.
- Ким бу?
- Мирзамуротов Ўтамурот, менинг қўшним.
- Буларнинг оиласи ҳақида нималарни биласиз?
- Ҳеч нарса!
- Ўжарлик қилма! Кечаги кўрсатмаларингни такрорла!
- Кеча нима дедим?
- Мен сендан сўраяпман!
- Кеча сизга ҳеч нарса деганим йўқ. Тухмат қилманг одамга!
- Капитан яна сержантни чақирди.
- Икковиниям олиб бориб қамаб қўйиңг.
- Мени қамашга ҳаққингиз йўқ! - деди Ўроқбой гезариб.
- Ҳаққингни танитиб қўяман сенга!.. Олиб чиқиңг.

Ўтамурот Ўроқбойнинг нима деб кўрсатма берганини билолмай хайрон эди. Аммо уларни бошқа юзлаштиришмади.

Уч кундан кейин Ўроқбойни қўйиб юборишди. Ўтамуротни эса бир ой хибсда ушлашди. Окшомлари ўрнидан тургазиб тергов қилишди, тонг отмасдан уйғотиб сўроққа тутишди. Бироқ ҳеч бир янги гап олишолмади. Унда терговчига айтадиган янги гапнинг ўзи йўқ эди. Шу тариқа Равшаннинг бедарак йўқолиши сабаби очилмасдан колаверди.

Ўтамурот қамоқдан чиқиб келган куни қўни-қўшнилар билан оқсоқоллар йиғилиб келиб, ундан

кўнгил сўрашди. У қамокда ётиб, фарзандларини жуда соғиниб қолган эди, қизлари, ўғилларини бирма-бир бағрига босиб, ич-ичидан йиғлади. Бирок уларга буни сездирмади. Ойхон ҳам, Сағийда ҳам, Ажимурот ҳам ундан ниманидир яшираётганга ўхшарди. Отамурот эса ҳали гўдак. Ҳеч нарса билан иши йўқ.

– Моҳийда қани? – дея сўради Ўтамурот Сағийдадан.

Қизи ерга қаради.

– Ўтамурот иним, – дея гап бошлади маҳалла оқсоқоли, – ота-боболаримиз «қиз боланинг ақли икки кўзида», дейишган. Икки кун бурун Моҳийда Меденбой деган аспирант йигит билан бирга кетиб қолибди. Кечадан бери қудалар қайта-қайта келиб, хабар олиб туришибди. Эрталаб ўзлари ҳам келиб қолишса керак.

Ўтамурот ҳайратдан лол бўлиб қолди. Моҳийданинг онаси бедарак йўқолган, отаси қамокда ўтирган бир пайтда, бунинг устига, туғишган опаси Сағийдадан бурун кетиб қолгани унга жуда қаттиқ ботган эди. Равшан ёнида бўлганида, «онасининг ўзи гаплашиб қўяр, ишқилиб, бахтини берсин» деб қўя қолган бўларди.

Меденбой – ўзининг шогирдларидан. Тилли-жағли, чаққон, абжир йигит. Лекин унинг юриш-туриши, хатти-ҳаракатлари илмга кўнгилхуши учунгина кириб қолган одамникига ўхшарди.

– Мақсадсиз илм йўлига кириш – ақчасиз бозор оралаш билан баравар, ўғлим, – деб унга насиҳат қилган эди Ўтамурот бир гал. У эса «бу гап менга тааллуқли эмас» дегандай шарақлаб кулиб юборганди. Ўшандаёқ Ўтамурот бу йигитнинг насиҳат уқадиганлар тоифасидан эмаслигини пайқаган эди. Келиб-келиб шу йигит унга қуёв бўладими!.. Лекин иложинг қанча, осмон йироқ, ер қаттиқ! Ўз бармоғингни ўзинг кесолмайсан!

Овқат ейилиб, дастурхон йиғиштириб олин-
гач, қўшнилар хонадонга хайр-барака тилаб дуо
қилишиб, уйларига тарқалишди.

Ўроқбой остонада бироз иккиланиб турди-да,
бошқалар чиқиб кетгач, ортига бурилди.

— Ўтамурот оға, ўша кунги воқеадан сўнг мен-
дан гумонсираб қолган бўлишингиз мумкин, — деди
у. — Терговчининг ўзи жуда қизиқ йигит экан. Ас-
лида бир кун аввал мен унга ҳеч қандай кўрсатма
берганим йўқ. У фақатгина, «эртага сени қўшнинг
билан юзлаштираман» деган гапни айтган эди.
Ўшандаёқ уларнинг нияти бузук эди. «Қўшним
хотинини болта кўтариб қувиб юрганини икки-уч
марта кўрганман, деб айтасан. Кейин уни қамаб
юборамиз» дейишди. Ўшанда мен индамадим. Йўқ,
десам изоляторга олиб кириб калтаклашлари аниқ
эди. Менинг саводим йўқ, мени уришдан ҳам той-
масди улар.

Ўтамурот Ўроқбойга ҳеч нарса демади. Лекин
унинг гапларига ҳам унчалик ишонмади. «Балки
кўрсатма берган бўлиши ҳам мумкин, уни кўрқитиб,
шунга мажбур қилишгандир» деган ўй кечди хаё-
лидан. Лекин шу заҳоти бу фикридан қайтди.
Агар чиндан ҳам шундай бўлганида Ўроқбойни
осонликча қўйиб юборишмасди.

Ўтамурот билан очиқчасига гаплашиб олгач,
Ўроқбай кетишга чоғланди.

— Ёшулли, сизга бир гап айтмоқчи эдим, —
деди у остонада яна ортига бурилиб.

Ўтамурот унга савол назари билан қаради.

— Тезроқ бу ердан кўчиб кетинг!

Бир муддат орага сукунат чўкди.

— Нега? — деди Ўтамурот ниҳоят тилга кириб.

— Бу уй — хосиятсиз уй! Бу ерда сиздан олдин
яшаган одамнинг хотинини ҳам жин чалиб кетган
эди. Уни даволатаман деб югуриб юрганида ўнинчи
синфда ўқийдиган ўғли сувга чўкиб ўлди. Лекин

у бундан ҳам сабоқ чиқармади. Оқибатда учинчи синфдаги қизини машина босиб кетди. Шундан кейингина у уй-жойини ўзгартиришга мажбур бўлди. Навбат сизга келганга ўхшайди. Тезроқ бу ҳовлидан кўчиб кетинг!

Ўтамурот ўша куни тонггача киприк қоқмай чиқди. Уни яна қандай бахтсизлик кутиб турган экан? Агар болаларига бир гап бўлса, у буни кўтаролмайди. Чиндан ҳам, тезроқ бу ердан кўчмаса бўлмайдиганга ўхшайди.

Ўтамурот ўша куни эрталаб шаҳар Ижроия комитети раҳбарининг қабулига кирди.

– Бир ой сабр қилинг, – деди у. – Янги қурилаётган уй битгач, ўзингизга ёққан квартирани танлаб оласиз. Сизнинг илмингиз бизга керак.

Бир ой Ўтамурот учун бир йилга чўзилгандай бўлди. У эрталаб ишга кетиб, пешинда яна уйига ошиқар, тушдан кейин идорага бориб, кечгача зўрға чидар эди. Бурунгидай кечкурунлари институтда қолиб ишлашни ҳам йиғиштирди. Ҳар гал болаларининг соғ-саломат ўтиришганини ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилмагунча кўнгли тинчимас эди.

Ниҳоят, у орзиқиб кутган кун ҳам етиб келди. Ўтамурот кўзига балодек кўриниб қолган кўримсизгина ҳовлиси эшигига кулф уриб, янги микрорайонга кўчди. Шундан кейингина бироз кўнгли тинчиди. Бу орада қизи Моҳийда ва Меденбойнинг тўйлари бўлиб ўтди. Лекин Ўтамурот бу тўйга бормади. Шу топда у кўнглига тўй сифадиган аҳволда эмасди.

Кунлардан бирида шаҳарда дув-дув гап тарқалди:

– Ўнғар деган мелиса қўшнисини отиб қўйибди!

Дастлаб Ўтамуротнинг хаёлидан «бу одам собик қўшнимиз, лейтенант Ўнғар эмасмикин» деган фикр кечди-ю, лекин унинг қўй оғзидан чўп олмайдиган беозор одам эканлигини ўйлаб, бу фикридан қайтди. Аммо котил чиндан ҳам ўша Ўнғар бўлиб

чикди. Тез орада унинг суди бўлиб ўтди. Судга Ўтамурот ҳам борди. Боргани яхши бўлган экан. Ўша ерда Равшаннинг ҳам дараги чикди.

– Айбланувчи Турдимуротов, қилган жиноятингизни бўйингизга оласизми? – сўради судья.

– Бўйнимга оламан, – деди Ўнғар.

– Нима учун қўшнингиз Оспанов Ўрокбойни отдингиз?

– Хотиним Олмагул билан хиёнат қилаётганининг устидан чикдим.

– Гувоҳ Соғиндиқова, айбланувчи Турдимуротовнинг шу гапини тасдиқлайсизми?

– Тасдиқлайман...

– Оспанов сизни мажбурлаганмиди, ёки бу иш икковингизнинг хоҳишингиз билан рўй берганмиди?

– Хоҳишимиз билан!

– Лаънати! – деб ўрnidан туриб кетди Ўнғар. – Нега ўша пайтда унга қўшиб сени ҳам отиб ташламадим!

– Тинчланинг! – дея Ўнғарга дашном берди судья. Сўнг яна аёлга юзланди. – Нега бундай йўл тутдингиз? Бошингизда эрингиз бўла туриб, нима учун унга хиёнат қилдингиз?

– Эрим ўлганидан кейин мен овулда кўп ўтиролмай, Ўрокбойнинг онаси Норча холамининг уйига тез-тез келиб турардим. Бир гал Норча холамининг менга: «Олмагул, ёлғиз ўғлим бефарзанд ўтаяпти. Уни барибир анави қисир хотинидан ажратиб оламан. Кейин сени келин қиламан. Холаваччалар бир-бири билан турмуш қурса бўлавадими», деди. Шу гап Ўрокбойнинг қулоғига чалиниб қолувди. Бир куни уйда иккаламиз холи қолганимизда у зўрлик билан номусимга тегди. Барибир менга уйланади-ку, деган хаёлда эдим. Бироқ у хотини Нигорни яхши кўраркан. Бир куни у менга хотини билан ажрашолмаслигини рўйирост айтди. Бироқ Нигор иккаласи фарзанд кўрмаслиги ҳам

аниқ экан. Духтирлар аллақачон шундай деб айтишган экан.

– Мен фарзанд кўришим мумкин, шунинг учун бола асраб олмаяпмиз. Ўз боламни бағримга босиб ўтиргим келади. Ана шу болани сен туғиб берасан, – деди у.

Менинг Ўнғар билан танишиб, унга турмушга чиқишимга ҳам Ўроқбойнинг ўзи сабабчи бўлган эди. Дастлаб эгизак фарзанд кўрганимда у, «қайси бири менинг болам?», деб сўради.

– Иккови ҳам сеники эмас, – дедим.

Сўнг тез-тез учрашиб турдик. Бир куни уйимга келганида, эшикни қулфлашни унутибмиз. Кутилмаганда хонага Равшан чечам кириб қолди.

– Вой, шўрим, бу қандай шармандалик! – деб у дарҳол ортига тисарилди.

Ўроқбой ўрнидан сапчиб туриб, чечамнинг қўлидан ушлади.

– Янга, биздан бир аҳмоқлик ўтди, бизларни кечиринг, – дея ялинишга тушди.

– Бузук экансиз-ку, бетингиз курсин! Биз бу ердан кўчамиз! – деб Равшан чечам олди-ортига карамай кета бошлади.

– Тўхтаг! Тўхтаг деяпман, янга!

– Йўлимни тўсма! Ҳе, қоранг ўчгур! – деб у ортига бурилиб ҳам қарамасдан эшикдан чиқа бошлади.

Шу пайт Ўроқбой шимидан камарини суғуриб олиб, Равшан чечамнинг бўйнига солди. Бояқиш жон аччиғида камарга ёпишди. Бироқ Ўроқбойга кучи етмади. Бироздан сўнг чечамнинг жонсиз танаши полга қулади...

– Кейин унинг жасадини нима қилдингиз? – сўради судья.

– Анчадан бери офилхонада бир новвос боғлаб боқётган эдик. Ўроқбойнинг гапи билан жониворни чорбокқа етаклаб чиқдим. У эса новвос

боғланган жойдан одамнинг танаси сиққудай чуқур қазиди. Мен эшик-туйнукни тамбалаб, ташқарида пойлоқчилик қилиб турдим. Бу пайтда эгизакларим ухлаб ётган эди.

Ўроқбой Равшан чечамнинг жасадини ўша чуқурга кўмди. Устига новвоснинг охуридан чиққан нишхўртни ёзиб, текислаб қўйди. Шусиз ҳам новвоснинг ўт-сувига мендан бошқа ҳеч ким қарамасди. Равшан чечам бедарак йўқолгач, уни роса кидиришди. Лекин Ўнғар мелисада ишлагани учун ҳеч ким биздан гумонсирамади.

– Шу воқеадан кейин ҳам ўртадаги алоқани узмадингизми?

– Ўроқбой «ўғил туғиб берасан», деб туриб олди.

– Ўғил туққанингизда ҳам фарзандингиз уники эканлигини қандай исботлардингиз?

– Аёл киши кимдан фарзанд кўрганини билмаслиги мумкинми?

– Хўп, ундан ўғил кўрган тақдирингизда ҳам эрингиз болани бегонага бериб қўярмиди?

– Берарди. Иккаласи неча марта бирга ичиб ўтириб, шунга ваъдалашганларини ўз қулоғим билан эшитганман.

– Қотиллик қай тариқа юз берди?

– Ўша куни Ўнғар Устюртдаги Жақсилиқ станциясига борамиз, деб барвақт уйдан чиқиб кетди. Бироқ нима учундир чошгоҳга яқин қайтиб келиб қолди. Бу пайтда эшик қулфлоглиқ эди. У бир зарб билан эшикнинг зулфини юлиб олди. Буёғига Равшан чечам келиб қолгандаги каби ҳолат такрорланди. Бизнинг юзи қорачилигимизни кўргач, у бирдан пистолетини филофидан чиқарди. Ўроқбой ялинганча ортига тисарила бошлади. Ўнғарнинг қўлидаги қуролдан ҳайикиб, унга ҳамла қилолмади, қолаверса, кучи етмаслиги ҳам аниқ эди.

Ўнғар ғазаб билан тепкини босиб юборди. Ўқ Ўроқбойнинг пешонасига тегди. Ўроқбой турган жойида сапчиб тушиб, ерга юзтубан қулади. Шундан

сўнг эрим пистолетини менга ўқталди. Ичида ўқи бор-йўқлигини билмайман. Мен «килт» этмай қотиб туравердим. Такдирга тан берган эдим. У бир муддат менга гезариб тикилиб турди-да, сўнг қуролини фило-фига жойлаб, югуриб уйдан чиқиб кетди. Ташқарида яна икки нафар милиционер бор экан. Бироздан сўнг улар ичкарига кириб, Ўроқбойнинг жасадини суратга олишди. Бор гап шу.

– Сиз нима учун дастлабки терговда Равшаннинг ўлими билан боғлиқ воқеани айтмаган эдингиз?

– Билмайман...

– Суд қайта терговга қолдирилади.

Ўша кунгидек Ўнғарнинг молхопаси қазилиб, Равшаннинг жасади чиқариб олинди. Суд-гиббйёт экспертизасидан сўнг Ўтамурот хотинининг суяқларини қайтадан дафн этиш учун рухсат олди. Уни Азлар бобо қабристонига қўйишгач, қариндош-уруғларни йиғиб, маъракасини ўтказди...

Равшаннинг аллақачон ўлгани аниқ-таниқ ёдига тушгандан кейингина Ўтамурот ўзининг хушига кел-лаётганини пайқади. Боягина ўғли Ажимурот нима учун «Онам аллақачон ўлган», деб жавоб бермаганининг сабабини ҳам тушунди. У неча кундан бери худ-бехуд бўлиб ётган чолнинг бу гапни дафъатан ақлига сиғдирилмаслигини билган экан-да.

Ўшандан бери орадан ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтибди. Бу орада Ўтамурот ўғил-қизларининг ҳаммасини уйли-жойли қилди. Невараларининг олди Америкада ўқишяпти. Республика раҳбарлари ҳурмати-ни жойига қўйиб, унга коттеждан жой беришди, машина ажратилди. Саксон ёшгача машинасини ўзи ҳайдаб юрди. Кейинроқ кўзлари хиралашиб қолгач, рулга ўтиришни бас қилиб, машинани Ажимуротга берди. Дастлабки пайтларда у отасини айтган жойига олиб бориб юрди. Сўнг Ўтамуротнинг ўзи ўғлига рухсат берди. Чунки эндиликда Ўтамурот ўз ихтиёри билан бирон жойга боравермас, мажлис-маъракаларга таклиф қилишса, ўзлари олиб кетиб, яна

кайтириб олиб келиб қўйишарди. Институтда ишлаб юрган вақтларида эса идоранинг машинаси хизматида бўларди.

Ўтамурот ўз умридан рози эди. Лекин кейинги ўттиз йилдан зиёдроқ вақт ичида, гарчи эл-улусга аралашиб юрган бўлса-да, у мудом ўзини ёлғиз ҳис қилиб яшади. Ҳеч ким билан дилдан сирлаша олмас, болаларига ҳам дардини ёришга тортинар эди. Равшансиз кечган ҳаётида мудом унга нимадир етишмасди.

– Ажимурот! – деди Ўтамурот овози хириллаб.

Ажимурот билан Жумабой ёнига етиб келишди.

– Лаббай, ота!

– Ёнимга ўтир.

Иккаласи чолнинг ёнига тиз чўкиб ўтиришди.

– Менинг ҳам ҳаётим охирлаб қолди...

– Ундай деманг, ота!

– Жим, отангнинг гапини бўлма! – деди Жумабой Ажимуротга. – У кишининг васиятини эшитиб қолайлик.

– Мен жуда узоқ яшадим, ўғлим. Лекин худо берган умрни беҳуда совурганим ҳам йўқ. Энди онагнинг ёнига борадиган вақтим етди. Васиятим – маъракаларимни мусулмончилик шартларига риоя қилиб адо эт. Вақтида бизлар қип-қизил атеист бўлдик, худонинг ўзи кечирсин! Шароит бизни шунга мажбур қилган эди... Маккага бориб туриб, Каъбатуллоҳни зиёрат қилмай қайтганимга ҳалигача ўкинаман. Балки бундай улўф зиёратга сизларнинг туз-насибангиз тортар...

Илм йўлида олтмиш йилдан зиёдроқ хизмат қилибман. Бу йўлда амалга оширган ишларимдан элим рози бўлса, ўзим ҳам розиман. Беш-олти нафар фан докторларига, йигирмадан ошиқ фан номзодларига устозлик қилдим. Ўттиз иккитами... ҳа-ҳа, ўттиз иккита китоб ёздим. Бултур ҳисоблаганимда илмий мақолаларимнинг сони уч юзга етиб қолган

эди. Лекин аниқ сонини билмайман. Шахсий кутубхонамда беш ярим мингдан кўпроқ китобларим бор. Уларни биронта кутубхонага совға қил. Кейинги авлодларга хизмат қилсин.

– Ота, сизнинг уй-музейингизни ташкил қилиб, китобларни ўша ерга қўйасан-чи?

– Йўқ. Уй-музейга китобларнинг кераги йўқ. Мабодо раҳбарларнинг розилигини олиб шундай музей очсанг, у ерга ёзув столини, машинкални, стол чирокимни қўясан. Бўлмаса, буям шарт эмас. Мендан бурун ҳам кўп олимлар ўтишган, мендан кейин ҳам ўтишади. Уларнинг ҳаммасига уй-музейининг нима зарурати бор?.. Кутубхонамга кирсанг, ўнг тарафдаги жавоннинг энг юқорисида эски портфелим турибди. Унинг ичида машинкада кўчирилган ўн бир бетлик мақолам бор. Ўшани кундалик нашрлардан бирига берарсан. Ўтган саксонинчи-тўқсонинчи йиллар «текканга тегиб, тегмаганга кесак отиладиган» замон бўлди. Ўшанда атрофимда юрган баъзи дўстларим кетмакет мен ҳақимда «плагиат, кўчирмакаш», «обком котибининг илмий мақолаларини ўғирлаган» деган мазмундаги тухмат мақолалар чоп этишди. Ўша обком котиби Сейтмуратов ҳам аллақачон қазо қилиб кетди. «Кулон кудукқа қуласа, қулоғида қурбака уймалашади» деганларидай, у одам энди тирилик келиб, ҳақиқатни айта олмайди. Мен ҳам ўзимнинг ҳақлигимни исботлаб ёзган мақоламни ҳеч қаерда нашр қилдира олмаган эдим. Ҳар қалай, жамоатчилик ўша ифволарга учиб, мени ўғрига чиқариб қўймади. Шундай бўлса ҳам ўша мақолани чоп эттириб, менинг виждоним тоза эканлигини исботла, ўғлим. Мен ўлганимдан сўнг мақолаларим ҳам табаррук бўлади.

Чап томондаги жавоннинг пастки тоқчасида икки жилдлик қўлёзмаларим бор. Уни биронта қалами ўткирроқ ёзувчига элтиб бер. Ўқиб кўрсин. Маъқул тушса, бирон нарса қоралар... Ўша қўлёзмаларда

болалик даврларимдан то охиратга йўл оладиган кунимгача ўтган умрим баёни битилган. Йиқилишимдан уч-тўрт кун бурун унга: «Энди етар» деган жумла билан пуқта қўйган эдим.

– Ота, уни бировларга беришнинг нима кераги бор? – деди Ажимурот. – Қўлёзмаларингизни шу холича нашр қилдирсак бўлмасмикин? Ахир, ўзингиз ҳам китоб ёзиб юрган одамсиз-ку?

– Йўқ, болам. Мен ёзган бўлсам, илмий китоблар ёзганман. Илмий китоб деганларини ҳаммаям бирдай тушунавермайди. Ёзувчининг тили етти яшар гўдақдан тортиб, етмиш яшар чолгача бирдай тушунарли, бирдай татимли келади...

Ўтамурот дафъатан энтикиб, тили бироз айланмай қолди.

– Ота, бироз дамингизни олинг, – деди Жумабой безовталаниб.

– Эй, болаларим-а, бундан буёғига биратўла дам оламан деб турибман-ку. Аллоҳ таоло тилдан қолдирмасдан бурун кўнглимдаги гапларимни айтиб қолишим керак...

Ўтамурот яна бир бор тин олди.

– Отамурот келдимизми? – дея сўради сўнг.

– Бугун етиб келади, ота.

– Неварам-чи?

– Иккаласи бирга келишаяпти.

– Уйқум келаяпти, Ажимурот. Иккаласининг юзини бир-бир сийпалаб, ҳидларини ҳидласам, кейин бемалол оёқни узатиб ухлардим.

– Яна бироз чиданг, ота. Иккаласи бугун кечки самолётда етиб келишади.

– Ажимурот! – деди Ўтамурот овози хириллаб. – Мени алдашга уринма. Мен сенга бирон марта ёлғон гапирмадим, муштдай гўдаклигингдан рост сўзлашга ўргатдим.

– Гапимга ишонинг, ота, сизни алдаётганим йўқ.

Чиндан ҳам Отамурот билан Сейтмурот шу куни кечкурун етиб келишлари керак эди. Ҳамма «улар

келгунича отамизга куч-кувват берсин», деб худодан тилаб ўтиришган эди...

Отасининг хушига келганидан хабар топган қизлари ҳам шоша-пиша хонага кириб келишди. Улар чолга товук шўрва пиширишган эди. Ўтамурот ярим пиёла шўрвани зўрға ичди. Товук гўштининг юмшоқроқ жойидан узиб оғзига солган эди, чайнай олмади. Икки ҳафтадан бери томиридан юборилаётган дори-дармонлар билангина қувватини сақлаб турган чолнинг гўшт чайнагудек кучи йўқ эди. Қизлар гўштни унинг оғзидан қайтариб олишди.

Отамурот билан Сейтмурот уйга кириб келишганида Ўтамурот эшикка нигорон термилиб ётар, лекин хиралашиб қолган кўзлари икки-уч қадам наридаги одамни ажрага олмасди.

- Эшик очилдими? – деб сўради у ёнидагилардан.
- Ота, мен келдим!
- Ота!..

Ўтамурот ўзи интиқ кутиб ётган одамларни овозидан таниди.

– Айланайин, болажонларим, қаердасизлар? Яқинроқ келинглар, дийдорингизга бир тўйайин!

Ўтамурот қоқсуяк қўлларини олдинга чўзди. Ўғли билан невараси бирин-кетин чолга юзларини тутишди. Ўтамурот куруқшаб, ковжираб қолган лаблари билан болаларини бирма-бир ўпди.

– Сизлардан мингдан-минг розиман, болаларим! Ҳаммангиздан розиман! Дийдор насиб қилган Аллоҳга шукур! Энди ёстиғимни пасайтиринглар, бироз мизғиб олай. Жудаям уйқум келаяпти.

Фарзандлар музтар кайфиятда унинг ёстиғини пасайтиришди. Ўтамурот шивирдаганча калима қайтарди, яна нимадир демоқчи бўлиб лабларини ҳолсиз кимтиди-да, сўнг чуқур тин олиб, уйқуга кетди.

У шу ётганича бир кеча-кундуз ухлади. Бу унинг энг сўнги, охираат уйқуси эди.

19529с. 257

ОХИРАТ
уйқуси



МУРАТБАЙ
НИЗАНОВ

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-25-507-4



9 789943 255074